

81-633  
T49

374

# ТИЛ ВА АДАБИЁТ

таълимнинг долзарб масалалари

*илмий-амалий конференция  
материаллари*



FF0000018554

2



*Профессор Роза НИЁЗМЕТОВА*

81,633.1

T49

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

# ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

(назария, методика, технология)  
илмий-амалий конференция материаллари

2

6 орин/90

Nizomiy nomli  
T D P U  
kutubxonasi

924957  
Ш 6 М утмас

924957-58.2

Ўзбекистон Республикаси  
Миллий ахборот-ресурс маркази

1

8778 8735

ТОШКЕНТ 2013

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
TeshDO TAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

**Тақризчилар:**

М.Мирқосимова, *ТДПУ профессори,  
педагогика фанлари доктори*  
Н.Йўлдошева *ТВУМОКТИ проректори,  
педагогика фанлари номзоди, доцент*

Ушбу тўплам профессор Роза Ниёзметованинг 50 йиллик юбилейига бағишланган бўлиб, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ўстиришнинг илмий-методик жиҳатларини қамраб олади. Унда тил ва адабиёт ўқув предметлари асосидаги назарий ҳамда амалий қарашлар акс этган.

*Мақолаларнинг илмий-назарий ҳамда методик савияси учун муаллифнинг ўзи масъулдир.*

**Таҳрир хайъати:**

И.Азимов, Г.Ашурова, У.И.Иноятов (бош муҳаррир),  
Н.Маҳмудов, К.Муллахўжаева, С.Мухамедова, О.Охунжонова,  
М.Сапарниёзова, Ж.Тоҳиров (бош муҳаррир ўринбосари), Б.Тўхлиев  
(масъул муҳаррир), Қ.Қахрамонов, Х.Ҳомидов.

Муҳаррир: Б.Ботиров, Техник муҳаррир: Л.Ҳажибеков, Дизайнер:  
Б.Тўхлиев, Саҳифаловчи: Н. Раҳмонов. Босишга 2013 йил 25 январда  
руҳсат этилди. Бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> Times гарнитураси. Офсет босма.  
Шартли б.т.: 15. Адади 200 нусха. Буюртма № 3.

«ВАУОЗ» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.  
100100, Тошкент. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

Тўплам Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети  
илмий кенгашининг қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Низомий номидаги ТДПУ 2013



## Сизга айтар сўзим



### **ЖОНКУЯР РАҲБАР ВА ОЛИМА**

**М. Миркосимова, ТДПУ, пед. ф. д, профессор**

Одамларнинг эзгу мақсадларга эришишлари қанчадан-қанча синовларни енгиб, турли-туман тўсиқлардан ўтишни талаб этади. Мақсад собит, ирода мустаҳкам, сабр-бардош етарли бўлса, мақсад йўлидан ҳеч қачон ортга қайтилмайди. Ҳаётнинг бу каби фалсафаси моҳиятини кўпинча умринг давомида англайсан. Аниқроғи, ўз мақсадинг учун кураш-интилишлар жараёнида тушунасан. Зотан, фаслларнинг алмашинуви, тун кетидан тонг отиши, кечагина экилган ниҳолнинг қиш аёзларига, ёмғир-у дўлларига, саратон иссиқларига дош бериб, осмонга бўй чўзиши шу ҳикматнинг ҳаётий ифодаси. Ниҳолнинг илдиз отиб, ҳосилга кириши учун тупроқ, шарт-шароит қаторида боғбон меҳри ҳам зарур. Бинобарин, меҳр берилган ниҳол, меҳр пайвандланган хонадон, меҳр-муҳаббат билан барпо этилган оила шу муқаддас туйғу тафти билан мустаҳкамлик касб этади. Аёл қалби оламга меҳр беришга қодир, аммо бир сиқим меҳрга зор бўлади. Бор меҳрини яқинларига улашади, улардан эса жуда оз нарса кутади. Аёл шундай яралган. У давлат раҳбари, фан арбоби бўладими ҳамиша меҳрга, оддий эътиборга ташна.

Кечагина қисиниб-қимтиниб илм қилмоқлик ниятида улуглар юрти Хоразмдан келиб, “игна билан қудук қазиб”, ўз эзгу мақсадларига тўла-тўқис эришиб келаётган Розахоним Ниёзметованинг ўзбек методист олимлари сафидан ўз ўрнини эгаллаши ҳам осон кечгани йўқ. 1995 йилда Розахоним билан Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ аспиранти сифатида танишган бўлсам, қарийб йигирма йилдан бери у илм йўлида илмий-иждоий фаолиятини давом эттириб, юздан зиёд илмий назарий ва методик мақолалари, монография, дарсликлари, услубий қўлланмалари, билан эл назарига, устозлар эътиборига, жамоатчилик ҳурматиغا сазовор бўлиб келаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Бу ютуқларнинг эгаси бўлиш учун олима илм йўлидаги заҳматларга, синовларга сабр-бардошли бўлди. Устози меҳрини қозонди, ҳамкасбларининг ишончини оқлаш учун сидқидилдан меҳнат қилди, изланди. Илмдаги ўз йўлини ўз илмий ғояларини яратиш, кашф этиш орқали топди. Бугун эса унинг ўзи устоз. Икки фан номзоди,

ўнлаб магистрларга раҳбарлик қилиб, шоғирдлари ҳам ўзи каби илмда ўрнини топишида меҳрини, эътиборини аямаяпти.

Тошкент Давлат педагогика Университети “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси раҳбари, ихтисослашган химоя кенгаши, илмий семинар аъзоси, ЎзР “Таълим маркази” қошидаги методик кенгашнинг фаол иштирокчиларидан бири, педагогика фанлари доктори, профессор Розахон Ниёзметова “Рус гуруҳларида ўзбек адабиётини ўқитиш”, “Ўзбек тили дарсларида янги ўзбек адабиётини ўқитиш масалалари”ни изчил тадқиқ этиб келаётир. Унинг илмий рисола ва монографияларида ҳам адабиёт ўқитишнинг методик асослари ўқув режаси, дарсликлар, методик адабиётлар таҳлили, методика соҳасидаги ютуқлар, тажрибалар қиссида ўрганилган. Давлат тилини замон талаблари асосида ўқитишнинг назарий қирраларини ёритар экан, олима эътиборимизни ўзбек тили дарсларида адабий материалларга мурожаат қилиш орқали таълим-тарбия мазмунини такомиллаштириш ва бойитиш мумкинлигига қаратади. Тўғри танланган ҳамда дарснинг мақсади билан вазифаларига мос тушувчи адабий материаллар тилнинг лексик, грамматик хусусиятларинигина эмас, ўзига хослигини, миллий жозибасини русийзабон ўқувчиларга ҳис қилиб аңлатиш воситаси бўлиб хизмат қилишни асослаб ёзади: “... таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўқувчилари учун адабий материал мазмунини белгилаш принциплари адабий таълим нуктаи назаридан ўрганилиб, асосий йўналишларни кўрсатиб берадиган ҳолатда тайин этилмаган. Бугун таълим мазмунига сара бадий асарлар киритишга ҳаракат қилинган бўлсада, адабий материалларнинг муайян қисми ўқувчиларнинг ёши ва билим савиясига мос равишда, ахлоқий, маънавий тарбия талаблари наўтаи назаридан ҳеч бўлмаганда ўзга адабиётни ўқитиш методикасида ишлаб чиқилган мавжуд умумий принциплар асосида танланмаган. Шунингдек, назарий асарларни ўрганиш кеч бошланмоқда; бундай асарлардан олинadиган парчаларнинг ҳажми, мазмуний мукамаллиги каби масалаларга етарли эътибор берилаётгани йўқ”<sup>1</sup>.

Бадий баркамол асарларни русийзабон ўқувчиларга тақдим этишгана ўзбек тили ўқитиш самарадорлигини таъмин этмаслиги, балки, бу асарлар ёки адабий-бадий парчалар мазмунини ўқувчилар тўла идрок этиб тушунишлари учун ўқувчининг сўз бойлиги ва тил билимидаги камчиликларни бартараф этиш зарурлигини олима куюнчаклик билан ёритган. “Ўзбек тили” дарсларида “луғат ши”ни йўлга қўйиш, тил ўргатишни ўзбек адабиёти билан боғлаб ташкил

<sup>1</sup> Роза Ниёзметова. Ўзбек тили дарсларида янги ўзбек адабиётини ўқитиш масалалари. Методик қўлланма. (тўлдирилган 2- насри) Т.: 2010. 5-б.

этишдаги асосий камчиликлар тўғри кўрсатилиб, таълим босқичлари учун луғат минимумларини тузиш мақсадга мувофиқлиги олима томонидан методик тавсиялар ва кўрсатмалар тарзида тақдим этилган. Ўзбек адабиёти намуналарини ўргатишда русийзабон ўқувчиларнинг адабий тайёргарлигини босқичма-босқич таъминлаш, такомиллаштирилиб бориши зарурлиги ҳам олима томонидан назарий асосланган.

Роза Ниёзметованинг таълим босқичларида “Ўзбек адабиёти”ни ўқитиш масалалари таҳлиliga йўналтирилган докторлик диссертацияси ва монографияларида ҳам ана шу илмий назарий концепция илгари сурилган. Олима русийзабон мактаблар учун ҳаммуаллифликда яритилган “Ўзбек тили” дарсликлари орқали айна назарий ғояларни амалиётга тадбиқ этди.

Профессор Р.Ниёзметова фаолиятининг яна бир киррасини унинг республикадаги таниқли методист олимлар жамланган йирик кафедрага раҳбарлиги ташкил этади. Раҳбар маданияти, ахлоқи, маънавияти каби сифатлари билан жамоадошларига жонкуярлиги, ҳурмати туфайли у ҳамкасбларининг меҳру эътиборига сазовор бўлди. Қаерда раҳбар ишбилармонлиги, ташкилотчилиги билан намуна кўрсата олса, шу ерда соғлом ижодий муҳит яратилади. Бугун “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедрасида устозимиз Боқижон Тўхлиев ташкил этган услубий мактаб фаолиятининг бардавомлигини Розахон тимсолида кўрамит. Ўз илмий фаолияти, фидойилиги билан ёшларга ибрат бўлиб келаётган жонкуяр раҳбар ва фидойи олимага соғлик-саломатлик, ижодий зафарлар ёр бўлсин.

## ОҚИБАТ

Қозоқбой ЙЎЛДОШ, ЎЗМУ,  
пед. ф. д., профессор

Розани илк бор 1994 йилнинг кузагида кўргандим. У пайтлар Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бўлим мудири бўлиб ишлардим. Кунларнинг бирида Рустам Йўлдошев домла оловдай ёниб турган бир қиз билан кириб келди. Қизнинг отини айтиб, сиртки аспирантим деб таништирди. Бу қиз Роза бўлиб, у рус мактабларида ўзбек адабиёти ўқитиш муаммоси юзасидан номзодлик диссертацияси ёзаётган экан. Бир-икки оғиз сўзлашув Розанинг ўзи танлаган соҳага камоли жиддият билан қарайдиган, шу йўналишда ўзига хос фикрга эга мутахассис эканлигини кўрсатди.

Орадан беш-олти йил ўтгач, Роза номзодлик диссертациясини ёқлади. Диссертация жуда пухта жихозлангани, хатолари йўқлиги, муаммога доир илмда мавжуд деярли барча қарашларга муносабат билдирилгани, ҳар бир фикр мантикий асослангани билан мутахассислар эътиборини тортди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридан Тошкент давлат педагогика университетида ишлай бошлаган Роза ўзининг жуда интизомли ходим, ғайратли ва интилувчан олима, уddaбурон ташкилотчи эканини кўрсатди. У тезда ўзида мавжуд интеллектуал имкониятларни юзага чиқариб, воқеликка айлантира олди. Бунда у тушган илмий-ижодий муҳит ҳам катта аҳамият касб этди, албатта. Номзодликдан сўнг кўп ўтказмай докторлик диссертациясини ёқлади, яна бироздан сўнг профессор илмий унвонига сазовор бўлди. Шунчаки айтилиб кетаётган бу ютуқларга ўз-ўзидан эришиб қолинмайди, албатта. Бу натижалар кучли зўриқиш, тинимсиз изланишларнинг меваси ўлароқ дунёга келади.

Мен салкам йигирма йилдан буён Розани бир қадар билган бўлсам, у ҳамиша шошиб туради, доим қандайдир бир ташвиш билан ошиқиб юради. Эҳтимол, шу шошқинлик ва ошиқиш олима ҳамда инсон Роза эришган ютуқларнинг омилидир. Бир-бирига яқин соҳада ишлаётган касбдош, турли сабаблар билан тез-тез учрашиб турадиган одам сифатида профессор Роза Ниёзметованинг унинг ўз ишига ўта масъулият билан қарashi, пухта ва тиришқоқлиги ҳамда оқибатли одам экани ҳамиша мени қойил қолдиради.

Роза ҳар қандай ишга камоли жиддият билан ёндашади. Ҳеч нарсани қўл учида, шунчаки қилмайди. Эҳтимол, бундай қилолмас ҳам. Дарсларни-ку кўяверинг, унинг талабалар амалиётига ўта жиддий қарашини кўриб ҳайрон қолганман. Амалиёт жараёнида турли

мутахассислар билан учрашувлар ўтказган, ҳар бир амалиётчи-талаба берган сабоқларни истисносиз ўзи кузатган, уларнинг амалиёт ўталаётган мактаб ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишини назорат қилган ва б.қ. Мен, рости гап, олиманинг майда-чуйда кўринган бу ишларга сарфлаётган кучи ва вақтига ачинганман. Аммо миллатни шакллантиришга масъул бўлган ўқитувчи шахсияти ана шундай “майда-чуйда”лардан таркиб топар экан. Демак, демак... бу ишда “майда-чуйда” деган нарсанинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас экан! Роза буни жуда эрта англаб етган экан.

Роза Ниёзметовадаги пухталиқ ва тиришқоқлик сифатлари унинг ўз ҳаёти ва иш фаолиятини йўлга қўйишидаёқ яққол намоён бўлади. Илк учрашган дамларда бизларнинг ҳаммамиз ҳам бошкентнинг турли пучмоқларида ижарада турадиган кўнимсиз кимсалар эдик. Ёшим бир жойга бориб қолган, болаларим Тошкент олийгоҳларида ўқийди, ўзим эса улар билан бирга ижарада тураман. Бирга ишлайдиган ёки ўқийдиган касбдошларим: Барот Яраш ҳам, Жумабой Раҳим ҳам, Зокир Карим ҳам, Рўзмон Келдиёр ҳам, Роза киз ҳам шу қабилда яшашади. Менимча, ўзидан анча олдин бошкентга келган шунча эркакнинг баридан бурун Роза ўзининг уйига эга бўлди. Ватан ичида ватан яратиб олганидан кейин энди у илмий мавқеини мустаҳкамлашга бел боғлади ва юкорида айтилганидай, буни жуда маҳорат билан уддалай билди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўзбек олима аёллари орасида илқинчилардан бўлиб Роза бу замонда автоуловсиз иш битмаслигини сизди ва машина ҳайдашни ўрганди. Олдин “Тико” олди, кейин “Нексия”, сўнг “Ласетти” минди. Энди Розани машинасиз, яхши машинани Розасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Олдинлари унинг машинасига чиқишдан тортинган бўлсак, энди ийманмай қўйдик. Ҳатто, у ер-бу ерга ташлаб ўтишни илитмос ҳам қиладиган бўлдик! Роза жуда ҳожатбарор инсон. Кўпинча йўқ демайди.

Илм одамлари, айниқса, эркаклар кўпинча иш жойининг турки таровати, саранжом-саришталигига анчайин бепарво бўлишади. Роза эса қаерда ишласа, иш жойини келинчакнинг уйидай безаб қўймаса, кўнгли тинчимади. Бировлар хотирпаршонлик қилиб ишхонадаги баъзи нарсаларни уйига обориб қўйса, Роза уйдаги қимматбаҳо нарсалар билан ишхонасини жиҳозлаб завқланади. Таниш-нотаниш одамларнинг Роза ўтирадиган хонага киришга бот-бот ишқибозлик қилиши сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Роза Ниёзметованинг ўзига яқин бўлган одамларга оқибати, айниқса, мени ҳайратга солади. Ўзига кимдир, қачондир қилган кичик бир яхшилиқни ҳам асло унутмайди. Ҳамиша миннатдор бўлиб эслайди. Иложини қилиб яхшилиқ қайтаришга уринади. Унинг



устозлари: Рустам Йўлдошев, Боқижон Тўхлиев, Марғуба Мирқосимоваларга эҳтиромини кўриб, чин гап, ўша домлаларга ҳавас қилганман. Р. Йўлдошев домланинг янги китоби чиқиши муносабати билан у кишини дўстлари билан бориб табриклади, монография юзасидан муаллиф билан битирувчи курс талабалари ўртасида учрашув ўтказди. Бунга ҳам қаноат қилмай, домласининг асарига тақриз ҳам ёзгани устозга оқибатнинг яққол кўриниши дейиш мумкин.

Розанинг раҳматли Раъно Абдулаҳатова домлага кўрсатган мутлақо беғараз оқибати, айниқса, менга қаттиқ таъсир қилган. Раъно опа кексайиб ишдан кетган чоғида Роза унга худди бир қизидай меҳрибончилик қилди. У қартайган опанинг ёлғизлиниб қолмаслиги, одамлардан, жамоадан, жамиятдан узилиб қолмаслиги учун астойдил жон койитди. Опанинг сўнгги кунларига қадар хабар олиб турди.

Розанинг шогирдларига меҳрибонлиги ҳам кишини ҳайратга солади. Чамаси, унга бу хислат устози Рустам Йўлдошевдан ўтган. У киши ҳам шогирд қизларини худди она товук жўжаларини асрагани каби доим қанотлари остига олиб юрарди. Роза, балки, ўзини танқид қилганларни тушунишга уриниши, уларни кечирishi мумкиндир, аммо шогирдларини ноҳақ танқид қилган ёки бирор йўл билан уларга зуғум ўтказмоқчи бўлган одамни ким бўлишига қарамай, аяб ўтирмайди. Худди боласини асрамоқчи бўлаётган урғочи йўлбарсдай шогирди ҳимоясига отилади. Ҳазратнинг: *“Элга қилса бир эсафо юз қатла фарёд айларам, Менга қилса юз эсафо бир қатла фарёд айламон”* деганлари Розанинг шу ҳолати ифодаси учундай гўё. Айни вақтда, олима шогирдларига ўрни билан қаттиққўллик ҳам қилади.

Агар Розани кўча-кўйда, бирор ишхонада учратиб қолсам, сўрамаёқ тахмин қиламанки, бирор яқини, қайсидир қариндоши ёхуд қариндошининг таниши ташвишида юрган бўлади. Унинг опасингиллари, сон-саноксиз қариндошлари турмуши, иши, яшашига доир беадоқ юмушларни мутлақо оғринмай ёки оғринганини билдирмай бажариш учун шунчаки ишбилармонликдан ташқари улкан меҳр ҳам керак бўлади кишига.

Доим ўйлаб юрардим: Розадай гўзал қизга шу сулувликнинг ўзи етмасмидики, у яхши мутахассис бўлди. Яхши мутахассислик камлик қилармидики, олимликни эгаллади. Олимликнинг ўзи бас эмасмидики, раҳбарликни ҳам зиммасига олди. Раҳбарлик толиқтирмаймидики, оқибатли одам бўлишга ўзида куч топди. Одамдаги эзгу сифатлар ҳам бири-биридан куч олади, бири-биридан урчийди, ўзини ўзи қувватлантиради, шекилли.

Розанинг шахсиятидаги бу эзгу сифатларнинг илдизи қаердалиги мени доим ўйлантирарди. Шу боис даволанаётган Рустам акани кўриб

келиш учун шифохонага бораётганимизда ота-онаси, уйларидаги мухитдан гап очдим. У касби зоотехник бўлган отаси Ҳасанбой Ниёзметовнинг жуда билимли, талабчан ва ўта меҳрибон одам бўлгани, жуда узоқ йиллар давомида асараричилик хўжалигини бошқаргани, ташкилотчилиги ва тадбиркорлиги сабаб эл-улус ўртасида катта обрў қозонгани тўғрисида гапирди. Бир умр болам-чақам деб ўтган, меҳмон кутишдан эринмайдиган онаси ўттиз ёшларга бориб-бормай, мустақил равишда эски ёзувни ўрганиб, қўлёзма китоблар ўқийдиган бўлгани ва болаларини ана шу китобларда айтилганидай тарбиялашга интилганини гапириб берди. Оталари тўрт қизу бир ўғилни ҳамиша биринчи қаторларда бўлишга интилиш руҳида тарбиялаганини, онаси эса яқинларига яхшилик қилиш инсоннинг бирламчи вазифаси эканини сингдирганини таъкидлади. Бугун профессор Роза Ниёзметова шахси ҳақида ўйлаганимда унинг маънавий дунёсидаги эзгуликлар тоза булоқлардан сувлангани натижаси эканига иқрор бўламан.

Юкоридаги гапларнинг бари кузатганларимга таяниб келган тўхтамлару эшитганларим асосида чиқарган хулосалардан иборат. Энди ўрни келди, шекилли, ўзим бевосита тониб бўлган бир ҳолатни қаламга олай. 2006 йил оёқлаб бораётган кунлар эди. Розанинг докторлик диссертацияси муҳокама қилинадиган бўлди. Мен диссертацияга тақризчи эканман. Розанинг нозодлик ишини ҳам ўқиганман, ҳимоясида қатнашганман. Нима ҳақда ва қандай ёза олишини тахминан биламан. Диссертация жуда долзарб мавзуда битилиб, узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўқитишнинг назарий-методик асосларини белгилаб беришга бағишланганди. Ишда муаллиф ўзбек адабиёти ўзбек тили предметига ёрдамчи материал сифатида эмас, балки мустақил ўқув фани тарзида ўтилиши зарурлигини ўринли кўрсатган. Шунингдек, адабий материалга ҳам шунчаки бир ўқув матни эмас, миллат руҳини англададиган бадий-эстетик яратилган тарзида ёндашиш ёшлар камолотида муҳим ўрин тутиши мумкинлиги ҳам ишонarli таъкидланган. Диссертацияда иккинчи тилни ўрганишда сўзларни ёдлаш йўлидан бориш самарасиз экани, матндан ташқарида нейтрал ҳолатда бўлган сўз тил ҳодисасидан нутқ ҳодисасига айланганда, маълум қўшимча маъно жиросига эга бўлиши ва бу ҳол ёд олинган сўзлардан фойдаланишни йўққа чиқариши мумкинлигини миллий илмда илк бор асослаб берган.

Роза ишда ўзбек тилини ўргатишда бадий матн билан ишлаш дарслик муаллифлари томонидан тўқилган ясама матнлар устида ишлаганга қараганда солиштириб бўлмайдиган даражада кўп самара бериши мумкинлигини аниқлаган. У тилнинг алоқа вазифаси сўзлашув услубини, хабар вазифаси расмий ва илмий услубни, таъсир этиш

вазифаси бадий услубни юзага келтиришини ва бадий услубда барча услубий кирралар биргаликда намоён бўлиши мумкинлигини жуда ўринли таъкидланган. Шунингдек, олима бадий асарни ўрганишда унинг мазмунини ўзлаштириб олиш унчалик муҳим эмаслигини ҳам ишонарли асослаб берган.

Роза докторлик диссертациясида узлуксизлик, узвийлик тамойилларига амал қилмаган адабий таълимнинг самарасиз бўлишини ишонарли кўрсатиб беради. Унинг ўқувчиларда мустақил фикр қандай йўсида шакллантириши кераклиги борасидаги кузатишлари ҳам кучли мантикий асосга эга. Олима докторлик ишида миллий методикамизда биринчи бўлиб бошқа тилдан сўзлар эмас, балки тушунчалар таржима қилиниши кераклигини айтади. Унинг адабий таълим самарадорлигини ошириш учун ўқувчиларда ҳаяжон уйғотиш лозимлиги, бунинг учун адабиёт ўқитувчисининг ўзи матнга ҳиссий ёндаша олиши кераклиги борасидаги қарашлари ҳам янгилиги билан диққатни тортади. Тадқиқотчи рус ўқувчилари ўзбекча мант устида мустақил ишлаш йўлини билишмаётганига ўқитувчиларнинг ўзида бу борада тузукрок тушунча йўқлиги сабаб эканини жуда тўғри кўрсатади.

Ана шунча ютуқлари борлигига қарамай, Розанинг докторлик иши менга анчагина парокандадай, пишитилиши зарур талай жиҳатлар бордай туюлди. Шу боис беш бетлик тақризнинг тўрт бети танқидий қарашларимнинг ифодаси бўлиб, охирида ҳам ишни жиддий ишлаб қайта муҳокамадан ўтказишни таклиф қилган эдим. Илм кишиларининг кўпчилиги жиззаки бўлишади. Чунки ҳар бир олим узоқ изланишлар натижасида ўзи тўғри деб билган ёндашув ва тўхтамга келади. Бу қарашни ўзгартириш ҳамиша оғрикли кечади. Роза менинг гапларимни жиддий тинглади. Ичидан нима ўтганини билмадим, лекин диссертацияси билан қайта танишиш асносида маълум бўлдики, у таклифларимнинг асосий қисмини ҳисобга олган. Бунинг учун анчагина вақт сарфлаган, ҳимояни кечиктириб туришга ўзида куч топган. Хуллас, Роза айримлардан фарқ қилароқ, тўғри фикрни эшита билиш ва ҳисобга олишнинг ҳам уддасидан чиқа билади.

Хуллас, педагогика фанлари доктори Роза Ниёзметова ана шундай одам ва шу касбдошимизга бундан кейинги ишларида ҳам ютуқлар ёр бўлишини тилаймиз.

## МЕН ЎЗ ҲАЁТИМНИ ИЛМИЙ ИШГА БАҒИШЛАМОҚЧИМАН...

Р. Йўлдошев, пед. ф. н., Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Бу гап 1990 йили ўзбек тилидан ўқувчиларнинг республика олимпиадаси ўтаётган пайтда айтилган эди. Танафбус чоғида олима Туйғуной она Ниязметова олдимга бир ўқитувчини бошлаб келиб: «Бу Роза Ниёзметова. У илмий ишга қизиқади, ўзингиз мавзу бериб, раҳбарлик қилсангиз», - дедилар. Мен ўша йили шогирд ола бошлаган эдим. Роза билан таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили ўқитиш муаммолари ҳақида суҳбатлашдим. Билдимки, у адабиёт ўқитишдаги қийинчиликларни кўпроқ ўрганган, айрим таклифлар тўплай бошлаган ҳам экан. Мен унга Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси бўлими очилганини, шу бўлимга аспирант бўлиб кириш лозим бўлишини айтдим. Роза: «Мен маълум сабабларга кўра бундан буёнги ҳаётимни илмий ишга бағишламоқчиман. Лекин Хазораспдан қатнаб сиртқи аспирантурада ўқишим мумкин», - деди. Мен бу фикрни маъқулладим. Ниҳоят, қабул имтиҳонларидан муваффақият билан ўтган Роза Ҳасановна Ниёзметова аспирантурага ўқишга қабул қилинди. Ишни мавзу танлашдан бошладик ва «Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда XX аср адабиётини ўқитиш мазмунини белгилашнинг назарий-методик асослари (ўзбек тили дарслари таркибида)» мавзусида тўхталдик. Мавзу институт Илмий кенгашида тасдиқлангач, Роза диссертация устидаги ишларга алоҳида қизиқиш билан киришиб кетди.

Мен Розанинг мавзуга доир ўзбек ва рус тилидаги адабиётларни ўқиб чанқоқлик билан ўрганишига қойил қолдим. У китобларнинг керакли жойларини тўғри ажрата олар, эринмасдан кўчирмалар олар эди. Кўчирма олишнинг бир муҳим ва масъулиятли шарти бор эди: улар беҳато кўчирилиши, асар муаллифи, номи, нашри, нашр қилинган жойи, йили ва қайси бет ёки бетлардан олинганлиги аниқ кўрсатилиши лозим. Бу борада Розанинг аниқ иш олиб борганлиги таҳсинга лойиқ эди (Афсуски, айрим аспирантлар бу ишни ё нашр йилини, ёки кўчирма олинган бетни кўрсатмай, ёхуд бошқа хатоларга йўл қўйиб бажарадилар, натижада ўша ўқиган китобларини кутубхонадан қайта олиб, ноаниқликларни тиклаш учун кўп вақт сарфлайдилар).

Илмий тадқиқотнинг энг қийин жиҳати – дарслар кузатиш, тажриба дарсларини ташкил этиш, яқуний синов-тажриба ишларини ўтказиш,

булардан тегишли хулосалар чиқара билишдир. Роза бу хусусда ҳам ўзининг тиришқоқлик фазилатини намоён қилди. Ўзи ишлаётган мактабда тажриба ишларинийўлга қўйди, бошқа мактабларда ўзбек тили дарсларини кузатди, ўқитувчилар билан суҳбатлашиш орқали муҳим маълумотларга эга бўлди. Синов-тажриба ишлари ҳам яхши натижаларни кўрсатгандан кейин диссертацияни шакллантириш ишига жиддий киришди. Ишнинг дастлабки варианти тайёр ҳолда аспирантурани ёруғ юз билан тамомлади.

Лекин бир сабаб билан иш тўхтаб қолди. Тўхтаганда ҳам бир ой ёки икки ойга эмас, балки салкам икки йилга! Бунга кимнингдир бир гапи сабаб бўлди. Воқеа бундай бўлган эди. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш муаммолари юзасидан изланаётган шоғирдларимдан яна бири – Қундузхон Хусанбоева педагогика фанлари доктори Қозоқбой Йўлдошев раҳбарлигида номзодлик диссертациясини муваффақиятли равишда ҳимоя қилди. Қундузхоннинг дастлабки мавзуси мумтоз адабиётни ўқитиш мазмунини белгилаш масалаларига бағишланган эди. Кейинроқ у мавзунини «Ўзбек адабиётини таълим давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқитишнинг илмий-методик асослари» деб ўзгартирган, лекин ишда дастлабки мавзуга доир тавсиялар сақланган эди. Кимдир Розадан: «Қ.Хусанбоеванинг номзодлик диссертациясида адабиёт ўқитиш мазмунини белгилаш масаласига неча саҳифа ажратилган? Шуни аниқланг», – деган. Роза тўрт бет ажратилганлигини айтган. Шунда ўша киши: «Ундай бўлса, сиз мавзунингизни ўзгартиришингиз керак», – деган. Ана шу гап сабаб бўлиб, иш икки йилча қўлга олинмай ётди.

Шоғирдларимдан бири диссертация ҳимоя қилган куни уйга йўлимиз бир томонга бўлгани учун педагогика фанлари доктори Сафо ака Матчонов билан бирга қайтдик. У гапдан гап чиқиб Роза Ниёзметованинг номзодлик иши ҳақида сўради, унга қандай қилиб ёрдам бериш мумкинлигига қизикди. Мен бошлаган ишини давом эттириш зарурлигини, Қ.Хусанбоева тўрт бетда адабиёт ўқитиш мазмунини белгилаш юзасидан фикр билдирган бўлса, шу билан муаммо ҳал бўлган деб ҳисоблаш ногўғри эканлигини айтдим. Шу суҳбатдан кейин Роза қайтадан аввалги шижоат билан ишга шўнғиб кетди. Ниҳоят, 2000 йили ўша интизорлик билан кутилган кун келди: номзодлик диссертацияси муваффақият билан ҳимоя қилинди.

Диссертация методика илмига қўшилган катта ҳисса бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Унда муаллиф «Ўзбек тили» дастурини ва дарсликлари учун ўзбек замонавий адабиётидан қайси хилдаги намуналар танланиши кераклиги, бунда амал қилинадиган принциплар,



тилланий ва тарбиявий эҳтиёжлар ҳамда имкониятларни назарий ва амалий асослар келтириш йўли билан ишлаб чиққан.

Олима Роза Ниёзметова эришилган ютуқларда тўхтаб колгани йўқ. У ўзи бошлаган ишни маълум ҳолатда ташлаб, ўз эътиборини бошқа ишга тўлиғича қаратишга одатланмаган. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, номзодлик диссертация асосида дастлаб нашр қилинган методик қўлланма кейинги йилларда такомиллаштирилган, янги ғоялар билан бойитилган тарзда чоп эттирди.

Ўз олдига қутлуғ бир мақсад – ҳаётини илмий ишга бағишлашни кўйган Роза Ниёзметова докторлик диссертациясига қўл урмасдан гуруҳмаслиги табиий эди. Изланувчан, илм машаққатларига бардошли, теран ва зукко фикр эгаси сифатида катта иш учун мавзу танлади, кенг қўламли тадқиқот ишларини олиб борди. Энди у ўз соҳасига содиқ қолиб, «Ўзлуksиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий-методик асослари (рус гуруҳлари мисолида)» мавзусида қалам тебратди. Филология фанлари доктори, профессор Б.Тўхлиев бошчилигида амалга оширилган изланишлар ўз самарасини берди: Роза Ниёзметова катта меҳнат самараси эвазига докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилишга муяссар бўлди.

Роза – олима, айни пайтда у самимий, дилкаш, шу билан бирга ўта жиддий, ўзига ва бошқаларга нисбатан ўта талабчан аёл, баркамол инсон.

Педагогика фанлари доктори, профессор, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси кафедрасининг мудирини Роза Ҳасановна Ниёзметова 50 ёшни қаршилаган бугунги кунда унга илмда тўхтамаслик, улкан зафарлар, мустақкам соғлиқ тилаган ҳолда шундай шоғирдга раҳбарлик қилганимдан бир умр фахр ҳисси билан яшайман дея оламан.

## FAMILIYADOSH – ADASH QUTLOVI

T. Niyozmetova, TDPU, ped. f. n., dotsent

Buyuk donishmand Yusuf Xos Hojib aytganidek, kimning odobi yaxshi va axloqi to'g'ri bo'lsa, u kishi maqsadiga yetadi va baxt unga kulib boqadi, chunki yaxshi axloq jamiki ezguliklarga zamindir.

1989-yil O'zbek tiliga Davlat tili maqomi berildi. O'qituvchilarning malakasini oshirish ayni avjida. Men Abdulla Avloniy nomidagi Respublika o'qituvchilar malakasini oshirish va qayta tayyorlash Markaziy institutida "O'zbek, jahon tillari va adabiyoti" kafedrasining mudirasi bo'lib faoliyat yuritmoqda edim. Oydin kunlarning birida kafedra eshigini astagina ochib "Mumkinmi?"– degan savol bilan ichkariga qadam ranjida qilgan chiroyli, arman qizlariga o'xshagan jussali qiz bugungi pedagogika fanlari doktori, professor Roza Hasanovna Niyozmetova edilar.

U o'zining rus guruhlarida o'zbek tilidan dars berishi va shu fan bo'yicha malaka oshirish uchun kelganligini aytib, o'zini tanishtirdi. Shu kundan boshlab, bizning o'zaro tanishligimiz boshlandi. Oradan yillar o'tib bu tanishlik do'stlik, opa-singillik munosabatlariga aylandi...

Yillar o'taveradi, ammo hamma ham vaqtdan bir tekis, unumli foydalanadi deb aytilish qiyin. ammo Roza Hasanovna har bir soniya, har bir daqiqa, har bir soat, har bir kundan unumli foydalana oldi, desam xato qilmagan bo'laman. Uzoq Xorazmdan kelib, shu darajaga erishish hammaga ham nasib qilavermaydi.

Xalqimizda: "Ilm izlash – igna bilan quduq qazish",– degan purhikmat gap bor. Roza o'z mavzusi ustidagi tadqiqot ishlarini olib borish bilan birga yoshlarga ta'lim-tarbiya berish, o'qitish, o'rgatishdan bir zum to'xtagani yo'q. Roza Niyozmetova rahbar sifatida o'ziga ham, shogirdlarga ham juda talabchan. O'zi bilan bir vaqtda shogirdlar – ikkita fan nomzodiga rahbarlik qilib, ularning olimalik darajasiga yetishlarida xizmatlari katta bo'ldi.

Olima tayyorlagan rus guruhleri uchun o'zbek tili darsliklari (hammualliflikda) va o'qituvchilar uchun tayyorlagan "O'zbek tili darslarida yangi o'zbek adabiyotini o'qitish masalalari" o'quv qo'llanmalari Respublika umumiy o'rta ta'lim maktablaridagi o'zbek tili ta'limi va yoshlarni tarbiyasida foydalanish uchun dasturulamdirdir. Shuningdek, qator maqolalari gazeta, jurnal sahifalaridan o'rin olib kelmoqda.

Roza – juda serg'ayrat, izlanuvchan, har ishning uddasidan chiqq oladigan olim. Uning kelajagi porloq, rejaları katta. Ko'zlagan rejalarini amalga oshirishda Alloh yor bo'lishini tilab qolamiz.

Roza Hasanovna, sizdan yoshlar o'mak olsa, sizga o'xshasa, arziydi. Roza qizim, ellikdan oshing, oltmishga odimlang, yetmishga yeting, saksonga kiring, to'qsonda to'y qilib, yuz bilan yuzlashing. Tug'ilgan ayyomingiz muborak bo'lsin. Ilohim ko'zingizdan yog'du, ko'ksingizdan halovat, tilingizdan so'z, dilingizdan shijoatni ayamasin!

Olloh sizga uzoq umr, salomatlik ato etsin!

## УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Д. Исломова, п.ф.н.

Устоз! Бу сеҳрли сўз, қанчадан-қанча шогирдларнинг қалбини илм нурига тўлдирган, уларни келажакда ўз ўрнига эга бўлишида меҳнатларини аямаган меҳрибон зотлардир.

Ана шундай қалби дарё устозга шогирд бўлиш менга ҳам насиб этган. Мен бугун устозим, педагогика фанлари доктори, профессор Роза Хасановна Ниёзметова ҳақида гапирар эканман, энг аввало устозимнинг маънавий олами ҳақида тўхталмоқчиман. Чунки мендаги устозга ҳурмат, устозга меҳр ундан ибрат олиш каби инсоний туйғуларни илк бор шу устозим туфайли ҳис қилишини ўрганганман. Вақтлар ўтиб, қалбдан улғаяр эканман, бу инсон менинг ҳаётимдаги идеалимга айланиб борган. Билим олишга чанқоқлик, интилувчанлик, ўз касбига муҳаббат, фидоийлик каби хислатлар шу устозим ўғитлари билан шаклланиб борган.

Талабалик йилларимда устознинг биз талабаларга дарс ўтган вақтларини ёдга олар эканман, у кишидаги ўз касбига бўлган фидоийлиги, талабчанлигига қарамасдан ўз меҳри билан биз шогирдлари қалбига йўл топа олган инсон сифатида кўз ўнгимда намоён бўлади.

Оддий устозликдан қисқа фурсат ичида фан номзоди, фан доктори даражасигача етиб боришдаги машаққатли йўлни босиб ўтиш учун мустаҳкам ирода, кенг дунёқараш ва албатта чуқур билим кераклигини яхши биламиз. Ўз илмий фаолиятини давом эттириш билан бир қаторда биз шогирдларининг ҳам илмий ишларига раҳбарлик қилишга вақт топа билганлар. Энг қувонарлиси мен устозимнинг илк яъни тўнғич шогирди эканимдан фахрланаман. Вақт бамисоли оқар дарёдек. Инсон умри давомида илм олади, устозлари ўғитларига амал қилган ҳолда уларга эргашилса, улардек бўлишга ҳаракат қилади. Шу инсоннинг талабчанлиги билан мен ҳам устознинг меҳнатлари шарофати билан бугунги кунда фан номзоди даражасига эришиб, ҳаётда устозим каби бўлишга ҳаракат қилмоқдаман.

Бугунги кунда улар таълим берган шогирдлари республикамизнинг турли таълим муассасаларида фаолият юритмоқдалар. Шу ўринда Президентимиз таъриф берган маърифат ва маънавият соҳибалари айнан шу каби устозлар ҳақида эканига яна бир ишонч ҳосил қиламиз.

Устозим Р.Ниёзметова ўғитларига амал қилган ҳолда мен ҳам таълим даргоҳида фаолият олиб бормоқдаман. Иш жараёнида қилган меҳнатларимни шарафлаб жамоамиз мени Тошкент шаҳар депутатлигига муносиб номзод сифатида қўйишди. Натижа эса ижобий, бу ҳам устознинг берган тўғри маслаҳатлари мевасидир. Тарихимиз зарварақларига битилган «устоз ва шогирд»лик тўғрисидаги ҳақиқатлар бугунги кунларимизда ҳам «устоз ва шогирд» муносабатлари шаклида яшаб, тараққий этиб келмоқда. Президентимиз Исломо Каримов ҳам бу

муносабатлар замирида жуда катта ҳикмат борлигини, халкнинг маърифатли ва юксак маънавиятли бўлиши учун мактаб ва маориф ишини ривожлантириш, энг юқори босқичга кўтариш масаласини энг долзарб масала эканини таъкидлади.

Устоз шогирдига фақат билим берибгина қолмай, унга чиройли хулқ ва гўзал тарбия беришни ҳам ўз зиммасига олади.

Устоз ўзи ишонган, қалбдан ҳис қилган нарсанигина шогирдига етказа олади. Шогирд ҳам ўз устозининг фикрларини тушуниб етиши учун тайёр ҳолатда бўлиши, устозига ҳурмат билан қараши ҳам унинг билим олишида катта аҳамият касб этади. Улар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч таълим ва тарбия ишида ҳам инсонийликнинг ҳам асосий шартларидан биридир.

Алишер Навоий ёзган эди:

Шогирд агар шайхулислом агар қозидир

Устоз андин рози, Аллоҳ розидир.

Демак, шогирд ҳамиша ўз устозининг ойнадаги аксидир. Шогирд ўз устози ишларининг давомчисидир. Устози ундан рози бўлмоғи учун устозидан-да билимлироқ ва кучлироқ бўлишни истади. Халқимизнинг «Устоз отангдек улуг» иборасида шогирднинг устозга нисбатан чексиз ҳурмати ва унинг олдида ҳамиша қарздорлигини ҳис қилиши лозимлиги таъкидланган.

Адабиёт ўқитиш ишида, устоз ва шогирд муносабатларида ҳам янгиликларни илғашимиз, уларни ўз ишларимизда кўрсата олишимизда ҳам УСТОЗ Роза опа Ниёзметованинг бениҳоя хизматлари бор.

Замонавий адабиёт дарсларини ўқитиш ва тарғибот қилишда ёшларни илмга йўналтиришда Роза опа Ниёзметовага чарчаманг, соғсаломат бўлинг деймиз.

## Адабий таълим муаммолари

### АДАБИЁТНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОД ВА УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА

Б. Тўхлиев, ТДПУ

Адабиёт ўқитишнинг методлари барча фанларни ўқитиш методлари билан муштарак жиҳатларга эга. Бу муштараклик биринчи навбатда таълимий мақсадларга эришиш учун ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият воситаси эканлиги билан изоҳланади. Улар ёрдамида ўқувчилар тегишли билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга эришишади, ўз дунёқарашларининг кенгайиши учун имкон топишади. Ю.К.Бабанскийнинг кўрсатишича, таълим методлари педагог ва ўқувчиларнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларни амалга оширишнинг ўзаро боғлиқ фаолият воситаларидир. Г.М.Коджаспирова эса таълим методлари тушунчасини "ўқитувчи ва ўқувчиларнинг изчил, ўзаро боғлиқ бўлган фаолият тизими бўлиб, ўқувчиларнинг таълим мазмунинини ўзлаштиришини, уларнинг ақлий қувват ва қобилиятларининг ривожини, ўз устларида мустақил ишлашга онд воситаларни эгаллаш имконини таъминлайди"<sup>2</sup>, деб кўрсатади.

Методларнинг номланишида, уларнинг тавсифида олимларнинг хилма-хил нуқтаи назардан келиб чиққанларини кузатиш мумкин. Жумладан В. В. Голубков адабий таълимдаги методларни маъруза, адабий суҳбат ва ўқувчиларнинг мустақил ишлаш методлари сингари гуруҳларга ажратади<sup>3</sup>.

Албатта, таълим жараёнини ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти сифатида қараш тўғри ва кенг тарқалган нуқтаи назардир. Шунга қарамай, таълим жараёнидаги бу ҳамкорлик субъектларида алоҳида-алоҳида ҳаракат йўналишлари мажудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди Бундай ҳолда агар фақат ўқитувчи фаолиятини назарга олсак, ўқитиш методлари ҳақида, ўқувчи фаолиятини назарда тутганда эса билиш методлари ҳақида гапириш ўринли бўлади.

<sup>2</sup> Караш, Кривченко и др. Педагогика. Учебник. - Москва, Проспект, 2006. с.275

<sup>3</sup> Голубков В. В. Методика преподавания литературы. - М., 1962. - С. 69-70

8735  
Teshin  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Uzbekiston Respublikasi  
Tadqiqot Markazi  
Kutubxona

17  
924954



Шу ўринда “усул” атамаси ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш зарурати сезилади. Таълимдаги усуллар таълим методларининг таркибий қисми ёки унинг алоҳида олинган бир томонидир. Одатда ҳар бир методнинг ўзига хос ва ўзига мос усуллар тизими бўлади. Метод қўйилган педагогик вазифани тўла-тўқис амалга ошириш имконини беради. Усул эса мана шу яхлитликнинг алоҳида бир босқичини, унинг бир қисмини рўёбга чиқаришда ёрдам беради. Битта усул турли методлар таркибида намоён бўлиши мумкин. Қолаверса, усулларнинг муқимлик даражаси ҳам бир хил эмас. Бир метод таркибида бир ўқитувчи қўллаган усуллар билан бошқа бир ўқитувчи қўллаган усулларнинг сони, шакл ва мазмунининг тубдан фарқ қилиши табиий ҳол деб қаралади. Метод ва усулларнинг ўрни алмашиб қўлланиши ҳам мумкин.

И. Я. Лернер таснифида методлар қуйидагича гуруҳланади:

1. Тушунтирувчи-иллюстратив метод (у ахборот берувчи – рецептив метод деб ҳам юритилади).
2. Репродуктив метод.
3. Муаммоли баён этиш методи.
4. Эвристик ёки қисман изланувчанлик, тадқиқотчилик методи.

Айрим мутахассислар охириги бандни иккига ажратиб ҳам кўрсатишади.

Таълим методларининг асосий белгилари сифатида эса мутахассислар таълим мақсадини, ўзлаштириш воситасини, таълим воситаларига оид воситаларнинг ўзаро алоқадорлик даражасини ажратиб кўрсатишади<sup>4</sup>.

Н. И. Кудряшев адабий таълим методлари орасида **ижодий ўқишни** алоҳида ажратиб кўрсатади<sup>5</sup>. Ушбу методни амалга оширишда эса ифодали ўқиш, шарҳли ўқиш, суҳбат, шахсий таассуротлар асосидаги иждодий топшириқлар, машғулот жараёнида ўқув муаммоларини қўйиш ва бошқа усуллар санаб ўтилади. Ўқиш, ёд олиш, тинглаш, режа тузиш, қайта ҳикоялаш, ихчам тақризлар ёзиш, иллюстрацияларни кузагиш ва уларга муносабат билдириш эса ўқувчиларнинг фаолият турлари сифатида кўрсатилади.

**Тадқиқот методининг** моҳияти шундаки, у адабий асарни мустақил равишда таҳлил қила олишга оид қўникма ва малакаларни ривожлантириш имконини беради. Бунда муаммоли саволларни тадқиқотчиликка оид вазифаларни қўйиш асосий ўрин тутати. Фаолият турлари сифатида эса бадиий асарни яхлитлигича ёки қисман мустақил таҳлил қилиш, қислаш, саҳна асари ёки кўрилган кинофильмга муносабат билдириш ажратилади.

<sup>4</sup> Российская педагогическая энциклопедия: В 2 т. Т. 1 / Гл. ред. В. В. Давыдов. – М., 1993. – С. 566.

<sup>5</sup> Кудряшев Н. И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы. – М., 1981

**Репродуктив методда** ўқувчилар билимларни гўё тайёр ҳолда олишади. Албатта, буни механик тарзда тушуниш тўғри бўлмайди. Гарчи мулоҳаза ва хулосалар тайёр ҳолда берилса-да, улар ўқувчиларнинг олдин ўзлаштирган билимларига таянади, уларни кенгайтиради, шу асосда эса улардаги янги ва нисбатан такомиллашган умумлашмалар учун асос бўлади.

Бундаги фаолият турлари сифатида маъруза режаси ёки қисқача конспектини ёзиш, дарслик устида ишлаш, тайёр материаллар асосида маъруза тайёрлашни киритиш мумкин.

Г. Н. Ионин адабий шарҳлаш, танқидий-публицистик ҳамда адабий изланиш методларини тавсифлаб берган.

Жаҳон олимлари ва методистларнинг яқдиллик билан кўрсатишларича, бадий асарни ўқиш ҳар қандай назарий билимларнинг, амалий кўникмаларнинг ҳамда амалий машқларнинг асосини ташкил этади. Сухбат ўқувчининг шахсий имкониятларини юзага чиқаришдаги энг қулай ва самарали методлардан бири сифатида эътироф этилган. Сухбат воситасида ёзувчи шахси ҳамда у яратган бадий асарнинг турли қирраларига эътибор қаратиш, ўқувчининг индивидуал хусусиятларига, бадий асарни ҳис этиш даражасига таянган ҳолда унинг бу борадаги интилиш ва қизиқишларини кенгрок ривожлантириш мумкин бўлади.

Айрим мутахассисларнинг мактаб адабий таълимида маъруза методининг устувор мавқе тутишига эътироз билдиришлари тасодифий эмас, Уларнинг назарида мукамал тарзда режалаштирилган сухбат ўқувчиларни бадий асарнинг ўзи билан ҳам, тарихий-адабий муҳит билан ҳам жиддийроқ ва яқинроқ таништира олади, муаллиф таржимаи ҳолига оид факт ва материаллар билан бадий асар орасидаги боғланишларнинг теранроқ илғанишига йўл очади. Аксинча, ёлғиз маъруза методига таяниш асосий оғирликнинг ўқитувчи зимасига тушиши учун йўл очади, ўқувчининг пассив тингловчи бўлиб қолишини рағбатлантиради. Ваҳоланки, адабий ҳодисаларнинг қуруқ саноғи эмас, балки уларнинг шарҳли тавсифи, адабий таҳлилигина ўқувчиларнинг онг ва шуурларига кучли эмоционал таъсир ўтказиши мумкин.

Шунга қарамай, маъруза методини инкор этиш тўғри эмас. Аслида бадий асарни англаш ва ҳис этиш ўқувчиларнинг бадий асарни ўқиши, бадий асар матнини идрок этиши, мана шу матн устидаги жиддий мустақил ишлари оқибатида юзага келади. Шунга қарамай ёзувчининг ҳаётий ва ижодий йўли ҳақидаги ўқитувчи маърузасига ҳам табиий эҳтиёж мавжуд. Монографик характердаги, умумлаштирувчи руҳдаги маърузаар ўз мазмун камрови, айниқса тегишли давр ва

Йўналишлардаги адабий ҳодисалар моҳиятини теран, аниқ ва таъсирчан таҳлили бидан ўқувчиларнинг бадиий-эстетик мўлжал олишлари учун яхшигина йўлланма бўла олади. Кириш ва якунловчи машғулотларда ҳам маърузанинг ўрни анча салмоқли бўлиши мумкин. Албатта, маърузага суҳбат, ифодали ўқиш элементларининг қўшилиши унинг смарадорлик даражасига ижобий таъсир кўрсатади<sup>6</sup>. Пухта режалаштирилган маърузаларда, одатда, 1) ижодкорнинг бошқалардан фарқланиб турадиган ўзига хос хусусиятлари, оламни кўриш ва ифодалашдаги айрича жиҳатлари; 2) унинг ўз даври билан яқинлик даражаси, давр воқеаларининг ижодкор эволюциясига кўрсатган таъсири; 3) ижодкорнинг тасвирлаш маҳорати, унинг услубидаги такрорланмас жиҳатлар, ёзувчи ижодий такомилнинг асосий босқичлари; 4) унинг жамиятнинг ижтимоий ҳаётига ҳамда бевосита адабиёт тарихига кўрсатган таъсири ёки қўшган ҳиссаси ёритиб берилади. Бунда маърузанинг аниқ чегара, ҳажм ва мақсадларга эга бўлиши, унда фойдаланиладиган кўчирмалар, бадиий парчалар, тегишли шарҳ ва изоҳларнинг жойлаштирилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Албатта, ҳар бир метод ўз ўрнида қўлланганидагина тўғри ва самарали бўлади. Жумладан, маъруза ва ўқитувчининг боғланишли нутқини мутлақо инкор қилиш ноўрин бўлади. Ҳатто бошланғич синфлардаёқ айрим ҳолларда ўқитувчининг ихчам тарздаги маъруза ва боғланишли нутқи ўқувчиларга кўплаб янгиликлар бериши, уларнинг онг ва шуури, туйғуларига ижобий таъсир вазифасини адо этиши мумкин. Амалиётда сукротона усул (савол-жавоблар)ни кўпроқ кичик синфларда, ўқитувчи изоҳи ва маърузасини (академиик усул)ни эса юқори синфларда қўлланиши кузатилади.

Таълим методларининг билим манбаларига кўра таснифи ҳам мавжуд. Бунда лисоний, кўргазмали, амалий методлар ажратилади. Лисоний методлар таълим методлари орасида салмоқли ўрин тутати. Айниқса, ҳикоялаш, тушунтириш, суҳбат, мунозара, маъруза, китоб билан ишлаш адабий таълимдаги энг фаол ва қамровли методлар сифатида эътироф этилган. Кўргазмалилик методи эса турли кўргазмали қўлланмалар, жадваллар, схемалар, расмлар, фотоматериаллари, санъат асарларининг намуналари, техник воситалар, аудио ва видеожиҳозлар ҳамда компьютер технологияларидан фойдаланишни камраб олади.

---

<sup>6</sup> Қарағ: Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы. Под редакцией О.Ю. Богдановой. Учебник для студентов пед. вузов. 2-е издание, стереотипное. – М.: Издательский центр «Академия», 2002. – 400 с

## ТАЪЛИМ БОШҚА ТИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МАКТАБЛАРДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ҲАҚИДА АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА

Р. Х. Ниёзметова, ТДПУ, пед. ф. д., профессор

Мамлакатимизда яшаётган ўзга миллат вакиллари фарзандларининг ўзбек тилини ўрганиш баробарида ўзбек адабиёти билан ҳам танишишлари катта таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Зеро, ҳозирги даврда кадрларнинг миллий маънавиятимизни чуқур билишлари тақозо этилади. Бу вазифани бажаришда эса ўзбек адабиётининг алдохида роль ўйнаши табиий.

Таълим қардош тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили дарслари таркибида ўқувчиларни ўзбек адабиёти ҳақида яхши тасаввур қолдирадиган, унинг сара намуналарини севиб мутолава қиладиган таълим мазмуни ва бунинг амалиётга жорий этилишини таъминлайдиган методларни белгилаш методика илми олдида турган муҳим вазифалар сирасига киради.

Тўғри, тилни амалий билладиган, ўзбеклар орасида яшаётган ўқувчи халқимизнинг анъаналари, урф-одатлари, удумларидан қисман хабардор. Лекин бу хабардорлик кўпинча юзакидир. Шунинг учун ёшларни ўзбеклар ҳаёти билан яқиндан таништирадиган сара бадий асарлар ёки асарлардан парчалар ажратиш ўта масъулиятли иш саналади. Қардош халқларнинг тили, маънавияти бир-бирига яқин, дини бир. Бу халқларнинг фарзандларининг ўзбек адабиёти ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилишлари ҳам, ўзбек халқининг тарихи, маданияти, миллий кадриятлари, миллий маънавияти, урф-одатлари, адабиётининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунчага эга бўлишлари ҳам танланадиган асарлар мажмуасига кўп жиҳатдан боғлиқ ишдир.

Ўзбек тилидаги бадий асарда ўқувчилар учун ундаги синтактик қурилмаларнинг мазмунини тушуниш қийинчилик туғдирмайди. Улар гапни синтагмаларга ажратиш, дарак, сўроқ, ундов, ҳис-ҳаяжон интонациясига, уюшиқ бўлакли гапларда санаш оҳангига, ундалмали, кириш бўлакли гапларни ўқишда она тилидан олган билимларига тўлиқ таяна оладилар. Лекин асосий қийинчилик грамматик воситаларда камроқ, сўз бойлигида, сўз маъноси ёки маънолари, сўзларнинг ўзбеккона талаффузидаги ўзига хосликларда кўпроқ намоён бўлади. Ўқувчилар ўзбек тилида озми-кўпми сўзлаша олаганлари ҳолда улар эгаллаган сўз бойлиги кўпинча бадий услубга хос сўзларни англаш имконини бермайди. Бунинг устига асарда ишлатилган бўёқдор, тимсолли сўз ёзувчининг маҳорати билан танланган бўлади. Демак, ўқувчилар ёзувчи ёки шоирнинг сўз ишлатиш санъати билан ҳам танишиб боришлари керак.

Бадий асардаги сўзларнинг бадий услубга хос, ўзбеккона кадриятлар билан боғлиқ қисми, сўзларнинг бадий асардаги жилolari, жозибаси баъзан уларни ўқувчига нотаниш қилиб қўяди. Демак, бадий асардаги нотаниш сўзлар, уларнинг маънолари ва талаффузи устидаги ишлар ўзбек тили дарслари таркибида адабиёт намуналарини ўқиб-ўрганишнинг асосий йўналиши бўлмоғи даркор. Бундай ишларни кўзда тутилмасдан парчани тўғридан-тўғри ўқиш унинг бадий қийматини,

таъсирини туйишга, эстетик завқ олишга салбий таъсир кўрсатади. Қардош тилларда ўқитиладиган мактаб ўқувчилари учун бадий жихатдан пишиқ, сўз ишлатиш маҳорати билан танишиш имкони катта бўлган сара асарларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Афсуски, 5–9-синф «Ўзбек тили» дарсликлариди замонавий ёзувчи ва шоирларнинг асарларидан намуналар кам. Улар ўзбек адибларининг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан танишиш учун мулақоат етарли эмас.

Ўқувчилар Пиримқул Қодировнинг «Кийик пойлаган қоплон» ҳикоясини ва бошқа шу каби бадий матнларни ўқир эканлар, ўзбек адабиёти асарларини ўқишга, уларни мустақил мутолаа қилишга қизиқа бошлайдилар.

### Кийик пойлаган қоплон (hikoya)

...Akram ham otasiga o'xshab toshlarni shiqirlatmaslikka tirishib, tizzasini xiyol bukib bora boshladi. Ular past-baland toshlarning orasidan o'tib, qarshidagi zovga qarab borayotgan edilar. Sanjar aka to'xtab, tez orqasiga o'girildi-da, qo'lini labiga qo'yib «jin!» deganday qildi. Akram ham taqqa to'xtadi va dadasi qarayotgan tomonga tikildi.

Qarshidagi tik qoyatoshlar orasida qandaydir sharpa sezilganday bo'ldi. Keyin zag'chaning «cha-aq!» deb qichqirganini eslatuvchi bir tovush eshitildi. Akram ovoz kelgan tomonga sinchiklab qaradi-yu, qizg'ish kulrang toshlar orasida shoxlari buralib ketgan echkisimon bir jonivorni ko'rdi. Uning rangi ham xuddi tog'ning toshlariga o'xshash kulrang-qizg'ish edi, shuning uchun ko'zga tezda tashlanmas edi.

– Qarang! – deb shivirladi. Sanjar aka o'g'li ko'rsatgan tomonga qaradi-yu, uzala tushib yotgan narsaning qoplon ekanini sezdi. Mana shu balandliklarda kiyik ovlaydigan ko'k qoplonlar uchrab turishini otasi unga aytgan edi. Lekin Sanjar aka bu yirtqichni tog'da birinchi marta ko'rmoqda edi.

Ўзбек тили дарслирида бу каби асарларни ўқиш жараёни лексик ва грамматик материаллар устидаги ишлардан бошланади:

– матнни ўқишдан аввал алоҳида танланган мисоллар асосида ўқувчилар учун нотаниш грамматик шакллар аниқланади ва изоҳланади;

– бир қатор сўзлар ўқувчиларнинг она тилига айтиб туриб таржима қилдирилади, нотанишлари хаттахтага ёзиб қўйилади; нотаниш грамматик воситали сўз шакллари, сўзлар талаффузи машқ қилдирилади;

«Кийик пойлаган қоплон» ҳикоясидаги «бораётган эдилар», «сезгандай бўлди», «шиқирлатмасликка тиришиб», «отасига ўхшаб», «кўрмоқда эди» ва бошқа бир қатор сўз шакллари ҳамда сўз бирикмалари изоҳланади. Хиёл, зов, таққа, синчиклаб ва бошқа сўзлар англатилади, талаффузи устида ишланади. Бундан ташқари, ўқиш пайтида мазмунини тушуниш қийин бўлган айрим сўз бирикмалари ҳам таҳлил қилдирилади.

Шундан кейингина бадий асарни тушуниб ўқиш, шу жараёнда ўқиш техникасини эгаллаш (талаффуз устида ишлаш, гапларни синтагмаларга бўлиб ўқиш), ниҳоят, ифодали ўқиш машқ қилинади. Ушбу ишлар ниҳоясида эстетик таъсири таъминланган асар таҳлилига ўтилади.



## “ГУЛНОР ОПА” ВА УНИ ЎРГАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

К. Хусанбоева, пед. ф. д.

Ўзбек бадиий тафаккурида ўзига хос ўрин эгаллаган Мусо Тошмухаммад ўгли Ойбек ижоди умумий ўрта мактаблар адабий таълими дастурида ўқувчининг ёши ва интеллектуал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маълум синфларга тақсимланган. Жумладан, 5-синф ўқувчиларига адибнинг болалик даври хотиралари асосида яратилган асарлари «Гулнор опа» ва «Фонарчи ота» тавсия қилинган. Ёзувчи аynи 11-12 яшар ўсмирлар ҳаётидан олиб ёзилган бу ҳикояларида болакайларнинг руҳиятидаги товланишларни, кўнглида кечаётган ҳисларни тафтиш қилиш, уларни фарқлашга уринишга интилиш билан боғлиқ ақлий фаолиятини акс эттирган. Лекин бугунги кунда 5-синф учун яратилган “Адабиёт” дарслигидан “Гулнор опа” ҳикояси чиқариб юборилган.

Ойбекнинг ҳикоялари ичида кичик ўсмир ёшидаги болакайнинг туйғулари нозик жиҳатлари билан ифодаланган, бадиий жиҳатидан салмоқли бу асарнинг дарсликдан олиб ташланишига сабаб нима? Муаллифларнинг инжиқлигимиз ёки адабиёт ўқитувчиларининг савиясимиз?

Адабиёт ўқитувчилари – ўсиб келаётган авлоднинг кўнгли билан ишлайдиган мутахассислар маънавий бойлигининг даражаси шунчалар бўлдики, мактаб адабий таълими стандарт, дастур, дарсликлари таҳлилига бағишланган катта-катта йиғинларда улар “Гулнор опа”ни 5-синф ўқувчиларига ўтишга уялаётганликларини айтдилар. Хўш, “уялиш” туйғуси нима? Инсон қачон, қайси хатти-ҳаракати учун уялиши керак? Ўқитувчи, айниқса, бадиий сўз билан, инсон маънавияти тарбияси билан ишлайдиган бугунги ўқитувчи нимадан уялиши керак? Ўқитувчилар шу саволлар (айниқса охиригиси) билан ўзларига мурожаат қилсалар, кўнгилларининг қаърида, фақат ўзлари учун, овоз чиқармай берадиган жавобларида ростларни топадилар. Виждон тилидан лоп этиб шуурга қелган илк жавобга қарши ҳар хил оқловлар бўлиши мумкин, албатта, лекин уларнинг ҳаммаси гап, ҳаммаси ёлғон бўлади.

Кўйилган саволларга жавоб бериб шуни айтиш мумкинки, бандаси учун Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган ахлоқий мезонлар бор. Улардан баъзилари инсон томонидан содир этилса – гуноҳ, инсоний ўлчовлар бўйича жиноят, одобсизлик, тарбиясизлик ҳисобланади. Яна бир турлари борким, улар содир этилса, уят иш қилинган бўлади. Қилинган ишнинг уятлилик даражаси соҳибининг савияси, билимлилик даражасига бориб тақалади. Баъзилар учун оддий ҳол бўлган хатти-ҳаракат бошқалар учун ўлимдан оғирроқ уят, номус даражасида бўлиши мумкин. Улар бу уятни, номусни кўтаролмай ўлиб қолиши, элдан чиқиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Шуларнинг фарқига борган ўқитувчи Ойбекнинг “Гулнор опа” ҳикоясини “уялмай” ўта олади. Чунки бу ҳикоя у тарбиялаётган ўқувчига шундай туйғуларни фарқлашни, уларга

муносабат билдиришни ўргатади. Ахлоқ-одоб мезонларини, инсон ҳаддининг чегарасини кўрсатади.

Ўзбекнинг бир улуғи томонидан яратилган дурдона асар «Гулнор опа»ни бошқа мавзуларни ўрганишдан ошиб қолган вақтларда, аминманки, бугунги адабий таълим амалиётида бундай бўшлиқ керагидан ортиқроқ, ўрганишни истаган ўқитувчилар бу жараёни қуйидаги тартибда амалга оширсалар, адабий таълим олдидаги стандарт талабларга жавоб берган бўладилар. Ўқитувчи «Гулнор опа» ҳикоясининг мутолааси учун дарснинг 6-7 дақиқасини сарфлайди. Ҳикояни ифодали қилиб албатта муаллимнинг ўзи ўқиб бериши ва ўқувчиларидан у билан биргаликда ичдан ўқишни талаб қилиши мақсадга мувофиқдир. Мутолаа жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган ўринларга ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам қаламда белги қўйиб борсалар, (бунда ўқитувчи шу мақолага асосланиши мумкин) таҳлил жараёнида қидирувларга вақт камроқ сарфланади, яъни вақтдан унумли фойдаланилади. Мутолаадан сўнг асар устида иш бошлаб ўқитувчи, ўқувчиларнинг эътиборини: «Болалар бирин-сирин тарқалиб кетишган эди. Мен ёлғиз қолгандим...» тасвирига қаратади, яъни шу жумлани ўқиб беради ва тўпни боққа тепиб юборган Вали, Фаттоҳларнинг табиати, «ақллилиги» ва уларнинг хатти-ҳаракатига муносабат билдиришни талаб қилади. Бадалнинг кўнглидан кечган туйғунинг: «... ўйнаб тўймаган тўпимнинг алами ичимда дақиқа сайин зўрайиб борарди» тарзидаги ифодани ўқийди ва ўқувчиларидан Бадалнинг шу ҳолатига муносабатларини сўрайди. Ўқувчилардан шошилмасдан, Бадалнинг ўрнига ўзларини қўйиб кўриб муносабат билдиришларини эслатиб туриш зарар қилмайди.

Тарбияланувчиларнинг эътибори Бадалнинг боққа ошиб тушиб қиз билан йигит ҳолатини кўрганда қалбидан кечган: «Менга англашилмаган бир сирнинг оғирлиги кўкрагимни сиқар, яшил ўтлар орасига қўмилган бошимда шу вақтгача яшириниб ётган фикрлар учқунланар эди» қабилидаги ўйларига (уларнинг қандай ўтирганига эмас, албатта) қаратилади ва муносабатлари сўралади. Ўқувчилар Бадални тушунишга ҳаракат қилишлари керак. Айни Бадал ёшида болалар ўзларининг ўғил болагини туяди, бошқа жинс вакилларига қизиқиш билан қарай бошлайдилар. Ва бу қизиқишлари уларнинг туганмас шўхликлари тарзида рўй беради. Муаллим ўқувчиларни Бадал тимсоли асносида шуларни англашларига йўналиш бериб: «Бу қандай сир деб ўйлайсиз? Нега бу сир Бадалнинг кўкрагини сиқайти? Унинг бошида қандай фикрлар яшириниб ётганди ва улар нега энди учқунлай бошлади?» каби саволларни ўртага ташлаши мумкин. Бадалга англашилмаган сир шундаки, у ҳали эркак билан аёлни бундай ҳолатда кўриб улгурмаган гўдак. Унинг учун бу сирли ҳолат, ғайриоддий тасвир. Аммо ҳаёт тасодиқларга тўла. У бугун бўлмаса эртага шунга ўхшаш ҳолат билан тўқнашарди. Лекин Бадалнинг бугунги тенгдошлари бундай тасвирларнинг кўпини кўриб қўйгани ҳам кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат. Фақат улар ўзгаларнинг хатти-

ҳаракатларидаги бундай табиий-инсоний туйғуларни, фикрларни шундай таҳлиллар асносида тўғри англаб олишлари, оқилона баҳолай билишлари ва айна замонда ўзларининг ички “мен”ини ҳам кашф этиб боришлари адабий таълимнинг максадига монанддир.

“Қиз билан йигитнинг ҳолатини кўрган Бадалнинг хаёлидан ўтган: «Кўчадан ўтган ҳар бир қизнинг паранжисидан тортишдан завқ олувчи тўполончи кўнглим бундай фурсатдан фойдаланмай жимгина чиқиб кетишга маслаҳат қилмасди» тарзидаги фикрларни қандай тушундингиз?» саволи ўқувчиларни мулоҳаза юритишга ундайди. Ҳали болалик билан кичик ўсмирлик орасида бўлган бугунги 5-синф ўқувчилари ҳам тенгдошларини яхши тушунадилар. Бундай “шумлик”ни, шу каби фавқулодда вазиятларга тушиб қолганда, оқибати қандай бўлишини билмай, албатта, улар ҳам қилишлари мумкин.

Ўқувчиларининг муносабатлари якунига етгач ўқитувчи “Ҳикоядан шумтака Бадал: «Гулнор опани бишиб олдим», - деб қичқирганидан сўнг Асад билан Гулнор тушган ҳолатни изоҳланг” тарзидаги топшириқни беради. Аслидаку бу боғда шовқин солиш у ёқда турсин тўпини олишга ҳам юраги дов бермайдиган ўсмирнинг тиниб-тинчимас ва ғалаёнчи руҳияти «жимгина чиқиб кетишга маслаҳат қилма»слиги табиий эди. У қизни уялтириш ёки йигитни қўрқитиш учун эмас, балки шунчаки бир ўз ҳайратини ифодалаш учун аюҳаннос солди. Айна шу жиҳати билан у «Шум бола»нинг қаҳрамонидан фарқ қилади.

Икки ёшнинг ҳолати қуйидагича: “Асад бир нимадан қаттиқ хурқиб, арқонни узган от каби ўзини бир ёкка отди, кўли қалтирар, кучи йўқ. Баланд деворга сакрайди, йикилиб тушади, яна туриб, бутун кучи ила ирғийди, яна йиқилади.

Гулнор бир зумда боғчанинг иккинчи ёғига ўтган бўлса-да, кўрққанидан боғча эшигининг занжирини туширолмасдан типирчиларди...” Ҳикоя қаҳрамони ёшгина Бадалнинг катталар ҳолатини тасвирлашдаги бу зийраклигига ўқувчиларнинг диққатини қаратиш керак бўлади. Ёш йигит билан қиз нега бунча кўрқиб кетди? Асад югуриб келиб Бадални дўппослаши ҳам мумкин эди-ку! Гулнор ҳам келиб унинг қулогидан чўзиши, қўрқитиши мумкин эди-ку! Мана шу саволларга ўқувчиларнинг берган жавоблари уларнинг маънавияти қай даражада тозалиги ёки кирлигидан далолат беради. Асад билан Гулнорнинг бунчалар кўрқиб кетиши, нима қилишни билмай ўзларини ҳар томонга уриши уларнинг ахлоқий мезонларни бузганлари учун чеккан ҳижолатликларининг оқибати. Йигит эр етиб, қиз бўй етганда икки қалбнинг бир-бирига интилиши табиий. Лекин бу табиий жараён ўзбекчиликда ўзгаларнинг назаридан пардаланади. Шаън ҳимояланади, асралади. Асад ўзини босиб олиб Бадал билан ўғил болача гаплашиши ҳам мумкин эди-ку! Нега бундай қилмади? Ўқувчилар бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрсинлар. Бир вазиятга ҳар хил ёндашув, унга ҳар томондан қараш тарбияланувчининг тафаккурини чарқлайди.

“Бадал қилган ишдан нега бунчалар севиниб кетди? Бу, сизнингча, нимадан далолат беради?” саволларига жавоб бериш асносида

Ўқувчилар ҳикоя қаҳрамонинг шахсини англашга ҳаракат қиладилар. Жавоблари табиийки, ўзларининг “мен”идан келиб чиқади. Зийрак ўқитувчи жавобларга қараб ўқувчиларининг шахсиятини аниқлайди. Уларнинг ҳар бирига ёндашув йўллари белгилаб боради.

Шундан сўнг ўқувчиларнинг эътибори Бадал Гулнорларникига сутга чиққанда унинг ҳолати ҳақидаги: «Менга тикилиб қаролмасди, майдонга кирганда атлас кўйлагининг икки энгини шимарди, кумуш билагузукларини ҳам юқорироқ суриб кўйди-да, титрак бир товуш ила...» тарзидаги баёнига қаратилади. Қиз ҳаяжонининг сабаблари сўралади. Унинг тараддудлари – кўйлагининг энгини шимариши, билагузукларини юқори суриши нимадан далолат беради? У Бадални тутволиб урмоқчими ёки ҳаяжоннинг зўридан билмай қилинган онгсиз ҳаракатларми? Ўқувчилар шуни фарқлашга йўнатирилиши керак. Гулнор опасининг қийналишларини кўрган ҳикоячининг: «Мен кўйлагимнинг энгини тишлаб ҳеч нарса билмаган кишидек турар эдим», - тарзидаги баёнига ҳам ёлаларнинг диққати қаратилади. Бадалнинг бу туриши ўқувчиларга нимани англайдигини? Бадал ўзини ҳеч нарсани билмагандек тутаётганда Гулнор ҳам шундай қилаверса бўлмасмиди? Ўқитувчи ўқувчиларни бу каби саволлар асосида Бадални, Гулнорни, умуман, барча қаҳрамонларни ҳис қилишга йўналтириш билан уларни ўзларини ўзлари тарбиялашга ундайди. Муаллим Гулнорнинг Бадал олдидаги ҳолати акс эттирилган қуйидаги мисраларни қайта ўқиб беради: “Йирик, қора кўзларидан марварид томчилар унинг чиройли юзига юмалаб туша бошламиш, узун киприклари намланмишди. ...Қаршимда йиғлаб ва ялиниб турган Гулнор опа қалбимга ҳам ғурур, ҳам алам соларди, Гулнор опани қандай қилиб ишонтиришни билмас эдим”. Сўнгра ўқувчиларга мурожаат қилиб: “Нима деб ўйлайсиз, Бадал гапташувчилик қилиши мумкинми? Сабаби нимада, нега шундай деб ўйлайсиз? Гулнор опаси йиғлаб, ялиниб тургани учунми ёки унинг табиатида бундай пасткашликнинг ўзи йўқми? Фикрингизни нималар билан асослайсиз?” каби саволларни ўртага ташлайди. Бу саволларга жавоб беришда ўқувчиларнинг ҳикоя матнига юзланиб Бадал табиати акс этган ўринларни қидиришлари яхши самара беради. Бадиий матндан фикрининг исботини топган ўқувчини рағбатлантириш, агар ҳеч ким тополмаса, буни уйда асарни қайта-қайта ўқиш асосида топиш мумкинлигини айтиб масалани очиқ қолдириш керак бўлади. Бундай тадбирлар ўқувчилар табиатида бошлаган ишини охирига етказиш, фикрни асослаш сингари фазилатларни шакллантиради.

Бадалнинг: “Йўқ, энди ҳеч «билиб олдим», демайман, ҳеч кимга айтмайман, ҳеч кимга, йиғламанг. Гулнор опа, йиғламанг,- дедим. Товушимда ялиниш, ўтиниш бор эди”, - тарзидаги иқрори ҳам ўқувчиларнинг назарига тушиши керак. Бадалнинг товушидаги ялиниш, ўтиниш оҳанги нимадан далолат беради? Унинг табиатидаги қандай сифатларни намойиш этади?

Ўқувчилар боланинг: «Нега мунча ялинади, нега Хайри хола ўлдиради», - дея ўйлаганлиги сабабини тушунишга уриниб кўришлари керак. Улар нима деб ўйлашади? Маълумки, Гулнорнинг ялиниб йиғлашлари замирида ўзбекона андиша, ота шаъни, эл-юрт орасидаги обрўси сингари буюк хислар ётибди. Қиз боланинг гали кўчага чиқса, бу нафақат унинг, балки ота, амаки, ака ва тоғаларнинг боши эгилиши, ўлиши билан баробар. Бадал ҳам, бизнинг тарбияланувчиларимиз ҳам ҳали буни тушунишмайди, лекин кўнглининг бир чеккаси билан туйиб туради. Туйиб қўйишса, албатта бир кун юзага чиқади.

Ҳикоя «Гулнор опанинг бахти, эрки каби бўш ва сирли кўринганди» тасвири билан яқунланади. Ўқувчилар бу жумланинг мағизини чақишлари керак. Бадалда нега бундай тасаввур пайдо бўлди? Гулнорнинг эрки ўз қўлида эмас ва бу Ойбекнинг болалик даври учун табиий ҳолат. Бахтининг бўшлиги нимада? Асаднинг кейинчалик бўлса ҳам Бадалга юзма-юз келиб у билан ўгил болаларча гаплашмаганидами? Унинг олдида кизнинг шаънини ҳимоя қилмаганидами? Сирлилиги Бадалнинг ҳали одамлар орасидаги бундай муносабатларни тушунамслиги билан боғлиқмикин? Ўқувчиларга бундай муносабатлар билан мурожаат қилишни ноўрин деб ҳисоблагувчилар ҳам бўлиши мумкин, албатта. Лекин бугуннинг болалари бизнинг шу даврдаги ҳолатимиздан ақлироқ ва билимлироқ эканликларини унутмаслигимиз керак. Шундай ишланса, болаларни олға етаклаш, мавжуд ҳолатдан олдинроқда юриш мумкин бўлади, уларни эргаштириш имконияти туғилади. Шунда улар ҳаётларида юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятга зийраклик билан ёндашишга ўрганадилар. Аввал «қовун тушириб қўйиб» у ҳақда кейин ўйламай, адабиёт дарсларидаги шу каби таҳлиллар асносида ҳар бир ишни билиб-билиб қилишга тайёрланиб борадилар.

Ҳикоянинг тўлиқ ва жумлама-жумла таҳлил қилиниши мобайнида Бадалнинг тоза кўнгилли беозор болалиги маълум бўлади. Унинг Гулнор опаси руҳий изтироблари, кўзёшларини кўриб, қийналиб кетганлиги, иккинчи бундай иш қилмасликка сўз берганлиги бировга озор берадиган, ёмонлик қиладиган бола эмаслигини далиллайди. Ўқувчининг кўнглида Бадалга муҳаббат пайдо қила билган ўқитувчи ўқувчиси шахсида комилликка интилиш белгиларини кўриши тайин.

Мавжуд имкониятдан фойдаланиб болаларнинг ҳаётларида бўлган шундай қизиқарли ходисаларни ҳикоя қилишга ундаш мумкин. Ушанда ўқувчилар ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатлари тўғрисида ҳам ўйлашга ўрганишади. Бундай уй вазифасини бажаролгани бажаради, чиқаролмаса ҳам уларнинг интилгани, излангани бир кун самарасини беради.

## БАДИЙ МАТН ТАҲЛИЛИ ВА ТАЪЛИМ

М. Абдиев, СамДУ, профессор

Замонавий билимларга эга кадрлар тайёрлаш шу ишга масъул бўлган кишилар учун муқаддас бурч даражасидадир. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек, “Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ”<sup>7</sup>.

Ҳозирги давр талабаларини давр талаби даражасида ўқитиш эҳтиёжи нима билан боғлиқ? Бир сўз билан айтганда, мақсад таҳлилда ҳар бир фан ютуғини умумлаштирган ҳолда йўл тутишдан иборат бўлиб, жумладан, унда филолог кадрлар учун зарурий билимлар бериш, олган билимларини яна-да мустаҳкамлаш ва матн устида ишлашга хизмат қилдириш масаласи кўзда тутилмоғи лозим.

Маълум ва амалда бўлган ўқув режага кўра, адабиётшунослик ва тилшунослик алоҳида фанлар сифатида ўқитилиб келинмоқда. Бу аслида тўғри. Ундан кўзланган мақсад тил ва адабиётнинг систем-структур хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ этиш бўлган. Бироқ бу улуғ мақсад бир ёқда қолиб, кўп ҳолларда мутахассислар умумфилологик масалалар билан шуғулланиб келмоқдалар. Холбуки, филология илми билан матн таҳлили фани шуғулланади. Бинобарин, бугунги куннинг энг долзарб вазифаси, бизнингча, она тили ва адабиётни систем-структур нуқтаи назардан жиддий ўрганиш ва пировард натижада уларнинг ўзига хос туб хусусиятларини (масалан, қозоқ тили ва адабиётидан фарқ қилувчи хусусиятларини) очиб бериш бўлса, иккинчи томондан, матннинг филологик таҳлили таълим масаласини йўлга қўйишдир. Қайд этилган бу икки муаммо бошқа-бошқа тадқиқот объектлари бўлиб, уларни хос метод ва усуллар ёрдамида ўрганиш керак. Юқоридагилардан англашиладики, ҳозирги филологик таълимда диалектик муносабатда ўзаро боғлиқ бўлган мана шу икки жиҳат орасига аниқ чегара қўйилган эмас. Яъни, систем-структур тилшунослик нима, адабиётшунослик нима-ю, матннинг филологик таҳлили нима эканлиги ҳақида афсуски, тугал фикр йўқ.

Шундай қилиб, таҳлилда филолог кадрлар учун зарурий билимлар бериш, олган билимларини яна-да мустаҳкамлаш ва матн устида ишлашга хизмат қилдириш масаласи кўзда тутилганлиги боис ҳам у куйидаги масалаларни қамраб олади:

- таҳлил методи ва методологияси ҳақида маълумот бериш;

<sup>7</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 38-б.

- амалиёт ва лаборатория машғулоти учун ҳар уч турга тегишли матнларни танлаб олиш;
- танланган матнлар кўзда тутилган мақсадга мувофиқ бўлишига эътибор бериш;
- эски ёзув бўйича талабалар малакасини ошириш;
- транскрипция билан ишлаш ҳақида тасаввур уйғотиш;
- лингвистик соҳага оид билимларини мустаҳкамлаш учун машқлар устида ишлаш;
- адабиётшуносликка оид билимларини муцацкамлаш, такрорлаш учун материалларни ташлил қилдириш;
- ёзма ва оғзаки нутқни ўстириш машқларини бажартириш, ифодали ўқишни ташкил қилиш;
- умумлаштириш, филологик таҳлил ҳақида тасаввур бериш сингари қатор масалалар кўзда тутилди.

Истиқлол даври тараққиётда тамомила янгича босқични бошлаб берди. Шу туфайли кишилар онгида ўтмишга, тарихда яшаб ўтган турли сиймолар фаолияти ва ижодига холисона, тўғри муносабатда бўлиш масъулиятли шаклланди. Бу билан илм-фан олдига ҳам янги-янги вазифалар қўйилдики, бу, шубҳасиз, филологиянинг кейинги тараққиётига ҳам алоқадордир.

Маълумки, ҳар бир фаннинг таълимидан кўзланган бош мақсад муайян соҳа бўйича етук мутахассис тайёрлашга қаратилгандир. Худди шунингдек, филология илми таълими эса бўлажак мутахассисда, аввало, идрокий тафаккурни такомил топтиришни бош мақсад қилиб олади. Пировард натижада, миллий мафкура талабларига мос равишда мутахассис, шахс ва баркамол инсонни вояга етказиш мумкин бўлади.

Шу маънода бўлажак филологларга берилаётган билимлар ва бунинг келажакдаги самараси ҳақида айрим мулоҳазаларни билдириш ўринли кўринадикки, биз куйида шу ҳақда айрим фикрларни билдириб ўтмоқчимиз.

Таълим жараёнида турли аспектдаги таҳлиллардан фойдаланилади. Бу талабаларга муайян фанлар ўтилишида билим бериш учун зарур. Матннинг турли аспектлардаги таҳлили амалга оширилаётган бир пайтда филологик таҳлил ҳақида сўз юритиш, уни оммалаштириш муҳимлигига эътибор қаратиш, бу ҳақда келажак пойдевори бунёдкорлари – филологликка даъвогар талабаларга тушунча бериш заруратига нима учун кун тартибдаги долзарб масала сифатида қаралмоғи лозим?

Муаммонинг илмий-методик ечими масаласида шуни айтиш мумкинки, бизга маълум ва амалда бўлган режага кўра, адабиётшунослик ва тилшунослик алоҳида фанлар сифатида ўқитилиб



келинмоқда. Ундан қўзланган мақсад эса, эслатилганидек, тил ва адабиётнинг систем – структур хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ этишга қаратилган. Дейлик, агар белги соф лингвистик (грамматик) нуқтаи назардан қараладиган бўлса, албатта, унинг ифода ва мазмун планлари муайян методлар асосида ўрганилади. Бироқ у матн доирасида ўрганиладиган бўлса, унинг функция плани ҳам тадқиқ этиладигани, аксарият ҳолатларда, асосан, шу билан чегараланиб қолинмоқда.

Кўринадики, ҳар қандай матннинг асосини унинг материали бўлган тил хусусияти ташкил этади. Бинобарин, таҳлил бу жиҳатсиз тўлақонли бўлиши мумкин эмас. Бироқ унинг поэтик томони ҳам мавжудки, мазкур ҳолат умумфилологик нуқтаи назардан ёндошувни талаб этади. Умуман олганда, таълимда фанлараро ва соҳалараро боғланиш масаласи долзарб. Бинобарин, унинг ечими назарий фикрларнинг амалиёт билан боғлиқлиги, замонавий билим бериш масаласи, талабани мустақил фикрлашга ўргатиш, матннинг турли аспектлардаги таҳлили амалга оширилаётган бир пайтда "филологик таҳлил" тушунчасини оммалаштириш, бу ҳақда келажак пойдевори бунёдкорлари бўлган, филологликка даъвогар талабаларга тушунча бериш зарурати юқорида билдирилган фикрларнинг далилидир.

## ХАЛҚ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН ШОИР

Оразбаев Курмонғали,

М.Авезов номидаги ЖҚДУ доценти

XX асрнинг 60-йилларида ўзбек поэзиясига ўз овози билан кириб келган, самимий ва беғубор туйғулар билан ўзбек шеърини хазиначисини бойитган қўшиқчи шоир Тўра Сулаймон 1934 йил 15 февралда Жиззах вилоятининг Бахмал туманида туғилган. Ўзбек бадиий тафаккурини юксалтириш, замондошларда эзгу маънавий сифатларни шакллантириш борасидаги хизматлари учун 1999 йилда Тўра Сулаймонга "Ўзбек халқ шоири" унвони берилган.

Шоирнинг биринчи китоби – "Истар кўнгил" 1962 йилда чоп этилган. 1965 йилда "Қорасоч" достони босилди ва кўпчиликнинг тилига тушди. Шундан сўнг шоирнинг "Жаҳонгашта" (1970) "Сирдарё қўшиқлари", "Истар кўнгил", "Гулшан", "Гул бир ён, чаман бир ён" номли китоблари ва бошқа асарлари ҳам нашр этилди. Ўнлаб қўшиқлари Ўзбекистоннинг энг машҳур хонандалари томонидан севиб куйланмоқда. Ўткир кузатувчанлик ва табиат гўзаллигини нозик ҳис этиш Тўра Сулаймонга шундай бир манзара яратиш имконини берадики, ундаги ҳар бир детал, ҳар бир бўёқ ва ранг ҳаётлиги, реаллиги ва жонлиги билан ёрқинлик касб этади. Шудринларда акс этган кўёшнинг шўх жилваси, қушлар навосида

жаранлаган армон эса мусиқий таассурот. Уларнинг гармонияси лирик қахрамоннинг бахориёт кайфиятига эш. Т.Сулаймон лирикасидаги инсон табиат оламининг барча тийрак хоссалари билан алоқадорликда намоён бўлади. Шоир табиат ҳодисаларини ўз дунёқарошига таянган ҳолда муносиб баҳолайди, ранг ва оҳанглардан, шакл ва жилвалардан ўз рухий ҳолатларига, ҳиссий ва завқий савиясига кўра таъсирланади. Шу маънода айтиш мумкинки, Т.Сулаймон лирикасида табиат билан инсон ўртасидаги боғлиқлик табиат манзараларининг ёркин бўёқдор манзаралар замиридан сизиб чиқувчи ўй-мулоҳазалар орқали аён тортади.

Ўз навбатида улар орқали инсон рухий кечинмаларининг психологик ҳолатларининг картинаси намоён бўлади. Тўра Сулаймон ўзбек халқ оғзаки ижодининг нодир намуналари сирини қунт билан ўрганди. Ўзига маъқул бўлган жиҳатларига ижодий ёндашди ва ўз шеърятини яратиш йўллариини излади.

#### **НУТҚИЙ МАҲОРАТНИ ШАҚЛЛАНТИРИШДА МЯБТ-4 МОДУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Т. Зиёдова, ГулДУ, пед. ф. н., доцент**

«Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси»да таъкидланганидек, 2006–2012 йиллар давомида умумтаълим мактабларини компьютер ва мультимедиа жиҳозлари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда электрон ўқув адабиётларидан кенг фойдаланиш босқичига ўтиш кўзда тутилган. Компьютер ўқув дастурлари воситасида нутқ ўстириш ва матн яратишда қуйидаги инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш мумкин:

*Тақдимот технологияси* – дарс жараёнида компьютердан фойдаланиш-нинг ҳозирги шароитга кўра энг қулай усулидир. Бунинг учун ўқитувчига биргина процессор ва видеопроектор керак бўлади. У MS Power Point компьютер дастури ёрдамида ўтилган (Утилажақ) дарс учун ўқитувчи (ўқувчилар билан биргаликда) грамматик слайдлар яратади ёки мавзуга оид видеотасвирлар пакетини тайёрлайди.

*Электрон нусха* – бу фан бўйича мавжуд дарсликнинг компьютердаги варианты (нусхаси) бўлиб, унда мультимедиа воситаларидан фақат овоз ва рангли матн қатнашади.

*Электрон мультимедиа дарслиги* – ўзбек тили ўқув курсини айнан компьютер воситасида, ўқитувчи ёрдамида ёки мустақил ўзлаштиришни таъминловчи дидактик ишланмалар комплекси.

*Электрон энциклопедия* – муайян қидирув тизимига эга бўлган, маълум йўналишдаги иллюстрацияли мақолалар, видеотасвирлар,

гиперҳаволалар, аудио ва видео луғатлар, хронологик рўйхат, фойдаланилган ва тавсия эти-ладиган адабиётлар рўйхати ва ҳк.лардан иборат бўлган катта ҳажмдаги электрон дастур.

**Электрон луғат** – луғатнинг мультимедиа воситалари билан бойитилган электрон нусхаси. Электрон луғат турли йўналиш ва мақсадларда тузилиши мумкин, ундан ўқувчи сўз бойлигини ошириш, оғзаки ва ёзма нутқни шакллантириш, сўз танлаш, уларни ўзаро қиёслашда фойдаланилади.

**Ўргатувчи аудио-видео дастурлар, электрон лингафон курслари**– интегратив таълим тизимига киритилиб, нафақат она тили балки ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчилар учун ҳам самарали дидактик технологиядир. Масалан, тўғри талаффузни ўргатувчи компьютер дастур-ларида анимация ёрдамида товушнинг артикуляцион ўрни, усули кўрсатилади, эталон нутқ эшиттирилади, ўқувчининг ўз талаффузи ёзиб киритилади, сўнгра у адабий тил меъёри билан таққосланади. Бундан ташқари, аудио-видео дастурлар қаторига «Караоке» тизимини киритиш мумкин. Ундан талаффузни яхшилашда, маданий дам олишда ёки бирор тadbирни ўтказишда фойдаланиш қулай.

**Универсал тест дастури** – ўзбек тили дарсларининг бирор йирик бўлими бўйича тест топшириқлари ва рейтинг тизимидан иборат бўлган компьютер дастуридир. Унинг қулайлиги шундаки, биргина дастурий таъминот асосида турли хил тест синовларини ўтказиш, яъни фақат матнни янгилаб, савол ёки топшириқни ўзгартириб, турли мавзуларда қўллаш мумкин.

**Интернет тармоғидан ўзбек тилини ўрганувчи бошқа миллат вакиллари ҳам унумли фойдаланишлари мумкин:** мустақил таълим жараёнида маълумотлар тўплаш, мавзуларни ўзлаштириш, берилган мавзуда реферат, иншо ёзиш ва бошқалар. Шунингдек, электрон почта - ахборотни бир компьютердан иккинчисига юборишни таъминловчи ички тизим орқали ўқитувчи ёки синфдошлар билан ёзма мулоқотни йўлга қўйиш мумкин.

**Видеоматериаллар билан ишлаш.** Ахборот технология- ларининг бу усулини ўқувчи луғатини бойитиш коммуникатив саводхонликни таъминлаш, оғзаки (ифодалаи ўқиш, нотаниш сўзларни шарҳлаш) ва ёзма (матн устида ишлаш топшириқлари) нутқни шакллантиришда самарали қўлланилиши мумкин

Тил ўргатувчи дастурлар асосан 2 хил: эмпирик ва назарий. Биз тавсия қилаётган “Она тили” ЭЎҚси назарий ёндашувга асосланган бўлиб, у ўқувчи онгида кўриш, эшитиш, англаш, гуруҳлаш қиёслаш, саралаш, мавзу талаби асосида гаплар, тестлар тузиш, матн яратиш

кўникмаларини фаоллаштириш, таснифий матнлар яратиш, нутқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган. Матн яратишни психолингвистик топшириқлар асосида мотивлаштириш эса таълим жараёнини фаол бошқаришга, ўқувчи тафаккурини ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини назорат қилишга имконият яратади.

Куйида “Она тили” дидактик слайдлари ёрдамида ўқувчиларда илмий грамматик матн яратиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга, нутқ ўстиришга хизмат қилувчи ўқув топшириқларидан намуналар берилди:

1. Электрон дидактик слайд (ЭДС) ларни кодоскоп, компьютер, видеопроектор, телеэкранларида намойиш қилиш орқали янги мавзунини тушунтириш;

2. ЭДСлар таснифини моҳир сўз усталари ижросида тинглаш, шу жараёнда суҳандонлик, нотиклик, сўз санъати, нутқ маданияти сирларидан баҳраманд бўлиш;

3. ЭДСни суҳандон овозига тақлид қилиб оғзаки таснифлаш;

4. ЭДС асосида савол ва топшириқлар тузиш;

5. ЭДС асосида муаммоли саволлар тузишни;

6. ЭДС ёрдамида назорат тестлари тузиш ва уни ҳимоя қилиш;

7. ЭДСдан фойдаланиб, назорат тестлари ечиш;

8. ЭДСдан фойдаланиб, илмий-грамматик матн яратиш;

9. ЭДСдан фойдаланиб, МЯБТ-4 модули тизимида матн яратиш;

10. ЭДСлардан фойдаланиб «Ақлий ҳужум», «Дебат», баҳс-мунозара ва мусобақа дарсларини ташкил қилиш;

11. ЭДС асосида «Заковат» интеллектуал ўйинларини ташкил қилиш;

12. ЭДСлар ёрдамида эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, шарҳлаш, таснифлаш, муаммоли вазиятлар яратиш;

13. ЭДС ни таснифлаш асосида нутқ ўстириш: «Конференция дарслари» ташкил қилиш;

14. ЭДС асосида «Энг яхши грамматик матнлар» танловини ўтказиш;

15. ЭДС асосида ўрганилган мавзулар бўйича «Энг яхши тест топшириқлари» мусобақасини ўтказиш;

16. Ғолибларини рағбатлантириш ва ҳ.к.

Матн яратишнинг 4 босқичли тизими (МЯБТ-4) модули, матн яратишга йўналтирувчи топшириқлар устида мунтазам ишлаш, ўқувчини мустақил яратилган матннинг мазмун-моҳияти, матн яратиш сифатининг эгалланган нутқий билим, кўникма ва малакалар миқдорига боғлиқлиги, мустақил матн яратишнинг зарурий босқичлари билан яқиндан таништиради. МЯБТ-4 модулидаги ҳар бир босқич ўқувчи

онгида мавжуд бўлган муайян сатҳдаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, уларнинг амалий татбиқи даражасини аниқлаш ва баҳолашга, матннинг сифат кўрсаткичларини юксалтиришга хизмат қилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида МЯБТ-4 модули асосида бадий-рамзий услубда матн яратиш устида мунтазам иш олиб борилса, муаммоли вазиятларни ечиш, изланиш, кашфиётчилик, ўзаро мусобақа характеридаги ўқув фаолияти йўлга қўйилса, ўқувчи онгига диққатни пешловчи, лингвопсихологик тестлар орқали таъсир ўтказилса, ўқувчида ижобий ўқув мотивлари шаклланади, мустақил ва ижодий фикрлаш, ўз фикрини гўзал ва равон ифодалаш истаги пайдо бўлади. Ўқувчи ёзаётган матни (иншоси)да тасвирий воситалар, мақол ва хикматли сўзлар, ибора ва тасвирий воситаларни қўллашга, ўз нутқий маҳорати, алоҳида иктидорини ўртоқлари олдида намойиш қилишга, мазмундор насрий ва назмий матнлар яратишга, лирик, лиро-эпик, поэтик манзаралар ҳосил қилишга уринади. Нағижда гуруҳда қанча ўқувчи бўлса, шунча турда, турфа услубдаги, ранг-баранг матнлар яратилади, энг яхши матн муаллифи аниқланади ва рағбатлантирилади. Куйида 13-мактабнинг 7“А” тажриба-синов синфи ўқувчилари томонидан МЯБТ-4 модули асосида яратилган матнлардан намуналар (матнларнинг фақат бошланиш қисми берилди) келтирилди.

**Ижодий топшириқ(7-8-синф ўқувчилари учун).** МЯБТ-4 модули асосида бадий услубда матн яратинг. Мавзу: Баҳор мадҳияси.

Модулнинг 1-босқичида ўқувчилар «баҳор» сўзининг уядошларини, яъни баҳор тушунчаси билан боғлиқ бўлган, унинг билан бирга ишлатиладиган, шу фаслга хос атамалар, белги, ҳолат, микдор ўзгаришлари, табиат ва жамиятда фақат баҳордагина юз берадиган иш-ҳаракатлар, ҳолатлар, воқеа ва ҳодисалар номларини топиб ёздилар.

Намуна: *борлиқ, булут, ёруғ олам, осмон, дунё, орзу, ёмғир, табиат, майсалар, сел, чақмоқ, момақалдиқоқ, сочпояк, поқсанниш, янглианиш, ажойиботлар, айвон, уялар, қалдирғочлар, лолақизгалдоқ, қир-адирлар, лола сайли, кабутарлар, деҳқон, кетмон, кўёш ва ҳ.к.*

Модулнинг 2-босқичида ўқувчилар эътибори уядош сўзлардан сўз бирикма(СБ)лари ҳосил қилиш, турли саволлар ёрдамида уларни кенгайтиришга қаратилди:

Булутлар қарвони, булутларнинг *оғир* қарвони, *қора* булутларнинг *оғир* қарвони, *жала ва сел хабарчиси* қора булутларнинг *оғир* қарвони; бу ёруғ дунё, бу ёруғ дунёнинг *ажойиботлари*, бу ёруғ дунёнинг *биз билмаган* ажойиботлари; табиат мўъжизалари, табиат мўъжизаларидан *ҳайратланиш*, *она* табиатнинг *гаройиб* мўъжизаларидан *ҳайратланиш*;

уяларига қайтаётган қалдирғочлар, баҳорда ўз уяларига қайтаётган қалдирғочлар; кабутарлар галаси-чарх ураётган кабутарлар галаси, осмону фалакда чарх ураётган кабутарлар галаси; далага йўл олган дехқон, қадрдон даласига йўл олган бободехқон; куёш нурлари, куёшнинг илиқ нурлари, кўжам куёшининг заррин нурлари, кўжам куёшининг заррин нурлари остида ялт этиб товланган, омонат шудринг.; оппоқ, кўзни қамаштирадиган қор, баҳорнинг илиқ нафасидан эриётган қор, Кўжамойнинг майин кўшиғи, ҳаётбахш нафасига тоб беролмай эриётган қор, корли тоғлардаги кўз илгамас жилғаларининг пастга, сайхонликка интилиши, ўйноқи сойга айланиши., ва ҳ.к.

МЯБТ-4 модулининг 3-босқичи ўқувчилар учун ҳақиқий ижодга, ўзидаги нутқий истеъдодни намоён қилиш мусобақасига айланди. Улар бадий бўёқдор, мазмундор гаплар қуриш орқали ўз нутқий қобилиятларини намоён қилишга интилдилар:

**1-ўқувчи:** Баҳор! Бу табиатнинг уйғониши, эриётган қор сувларининг ишлдирани, оламнинг яшил либосга бурканиши...

**2-ўқувчи:** Баҳор! Бу куёшга интилаётган нафис майсалар, гўзаллик ва бахт ҳақида тинмай баҳслашаётган лолақизгалдоқлар, қоқи ўтлар, равочу жағ-жағларга тўла бахмал қирлар жозибаси...

**3-ўқувчи:** Баҳор! Бу қарвон-қарвон бўлиб пастгина сузиётган оппоқ булутлар, куёшнинг эркаловчи илиқ нурларида яйраб, чарх ураётган кабутарлар галаси...

**4-ўқувчи:** Баҳор! Бу ёмғир томчиларидан ялтираб, патила-патила бўлиб ётган қоп-қора, хушбуй сочларинг, менинг яширин нигоҳларимдан уялиб, дераза ортига термулган чарос кўзларинг...

**5-ўқувчи:** Баҳор! Бу ўзлари ясаган, қадрдон уяларига қайтаётган элчи-қалдирғочлар...

**6-ўқувчи:** Баҳор! Бу маънавий покланиш, янгиланиш, бу ёруғ дунё ажойиботларидан ҳайратланиш...

**7-ўқувчи:** Баҳор! Бу ярақлатиб чарҳланган кетмонини елкасига ташлаб, далага йўл олган бободехқон,....

**8-ўқувчи:** Баҳор! Бу безубор осмон, она ватан сарҳадларига аямай нур сочаётган бобокўёш, қир-у адирларнинг барқут либоси...

Шу тарика дарсда иштирок этаётган 35 ўқувчи, 35 хил йўналишда фикрлади, мустақил мушоҳада юритди, сўз бирикмалари ва гаплар тузди, ўзи учун ниҳоятда муҳим кашфиёт – матн яратди. Уларда ўз иқтидори, нутқий қобилиятини намоён қилишга, бадий матн орқали ўз нутқий маҳоратини кўрсатишга иштиёқ туғилди.

Ўқувчиларнинг МЯБТ-4 модули асосида, эркин мавзуда яратилган бадий-рамзий матнлари қуйидаги параметрлар билан ўлчанди:

1. Матннинг тили, услуби. Мавзунинг ёритилиши.

2. Фикрнинг тугал ва мантикий ифодаланганлиги
3. Матнда эпиграф ва иқтибослардан фойдаланиш;
4. Матнга қизиқарли лавҳа қўша олиш;
5. Кириш, асосий қисм, хулосанинг мавжудлиги;
6. Диалог, монолог ва полилогларни ўринли ишлатиш;
7. Маънодош, сўзлардан фойдаланиш ;

Сўз бирикмалари синонимияси, гап синонимияси, матн синонимиясини фарқлаш, улардан матн яратишда фойдаланиш даражаси...

## “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИ МАТНИ УСТИДА ИШЛАШ

Б. Абдурахмонова, ҚДПИ доценти

Қутадғу билиг асари яхлитлигича олинадиган бўлса, дoston жанрига мансуб, бироқ асарда бошқа бир қатор жанрларнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Булар: 1) маснавий; 2) тўртлик-рубой; 3) туюқ; 4) мунозара; 5) қасида.

Асарнинг жанрларига кўра бундай хилма-хиллиги тасодифий эмас. «Қутадғу билиг»ни ўрганган кўплаб олимларнинг таъкидлашига кўра, у туркий ёзма адабиётнинг ривожланишида ўзига хос босқич бўлиб, қадимги адабий анъаналарнинг яқунланиб янги бир тарихий давр асосидаги адабий анъаналарнинг бошлангич нуқтасида пайдо бўлган. Шунга кўра уларнинг барчаси тўлалигича, яхлит ҳолда эмас, балки танлаб, саралаб олинган ҳолда тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

«Қутадғу билиг»нинг асосий қисми маснавийда ёзилган. Маълумки, маснавий эпик асарлардаги шакл ва алоҳида шеърӣ жанр сифатида икки хил кўринишга эга.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарини дoston тарзида ёзар экан, маснавийни энг мувофиқ шакл сифатида танлайди.

Ўқувчилар мумтоз шеърӣнинг жанрий бўлинишлари, аруз вазнидаги асарлар, дoston каби тушунчалар орқали бу жанр ҳақида ҳам муайян тушунчаларга эга бўлишган. Мазкур базавий билимлар ўқувчиларнинг академик лицейнинг биринчи босқичида маснавий жанрини ўрганишлари учун пойдевор вазифасини ўтай олади. Шунга кўра, ўқитувчи бу соҳадаги билимларни яна бир марта тизимга солиб олиш мақсадида қуйидаги саволларни ўқувчиларга ҳавола этиши мумкин бўлади:

1. Маснавий қандай жанр? Унинг асосий белгилари сифатида нималарни кўрсата оламиз?
2. «Қутадғу билиг»даги маснавийларнинг қандай ўзига хосликлари мавжуд?



3. Куйидаги байтларнинг қофиясини аниқланг. Нима учун айнан шу сўзларнинг қофияда келаётганини изоҳлаб беринг.

Бўр ичмас керак бег, фасад қилмаса,

Бу икки қилиқдин қачар қут баса.

Бег ичимлик ичмайдиган, фасод қилмайдиган бўлиши керак,

Бу икки қилмишдан зинҳор қут қочади.

Не эзгу иш эрди ўлум бўлмаса.

Не кўрқлуг иш эрди киши ўлмаса.

Ўлим бўлмаса қандай эзгу иш бўлар эди

Киши ўлмаса қандай чиройли иш бўлар эди.

Ўқитувчи «Қутадғу билиг» маснавийларининг асардаги воқеалар ривожини кўрсатишдаги энг муҳим восита бўлганлигини ҳам айтиб ўтиши керак. Ундаги сюжет ривожини фақат маснавийлар билан боғлиқ ҳолдагина ривожланади. Бу ерда адибнинг сўз танлаши, сўздан фойдаланишдаги маҳорати энг кўп даражада намоён бўлганлигини кўрсатиш имкони ҳам бор. Бундай ишларни асар тўртликлари устидаги ишлар жараёнида ҳам давом эттириш мумкин. Асар тўртликлари ҳақида академик лицейларнинг 1-босқи-чи учун яратилган «Адабиёт» дарслигида тегишли маълумотлар берилган.

Ўқувчиларнинг мактабда олган билимларига таянган ҳолда машгулотни қуйидагича ташкил этиш мумкин. Синф ўқувчилари уч гуруҳга ажратилади, уларга қуйидаги шаклдаги карточкалар тарқатилади.

Тўртлик	
---------	--

Туюк	
------	--

Рубой	
-------	--

Қасида	
--------	--

Маснавий	
----------	--

Гуруҳ аъзоларининг ўзаро маслаҳатлашиб фикрларини қоғозга тушириш учун вақт берилади. Белгиланган вақт тугагандан сўнг, ёзган жумлаларини ҳеч бир изоҳсиз ўқиб бериш ҳамда синф тахтасига илиб қўйиш талаб этилади. Уларда тахминан қуйидаги жавоблар акс этиши лозим.:

Тўртлик	4 мисрадан иборат бўлади. Аруз ёки бармоқ вазнида бўлиши мумкин. Қофияланиш тартиби хилма-хил: а-б-а-б;
---------	---

	а-а-а-а; а-а-б-а.
Туюк	4 мисрадан иборат бўлади. Аруз вазнида ёзилади. Қофияланиш тартиби асосан: а-б-а-б ёки а-а-б-а. Қофиясида омоним сўзлар иштирок этади.
Рубоий	Тўрт мисрадан иборат бўлади. Қофияланиши кўпинча а-а-б-а тарзида шаклланади. Унинг а-а-а-а кўриниши ҳам кўп учрайди. Аруз вазнида битилади.
Қасида	Ҳажмига кўра чегараланган эмас. Бирор воқеа, шахсга бағишланган бўлади. Қофияланиш тартиби ғазалга ўхшайди: а-а; б-а; в-а; г-а...
Маснавий	Ҳажмига кўра чегараланган эмас. Қофияланиш тартиби а-а; б-б; в-в; г-г... яъни фақат ёндош икки мисралар бир-бири билан қофияланади.

Ўқувчилар эътибор қаратмаган ўринлар ўқитувчи томонидан тўлдирилади, керакли ўринларда мисоллар келтириб қасида, тўртлик, рубоий ҳақидаги назарий маълумотлар бир қарра эслаб олинади. Ҳар бир гуруҳнинг фикри ўқитувчи томонидан изоҳланади. Айниқса, машғулот давомида уларга Юсуф Хос Ҳожиб тўртликларининг тузилиши ва ўзига хос маъно хусусиятлари ҳақида маълумот бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртлик ва рубоий жанрларининг ўзаро яқинлиги, алоқалари ҳақида гапирганда «Кутадғу билиг» тўртликларининг ўзбекча – туркийча рубоий-ларга асос бўлганлигини эслатиш ўринли бўлади. Бунда:

- 1) Тўртликларнинг ҳам рубоий каби тўрт мисрадан иборат бўлиши;
- 2) Юсуф Хос Ҳожиб яратган тўртликларнинг маъно хусусиятларига кўра, шунингдек, тузилиши жиҳатидан рубоий талабларига яқин келиши;
- 3) Уларнинг вазн талабларига кўра ўзаро фарқланиши ўқувчиларнинг диққатига етказилади.

Проф. Б.Тўхлиевнинг кўрсатишича, бу ҳолат туркий адабиётдаги рубоий жанрнинг дастлабки намуналари ҳазаж баҳрида эмас, балки мутақориб баҳрида ёзилганини кўрсатади. Ўқувчиларга жанрнинг тарихий ҳодиса эканлигини изоҳлаш, тушунтириш керак бўлади.

## АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ФАРИДИДДИН АТТОР АСАРЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Д. Каримова, ТДПУ, ф. ф. н., доцент

Инсоннинг маънавий ва руҳий дунёсини шакллантиришда бадиий адабиётнинг ҳиссаси бекиёсдир. Шундай экан, бу масъулиятли ишни сира кечиктирмаслик лозим. Умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежларидаги адабиёт дарсларини том маънода ахлоқ ва одоб дарслари деб қарашимиз ҳамда шунга йўналтиришимиз шу куннинг долзарб вазифасидир.

Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Алишер Навоий, Муҳаммад Бобур, Нодира, Увайсий, Муқимий ва Фурқат каби буюк ижодкорлар мероси келгуси авлод – комил инсон таълим ва тарбиясида, ота-оналар ҳамда устоз-муаллимларнинг энг яқин кўмакчиларидир.

Мустақиллик бизга берган неъматларнинг бири сифатида шу нарсани таъкидлаш мумкинки, юқоридаги адиблар қаторида яна кўпгина мумтоз адабиёт даргалари асарларини ўқиб ўрганиш имкониятиги эга бўлди. Шулардан бири форсий адабиётнинг йирик намояндalarидан ҳисобланмиш Фаридуддин Аттордир.

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида бу шоирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга махсус соатлар ажратилмаган. Аммо, адабиёт ўқитувчисининг илмий тадқиқотлик, бадиий воситачилик, боғловчи ва ташкилотчилик фаолиятлари Аттор каби буюк ижодкорлар асарларидан мумтоз адабий мавзуларни ўрганаётганда бемалол фойдаланиш имкониятини беради.

Масалан, умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг 2-босқичида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилади. Шунда ёш Алишернинг Фаридуддин Атторнинг «Мантик ут-тайр» асарларини қанчалик кизиқиб ўқиганлиги, асар воқеалари унга кучли таъсир қилиб, аллақандай ҳаёлчан ва маънос ҳолатга тушганлиги ҳикоя қилинади. Хўш, нега, нима учун Алишернинг ота-онаси унга бу асарни ўқишни таъқиқладилар, қўлидан китобни олиб қўйдилар?!

Бўлажак шоирга бу асар нима учун шунчалик кучли таъсир қилди?

Ўқувчиларда туғилган табиий бу саволга жавоб бериш учун Фаридуддин Аттор ва унинг асарлари ҳақида маълумот бериб ўтиш Навоийни янада чуқурроқ билиб олишга замин яратади.

Фаридуддин Аттор 1221-1245 йилларда Эроннинг Нишопур вилоятида яшаган. У форсий адабиётнинг энг буюк даҳоларидан саналади. Унинг отаси Абубакр Иброҳимнинг асл касби атторлик ва табиблик бўлган. Фаридуддин ҳам ота касбини давомчиси сифатида

умрининг охиригача шу касб билан машғул бўлганлигидан ўзига «Аттор» тахаллусини маъқул кўрган.

Адабиётшунос олим Ҳамиджон Ҳомидий таъкидлаганидек «... буюк мутафаккир фикҳ, тафсир ва ҳадис, илми нуҷум, табобат, фалсафа ва мантиқ илмларида камолотга эришган, шоир, олим ва ҳаттот даражасига етган.

Замонасининг кўп шоҳу зодагонлари Атторни ўз даргоҳларига тортишмоқчи бўлишган, лекин сўфи шоир бу таклифларни рад этиб отасининг дўконида умргузаронлик қилган».

Атторнинг мероси 149 асардан иборат деб кўрсатилади тарихий манбаларда. Аммо уларнинг ҳаммаси бизгача етиб келмаган.

Филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул Аттор ижоди ҳақида маълумот бераётиб уни «Навоийнинг Навоий бўлишига маълум бир таъсир кўрсатган форсий тасаввуф адабиёти дарғалари» дан бири сифатида кўрсатади. Мантиқ ут-тайр, «Илоҳийнома» асарларининг шоир ва таржимон Жамол Камол томонидан таржима қилинганлигини қувонч билан тилга олади ва уни юқори баҳолайди. Шу маълумотлардан сўнг ўқитувчи ўша мўъжизага бой «Мантиқ ут-тайр» китобини ўқувчиларга намойиш қилади ва уни ўқишни тавсия этади. Шу ўринда Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари ҳақида маълумот бера бошлайди. Дарсинг бошида ёш Алишерни ҳайратлантира олган Аттор ва унинг достони яна бир гўзал фалсафий асарнинг яратилиши учун замин бўлганлигини ўқувчиларга ҳикоя қилади. Синфдан ташқари ўқиш, мустақил иш соатларида Атторнинг «Илоҳийнома»асарини ўрганишни ҳам ўқувчиларга тавсия қилиш мумкин. Бу асар уларни форсий адабиётнинг гўзал бир намунаси билан ошно қилади. Шу билан бирга уларнинг маънавий ва миллий руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ҒАФУР ҒУЛОМ НАСРИНИНГ ЎРНИ Т. Матёқубова, ТДПУ, ф. ф. н., доцент

Бадий адабиёт инсон маънавиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда айниқса сўз санъати намуналарига алоҳида эътибор берилмоқда. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадий адабиётдир. Адабиётни инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас”<sup>8</sup>. Дарҳақиқат, сўз санъатига берилган бу таъриф барча давр ва ижодкорларига тааллуқлидир.

XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаси Ғафур Ғулом нафақат истеъдодли шоир балки етук носир, маҳоратли таржимон ва адабиётшунос сифатида кўплаб асарлар яратган. Унинг ҳикоя, қисса, шеър ва дostonлари бугунги кун ёшларини юксак ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ижодкор асарлари моҳиятига миллий гурур, ўзликни англаш, инсонга чексиз ҳурмат ва эҳтиром, узоқ тарихимиз билан фахрланиш ва келажакка умидворлик туйғулари моҳирона сингдирилган. Албатта, бир мақола доирасида ижодкорнинг бутун фаолияти ҳақида фикр юритиш имконига эга эмасмиз. Шунинг учун ушбу мақолада умумтаълим мактаблари 5-6 синфлари дарсликларидан ўрин олган “Менинг ўғригина болам” ҳикояси ва “Шум бола” қиссаси ҳақидаги айрим умумлашмаларимизни ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Ғафур Ғулом ўз қаҳрамонларини тасвирлашда миллий руҳга, миллатнинг орзу-истакларига алоҳида ургу беради. Адиб тасвирлаган қаҳрамонлар Аллоҳ берганига шуқур қилиб, келажакка умидворлик билан қаровчи кишилардир. Улар ҳар қандай қийин шароит, мушкул вазиятларда яшашларига қарамасдан, қалбларида самимий инсоний фазилатлар мужассамдир. Ёзувчининг “Менинг ўғригина болам”<sup>9</sup> ҳикоясидаги Рокиябиби образи бунга мисол бўла олади.

Ҳикоя асосида ётган воқеа ёзувчининг ўз уйида содир бўлган бўлиб, у ёшлик йилларида мазкур воқеанинг гувоҳи бўлган. Ҳикоядаги носкаш кампир - Қора буви унинг ёши саксондан ошган бувисидир. Ҳикояда носир воқеани анча теранлаштириб, замонанинг етакчи масалаларига, хусусан биринчи жаҳон урушига келтириб боғлайди.

Тўртта етимни парвариш қилаётган буви улар келажакка умид билан қарайди. Уруш туфайли мамлакатда иқтисодий ночорлик кучайган, кишилар қорин ташвиши билан овора бўлган бир шароитда Рокиябиби қалбидаги имон, эътиқод, меҳр-шафқат, сабру қаноат, ширинсуханлик, келажакка умидворлик, ҳаромдан ҳазар қилиш, кечиримлилиқ каби инсоний сифатлар айниқса қадрлашга лойиқдир. Бу

<sup>8</sup> Каримов И. Юксак маънавият – энгшмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 136

<sup>9</sup> Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.6. – Т.: Фаг, 1986.

меҳрибон ва мушфик кампир уйига ўғирлик умидида келган йигитдан ширин сўзини аямай. Уни қинғир йўлдан қайтармоқчи бўлади, бадном бўлмасликка чақиради, тўғри йўлга ундайди. Бошига тушаётган мушкулотлар, турмушнинг издан чиқишини кампир *“Худонинг гашига тегдик шекилли”*,<sup>10</sup> - дея изоҳлайди. Роқияббининг бу сўзларида Яратганга итоат, билиб-билмасдан қилинган гуноҳлардан тийилишга чорлаш, худонинг раҳматидан умидворлик руҳи устувордир. Диний адабиётларда келтирилишича, Аллоҳдан кўрқув ва умидворлик мусулмон кишининг асосий вазифаларидан бири саналади. Худди шу *“кўрқув ва умид орқали ймон қувватланади, эътиқод шаклланади”*, *“...чунки шу кўрқув тўғрайли инсон гуноҳдан қочади, қалбида муҳаббат ҳосил бўлади”*<sup>10</sup>.

Ҳикоядаги Роқиябиби руҳий тўлқинларида Яратганга чексиз бир муҳаббат, гуноҳлардан тийилиш ва кўрқиш, имон ва эътиқод мустаҳкамлиги ўзига хос тарзда акс эттирилган. Фафур Фулом қахрамоннинг зоҳирий ва ботиний жиҳатларини акс эттиришда халқ орасида кенг тарқалган диний-ахлоқий меъёрларга таянадик, бу у яратган қахрамонлар китобхон қалбига чуқур сингиб боришини таъминлаган етакчи омилдир. Умуман, ёзувчи Роқиябиби тимсолида халқимиз орасида кундан-кунга йўқолиб бораётган инсоний фазилатларни ўз идеаллари, орзу-ниятлари ва тасвир оламига монанд ҳолда акс эттира олган. Асарнинг бадий етуқлиги ва яшовчанлиги асосларидан бири шу каби жиҳатлар билан бевосита боғлиқ бўлса ажаб эмас.

Фафур Фулом ҳикояда турмуш ташвишлари сиқувга олган икки инсон ўртасидаги самимий инсоний муносабатни улуғлайди. Маълум бўлишича, ўғри ҳам икки нафар фарзанди, хотини ва кампир онасини боқиб учун ноиложликдан шу ишга қўл урган. Ўзи туппа-тузук аёлманд бир қосибнинг ўғли экан. У ота қасби қавушдўзликни қилай деса хом-ашё йўқ, ҳаммоллик қилай деса, илгаригидай қоплаб савдо қиладиган *«бадавлатларнинг тухуми қуриган»*. Ҳамма қасблар қасодга учрагани сабаб билагида куч-қуввати бор, ақлу хуши жойида бўлган йигит шу ишни қилишга мажбур бўлган. Бироқ у *андиша* ва *уят* туйғусидан бегона эмас. Роқиябиби *«ўзригина болам, ўзригина болам», «айланай», «эҳтиёт бўл, эл-юртнинг олдидан тагин бадном бўлиб қолмагин»*, - дея йигитни нотўғри йўлдан қайтармоқчи бўлади. Унинг қалбидаги *уят, андиша* туйғуларининг кўрини янгилаб тавбага, покланишга ундайди. *«Хўв, худоё уруши бошига етсин»*, - деган кампир сал ўтмай: *«Ҳа, майли. Шу етимларнинг ҳам нешонасига ёзгани бордир»*, - дея сабр кишисига айланади. Сухбатдошига ҳам ҳаромни эътироф қилдира олади.

Ҳикоядаги Қора буви қайсидир жиҳати билан *«Ўтган кунлар»* романидаги Юсуфбек хожини эсга солади. Бу ҳолат уларнинг инсонпарварлигию меҳрибонлигида яққол кўзга ташланади. Ўз қутлуғ

<sup>10</sup> Муҳаммад Зоҳид Қўтқу. Иймон қушининг икки қаноти. -Т.: Адабиёт ва санъат, 2000, 35 б.

уйидан бирор кимсанинг норози бўлиб кетишини астойдил истамаган Юсуфбек хожи қиёфаси, рухий тўлқинларига Қора бувининг: «*Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам*», - деган сўзларни айтгандаги ҳолатини қиёсласак, бу муштараклик яққол намоён бўлади<sup>11</sup>.

Бегонагада суҳбатда юзини очик ва тилини чучук тутган, ахли суҳбатидан ўз бор-йўғини дариғ тутмаган, унинг ҳатто ўғирлик қилмоқчилигинида кечира олган, насиҳатлар қилиб тавбага етаклаган, юртдошининг иллатини йўқотишга астойдил ҳаракат қилган, йигитнинг қорнини тўйдиришга рағбат ва истак билдирган, етимларни тарбиялаб вояга етказётганини зинҳор-базинҳор миннат қилмаган кампир ақидалари ботинан ҳам, зоҳиран ҳам исломий ахлоқ асосларига таянади.

Шубҳасиз, ҳикояда Ғафур Ғуломдек улкан сўз санъаткорининг буюк инсонпарварлигига йўғрилган эстетик идеали, турмуш ҳақиқатига садоқати, халққа бўлган чуқур ҳурмати, меҳр-шафқати, етимпарварлигига аёл зотиға исбатан эҳтиромни ўз ифодасини топган.

«Шум бола» киссасида Ғафур Ғулом содда, бегубор, маъсум ўспирин образини яратади. Асар ўткир ҳажв ва доно юмор билан зийнатланган, етим боланинг саргузаштлари асосига қурилган. Асарда маълум даражада автобиографик элементлар учраса-да, унда ўзбек болаларининг бошидан ўтказган саргузаштлари ҳикоя қилинади.

Мамлакатдаги нотинчлик туфайли шаҳарда ишсизлик муаммоси келиб чиққан. Қиссадаги Омон, Ит Обид, Бит Обид, Туроббой, Йўлдош, Хусни, Солиҳ, Абдулла, Пўлатхўжа, Миразиз сингари болаларнинг тақдири бир- бирига ўхшаш. Омон онасидан, Йўлдош ота-онасидан, Шум бола отасидан ажралган. Одамларнинг касб-корларига диққат қилинса, пичоқчи, эски-туски йиғувчи, тикувчи, қўнчи, ҳофиз, гўзафуруш, керосинфуруш, майда савдогарлик ва хоказо. Шум боланинг маҳалладошлари, қўни-қўшнилари билан китобхон шу тарзда танишади. Йўлдош «*бари мазорлаб кетган сурп яқтак*» кийиб олган ва бошқаларнинг ҳам аҳволи ундан тузук эмас. Шум болаларнинг майда-чуйда сакланадиган уйи зах босган. Ёғлари кичкинагина хўқчада сакланади. Ҳатто товукқа мояк ўрнига ҳам пиёз қўйилган. Шунга қарамасдан одамларда меҳр-шафқат, иймон, эътиқод каби инсоний туйғулар сўнмаган.

Шум бола билан Кўктерак бозорига қўй ҳайдаб кетаётган Омон авж пардаларда мунгли куйлаётган ўртоғига қарата: «*Айт, ука! Анча вақтдан буён шунақа бир роҳат, тапши овоз эшитганим йўқ*», - дейди. Худди ана шу ҳолатда Омоннинг рухий тўлқинлари ёрқинроқ ифодасини топган. Бу ўспириннинг дил торларидан силқиётган дардли изтироблар, соғинч туйғулари Шум боланинг қўшиғи оҳангларига қўшилиб китобхон қалбига кўчса, бу икки тақдирни руҳан бирлаштириб юборса ажаб эмас. Зеро, содир бўлаётган воқеалар қаҳрамонлар тақдирида беиз кетмайди.

<sup>11</sup> Қаранг: Абдулла Кодирний. -Т.: «Ўқитувчи», 1980.



Вақт ўтиб ёши улғайган сари Шум бола ҳам тобора кўпроқ оила ташвиши, бева онаси ва сингилларини ўйлайдиган, уларга ёрдам бериш тўғрисида ўйлайдиган бўлиб қолади: «*Онам шўрликнинг бева камбағал рўзгорига жодидай жасз билан боришим ўзимга ҳам ўнғайсиз, уларнинг ҳам менга кўзлари учиб турмаган бўлса керак... Бева онамни, етимча сингилларимни кўп ўйлайман, ичим ачишади. Нега мен бундай ношуд бола бўлдим, кимга бўлса ҳам шогирдми, югурдакми бўлиши керак, бирор нима топиб онамга қарашиб юборишим керак-ку, дейман, Укинаман, ўз-ўзимни қийиман, баъзан-баъзан йиғлаб қўяман. Аммо шу ҳолда уйга қайтиш қийин*<sup>12</sup>».

Шум боланинг бу фикр-мулохазаларидан илк бор уйдан чиқиб кетган пайтидагидан анча ўсганлиги, ҳаёт уни улғайтириб қўйганлиги маълум бўлади. Шунга боғлиқ тарзда қиссанинг услубидаги эпик тасвир етакчилиги лиризм билан алмашина боради. Бу эса носирга халқ турмушининг турфа жиҳатларини кенгрок ёритиш, характерлар руҳиятини теранроқ кўрсатиш имконини беради.

Умуман, адиб насрида ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам инсоний қиёфасини йўқотмаган кишилар руҳий ҳолатларини жонли тасвирлайди. Улар қалбидаги инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, самимият, одамийлик туйғуларини ҳаётий матикка монанд тарзда ёритади.

Бугуни кунда адиб асарлари моҳиятига сингдирилган инсонпарварлик ғояларини янгича қарашлар асосида тадқиқ этиш ғоятда муҳимдир. Чунки ёш авлодни ҳар томонлама баркамол бўлишида сабр-қаноат, шукроналик, имон-этикод етуқлиги, гуноҳлардан тийилиш, ҳаромдан ҳазар қилиш сингари фазилатлар муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам адабиётимиз тарихининг етук намояндалари асарларини қайта идрок этиш ва ёш авлодга етказиб бериш долзарб масалалардан биридир.

---

<sup>12</sup> Гафур Гулом. Мукамал асарлар тўптами. 12 томлик. Т.5. – Т.: Фан, 1986. – Б.181-182

## БАДИЙ ИДРОК – БАДИЙ ЗАВҚНИНГ АСОСИ

Г. Эшчанова, ТДПУ, пед. ф. н.

Таълим мазмунига мос равишда ўқитиш методлари тўғри танлангандагина шеърий асарлар ўқувчиларга эмоционал таъсир кўрсатиш учун хизмат қилади, уларнинг дунёқарабини кенгайтиради, ўз халқига, унинг миллий маданияти, маънавияти, қадриятларига ҳурмат ҳиссини оширади. Шеърдаги ифодаларнинг лўндалиги, аниқлиги, гўзаллиги ва жарангдорлиги, сўзлардаги, кўп маънолилик ва бадий-тасвирий жиҳатлар матнни идрок этиш ҳиссини ўстиради, назарий билимларини янада мустаҳкамлаб, адабиётга муҳаббат уйғотади.

Шеърий асарлардан эстетик завқ олиб ўқиш ва ўрганиш методикаси бир қатор ўзбек методист олимларининг (Т.Бобоев, М.Мирқосимова, Ш.Орифий, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, Д.Исломова ва б.); шунингдек, хориж психолог ва методист олимларининг (Д.Д.Мадер, В.С.Баевский, Л.Г.Байқиева, З.И.Боранбаева, Ю.Гирдзияukas, Е.В.Лужановская, С.А.Алиева ва б.) тадқиқот ишларида, методик қўлланмаларида баён этилган.

Мавжуд методик ишларда шеърий асарлар орқали ўқувчиларни гўзаллик оламига олиб кириш йўллари кенг ёритилган.

Шеърий матнни ҳар гал идрок этиб, жозибасини туйиш чинакам санъат асарига хос хусусиятдир. Зеро, назмдан баҳри дили очилган китобхонгина беҳад рухланади. Бадий таҳлил орқали эса ўқувчининг олдида ушбу жозоба сир-асрорлари очила боради, гўзаллик ҳақидаги тушунчаси такомиллашади. Ўқувчининг гўзаллик тўғрисидаги тушунчаси билан бадий диди ўзаро диалектик таъсирда бўлади.

Шеърий асардан олиб айтилган кичик бир парча ҳам даврада тингловчининг диққатини ўзига оханрабодай тортади. Нотик шеърнинг ана шу хусусиятидан усталик билан фойдаланади. Ҳар бир инсон ўз ҳаётида турли вазиятларда маданий, илмий ёки бошқа хил фаолият кўрсатар экан, минбарда нотик, меҳмонда бўлганда сўз айтувчи, машуқаси олдида ширин сўз соҳиби бўлиши керак. Бу ҳолатларда шеър жонга оро қиради. Баъзан тўрт мисра шеър нутққа безак бўла олади, йиғилишларга тантанавор руҳ бағишлайди. Ҳордиқ чиқараётган пайтда шеърий асарларни мутолаа қилиш алоҳида ҳузур бахш этади. Шунинг учун ҳам мактаб таълимида шеърий асарларни завқланиб ўқишга ўргатиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни унутмаслик керакки, шеърни ким ўқимасин ёки уни ким тингласин, дарҳол ўзича баҳо беради. Асар унга ё ёқади, ёки ёқмайди. Ўқувчи шеърнинг нима учун ёққанлиги ёки нима учун ёқмаганлиги ҳақида ҳам ўйлайди. Биринчи танишувдаёқ ёқмаган шеърни қайта манзур қилиш эса машаққатли иш. Шунинг учун ўқитувчи адабиёт дарсида шеър биринчи марта ўқилгандаёқ ўқувчиларда ижобий

таассурот уйғотиши учун бутун куч-гайратини сарфлаши, методик маҳоратини ишга солиши лозим. Шунинг ҳам унутмаслик зарурки, ҳар бир одамда гўзаллик ҳақида ўзига хос тушунча, ўлчов, эталон стихияли суратда таркиб топиб боради.

Д.Д.Мадер ўқувчилар бадий асарни идрок этиш жараёнида ушбу асар унинг тасавуридаги гўзаллик эталони билан солиштирилади деб таъкидлайди<sup>13</sup>. “Воспитание творческого читателя” китобида ҳам шундай фикр илгари сурилади: “Ўқиш пайтида идрок этилаётган юксак бадий асарни ўқувчининг ўз тасавурида стихияли суратда, аввало, юзага келган гўзаллик эталонлари билан солиштириш содир бўлади. Бадий таҳлил қилиш жараёнида бу эталонлар такомиллашади. Бир вақтнинг ўзига гўзаллик ҳиссини тарбияламасдан туриб, бадий асардан завқ олмай адабиётни чинакамига ўрганиш мумкин эмас”<sup>14</sup>.

Шеъринг асарни ўқиш устидаги ишлар ўзига хосдир. Одатда насрий асар ўқилгандан кейин ўқувчилардан унга оҳангдорлик ва таъсирчанлик нуқтаи назаридан эстетик баҳо бериш талаб этилмайди, аммо шеъринг асарда бундай талаб шартдир. Шунинг учун шеърни дастлабки ўқиш уни тинглаб, ёққан-ёқмаганлигини айтиш топшириғи остида амалга оширилади. Бу иш шеърни бевосита ифодали ўқишга ўтиш даврида қўриладиган руҳий тайёргарликнинг зарурий босқичи десак муболаға бўлмайди.

Дарс жараёнида ўқувчилар шеъринг асарни биринчи эшитиш ёки ўқишдаёқ ундан таъсирланишлари, хузурланишлари керак. Бунинг учун эса мазмунни тўғри ва тўлиқ тушунишлари лозим. Ана шу нарса, яъни шеър мазмунини англаб этиш уларни аниқ ва чуқур бадий идрок эта олишлари сари қўйиладиган дастлабки йирик кадам, шу йўлдаги муҳим омил бўлиб майдонга чиқади. Бошқача айтганда, шеърдан эстетик завқланиш ана шу тушуниш замирида юзага келади. Бунинг учун илк бор танишув давридаёқ сўзлар, иборалар, синтактик қурилмалар, тасвирий воситалар, шеър орқали ифодаланаётган тағ маъно, ғоявий мазмун ва бошқа жиҳатлар бир қадар тўғри англаниши лозим. Шундай бўлгач, ўқувчиларни шеъринг асарни бадий идрок этишга, тинглаб завқ олишга, шу орқали ифодали ўқишга тайёрлаш зарур.

Маълумки, лириканинг таъсир кучи унда нима деб ва қандай ёзилгани билангина ўлчанмайди. Қоғоздаги ҳолатида у шунчаки шеъринг асар. Аслида у шеъринг нутқ – овоз чиқариб ёки ичдан ўқиш орқалигина чинакам таъсир кучини, чинакам санъат асари эканлигини намоён этади. Шу йўл билан лирик ифодалилик алоҳида қиймат топади. Шеъринг мисраларнинг ифодалилиги, ритмик ва товуш хусусиятлари

<sup>13</sup>Мадер Р.Д. Анализ поэтического текста на уроках литературы. – М.: Просвещение, 1979. Ст.8.

<sup>14</sup>Воспитание творческого читателя (проблемы внеклассной и внешкольной работы по литературе): Книга для учителя. Под ред. С.В.Михалкова, Т.Д.Полозовой. – М.: Просвещение, 1981. Ст.9.

уларнинг талаффуз (оҳанг) жилоси, гапнинг синтактик қурилиши, шеърий банднинг қандай сўзлардан, сўз бирикмаларидан ташкил топганига боғлиқ. Шеърий ритм, интонация, ғоявий мазмунга бўйсундириб танланган сўзлар, айниқса, маънодош сўзлар, кўчма маънодаги сўзлар шеърда ифода қилинаётган кечинмалар, рухий ҳолатни юзага чиқаради.

Адабиёт дарсларида шеърий асарни бадиий идрок этиш асосан тинглаш, қисман мустақил мутолаа қилиш, таҳлил жараёнлари билан боғланади. Ифодали ўқиш юқоридаги жараёнларнинг маҳсули сифатида юзага келади. Айтмоқчимизки, машғулотларда шеърий асарни бадиий идрок этиш ва ифодали ўқишга ўргатиш ишлари бир вақтда амалга оширилмайди, булар олдинма-кейин бажариладиган таълимий тадбирлар саналади. Агар ўқилган шеър ҳаяжон уйғота олса, китобхоннинг идроки уни бир бутун қамраб олишга ошиқади. Айрим-айрим таркибий элементлардан ўзаро ажралмас таркибий бутунлик юзага келади. Асардаги бадиийликни таъминлаб берган бирликларни (товуш, ритмик, интонацион, таг маъно) англаш йўлида ушбу бирликлар орасидаги янги алоқаларни тушуниш, тил бирликларининг қўшимча маънолари билан танилиш содир бўлади. Асарнинг ички алоқаларини англаш фикр ва ғояни яна ҳам тўлиқроқ тушунишга олиб келади.

Дарсда шеърий асар ҳар гат ўқилганда у санъат асарларидан олинадиган баҳра каби эстетик таъсир кўрсатиши, мусиқа ҳар сафар тингланганда қандай роҳатланиш юзага келса, шундай ҳолат содир бўлиши лозим. Шеър мазмунини биринчи эшитишда ёки ўқишдаёқ тўлиқ ва чуқур тушуна олган ўқувчи уни бадиий идрок эта олади. Бунда матндан таг маънони англашга ҳам муваффақ бўлади. Бошқача айтганда, шеърдан эстетик завқланиш ана шу даражада тушуниш замирида юзага келади. Шакл ва мазмун бирлигида шеърнинг оҳанг ва ритмик жиҳатлари эстетик таъсирнинг баркамол бўлишини таъминлайди.

Маромида ифодали ўқиганлик, ифодали ўқилган асардан ҳузур ола билганлик шеър қай даражада идрок этилганига баҳо беришнинг бош мезонидир.

## ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИНИ ТИЗИМЛИ ЎРГАНИШ

Е. Абдувалитов, ТДПУ, пед. ф. н., доцент

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ижтимоий-маданий тараққиёт билан боғлиқ анъаналар, урф-одатлар ва миллий кадриятларни қайта тиклаш шароитида таълим турли тилларда олиб бориладиган мактабларда қардош халқлар адабиётини ўқитиш тизимининг назарий асосларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси фуқароси шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиши табиийдир.

Таълим ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларда қардош халқлар адабиётини ўқитиш бўйича ҳозиргача тўпланган материаллар уларни янада чуқурроқ ўрганиш ва тизимлаштиришни, ҳозирги ижтимоий-сиёсий шароитларда янгича ёндашувлар асосида ишлаб чиқишни талаб этади.

Адабий таълим мазмунини миллий ва умуминсоний кадриятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш орқали Ўзбекистондаги кўп миллатли ўқувчиларнинг қардош халқлар адабиёти мисолида аждоқларимиз томонидан яратилган маънавий маданиятга бўлган қизиқишини қондириш учун янги методик ёндашувлар қамровини кенгайтириш, катта тарихий даврга мансуб бўлган билимларни эгаллаш учун интерфаол технологияларни қўллаш имкониятларини ўрганиш, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида юксак маънавиятли инсонни тарбиялаш муаммоларини ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини ўқитиш муҳим ижтимоий аҳамиятга моликдир. Негаки айнан шу жараёнда ўқувчиларда халқона ва демократик муносабатлар шаклланади. Қардош халқлар адабиётини ўқитиш халқнинг маънавий маданиятини ва шу орқали унинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини ўрганиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Қардош халқлар адабиётини ўқитишнинг назарий методологик омиллари яратилса, унинг туркий маданиятнинг ажралмас қисми, миллий ва умуминсоний тараққиётнинг муҳим жиҳати эканлиги очиб берилади. Шунингдек, ўзбек адабиётини ўқитиш жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаб тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш орқали унинг билиш соҳасига таъсирини, Ўзбекистондаги адабий жараённинг тараққиётини, ҳозирги ижтимоий воқеалар қамровида яратилаётган бадиий асарлар даражасини англаш мумкин бўлади.

Қардош халқлар адабиётини ўрганиш тизимини назарий методологик асослаш уни умумтуркий маданиятнинг жаҳон маданий тараққиётига қўшган ҳиссасини белгилашга, юксак маънавиятли шахсларни тарбиялашга имкон беради. Таълимнинг базавий ва ўсиб боровчи мазмунини танлаш ва талқин этиш тамойиллари ёзувчилар ижодига яхлит таҳлилий ёндашувларни амалга оширишнинг дидактик шартларидан ҳисобланади. Қардош халқлар адабиётини ўқитиш тизими адабий жараён ривожига ҳар бир ёзувчининг ижодий индивидуаллиги ва поэтик маҳоратини тадқиқ қилишни ҳам тақозо қилади.

Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш қардош халқлар адабиётини ўқитишдан кўзланган олий мақсаддир.

Шунга кўра, жаҳон миқёсида глобал маънавий бўҳронлар рўй бераётган ҳозирги пайтда қардош халқлар маданияти, миллий хусусияти, тарихий- ахлоқий, маънавий-эстетик бойлиги умумий ўрта адабий таълим мазмунида ўзига хос ўрин эгаллаши табиийдир.

Ўрта мактабларнинг юкори синфларида қардош халқлар адабиёти мисолида миллатлар этносининг фарқли жиҳатларини ўрганиш аجدодларимизнинг дунёни ҳис қилиши ва дунёқарашини тушунишда қулайлик туғдиради.

Ҳар бир ўқувчини дунё нима, дунё учун унинг ўзи нима, ҳаёт нимаю, ўлим нима, дунёда нима абадий, нима яхшию нима ёмон деган саволлар қизиқтириши табиий.

Бу саволларга қадимий аждодларимиз ҳам жавоб қидирганлар. Улар бу дунёда ўз ўрнини англашга тиришганлар ва дунёни ўзларича англаганлар. Боши узра осмон гўмбазини кўрган инсон ўз уйини унга мослаб думалоқ ўтовни кашф этган.

Қардош халқлар адабиётини ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш учун юкорида сўз юритилган этномаданий ва эстетик омиллар билан бирга қардош халқлар адабиётининг қадимий туркий илдиэларини очиб беришга қаратилган тарихий омиллар ҳам муҳим ҳисобланади. Жумладан, кўп асрлар давомида шаклланган ўзбек адабиётининг анъаналари, мавзулари, муаммолари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бундай омиллар ҳисобга олинмаса, қардош халқлар адабиётини ўрганиш тўлақонли бўлмайд.

Адабий таълим мазмунини янгилаш, такомиллаштириш ҳар сафар уни бошидан бошлаш керак дегани эмас. Илгари мавжуд бўлган тажрибалар ҳали ҳамон иш бераётганлиги сир эмас. Нимани қолдириш, нималарни ўзгартиришни аниқлаш учун таълим мазмунидаги мавжуд фойдали қадриятлар, уларнинг янги шароитда эҳтиёжни қондира олиш имкониятларини аниқлаб олиш зарур.

Таълим турли тиллардаги мактабларда қардош халқлар адабиётини қиёслаб ўқитишдан кўзда тутилган асосий мақсад – ўқувчиларни мумтоз ва замонавий асарларни эстетик идрок этишга тайёрлаш, халқнинг маънавий маданиятига ошно қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Зеро, “чинакам санъаткор нима ҳақида ёзишдан қатъи назар, - у маънавий муаммоларни бадиий тадқиқ этадими, ўзининг қалб қаърларига нигоҳ ташлайдими, ишқ-муҳаббат ҳақида ёзадими... – ўзи бадиий тасвир ва тадқиқ предмети сифатида олган нарсани умуминсоний қадриятлар, эзгулик, инсонийлик нуқтаи назарларидан ёритар ва баҳолар экан, у миллий мафкураимизнинг шаклланишига, мустаҳкамланишига, жамият аъзолари шуурига сингишига хизмат қилаётган бўлади. Зеро, ... жамиятимизнинг шаклланаётган мафкураси умуминсоний қадриятларга ҳар жиҳатдан мувофиқдир”<sup>15</sup>.

<sup>15</sup> Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Xalq merosi, 2004. – 51-52-bet.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг адабий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, кўпчилик адибларнинг покдомон номлари тикланди, жамоатчиликнинг диний-ахлоқий эҳтиёжлари қондирилди. Буларнинг барчаси миллий кадриятларнинг тикланишида акс этди, адабий воқеликдаги умумийлик таркибидаги ҳар бир хусусийликни баҳолаш имконини берди. Шунинг учун яқин ўтмишдаги адабиёт ривожини янгича идрок этиш заруратининг пайдо бўлганидан ҳам кўз юммаслигимиз керак.

Адабиёт дастурларида асарларни ўқиш ва ўрганиш ҳамда ўқиш ва муҳокама қилиш мўлжалланади. Бунда ўқувчи тўққиз йил давомида асарларни мустақил ўқиш ва муҳокама қилишга кириша олади деган фикр мавжуд бўлади. Адабиёт дастурларида ҳар бир мавзунини ўрганиш учун ажратилган соатлар миқдори кўрсатилди, аммо бу тавсия этиш характерида, холос. Ўқитувчи ўз ихтиёри билан, асосли методик тасаввурлар ва шахсий тажрибасидан келиб чиқиб, у ёки бу мавзу юзасидан соатлар миқдорини белгилаши мумкин.

Қардош халқлар адабиётини ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш адабиёт ўқитиш методикаси олдидаги галдаги вазифалардандир. Тизимли ёндашув – илмий билиш ва ижтимоий амалиётнинг методологик йўналиши асосида ташкил топади. Адабий манбалар тизим сифатида кўриб чиқилади. Тизим – таркибий ва ташкилий жиҳатидан муайян тартибга солинган қарашлар, мураккаб ижтимоий муаммоларни асослаш учун фойдаланиладиган методологик воситалар мажмуидир.

Қардош халқлар адабиётини ўқитишнинг методик тизими адабий жараёни, ҳар бир ёзувчининг адабиёт ривожидagi ўрнини ўрганиш асосига қурилади ва у педагогик технологиялар воситасида лойиҳалаштирилади.

Бадий сўз асосида турувчи путк ривожини, ёзув ихтиро қилиниши минг- йилликлар давомида рўй берди. Бу соҳада олимлар тинимсиз тадқиқот олиб бордилар. Товуш, сўз ва гапнинг пайдо бўлиши ҳақида янгидан тахминлар вужудга келмоқда. Инсон ҳаётида тил муаммоси, сўзнинг ўрни ва роли ҳақида олимлар билан бирга шоир ва ёзувчилар ҳам бош қотирадилар. Ўрхун-Энасой ёдгорликлари, дастлабки луғатлар, биринчи туркий тилдаги китоблар, илк дostonлар нутқни ривожлантиришга мислсиз катта ҳисса қўшди.

Ўқувчилар адабий қаҳрамонлар орқали авлодлар ёдида қолган буюк кишиларнинг ишлари мисолида тарихни ўрганади. Фақат сўз орқали ифодаланган ва амалга оширилган ишларгина авлодлар эътиборига сазовор бўлади. Қадим аждоқларимиз: Тумарис, Широқ, Алп Эр Тўнга ва бошқалар ўзларининг эзгу ишлари билан ёдимизда қолди.

Билга ҳокон ўз халқига қарата шундай дейди: “Бизнинг ота ва боболаримиз номи ва шухрати йўқолиб кетмаслиги учун, туркий халқимизни деб биз тунлари ухламадик ва кундузлари тиним билмадик, қонимизни аямай тўқдик, кўз ёшларимизни оқиздик... Энди туркий халқ абадий яшасин! У энди халқ бўлсин!” Бу чакриқлар заманидаги фикр-мулоҳазалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.



## БАДИЙ АСАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ МУАММОЛАРИ

Д. Исломова, п. ф. н.

Тажрибадан маълум бўлганидек, ўқувчиларнинг ўрганилаётган асардаги кўпгина сўзларни, айниқса, инсоннинг ички рухий олами тавсифига оид лексикани, шунингдек, бадий матнда муҳим роль ўйнайдиган баҳо берувчи сўз ва ибораларни тушунмасликлари ёки етарлича яққол англамасликлари асарни идрок этишларидаги қийинчиликларни тушунтириб берувчи асосий сабаблардан биридир. Йирик асардан олинган парчага хос муаммоли жиҳатлар туфайли ушбу қийинчиликлар яна ҳам ортади.

Русийзабон ўқувчиларни бадий асарни ўқиб тушунишга лексик жиҳатдан тайёрлашга доир ишлар Р.Ниёзметованинг «Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси» номли монографиясида баён этилган<sup>16</sup>. Бундай лугат иши лексик тайёргарликни амалга ошириш воситаси бўлибгина қолмай, ўқиш пайтидаги регрессиянинг (орқага қайтишлар, яъни такрор ўқишнинг) олдини олишга ҳам ёрдам беради. Шунга кўра биз ҳам муаллифнинг лексикани такрорлаш ишларини ушбу сўзлар миқдорига қараб 1-2 дарс, ҳатто уч дарс олдин бошлаш керак деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда янги ва маъноси унутилган сўзлар қамраб олинган лугат тузиб, нусха кўпайтириш йўли билан гуруҳдаги ўқувчиларнинг ҳаммасига тарқатиб чиқиш имкониятлари мавжуд. Шу йўл билан *лексик қийинчиликларнинг бир қисmini олдиндан бартараф этиш принципи* жорий этилади. Шуни ҳам эслатиш жоизки, лексик машқлар муаммолари ўзбек тилини ўрганиш методикаси билан боғлаб методист олим Р.Йўлдошев томонидан атрофлича ишлаб чиқилган.

Бадий асар оддий ўқув матнини ўқишдан фарқли тарзда ўқилади. Тафовут шундаки, яхши ўзлаштирадиган ўқувчи мутулаа қилинадиган матн бадий асар эканлигини билгандан кейин овозини ифодалиликка мослаштириб ўзгартиради. Тайёргарлик кўрмаган ўқувчи эса ҳали ўқиб чиқилмаган бадий матнни оддий ўқув матнидай ўқийди, овозида сира ҳам ўзгариш бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўзбек тили ўқитувчиси бундай ўқувчига биринчи бўлиб ўқишга рухсат бера олмайди. Ё ўзи ўқийди, ёки ифодали ўқий оладиган ўқувчилардан бирига ўқитади. Бундан мақсад шуки, ёшлар асар билан бадий ўқиш орқали танишиш чоғидаёқ ҳеч бўлмаганда овоздаги ўзгаришларга қараб ундан таъсирлансинлар, унинг санъат асари эканлигига ишонч ҳосил қилсинлар.

Ўқитувчи бадий асардан олинган парчани бир марта ифодали ўқиб бергач, айрим сўз ва сўз бирикмаларига қисқа изоҳ бериб ўтади. Изоҳ ёки шарҳдан фойдаланиб тушунтириб бўлмаган сўзлар таржима орқали англатилади. Шунингдек, “образли ифодалар”ни ҳам англатиб

<sup>16</sup> Р.Ниёзметова. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. Тошкент, Фан, 2007, 108-122-бетлар

борган маъкул. Матн мазмунини тушуниш учунгина керак бўлган сўзлар пастда - иқтибосда берилади. Луғатда ибораларни “ибора” деб кўрсатиб бориш керак бўлади.

Шуни ҳам эслатиш лозимки, сўз луғат таркибида тушунтирилганда, унинг русча таржималари санаб кўрсатилади. Лекин у матнда қайси маънода ишлатилганлиги контекст орқали маълум бўлади. Ана шундай пайтларда гапдаги маъносини аниқлашга қаратилган “лексик таҳлилга” мурожаат этилади. Аста-секинлик билан ўқувчиларда ҳам лексик таҳлил малакаси шаклланиб бориши, бу борада уларнинг мустақиллигига эътибор қаратилиши муҳим роль ўйнайди.

Бадий матнда ўқувчилар учун янги, шунингдек, маъноси ҳамда қўлланиши, рус тилида ифодаланиши нотаниш сўз шакллари, мазмунини тушуниш қийин гаплар бўлиши мумкин. Ана шундай ҳолатларнинг бор-йўқлиги ўқитувчининг диққат-эътиборида бўлиши керак. Бундай маълумотларни ўқитувчи ўз иш тажрибаси жараёнида тўплаб боради.

Синтактик қурилиши мураккаброқ бўлган гаплар русийзабон ўқувчи учун катта қийинчиликлар туғдиришини кўзда тутиб, ўқитувчи ана шундай гапларни бадий матндан ажратади ва ўқишга қадар уларнинг мазмунини грамматик таҳлил йўли билан англашга ўргатиш юзасидан машқлар ўтказиши мумкин. Бунда *грамматик қийинчиликларни олдиндан бартараф этиш принципи* жорий қилинади.

Насрий асардаги муаммолиликнинг мавжудлиги, ушбу муаммолиликни бартараф этиш учун бериладиган тушунтиришларнинг оз-кўплигига ҳам аҳамият берилади. Бунда *бадий матндан парча олиш туфайли юзага келган муаммолиликни олдиндан бартараф этиш принципи*га амал қилинади.

Парчанинг асар жанр хусусиятларига кўра бадий идрок этилиши учун жалб этиладиган тушунчалар сираси олдиндан режалаштиралади. Бунда *асарнинг жанр хусусиятларига кўра юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш принципи* кўзда тутилади.

Асарнинг жанр хусусиятлари, композицияси масалаларида русийзабон ўқувчиларнинг рус адабиёти дарсларида олган билимлари, кўникма ва малакалари қўл келади. Шу муносабат билан *ўқувчиларнинг ўз адабиётига таяниш принципи* юзага келади.

Юқоридаги принципларга кўра асарни ифодали ўқишга тайёрланишнинг қуйидаги изчиллигини лойиҳалаш мумкин:

- 1) нотаниш сўзлар, грамматик воситаларни олдиндан ўрганиш, дастлабки мустаҳкамлаш;
- 2) шарҳли ўқиш (сўзларга ёки бошқа бирор жиҳатига, айниқса, матннинг муаммолигига сабаб бўлган жиҳатларга бор диққатини қаратиб ўқиганда мазмунга эътибор қамаяди);
- 3) бадий асар элементларига қисқа изоҳ бериш;
- 4) ифодали ўқиш.

Ўқитувчи шуни ҳам унутмаслиги керакки, айрим нотаниш сўзлар ўқиш жараёнида таниш сўзлар қуршови орқали англади.

Ўзбек тили дарслари таркибида адабий материални ўқиш устидаги ишлар унинг образларини идрок этишга, ғоявий мазмунини англашга қаратилмоғи лозим. Лекин, профессор Қ.Йўлдошев таъкидлаганидек, «...чинакам бадий асар текширилаётганда адибнинг кимга хайрихоҳлиги, қандай сиёсий мақсадни кўзда тутгани эмас, балки бадий тасвирлаш маҳорати нечоғлигини аниқлаш асосий мақсад бўлиши лозим»<sup>17</sup>.

Дастлабки ифодали ўқиш учун асар образларини идрок этиш ниҳоятда зарур. Ўқувчининг ўқиши чоғида рус адабиётидан олган билим, ҳосил қилган кўникма ва малакалари мутлақо ишга тушмайди дея олмаймиз. Булар ишга тушганлигини унинг ўзи пайқаманган бўлиши ҳам мумкин. Гап бу билим, кўникма ва малакалардан максимал даражада фойдаланиш ҳақида бориши мумкин, холос. Ўқитувчи буни эслатиб туриши, асарни ифодали ўқишга тайёргарлик кўриш жараёнида ўтказиладиган таҳлил ишларини ҳам шунга қаратиши зарур. Албатта, таҳлил асарни идрок этувчининг муайян ёши ва савияси билан мувофиқлаштирилмаса, кўзланган мақсад амалга ошмайди.

Ифодали ўқиш усулини асар билан дастлабки танишув чоғидагина қўллаш тўғри эмас. Бу вақтда ўқувчи бадий матнни тўлиқроқ ва чуқурроқ идрок этишга киришган бўлади. Бизнингча, дарснинг кейинги босқичларида ҳам (асарни таҳлил қилиш, ўтилганларни яқунлаш) бадий матнни ифодали ўқишга қайтиб туриш даркор. Ифодали ўқишдан кейинги босқичларда бажариладиган иш турларида матнни ўқимаслик ҳолатига ўрин қолдирмаслик лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Б. Валихўжаев. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. «Фан» нашриёти Т.: 1974 й, 8-20 бет.
2. Т.Норов. Янги топилган саёҳатнома. «Совет мактаби», 1974 йил, №8, 39-бет.
3. Содик Мунший. 40-рақамли қўлёзма. 28-бет (кейинги мисоллар ҳам шу қўлёзмадан олинди, саҳифаси қавсда кўрсатилади).
4. Б.Қосимов, Ш.Юсупов Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти Т.: «Маънавият» 2004 й, 104-105 б.

<sup>17</sup> Қозоқбой Йўлдош. Ёниқ сўз: Адабий уйлар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2006. – 96 б.

## АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ ҲАҚИДА

Я.Мадалиев,

М.Авезов номидаги ЖҚДУ

Халқ оғзаки бадиий ижоди халқимизнинг дунёқарашини, ижтимоий-сиёсий ҳамда фалсафий-эстетик ғояларини, руҳиятини содда бир шаклда асрлар мобайнида сақлаб келаётган нодир манбадир. Уларда қадим аجدодларимизнинг шодлиги ва қайғуси, маросим ва урф-одатлари бутун самимияти, жиддияти ҳамда кўхналиги сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам фольклор асарлари миллий қадриятларимизнинг энг қадимий ва айна пайтда энг навқирон, энг яшовчан қатлами ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов "Ўзбекистоннинг куч-қудрати, манбаи -- халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улуғ аجدодларимизнинг авлодларга ўтаётган маънавий меросининг кучлилигида, фуқароларнинг эл-юртга, она заминга битмас-туганмас меҳрида, миллий ғуруримизда эканлигига шубҳа йўқ", – деб бежиз айтган эмас.

Халқ оғзаки ижоди жанрларидан бири латифалар бўлиб, улар ҳаёт тажрибаларига суянган ҳолда воқеликдаги ноҳўя хатти-ҳаракатларни фош этиб, коралаб, халқнинг ҳис-туйғу, эҳтиросини изҳор этган. Латифалар бизнинг давримиздан аввалги асрларда пайдо бўлиб, вақт ўтган сари ўзгаришларга учраб, ўзининг қадим унсурлари янги ҳаётга мослашиб келмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кўпгина жойларида латифа жанрининг элементлари аввалги маданияти ёдгорликларида уларнинг дастлабки намоёндалари, яъни халқ юморининг мавжудлиги ҳақида далолат берадиган материаллар учрайди.

Латифалар ҳазил, эрмак шаклида кўринса ҳам, халқ оmmasининг дунёқарашини ифодалайди. Бу жанрнинг хусусиятини белгиловчи фикр ихчамлиги, лўнда ифодаланиши, чуқур мазмун билан тугалланиши, баъзида аччиқ кулги уйғотиш, унинг таъсирчанлиги, албатта, латифа айтувчиларга чамбарчас боғлиқ бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Шунга қараб латифани майдонга келтирувчи муҳитнинг ўзига хослигини, латифа айтувчининг истеъдодини, унда тилга олинган кишиларнинг хулқ-атворини, мақсадларини англаш мумкин. Халқ оғзаки прозасининг хажман кичик тури латифалар жуда қадимий жанр ҳисобланади. Алдарқўса, Хўжа Насриддин номи билан айтиладиган латифалар жуда ҳам кўп. Улар халқ орасида эскирмайдиган, унутилмайдиган, омманинг севган санъатининг биридир. Халқ орасида "Афанди латифалари", "Насриддин Афанди" ёки "Афанди" номлари билан айтилиб келаётган юмористик характердаги бу жанр ҳозирга қадар фольклоршунослигимизда кам ўрганилган. Йиллар ўтиши, кишилар турмушининг ўзгариши, кекса авлоднинг тобора камайиб бориши оқибатида латифалар ҳам унутилиб бормоқда. Шундай бир пайтда халқ орасида айтилиб юрилган латифа намуналарини тўплаш, уларни янгича

классификациялаш, ҳар томонлама ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Мана шундай ҳолат бизни ўзбек ва қозоқ латифаларини киёсий ўрганишга чорлаб турибди. Бинобарин, халқ латифаларининг ғоявий-бадий, поэтик ва эстетик хусусиятларини ўрганиш фольклоршунослигимиздаги мавжуд бўшлиқни тўлдириш билан долзарблик касб этади.

Қозоқ латифалари, жумладан, халқ ўртасида кенг тарқалган Алдаркўса, Хўжа Насриддин, Жиранча чечан, Тозша бола, Қилкекирдик, Шибут, Яроқбош шу билан бир қаторда Ўзбекистон қозоқлари орасида Лепирмеши ва Кўпирмеши, Афанди, Ўмирбек лаққи ва шу сингари латифаларнинг янги вариантларини тўплаб, чоп қилиш, уларни тадқиқот объектига айлантириш масалалари ҳам бугунги куннинг долзарб масалалари сирасига киради.

Ҳозирга қадар ўзбек ва қозоқ латифалари, уларнинг ғоявий-бадий табиати, уларни киёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш махсус тадқиқотлари талаб этади. Афсуски, ҳалигача бу муаммо шу пайтгача алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида кун тартибига кўйилган эмас.

## **АСАР ҚАҲРАМОНЛАРИГА ТАНҚИДИЙ БАҲО БЕРИШДА ИФОДАЛИ ЎҚИШНИНГ ЎРНИ**

**А. Болтаева, ЎзПФИТИ**

Ўқувчиларни бадий асар қаҳрамонларига танқидий баҳо беришга ўргатишга хизмат қиладиган ўқитиш технологиялари муайян дидактик мақсадга йўналтирилган очик стратегиялар тизимидир. Бу технологиялар ёрдамида ўқувчиларда мустақил, танқидий фикрлаш кўникмалари шакллантирилади. Биринчи навбатда ўқувчиларда танқидий баҳолаш кўникмалари бадий асар қаҳрамонлари шахсиятига хос бўлган хусусиятларни ўзаро қиёслаш натижасида шаклланади. Ўқувчиларда танқидий баҳолаш кўникмасини шакллантириш учун, адабиёт дарсларида сюжетли матнлар, кичик ҳикоялар ҳамда эртақлар ёзиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Айниқса ҳикоялар ёздириш ҳақидаги топшириқлар муҳим аҳамиятга эга. Бундай топшириқлар ўқувчилар учун қизиқарли бўлиши билан бир қаторда, уларда танқидий баҳолаш кўникмаларини шакллантириш нуқтаи назаридан жуда фойдали ҳамдир. Шу билан бир қаторда, бундай топшириқлар аксарият ўқувчиларда бадий асарларни ўқиш, уларни таҳлил қилишга қизиқиш уйғотади.

Ўқувчиларда асар қаҳрамонларига танқидий баҳо бериш кўникмаларининг шаклланиши мустақил фикрлаш стратегияси ва мулоқотга киришиш кўникмаларидан ташкил топган тизимдир. Бу

тизим ўқувчиларнинг бадиий асар қаҳрамонлари билан самарали алоқа ўрнатишларига кўмаклашади. Бу тизимда стратегиялар муайян изчилликда таркиб топган методлар мажмуи бўлиб, у ўқувчиларда асар қаҳрамонларини танқидий баҳолаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган дидактик ҳодиса сифатида алоҳида методик қимматга эга. Бадиий асар қаҳрамонлари устида танқидий фикрлашнинг турли кирралари алоҳида аҳамиятга эга. Чунончи, бадиий асарни ўрганиш жараёнида муаммоли вазиятларни ечишда турли усуллардан фойдаланиш, асар қаҳрамонлари хатти-ҳаракатларини таҳлил қила олиш, уларга тавсифномалар бериш техникасини эгаллаш кабилар шулар жумласидандир.

Бадиий асарлардан олинган лавҳаларни ифодали ўқиш ҳам ўқувчиларни асар қаҳрамонлари шахсиятига танқидий баҳо беришга ўргатишда муҳим ўрин эгаллайди. Ўқувчиларни асар қаҳрамонларига танқидий баҳо беришга ўргатишга йўналтирилган ўқитиш технологияларини қўллашда мазкур методдан самарали фойдаланиш керак.

Ифодали ўқиш жараёнида ўқувчиларни асар қаҳрамонларига танқидий баҳо беришга ўргатишда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади:

1. Ўқитувчи ўқувчиларга муайян асар билан танишиш тажрибасини баён қилади. Бу жараёнда ўқитувчи дўстона мулоқот ва ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириши лозим. Агар ўқитувчи муайян бир асарни бир ўқишда идрок этолмаган бўлса, буни ўз ўқувчиларидан яширмаслиги керак. Бу тажриба ўқувчиларнинг бадиий асарларни қайта-қайта ўқиб ўзлаштиришларига кўмаклашиши мумкин. Бундай суҳбатлар муайян асар сюжети атрофида уюштирилиши мақсадга мувофиқдир. Шундагина ўқувчилар асар қаҳрамонларининг ижобий ва салбий жиҳатларини тез илғаб оладилар.

2. Ўқитувчи дастлаб ўқувчилар билан асар номини муҳокама қилиши талаб этилади. У ўқувчиларга “Асар нима учун шундай номланган?” деган савол билан мурожаат қилиши керак. Ўқувчилар шундай номдаги хикояда қандай воқеа рўй бериши ҳақида ўйлай бошлайдилар. Баъзи ўқувчилар ўз тахминларини шу муаллифнинг бошқа, ўзларига таниш бўлган асари билан боғлаган ҳолда баён қиладилар. Бошқа бир ўқувчи эса, мазкур асарнинг халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳамоҳанг жиҳатларини киёслаган ҳолда гапириб беради. Яна бир гуруҳ ўқувчилар эса, ушбу воқеликни ўз ҳаётлари билан боғлаб талқин қиладилар. Бундай ҳолларда ўқитувчи ўқувчилардан ўз фикрларини ёзма баён қилишларини талаб этиши мақсадга мувофиқдир. Лекин дарснинг кириш қисми чўзилиб кетмаслигига

Ўқитувчи алоҳида эътибор қаратиши лозим. Баъзи ўқитувчилар муҳокамани бадий асарнинг дастлабки саҳифалари ўқилгач, босқичма-босқич ўтказишни маъқул кўрадилар.

3. Бадий асар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи 1-2 бўлимни олдиндан ажратиб олган бўлиши керак. Бўлимларни ўқиш давомида ўқитувчи ўқувчиларга асар қаҳрамонларига танқидий баҳо беришга ундовчи саволлар билан муружаат қилиши лозим. Бу жараёнда ўқитувчи ўқувчиларга нотаниш сўз ва ибораларнинг маъноларини изоҳлаб бериши, уларни лўғатлар ёрдамида асар матни устида ишлашга ундаши керак. Бадий асарни ўрганиш жараёнида ўқитувчи ўқувчилар олдига қўйидаги саволларни қўйиши мақсадга мувофиқдир: “Асар қаҳрамонини шундай хатти-ҳаракатларга ундовчи вазиятларни қандай баҳолайсиз?”, “Асар воқеаларининг қай тарзда ривожланганлигини изоҳлаб беринг?”, “Бадий асар қаҳрамонлари сизда қандай таассурот қолдирди ва сиз улардан қайси бирининг ўрнига ўзингизни қўя оласиз?” “Сиз мазкур асарнинг қаҳрамонларидан бири бўлганингизда қандай ишларни амалга оширган бўлар эдингиз?” каби.

Ўқувчилар ҳар бир саволга асарда ифодаланган воқеликка ўз нуқтаи назарларидан ёндашган ҳолда шахсий фикр-мулоҳазаларини баён қиладилар. Мазкур жараёнда улар ўз қарашларни асослаш ва далиллар билан мустаҳкамлашга ўрганадилар. Ўқувчилар ўз ҳаётий қарашларини асардаги воқелик, қаҳрамонларнинг турмуш тарзи билан боғлайдилар.

4. Бадий асар устида ишлаш жараёнининг якунида ўқитувчи ўқувчиларга мазкур асарнинг муайян қисмларини танлаб ажратиб олиш ҳақида вазифа бериши лозим. Ушбу парчаларда қаҳрамонлар шахсига хос хусусиятлар ифодаланган бўлиши керак. Адабиёт ўқитувчилари ҳар бир асарни ўргатиш давомида ўқувчиларнинг танқидий баҳолаш кўникмаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишлари талаб қилинади. Улар томонидан асар қаҳрамонларига берилган тавсифномалар йил давомида алоҳида жилтга жойлаштирилиши лозим.

Ўқувчиларни бадий асар қаҳрамонларига танқидий баҳо беришга ўргатиш жараёни ўзаро мувофиқ келадиган мақсадлар қўйиш, уларда ҳосил бўладиган танқидий баҳолаш кўникмаларини ташхислаш, қаҳрамонларга баҳо беришда ахлоқ-одоб ва мулоқот меъёрларига риоя қилишни талаб этади. Ўқувчиларда ҳосил бўлган танқидий ёндашувлар, уларнинг шахсий нуқтаи назарлари ва қарашларини хурмат қилиш, бу жараёнда билиш фаолиятининг ўзига хос йўналишларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

## «САЁҲАТНОМА» ЖАНРИ АДАБИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК МАНБАСИ СИФАТИДА

Ў. Мисирова, Яккасарой енгил sanoат КХК, ўқитувчи

«Саёҳатнома» адабиёт тарихининг бирмунча кўҳна жанрларидан бўлиб, унда сафар таассуротлари, табиат манзаралари, шаҳар ва кишлоклар тасвири, халкнинг моддий ва маданий турмуши ўз ифодасини топади.

Б.Валихўжаев «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан» китобида «нома» сўзининг маъно доираси кенг бўлиб, у хат, ёрлик, китоб, ва асар, ҳақида маъноларини англантиши, адабий истилоҳ сифатида ҳам бу сўз насрий, ҳам назмий асарлар мазмунида ишлатилиши, чунончи, шеърий асарларда у қуйидаги маъноларни билдириши ҳақида маълумот беради:

1. Эпик достонлар ва шеърий хикоялар.

2. Маснавий достон.

3. Шеърий мактуб шаклида ёзилган асарлар.

4. Саёҳатдан олинган таассуротларни шеърий тарзда ифода этган асарлар.

Олимнинг ёзишича, саёҳат асосида яратилган «номанинг куртаклари Алишер Навоийнинг «Ҳасби ҳол» номли маснавийсида мавжуд. Чунки Алишер Навоий бу асарида ўзининг Самарқандга келгани ва ундан олган таассуротларини баён этиб, гўё саёҳати ҳақида сўзлайди; бу шаҳар аҳолисининг аҳволини, жумладан, ўз ҳасби ҳолини ана шу фонда акс эттиради<sup>1</sup>

Саёҳатнома жанри тарихи ҳақида Т.Норов: «Носир Хисравнинг «Саёҳатнома», Ибн Баттутанинг «Саёҳатнома», Авлиё Чалабийнинг «Саёҳатнома» жумладан, Алишер Навоийнинг «Ҳасби ҳол» номи билан юритиладиган маснавийси «Саёҳатнома» типиди яратилган асардир»<sup>2</sup>, - деб кўрсатади.

Саёҳатнома жанри 18–20 асрга келиб янада тараққий этди. У Содик Мунший, Муқимий, Фурқат каби ёзувчи шоирлар ижодида адабиёт майдонига кириб келди.

Содик Муншийнинг «Дахмай шохон», достонининг ёзилишига қадимги Эроннинг афсонавий шохлари ва шавкатли баҳодирлари ҳақида яратилган қиссаси туртки бўлган.

«Дахмай шохон» 385 байт, 770 мисрадан иборат. Содик Жондорий ўз достонидида шаклни машхур халқ достонидан олган бўлса-да, мазмуни Бухоро – аштархонийлар ҳаёти асосида қаламга олади. Уларни ўз тилларидан иқроорлари орқали фож қилади. Достон шоирнинг дахмалар зиёрати пайтида туғилган кечинмалари билан бошланади. Бир вақтлар Бухоро тахтида ўтириб айшу - ишрат сурган, тож- тахт талашиб, турли беъмани юришлар қилиб, умрини беҳуда ўтказган, эл-юрт дардидан бегона бўлганлиги туфайли; аччиқ аламли

<sup>1</sup> Б. Валихўжаев. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. «Фан» нашриёти Т.: 1974й. 8-20бет.

<sup>2</sup> Т.Норов. Янги топилган саёҳатнома. «Совет мактаби», 1974йил. №8. 39бет.



хотиралар қолдирган аштархоний ҳукмдорлардан, Субҳонқулихон, Убайдуллохон, Абдулфайзхон ва Абулмуъминхонларнинг дард-у алам тўла нидолари дoston воқеалари сюжетини ташкил этади. Шоир ҳаётининг асосий қисми саройда – амирлар хизматида ўтган. Шунинг учун ҳам ҳукмдорларнинг ҳаёти, қилмиш-қидирмишларини бутун икир-чикирларигача яхши билади. Бу ҳол дostonда шоҳлар образини ишонарли ва муваффақиятли тарзда очиб беришга хизмат қилади.

Мирзо Содик Мушший хизмат тақозоси билан кўплаб сафарларда бўлган. Ана шундай саёҳатлардан бири шоирнинг туғилган юрти – Жондор қишлоқларига сафари бўлиб, унинг натижасида «Рафъи тумани Охугир ва Харобод» маснавийси дунёга келади.

150 байт(300 мисра)дан иборат бу саёҳатноманинг бош қаҳрамони – шоирнинг ўзи. Шаҳарнинг димиққан ҳавосидан бўғилган, ёлғон, тухмат, риё ва иғво тўла сарой муҳитидан сиқилган шоир бепоён саҳролар ватани – она юрти Жондор томон сафарга чиқади:

Берун гаштам манн аз шаҳри Бухоро,

Ба рафъи ғам сўи саҳро<sup>1</sup>

Маъноси: Ғам хирмонини даф этиш илинжида Бухоро шаҳридан саҳро томонга қараб йўлга чиқдим.

Лекин, хароб қишлоқлар, оч-юпун кишиларни кўриб, кўнглини ёзиш илинжида саёҳатга чиққан шоирнинг аксинча, руҳи чўқади:

Аз он рўзе, Ки берун гаштам аз шаҳр,

Надидам рўйи роҳатро дар ин даҳр (28).

Дostonда тасвирланган саёҳат йўналишини Бухоро – Жондор, Жондор – Мохон, Жондор – Хайробод, Жондор – Далмун тарзида таснифлаш мумкин. Тилга олинган номлар Бухоро вилоятининг кўҳна ва тарихий жойларидир. Бу асар орқали биз 18 - асрдаги Бухоро халқининг ҳаёти ва турмуш даражаси, жой номлари билан танишамиз. Зеро, Мирзо Содик тилга олган қишлоқларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, номлари ҳам ўзгармаган. Баъзи қишлоқларнинг номлари эса йиллар ўтиши билан ўзгарган яъни талаффузи бузилган. Масалан, Чакка қишлоғи ҳозирда Акка-Чакка, Чорўғли – Чоргули, Панжхандақ – Пешхандақ, Навқада \_ Навгадига айланган.

«Саёҳатнома» жанрининг кейинги даврлардаги тараққиёти ўзбек адабиётида Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ижоди билан боғлиқдир. У саёҳатнома жанрини ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан ривожлантирди.

Асарда саёҳат сабаби берилади, сўнг турли манзил – қишлоқлар, уларнинг табиати, манзаралари тасвир этилади. Жойлардаги одамлар, уларнинг феъл-атвори, урф-одатлари ҳикоя қилинади.

Фарёдким, гардуни дун,

Айлар юрак- бағримни хун.

Кўрдикки бир аҳли фунун –

Чарх анга кажрафтор экан<sup>1</sup>, -

<sup>1</sup> Содик Мушший. 40-рақамли қўлёзма. 28-бет (кейинги мисоллар ҳам шу қўлёзмдан олиниб, саҳифаси қавсда кўрсатилади).

Мумтоз адабиётидаги «ҳасби ҳол» жанри «Саёҳатнома»нинг айрим кўринишларида ҳам мавжуд. Шоир «гардуни дун» (пасткаш дун)дан фарёд қилади, юрак-бағрини «қон»(хун) қилганидан шикоят қилади. «Ахли фунун» (илм-фан кишилари)га бу дунёнинг ҳамиша тескари «кажрафтор» юрганини таъкидлайди. Шоир бу фикрини олтинчи банда давом эттириб, саёҳат сабабини шундай ойдинлаштиради.

Қолмай шаҳарда токатим,  
Қишлоқ чикардим одатим.  
Гоҳи яёв, бўлсун отим  
Гоҳ сайр ҳам даркор экан,  
деб ёзса, «Кўқондан Исфорага» саёҳатномасида:  
Афлок кажрафтор учун,  
Ҳар дам кўнгил афғор учун,  
Хўқанд тангу тор учун,  
Сахро чиқиш даркор экан

дейди.

Муаллиф кайфияти, ҳолати, атроф-муҳитга кишиларга муносабати «Саёҳатнома» сатрларида аён сезилиб туради. Масалан, шоир Шаҳимардон томон йўл олар экан, Улгарма, Дўрмонча, Бурбалиқ, Оқ ер, Рошидон, Зоҳидон, Олтиарик, Чимён, Водил кишлоқлари билан таништиради, уларнинг ҳар бирини таъриф- тавсиф этади:

Аммо назарда Рошидон  
Фирдавс бошидин нишон.  
Ўйнабоқар оби равон,  
Саҳни гулу гулзор экан.

Шунингдек, кейинги саёҳатларида Кудаш, Яйпан, Нурсух, Бешарик, Конибодом каби қишлоқ ва шаҳарлар билан боғлиқ тафсилотлар берилади. Шоир соя-салкинга кўмилган Рапқоннинг толзорлари кишини маҳлиё қиладиган Яйпонни завқ-шавқ билан мактайди. Она-Ватаннинг бетимсол табиғатини, кўзни камаштирадиган манзараларини сўнгсиз меҳр ва ифтиҳор билан тасвирлайди.

Муқимий «Саёҳатнома»си Кўқон ёзувчи ва шоирлари орасида ўз ўзани ва аксини топди.

Саёҳатномаларда шоирнинг шахсий ҳаёти, таржимаи ҳоли, уни қуршаб турган жой, ижтимоий-сиёсий муҳит, одамлар ҳақида ҳам анча бой факт ва материаллар мужассамлашган. Шунинг учун адиб ҳаёти ва ижодини ўрганишда «Саёҳатнома» асарларидан унумли фойдаланиш дарс самарадорлигининг ошишига ҳизмат қилади.

<sup>1</sup> Б.Қосимов, Ш.Юсулов Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти Т.: «Манаъият»2004й, 104-1056.

## БАДИЙ АСАР ТАҲЛИЛИДА ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИКДАН ФОЙДАЛАНИШ

К. Досанов, ТДПУ, катта ўқитувчи

Бадиий асарнинг филологик таҳлили уни тушуниш ва талқин қилишнинг асосий йўналишларидан биридир. Ушбу йўналиш мумтоз адабиётимизга ҳам, ҳозирги адабий жараёнга ҳам, фольклор асарлари учун ҳам, жаҳон адабиёти намуналари учун ҳам бир хилда муҳим бўлган таҳлил алгоритмини қўлга киритиш имконини беради. Энг муҳими, бўлажак тил ва адабиёт ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида мазкур алгоритмлардан фойдаланиш уларнинг бу соҳадаги билимларини чуқурлаштириб, бадиий асарни таҳлил қилишга оид кўникма ва малакаларининг янада такомиллашишига имкон яратади.

Назаримизда, бадиий асарнинг луғавий-маъновий таркибини пухта тасаввур қилиб олиш, кейин унинг услубий ҳамда поэтик жиҳатларини таҳлилга тортиш, шундан кейингина уни яхлитлигича таҳлил ва талқин қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бадиий асар таҳлили ва талқини, аслида ўзаро алоқадор бўлган уч таркибий қисмдан иборатдир. Булар: асар билан танишиш мақсадида уни ўқиб чиқиш, дастлабки идрок этиш жараёни, мана шу жараённинг натижаси сифатида уни тегишли композицион-манتيкий қисмларга ажратиш, ниҳоят, ажратилган бўлақларни яна ўз жойига келтирган ҳолда тасаввур қилиш – асарнинг поэтик яхлитлигини тўла даражада ҳис этиш. Биз ўз мулоҳазалари-мизни Ўзбекистон халқ шоири Сирожибдин Саййиднинг академик лицейларда ўрганиладиган “Ватан надир?!” шеъри мисолида изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Ватан надир – англам ранжу озоридан,  
Сўранг уни Мирзо Бобур мазоридан.  
Ўз зурёдин ҳайдаб гулшан, гулзоридан,  
Довонларда бағри бирён юрт эди бу.

...Надир миллат қудрагининг тамаддуни?  
Амир Темур хайкалидан сўранг бунни.  
От миндириб ким қайтарди юртга уни?  
Жаҳонгири бехонумон юрт эди бу.

Бир султонни Худо юртга қараб бергай,  
Олам аҳли сўнг у юртга тараф бергай,  
Абадий қадар унга шараф бергай,  
Шараф-шони рўйи жаҳон юрт бўлди бу!<sup>18</sup>

<sup>18</sup>Нурмонов А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Академик лицейларнинг 2-босқич талабалари учун дарслик. – Тошкент, “Шарк”, 2002, 183-184-бетлар

Энди бевосита таҳлилнинг ўзига ўтамиз. Бунинг учун ҳар бир сўзнинг маъно доирасини, қўлланиш хусусиятларини ўрганиб чиқиш зарур бўлади.

Шеърдаги таянч образ Ватандир. Образ моҳиятини ёритиш учун шоир икки усулни ишга солган. Улардан бири Ватан тарихи билан, иккинчиси, унинг истиқлолга эришиши билан алоқадор.

Ватан тарихининг бадиий соҳнамаси олти бандда қамраб олинган. Аммо уларни биз мантиқий жиҳатдан 5+1 схемасига ажралишини тасаввур этишимиз қийин бўлмайди. Унга шоирнинг ҳар бир банд якунида келтираётган радифлари ҳам қўшимча куч беради. Зеро, аввалги бешта бандда радиф “юрт эди бу” шаклида қўлланган эди. Охирги банд эса у бирданига кескин ўзгаради: “юрт бўлди бу” тарзини олади. Натижада олдинги бешта банд билан якунловчи банд ўртасида мантиқий зиддият юзага келади. Шоирнинг асл мақсади ҳам шу бўлган. Мана шу мантиқий зиддият моҳиятига таяниб туриб, у юрт мустақиллигини шарафлаш имконига эга бўлган.

Шоир ҳар бир бандда битта асосий ғояни бадиий ифодалаб келади. Уларнинг ички ривожини белгилайди. Шундай қилиб, “Ватан надир?” деб қўйилган саволга бандлараро изчил жавоб шаклланиб боради.

Энди Ватан мавзусини очиш учун хизмат қилаётган лексик бирликлар занжирини кузатиш навбати келади. Буни ҳар бир банд бўйича алоҳида-алоҳида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи бандда Ватан билан боғлиқ “ранжу озорлар” қаламга олинган. У Мирзо Бобур номи билан боғлиқ.

Иккинчи банд шу мантиқни давом эттиради. Юртнинг яна бир машҳур фарзанди – Фурқат қаторга киради.

Хронологик изчиллик давом этади. Бу сафга Чўлпон қўшилади.

Кейинги байт нисбатан умумлашма характериға эға. Бу ерда у аниқ бир шахс номи билан эмас, юрт, Ватан тарихидаги яна бир жиддий хотира, машъум қатағон ва камситишлар тарихи билан боғланиб кетган. “Меҳмони кўп, муте мезбон юрт эди бу”.

Бешинчи банд ўтмиш ва замон муносабатларини ўзаро боғлаш учун бир кўприк вазифасини адо этади:

...Надир миллат қудратининг тамаддуни?

Амир Темур ҳайкалидан сўранг буни.

От миндириб ким қайтарди юртга уни?

Жаҳонгири бехонумон юрт эди бу.

Шундан кейин юртнинг ҳозирини, унинг бахт-икболга тўлган, “Шараф-шони рўйи жаҳон бўлган” юрт эканлиги таъкидланади.

Демак, Ватан образининг мукамал тарздаги ифодаси учун унга ёрдамга келган бир қатор қўшимча образлар зарур бўлган. Уларсиз бу шеърнинг тўлақонли бадиий кашфиёт бўлиши мумкин эмас эди.

Кўриниб турганидай, биринчи банддаги қайғули, изтиробли манзара, иккинчи бандда яна бир поғона юқорига олиб чиқилади. Кўтарилиш давом этади. Бу кўтарилиш изтиробнинг кучи билан боғлиқ. Эмоционал босим кучайиб боради. “Чўлпонларин ўзи итдай боғлаб

бериб, изларидан ўзи гирён юрт” манзараси бу босимни авж нуктага олиб чиқади.

Бу юртнинг эли “хоксор”. У юртда мезбон бўлса-да, “муте мезбон”. Мана буларнинг барчаси юртнинг кечаги куни билан алоқадор. Буларнинг барчаси унинг ўтмишидаги қоронғи саҳифалар.

Кейинги байтдан бошлаб шеърнинг руҳий йўналишида ўзгариш пайдо бўлади. Энди Амир Темурга от миндириб юртга қайтарганлар ҳақида гап боради.

Таҳлилнинг кейинги қисмида гапнинг шеърдаги лингвостилистик унсурлар устида боргани мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун шеърнинг тасвир воситалари устида тўхташ жоиз кўринади.

Шеърдаги энг фаол тасвир воситаси эпитетлардир. “Ўз зурёди”, “багри бирён юрт”, “ёт элларда”, “кўзи жайрон юрт”, “гулдай ўғлонлар”, “изларида ўзи гирён юрт”, “хоксор эл”, “муте мезбон”, “жаҳонгири бехонумон юрт” ва бошқалар шу қаторда туради.

Бошқа бир фаол тасвир воситаси жонлантиришдир. Ватан, мазор, юрт сингари образлар мазкур восита орқали жонлантирилган. Натижада у ўқувчининг руҳий-ҳиссий оламига кучли таъсир кўрсатадиган даражага етган. Шеърда санок оҳанги ҳам устуворлик қилади. Бу оҳанг таъдид санъатининг юзага келишига омил бўлган. Натижада жуда қисқа бир шеърда кўплаб ҳодисаларнинг саналишига, уларнинг китобхон кўз олдида гавдаланишига имкон яратилган. “Ватан надур” деган сўроққа худди алоҳида-алоҳида бандларга ажратилгандай жавоблар силсиласи келтирилган. Гўё биринчидан, иккинчидан, учинчидан деган тартибга риоя қилингандай тасаввур уйғонади: биринчидан, ранжу озоридан, иккинчидан, Мирзо Бобур мазоридан, учинчидан, гулшан, гулзоридан ... Бундай санаш оҳанги кейинги бандлар учун ҳам тўла хос.

Шеърнинг бошқа барча унсурлари ҳам асосий ғояни юзага чиқариш учун сафарбар қилинган. Энг аввало, банднинг ўзига хос қурилиши шу ғоя учун жуда муносиб тарзда танланганини қайд этиш лозим. Тўртлик туркий адабиётдаги энг асосий ва кенг тарқалган шакл эканлиги яхши маълум. Асар шундай тўртликлар силсиласидан ташкил топган. Уларнинг барчасида дастлабки учта мисра ўзаро қофияланиб, тўртинчи мисралар бандлараро қофияла-ниш тизимига эга. Бу ҳар бир тўртликнинг нисбий мустақиллигини таъминлайди.

Маълумки, «тилдаги эстетик вазифани ишга солиш учун ижодкор ўз бадий ниятига мувофиқ равишда тилдаги битмас-туганмас ифода имкониятларидан истаганини танлайди. Бундай имконият эса тилнинг фонетик, лексик морфологик, синтактик ва яна юқори сатҳларнинг барчасида мавжуд»<sup>19</sup>. Юқоридаги шеърда тегишли ғояларнинг юзага чиқишида фақат сўзлар, бандлар эмас, назаримизда, айрим товушлар ҳам жуда усталик билан танланган. Биринчи бандда бу вазифа “р” товушининг зиммасига тушади.

<sup>19</sup> Ўйловлев М. Бадий матн лингвостилистикаси. – Тошкент, Фан, 2008, 102-бет.

Ватан надир – англам ранжу озоридан,  
Сўранг уни Мирзо Бобур мазоридан.

Ўз зурёдин хайдаб гулшан, гулзоридан,  
Довонларда бағри бирён юрт эди бу.

Уларнинг такрорланиш частотаси мисралараро куйидагича: 3 – 4 - 2 - 4.

Бизнингча, “р” товушининг бу қадар фаол иштироки шоирнинг айна товушга алоқадор қонуниятни тўла тасаввур этиши билан боғлиқ. Маълумки, “р” физиологик артикуляцион жиҳатдан титроқ товуш ҳисобланади. Товушдаги титроқлик, титраш эффектидан айтилаётган фикрдаги шиддатни, ранжидалик, озорланишни янада кучли ифодалаш мақсадида фойдаланмоқда.

Шеърда поэтик инверсиядан унумли фойдаланилганлиги ҳам кўриниб турибди. Биринчи мисрадаги “англам ранжу озоридан” ифодасида тўлдирувчи билан кесимнинг ўрни шеърини тил қонуниятларига мувофиқ табиий тарзда алмашиб келган. Шу ҳолат унинг кейинги мисралар билан ўзаро қофиядош бўлишига имкон яратган. Қолаверса, “озоридан” сўзининг қофияга сурилиши натижасида шеърда кўзда тутилган поэтик маънонинг қатта куч билан юзага чиқиши учун ниҳоятда қулай шароит яратилган.

Иккинчи бандда эса, эгалар мисра охирига сурилган. Бу ҳам маънонинг таъсирчанлик билан юзага чиқишига имкон яратган. Қолаверса, худди шу ҳолат шеърда прозаизм хавфини бартараф этган.

От (1) миндириб (2) ким (3) қайтарди (4) юртга (5) уни (6)? мисрасидаги поэтик инверсия ҳам ўзига хосдир. Аслида у оддий сўзлашув нутқида “Ким уни от миндириб юртга қайтарди?” кўринишини олган бўлар эди. Уни рақамлар тарзида жойлаштирсак, куйидаги манзара ҳосил бўлади: 3 – 6 – 1 – 2 – 5 – 4. Бир сўз билан айтганда бу ерда тўлиқ инверсияни кўриш қийин эмас.

Буларнинг ҳаммаси шеърнинг юксак ватанпарварлик руҳини таъминлаш учун хизмат қилган. Муаллиф бу шеърда рўпарада турган суҳбатдош кифасида намоён бўлади. Унинг ифода тарзида юрт тақдирдан бохабарлик, унинг аччиқ ва изтиробли кунларидан куйиниш, аксинча, юрт истиқлолидан ифтихор қилиш туйғулари очик сезилиб туради.

Худди шу ғоявий-бадий мазмун касб этган шеърларни бошқа шоирлар ижодидан келтириб таҳлил этиш ҳам яхши самара беради. Бунинг учун ундай шеърларни фақат шоирнинг замондошлари ёки тенгдошларидан олиш шарт эмас. Бу ерда макон ва замон чегарасини бемалол олиб ташлаш зарур. Ҳатто бу усул ўқувчиларнинг ҳар бир ижодкор ҳақидаги, унинг ўзига хосликлари, айниқса, услубий жиҳатларига алоҳида эътибор беришлари учун кўпроқ хизмат қилади.

Қиёсий материалнинг жаҳон адабиётидан, айниқса, бошқа миллат материалларидан олинishi эса шоирнинг индивидуал, шунингдек, миллий ўзига хослигини англашга, адабиётдаги миллийликни теранроқ илғашга имкон яратади.

## ONA TILI DARSLARIDA FANLARARO BOG'LIQLIK ASOSIDA KASBGA YO'NALTIRIB O'QITISH MASALALARI

G. Turdialiyeva, TVDPI o'qituvchisi

Mamlakatimiz ta'lim tizimi taraqqiyoti jamiyatimizning barcha bo'g'inlarida bo'lgani singari ta'lim sohasida ham ko'pgina ijobiy ishlar amalga oshirildi va amalga oshirilmoqda. Anashunday ishlardan biri ta'lim jarayoniga yangi pedtexnologiyalarni tadbiq etilishi masalasidir. Bugungi axborot texnologiyalari taraqqiy etgan bir davrda o'quvchilarni ona tili faniga qiziqishini oshirish va ularda ilmiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish o'qituvchidan yuksak mahorat va chuqur har tominlama mukammal bilimni talab etibgina qolmay, o'z faniga o'quvchilar qiziqishini orttirish uchun boshqa fanlar bilan ona tili fanini o'zaro bog'liqlikda o'rgatish mahoratini ham talab qiladi. Bu bevosita umumta'lim maktablari, akademik litsey va kasb-hunar kollejarida o'quv sifatini ko'tarish, ta'lim olayotgan yoshlarningi har bir fan bo'yicha nazariy bilimli, amaliy ko'nikma va malakali shaxs qilib tarbiyalash imkonini beradi.

Ona tili darslarida bilimlarni chuqurlashtirish va o'quvchilarning faolligini oshirishda fanlararo aloqadorlikni ta'minlash uchun maktab, akademik litsey va kasb-hunar kollejaridagi barcha fanlarning ona tili fani bilan bog'liq ma'lumotlarini tanlab olishda materiallarning o'zlashtirilishiga, ona tili darslarida o'rgatiladigan mavzularning boshqa fanlardagi mavzular bilan bog'liqligini amaliy jihatdan isbotlay olishga va anashu bog'liqlikni ta'minlashda bevosita davr bilan hamohanglikka e'tibor qaratish zarur deb bilamiz.

Bugungi kunda KHKlarida fan asoslarini o'quvchilarga o'rgatishda bevosita kasbga yo'naltirib o'qitish masalasiga e'tibor qaratilayotgan bir paytda ona tili darslarida fanlararo integratsiyadan foydalanish o'quvchilarning kasbiy ko'nikmalarini ham shakllantirishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Shuning uchun ona tili darslarini turli fanlar yo'nalishda hamda kasbiy tayyorgarligi bo'yicha bir-biri bilan bog'liqlikda olib borish muhim vazifa bo'lib, unda o'quvchilarning dunyoqarashlari va ona tilidan olgan bilimlarini amalda qo'llay bilish qobiliyatlari yanada oshadi.

Ona tili darslarini tashkil etish, umumiy o'rta ta'lim maktablari, akademiklitsey va kasb-hunar kollejlari o'quvchilari tomonidan ona tili fani asoslarini o'zlashtirishda samaradorlikka erishish, shuningdek, ularda ilmiy-amaliy tafakkurni shakllantirish, kasbiy ko'nikmani kamol toptirishda yangi pedagogik texnologiyalarning muhim o'rin tutishi amaliyotda o'z isbotini topmoqda. Zero, pedagogik texnologiyalar o'quvchilarni muayyan mavzular yuzasidan mustaqil fikr yuritish, mavzu va mashqlar tizimi asosida o'qituvchi tomonidan qo'yilayotgan muammoning yechimni izlash va tahlil etish, nazariy ma'lumotlarni ijtimoiy va kasbiy munosabatlar jarayonida qo'llay bilish orqali mustaqil faoliyatga tayyorlash imkonini yaratadi.

Ona tili darslarida o'tiladigan har qanday nazariy va amaliy ma'lumotlarni zamonaviy texnologiya va usullarga tayangan tarzda olib

borishning samarasi barcha qatnashchilarning to'la faolligini ta'minlanlashga erishilgandagina namoyon bo'ladi.

Shu o'rinda o'quvchilarning passiv tinglovchi darajasida g'olib ketmasligi, balki ularning faol, o'z nuqtayi nazari va shaxsiy fikriga ega bo'lgan ishtirokchi darajasiga ko'tarish zarur bo'ladi. Bu birinchi navbatda o'qituvchining intellektual madaniyati bilan bog'liq bo'lib, ilmiy fikrlovchi o'quvchilarni tarbiyalash va yana o'qituvchi shaxsi, uning shaxsiy tajribasi, uquvi, ijodkorligiga chambarchas aloqador jarayondir. Demak, o'qituvchi va o'quvchi hamkorligini real hayot, ta'lim jarayonining o'zi ham taqozo etmoqda. Shunday ekan, o'qituvchi dars jarayonida o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi hamkorlikni vujudga keltirishi uchun ularning qiziqishlaridan va kasbiy yo'nalishlaridan kelib chiqqan holda ona tili fanining boshqa fanlar bilan o'zaro integratsiyasiga erishishi lozim bo'ladi. Buning uchun o'qituvchi o'z fanining imkoniyatlaridan mohirlik bilan foydalanishi talab etiladi.

Masalan, KHK ona tili darslarida "Hol" mavzusini o'tish jarayonida daraja-miqdor holining miqdor, hajmi bildirishidagi turli semantik jihatlariga e'tibor qaratish orqali mavzuni matematika, geografiya, iqtisod asoslari, tarix singari fanlar bilan bog'lab o'rgatish imkoniyati mavjud.

Bunda daraja-miqdor holining ish-harakatning bajarilishidagi miqdor-hajmi, vazn-miqdorni, qiymat miqdorini, bo'linish, ajratish yoki taqsimlash ma'nolarini ifodalashini tushuntirish jarayonida bevosita "Matematika" hamda "Iqtisod asoslari" fanlari bilan bog'liqlikda tushuntirish bir vaqtning o'zida o'quvchilarning matematik va iqtisodiy fikrlashlari orqali mavzuni yanada mukammal o'zlashtirishlari imkon yaratadi.

Masalan, vazn miqdorni ifodalashda gramm, kilo, pud, tonna, qadoq kabi o'lchov birliklarining qaysi kasb sohalarida ko'proq qo'llanishini o'quvchilardan so'rash va daraja-miqdor holi ishtirokida shu soha bilan bog'liq faoliyatni ifodalovchi gaplar tuzdirishni amalga oshirish orqali o'qituvchi bir paytning o'zida fanlararo integratsiyani hamda kasbga yo'naltirib o'qitishni amalga oshiradi. Qolaversa, dars jarayonida kompyuter texnologiyalaridan foydalanib slaydlar yaratishga erishish, hamda kompyuter va o'quvchi o'rtasida savol-javob o'yinlarini tashgkil etish orqali darsda o'quvchilarning faolligiga erishish mumkin bo'ladi.

Darsni bu tarzda olib borish natijasida bevosita daraja-miqdor holi bilan bog'liq tarzda matematika, iqtisod asoslari fanlariga bog'liq qoidalalar ham esga olinib, darsda fanlararo untegratsiya, yani bog'lanishning yuizaga kelishiga erishiladi. Buesa o'quvchilarning mustaqil fikrlashlarini va dars samaradorligini oshiradi.

Yuqoridagilardan ayon bo'ladiki, ona tili darslarida mashg'ulotlarni fanlararo bog'liqlik asosida yangi pedtexnologiyalarga tayanib olib borish dars samaradorligini oshiribgina qolmay, o'quvchilarda kasbiy ko'nikmalarni ham kamol toptirish imkoniyatini ham berar ekan. Umuman olganda ona tili darslarida fanlararo bog'liqlik asosida kasbga yo'naltirib o'qitish masalalarini hal etish ta'lim samaradorligini oshiruvchi vosita desak to'g'ri bo'ladi.



## ЎҚУВЧИЛАРНИ БАДИИЙ ИЖОДГА УНДАШ МЕТОДИКАСИ

К. Мавлонова, ТДПУ, тадқиқотчи

Бугунги она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш юзасидан олиб бориладиган ишларнинг асосий воситаси бўлмиш бадий матнлар аксарият машқларнинг ислоҳ қилинган материалларини ифода этади. Ушбу материаллар нутқ ўстиришда янги имкониятлар саналади. Уларнинг ўқувчиларни ижод сир-асрорлари билан изчил таништира бориш учун хизмат қилиши мумкинлиги ана шу имкониятлардан далолат беради. Ўқитувчиларни она тилидан янги йўналишда амалга ошириладиган ишлар методикаси билан қуроллантириш зарурияти мавжуд. Она тили дарсларида ўқувчиларни бадий матннинг тил хусусиятлари, бадий тасвир воситалари, образлиликни вужудга келтириш йўлларида воқиф этиш ижодий-амалий топшириқларни қутилганидек бажаришни таъминловчи асосий омилдир.

Мактабгача таълим давридаёқ болалар эرتак тўқийдилар, топишмоқ ўйлаб топадилар. Бошланғич синфларда бу ишлар давом эттирилади, ривожлантирилади. Юқори синфларда ижод қилиш истаги интилишга айланиб боради. Сўз санъати, бадий-тасвирий воситалар билан танишаётган ўқувчи ўз нутқ маҳсулини яратиш ҳақида ўйлаши табиий. У ёзувчи ёки шоир бўлиб етишмаса ҳам, ҳеч бўлмаганда, матбуотда ўз мақолалари (ёки хабарлари) билан иштирок этиш зарурияти пайдо бўлганда, олинган билим, ҳосил қиланган амалий кўникмалар аскотиб, ўз мевасини бериши аниқ. Р.И.Альбеткованинг фикрича ҳам, «Ўқувчилар асарни таҳлил қилар эканлар, ҳаёт ходисаларини тил воситалари ёрдамида тасвирашнинг айрим усулларида фойдаланиш аҳамиятини тушунибгина қолмай, балки ушбу тил воситаларидан ўз фикрларини ифодалаш учун қўллашни ҳам ўрганадилар»<sup>1</sup>.

Бадий ижодга «Она тили» дарсликларидан матн яратишга доир берилган топшириқлар, шу дарсликлар юзасидан тайёрланган «Ўқитувчи китоби» методик қўлланмаларидаги йўриқлар ҳам туртки бўлиб хизмат қилади. 9-синф «Она тили» дарслиги юзасидан тайёрланган «Ўқитувчи китоби»да қуйидаги каби топшириқлар тавсия этилган: «237-машққа кўра «Юртимизда баҳор» мавзусида бадий матн тузиш ва унда бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш, бадий услубнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритиш уйга вазифа қилиб берилади». «Иқтидорли ва ижодкор ўқувчиларга эса матнни шеърини тарзда ёзиш тавсия этилади»<sup>2</sup>. Лекин муайян тайёргарлик ишлари бўлмаса, бундай вазифани дафъатан уддалаш қийин. Ўқувчиларнинг

<sup>1</sup>Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 6 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001. – С. 18.

<sup>2</sup>Улуқов Н.М., Нурмонова Д.А. Она тили. 9-синф. Ўқитувчилар учун метод. қўлланма / Д.А.Нурмонова, Н.М.Улуқов. - Т.: Tasvir, 2006. – 110-бет.

бадий матн тузиш топширигини муваффақиятли адо этишлари учун олдиндан мазмундор ва таъсирчан гап тузиш устида иш олиб бориш<sup>3</sup>, тузилган гапларнинг бадий кийматини вужудга келтириш мақсадида эса сўз танлаш билан боғлиқ таҳрир машқларини ўтказиб туриш зарур. Зеро, ўқувчи ҳар гал сўз танлаш, фикрни тўғрироқ, аниқроқ ва ёркинроқ ифодалаш ва коммуникатив натижага эришиш учун ифода шакли ҳақида, сўзларларни гапга бирлаштириш, матнни қандай қуриш тўғрисида ўйлаш вазиятига тушади.

А.Ғуломов, Б.Қобилова сўз устидаги ишларга алоҳида ургу бериб, шундай изоҳлайдилар: “Сўзларни тўғри танлаш, нутқни тингловчига қулиш ва бу борада хатоларга йўл қўймаслик; баъзан сўз ва сўз шакллари қўллашдаги ноўрин такрордан қутулиш; тасвир учун энг мақбулини танлаш; инсон, табиат ҳамда воқеа-ҳодисалардаги гўзалликларни етказиш ва ҳоказолар) билан танишиш асносида амалга ошади. Ўқувчи сўз такроридан, риторик сўроқлардан, ҳис-ҳаяжон гаплардан, эмоционал-экспрессив воситалардан ўринли фойдаланиш қоидаларини эгаллай бориши керак.

Бадий ижодкорлик машғулоти бадий тасвир санъатининг энг хилма-хил қирралари (сўз ва сўз шаклини керакли маънода танлай билиш ва бу борада хатоларга йўл қўймаслик; баъзан сўз ва сўз шакллари қўллашдаги ноўрин такрордан қутулиш; тасвир учун энг мақбулини танлаш; инсон, табиат ҳамда воқеа-ҳодисалардаги гўзалликларни етказиш ва ҳоказолар) билан танишиш асносида амалга ошади. Ўқувчи сўз такроридан, риторик сўроқлардан, ҳис-ҳаяжон гаплардан, эмоционал-экспрессив воситалардан ўринли фойдаланиш қоидаларини эгаллай бориши керак.

Методик қўлланмаларда ўқувчилар бажарадиган юқоридаги каби юмушлар «ижодий-амалий ишлар», «ижодий матн тузиш» ишлари деб юритилади. Аслида ижодий иш иншо саналади. Лекин унда бадий ижод сари йўналиш ўз ифодасини топмайди. Шунга кўра ҳам ўзининг мос номи топилгунга қадар «ижодий иш», «ижодий матн яратиш» тушунчаларидан фойдаланган маъқул.

Бадий услубда ижодий матн яратаётган ўқувчига нечанчи синфда эканлигига, иқтидорига, ёш хусусиятларига, билим, кўникма ва малакаларига қараб қуйидаги эслатма тўлиқ ёки қисқа тарзда бериб қўйилади:

**Бадий услубда ижодий матн яратаётган ўқувчига эсдалик**

1. Тузаётган гапларингиз учун танлаётган сўзларингиз жарангдорлик, ифодалиликни таъминласин.
2. Одамларни, воқеа-ҳодиса, нарс-буюмларни китобхон яққол кўз олдига келтирсин учун бўёқдор, таъсирчан сўзлар, бадий тасвир воситалари танлашга ҳаракат қилинг.
3. Гапларда эмоционал-экспрессив лексик ва грамматик воситаларни ишлатинг.

<sup>3</sup>Бу ҳақда қараи: Эргашева А. Она тили дарсларида назарий маълумотларни мустаҳкамлаш жараёнида нутқ устириш методикаси. – Тошкент: «Fan va texnologiyalar», 2010.

<sup>4</sup>Ғуломов А., Қобилова Б. Нутқ ўстириш машғулоти: Ўқувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Ўқувчи, 1995. – 3-бет.

4. Гапларнинг синтактик жиҳатдан ранг-баранг бўлишига эътибор беринг.

5. Матнда табиат гўзалликларини акс эттиришга ҳаракат қилинг.

6. Матнда образлилик асосида тағ маъно – воқеликка, одамларга турлича муносабат акс этсин.

Эсдалик ўқувчиларга ўқитилади, ҳар бир модда қандай англанини суҳбат орқали аниқланади, ўқитувчи заруриятга қараб қўшимча изоҳлар беради.

Айрим ҳолатларда бадий ижод моҳиятини очувчи таъриф, қоида ёки изоҳлар устида ишлаш ҳам фойдадан холи эмас. Масалан, қуйидаги таърифни олайлик:

*Бадий матнда (айрим олинган гап, мисрада) олам ва инсонни, инсоннинг жамиятда ўзини тутishi қоидаларини билиш (ўрганishi), ҳис этиши натижалари таъсирчан тарзда қайдланади.*

Ушбу таърифни ўйлаб кўрамиз, уни маъноли қисмларга – сўз бирикмаларига ажратамиз: *сўзлардан асарлар яратилади*. Бу иш қандай қилинади? Сўзлар гапларга бирлашади ва фикр ифодалайди. Асарлар гаплардан иборат. Асарларда: *қайд қилинган – нима? – билиш натижалари* – нимани билиш? – *оламни* – яна нимани билиш? – *инсонни* – сўзларда яна нималар қайдланган? – *инсоннинг жамиятда ўзини тутishi қоидаларини* – қай тарзда? – *таъсирчан тарзда*.

Сўз устида олиб бориладиган ишлар ўқувчиларга маъно чуқурлигини, сўзда экспрессив маънолар борлигини кўрсатиб бермоғи даркор. Биз экспрессив маъно орқали бирор кишига ёки нарсасига ўз муносабатимизни ифода этамиз. Бу ҳам тилнинг бойлиги саналади. Бундай сўзлардан фойдаланиш нутқни эстетик идрок этиладиган, ифодали, таъсирчан қилади.

Юқоридаги каби ишларни бажариш учун ўқувчи сўз санъатини эгаллаш, бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш учун сўз танлаш, образлар яратиш, воқеа-ҳодисаларни бадий услубда ҳикоя қилиш ва шу тарзда мушоҳада юритиш, диалог ва монолог тузиш, ўз фикрларини ва туйғуларини ёзма ёки оғзаки шаклларда, шеър ёки насрда ифодалаш усулларини қўлга киритиши лозим.

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг бадий услубдаги ижоди ёзилган матнни таҳрир қилиш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Шу мақсадда уларга ўзлари яратган матндан олинган уч-тўрт гап берилади. Ўқувчилар қуйидаги каби ишларни бажарадилар:

1) сўзларнинг оҳангдошлигини, гапларнинг ўқимишлилигини кузатиш ва тўғрилаш;

2) ўрганилган тил ҳодисалари доирасида эмоционал-экспрессив лексик ва грамматик воситаларни киритиб матнни таҳрир қилиш;

3) воқеликни кўз олдига келтирган ҳолда матнга бадий тасвир воситаларини киритиш;

4) унга риторик фигуралар қўшиш.

Таҳрир ишлари жамoa бўлиб бажарилади. Бу ўринда гуруҳлар бўйича иш олиб бориш ҳам мумкин. Ҳар бир гуруҳ ўзининг таҳрир

вариантини тақдим этади. Гапларни энг мақбул ҳолатга келтирган гуруҳ голиб саналади. Бадий матн яратиш ҳамма вақт ижод қувончига ошно этади. Бутун синф иштирокидаги ишларда бу қувонч ҳаммага тегишли бўлади, голиблик гуруҳга ёки бутун синфга тегишли бўлади. Кузатишлардан маълумки, ижод қувончини ҳис этган, бажараётган иши ҳақиқатан қизиқарли эканлигига, завқ бағишлашига ишонч ҳосил қилган ўқувчилар чиройли сўзлашга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, адабий ижодкорликка бир марта қўл уриб, кичкина муваффақиятга эришган ўқувчи кундалик тутадиган, ўз таассуротларини ёзиб юрадиган, ижод сир-асрорларини ўрганишга иштиёқманд бўлиб қолади.

Матн яратиш, битилган матнни таҳрир қилиш каби ишларда ўқувчилар мақсадни англашлари керак – бадий матн яратиш, айрим гапларни бадийлаштириш. Бу ўйинда ўқувчиларнинг иштироки ҳар хил бўлади: бири сўзни тез танлайди, иккинчиси чиройли жумла куради, учинчиси навбатдаги гапга ишора қилади. Шунга қараб ҳамма ижобий баҳо олади.

Матннинг бадийлашганига ҳамма баҳо бера олади. Шунинг учун истаган ўқувчидан холис баҳо эшитиш мумкин. Айни пайтда ўқитувчи ҳам ўқувчиларнинг ижодий уринишларини қўллаб-қувватлабгина қолмай, уларнинг ютуқларини рағбатлантира олиши керак.

Синквейн каби матн яратиш ўйинлари ўқувчиларни гуруҳларда ҳамкор бўлиб ишлашга ўргатади. Улар бир-бирларининг нутқини диққат билан тинглашга, яратилаётган матнни таҳрир қилишга, фикрни ифодалаш учун зарур сўзнинг аниқлигига эътибор берадиган бўладилар, шунга одатланадилар. Натижада синф ўқувчиларининг ҳаммаси дарсда фаол бўлади. Якка тарзда матн тузаётганда эса бундай фаоллик кузатилмайди. Ижодий жараён яширин тус олади.

Ўқувчиларнинг назм ва наср соҳасидаги машқларини кўпчилик ҳолатларда юксак бадий деб бўлмади, албатта. Лекин кўрган нарсалари ҳақида ўйлаб қолган, ёрқин муфассалликларини кўра билган, ўзининг воқеаларга бўлган муносабатини тушуниш учун ўз ичига қайрай билган киши ўзининг ички оламини бойитган бўлади. Унинг учун ҳаёт бир хил ва зерикарли туюлмайди, у гўзаллигини туяди, кашфиёт шодлигини ҳис этади.

Бундай инсон ҳаётини воқеалар моҳиятини кўра билади, содир бўлаётган жараёнларни баҳолай олади, ўзгаларнинг фикрларини ишонч сифатида қабул қилмаслик, балки, ўз фикрларини ҳосил қилишга интилади, илмий ишда ҳам, иш қоғозиди ҳам, публицистик чиқишда ҳам, оддий сўзлашувда ҳам ўз фикрларини ифодалай билади.

Хуллас, она тили дарсларида ўқувчилар бадий матннинг тил хусусиятлари, бадий тасвир воситалари, образлиликни вужудга келтириш сир-асрорлари билан таниша бориб, ижод машаққатини енгиб ўтиш йўлларини кашф этадилар. Ижодий ишлар, ижодий матн яратиш машқлари ана шу интилишга қувват беради.

## Тил таълими муаммолари



### ТИЛ ТАЪЛИМИДА ВОҚЕЛИКНИ ОБРАЗЛИ ТАСВИРЛАШГА ЎРГАТИШ

Ш. Юсунова, АндДУ, пед. ф. д.

Образ яратиш нафақат бадий адабиёт учун, балки она тили дарсларида ўқувчи-талабаларнинг фикрлашини ўстириш учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Чунки унда сўзловчининг индивидуал муносабати акс этади. Индивидуал муносабатда эса моҳият ўз аксини топиши билан бирга сўзловчи уни турли нуқтаи назардан баҳолайди, уни талқин ва таҳлил этади. Образли фикрлашнинг ўзига хослиги шундаки, у сўзловчи ифодаламоқчи бўлган фикр, ҳис-туйғу ва кечинманинг жозибадорлигини таъминлайди. Бу эса нутқнинг таъсир майдонини кенгайтиради. Шунингдек, бунда тушунча, фикр ва ўзига хос қарашлар пайдо бўлади. Образли фикрлашда ўқувчиларнинг воқеликка муносабати акс этади.

Айтиш лозимки, тасаввурнинг ҳиссий гавдаланиши орқали образ дунёга келади. Шунинг учун ҳам А.Потебня образни тасаввурнинг қайта ишланиши<sup>1</sup> деб айтган. Образли фикрлашда субъектнинг хаёл ва орзулари ҳам ифодаланади. Аммо образ, унинг тасвири, маъноси бир-бирига мувофиқ келсагина яхлит бир фикр пайдо бўлади, нутқнинг жозибадорлиги ошади.

Маълумки, воқеа-ҳодисаларни ҳар бир шахс (ўқувчи) турлича идрок қилади ва ўша идрокни нутқий фаолияти давомида намоён этади. Вильгельм фон Гумбольдт предметларни идрок қилиш субъективлик хусусиятига эга эканлигини таъкидлайди. "Сўзни предметнинг айнан акси эмас, балки инсон қалбида ҳосил бўлган тимсол (образ)нинг инъикоси сифатида қараш лозим"лигини уқтиради. Чунки ҳар бир шахс оламни ўзича идрок қилади. Худди шунга биноан ўқувчи нутқ баёнида ўз ҳиссиётини баён қилади. Эмоционал нутқий фаолиятнинг кечиши тўрт асосий хусусиятнинг ўзаро муносабатининг натижасидир: а) сўзловчининг эмотив мақсади (интенцияси) б) ҳиссиётининг модаллиги; 3) эмоционаллик даражаси; 4) эмоциянинг йўналтирилиши, яъни мўлжали<sup>2</sup>. Образлиликни ҳосил қилишда сўз орқали тасвир яратилади. Чунки сўз адабиётнинг тасвирлаш куралигига эмас, балки она тили дарсларида ҳам асосий восита ҳисобланади. Фикр

<sup>1</sup> Потебня А. Теоретическая поэтика. М., 1990. С.33.

<sup>2</sup> Шаховский В.И., Жура В.В. Действие воферс эмоциональной речевой деятельности // Вопросы языкознания, 2002. №5. С.38.

ва тасвир ифодаси асосида образлилик ётади. Шунинг учун ҳам проф. А.Саъдий фикр-маъно англатишни икки турга ажратади:

- 1) тўғри англатиш;
- 2) суратли англатиш;

Бизнинг вазифамиз сўзни нафақат тўғри англатиш, балки суратли англатиш (яъни образли тасвирлаш)ни ўқувчиларга сингдириш ҳамда қандай қилиб шундай нутқ яратиш мумкинлигини исботлашдан иборатдир.

Образли ифода, образли нутқ деганда, одатда тор маънодаги тасвирий восита, ибора ва кўчимларга бой нутқ тушунилади. Кенг маънода образлилик давр, воқелик, манзаралар, рухият тасвирини тасаввурда жонлантириш ҳодисасидир<sup>20</sup>.

Образлиликда сўз орқали тасвир яратилади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўқувчи сўз қўллаш маҳоратига алоҳида эътибор бериш зарур. Шунини айтиш керакки, икки хил маънога: денотатив ва коннотатив маънога эга бўлган сўз нутқ жараёнида уч хил вазифани адо этади. Булар: номлаш (номинация), ахборот бериш (информация), экспрессия (эстетик таъсир ва баҳо) каби вазифалардан иборат. Демак, сўзнинг маъно англатиши билан унинг адо этадиган вазифаларини аралаштириб бўлмайди. Тил таълимида воқеа ва ҳодисани образли тасвирлаш, яъни сўзнинг КОННОТАТИВ<sup>21</sup> маъноси алоҳида аҳамият касб этади. Чунки тилшунос олим В.Н. Телия таъкидлаганидек, коннотация - тил бирликлари семантикасига узуал ёки оккозиоңал равишда кирадиган, нутқ субъектининг борлиқни жумлада ифодалашади унинг айна шу борлиққа бўлган ҳиссий-баҳолаш ва стилистик муносабатини ифодалайдиган ҳамда шу ахборотга кўра экспрессив қиммат касб этадиган мазмуний моҳиятдир<sup>22</sup>. Образли нутқ жараёнида сўзловчи ўз ҳиссий-тасвирларини кўрсата олади ҳамда тингловчида ҳам образли фикрлашни ҳосил қилишга ҳаракат қилади.

Илмий адабиётда тилнинг экспрессив функцияси иккинчи режага кўчирилса, бадий адабиётда тилнинг экспрессив функцияси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Сўзда эса тилнинг ҳам номинатив, ҳам экспрессив функцияси билан боғлиқ бўлган томонлари-денотатив ва коннотатив маънолари бор. Сўзнинг денотатив ва коннотатив маъноларга эга эканлиги у бадий тасвирнинг асосий воситаларидан бири эканлигини белгилаб беради.

Ўқувчи ёки талаба ўзининг ҳиссий баҳолаш, бўёқдорлик муносабатини билдириш учун қуйидаги усулни бажариши мақсадга мувофиқдир. Уларга қуйидаги тўртлик ҳавола этилади:

Қирқта дерлар жонингни,  
Ўйларинг қирқ минг аёл,

<sup>20</sup> Ҳамрасва Д.Образ, тимсол ва рамз.// Ўзбек тили ва адабиёти 2008, № 472 б.

<sup>21</sup> Ҳожиев А.Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати.-Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2002.51-бет.

<sup>22</sup> Қаранг: Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. -Т.: Фан. 2007. 49-бет.

Узун кунга сиғмаган ташвишлар қатор-қатор-Шомнинг этагин тутиб, тонгларга уланади, Дунёнинг беланчаги шундай тебранар такрор.

(О. Очилова)

Мазкур тўртлик асосида ўқувчи (талабаларга) топширик берилади:

Юқоридаги тўртликдан шоирнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини намоён этадиган жойларини, бўёқдорлик ҳосил қилувчи ифода маъноларини топинг. Сўнгра аёл ўйларини неча хил усулда баён эта олишлик маҳоратингизни кўрсатинг... каби топшириқлар бериш мақсадга мувофиқдир. Бундай топшириқларни бажаришда албатта коннотацияга эътибор бериш лозимлиги уқтирилади.

Таклиф қилинган ёндашувнинг муҳимлиги шундаки, у методологик ва назарий асосга эга бўлиб, умумий асосдан ҳодиса сифатида намоён бўлиши кузатилмоқда, чунки коннотатив маънони аниқлаш нутқий кўникмаларни ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Фикримизнинг далили сифатида коннотатив маънони ифодалаш учун синонимик қатор ҳосил қилиб кўрайлик. Жумладан, **сайрамоқ** лексемаси **жағилламоқ**, **ваккилламоқ**, **қақкилламоқ**, **вайсамоқ**, **тўнғилламоқ**, **шанғилламоқ** каби лексемалар билан синонимик қатор ҳосил қилади. **Сайрамоқ** аслида куш сўзи билан муносабатга кириша олади. **Сайрамоқ** лексемаси инсонга оид сўзлар билан боғланганда кўп гапирмоқ семасини англатиб, салбий маъно ифодалайди ва у **вайсамоқ**, **валдирамоқ**, **жаврамоқ** каби лексемалар билан синоним бўла олади. Шу билан бирга, у коннотатив маъно ҳосил қилади. Бундай ҳолатни ўрганиш жараёнида ўқувчи(талабалар)нинг сўз бойлиги ортади, сўздан фойдалана олиш имконияти кенгайди.

Умуман олганда, билим олувчи тилшуносликка оид ҳар қандай билимларини амалиётга татбиқ эта олиш зарур. Чунки ўқитишда шахс-жамият-фаолият (амалиёт) уйғунлигига эътибор бериш долзарб вазифалардан биридир.

## МЕТОД ҲАҚИДА

Р. Расулов, ТДПУ, ф. ф. д., профессор

Ҳар бир фан каби тилшунослик фани ҳам тарихий тараққиёти давомида лисоний ҳодисаларни ўрганишда, тадқиқот объектини (манбаини) илмий таҳлил қилиб, унинг ички «сирларини», муайян жиҳатларини очишда, табиатини, таркибини аниқлашда, илмий хулосалар чиқаришда муайян методлар асосида иш олиб боради. Бу – мутлақо табиий. Чунки метод тадқиқот манбаининг (объектининг) бирор жиҳатини, томонини (қисмини, бўлагини) ўрганиш, аниқлаш, билиш усулидир. Бошқача айтганда, табиат ва жамият ҳодисаларининг, жараёнларининг моҳиятини билиш, уларнинг ўзига хосликларини, жиҳатларини, белги-хусусиятларини аниқлаш ва улар ҳақида объектив илмий-фалсафий ғоялар, умумлашмалар чиқариш фақат муайян тадқиқот методлари фаоллигида, уларни қўллаш орқали амалга ошади. Демак метод фаннинг мавжудлиги, унинг ажралмас таркибий қисми, мантикий бўлаги (компоненти) бўлган илмийлик деган тушунчага хизмат қилади. У фан илмийлигини, фан тараққиётини таъминлайди, фаннинг ижтимоий онгининг қудратли бир қисми, тури эканлигини асослайди, унга хизмат қилади.

Айтиш мумкинки, ҳар бир фан муайян илмий-назарий хулосалар чиқаришда, таълимотлар яратишда бевосита асос бўлиб хизмат қилувчи қатор фактлар, ҳодисаларга эга бўлишидан ташқари у ушбу фактларни тадқиқ ва таҳлил қилувчи методларга ҳам эга бўлиши шарт. Демак, ҳар бир фаннинг мавжудлиги, хулосалари, фаоллиги унинг тадқиқот объекти (манбаи), тадқиқот мақсади ва, айни вақтда, тадқиқот методлари билан белгиланади, ўлчанади. Шундай экан, фандаги илмийлик принципи учун хизмат қиладиган метод нима? Метод термини нимани англатади?, нимани ифода этади?, деган саволнинг туғилиши мантикийдир, табиийдир. Метод этимологик жиҳатдан грекча *methodos* сўзидан олинган бўлиб, “тадқиқот”, “ўрганиш” деган маънони англатади.

Метод билиш назариясига кўра, воқеликка ёндашиш – табиат, жамият ва фикрлаш жараёнини – тафаккурни билиш усулидир. Бинобарин, метод ушбу фалсафий маънода объектив воқеликнинг ҳар қандай ҳодиса ва жараёнларини билиш, тушунтириш ва талқин қилиш йўлидир. Айни вақтда метод умумий – фалсафий маънода қўлланишдан ташқари у тор (хусусий) маънода ҳам қўлланиш имкониятига эга. Бу ҳолда у муайян фанга оидлиги билан, айни фаннинг тадқиқот объектини (манбаини) таҳлил қилиш билан муҳим аҳамиятга эга бўлади. Демак, метод махсус, хусусий, соҳавий метод сифатида турлича фанларда



турлича бўлиши билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, метод умумий ва хусусий, фалсафий ва соҳавий кўринишларга эгаллиги билан характерланади.

Хуллас, метод моҳиятан фалсафий ва фанга оид «қурол» сифатида мавжудлиги билан ўзаро диалектик муносабатда, боғлиқликда бўлади.

Фалсафий метод барча фанларга хослиги, барча фанлар учун умумийлиги билан нисбий мустақилликка, алоҳидаликка эга бўлиб, у диалектик метод номи билан юритилади. Мазкур метод муайян фаннинг илмий-тадқиқот методидан фарқли ўзининг кенг камровлиги, барча фанлар доирасида иш олиб бориши билан алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Проф. Ҳ. Неъматов таъкидлаганидек, "...диалектик билиш тадқиқ манбаи моҳиятига босқичма-босқич узлуксиз чуқурлаша бориш, соддароқ (оддийроқ) моҳиятдан мураккаброғига қараб силжиш демакдир"<sup>23</sup>. Шунингдек, айна методнинг қайд этилган муҳим, асосий жиҳатлари қаторида унинг илмий изчиллик принципига қатъий амал қилиш гоёси ҳам туради. Айтилганларга кўра диалектик метод жамики фанлар учун методология-методологик асос вазифасини ўтайди. Бошқача айтганда, умумфалсафий метод – диалектик метод махсус илмий методларга, яъни турли фанларга оид методларга таъсир қилувчи умумий таълимот бўлгани учун уни методология, яъни илмий тадқиқот усули бўлган методлар ҳақидаги таълимот деб юритадилар<sup>24</sup>.

Аммо ҳозирги кунда (даврда) методология, илмий тадқиқ методологияси маълум бир фанда қўлланиладиган хилма-хил методлар, таҳлил усуллари ҳақидаги таълимот эмас, балки тадқиқотчининг тадқиқ манбаини, объектини қандай тушуниши ва унга қандай ёндашиши, тадқиқотдан қандай мақсадни кўзлаши, бошқача айтганда, тадқиқотчининг дунёқараши назарда тутилади<sup>25</sup>. Аниқ айтадиган бўлсак, методология, биринчидан, тадқиқотчининг ўз тадқиқ манбаи ҳақида қай турдаги билимларни ҳосил қилишга интилиши, билишнинг қайси тури билан шуғулланишидир. Маълумки, фалсафада нарса - ўрганиш объекти ҳақида тадқиқотчи икки турдаги билимлар ҳосил қилиши мумкин:

- а) фаҳмий (ҳиссий, эмпирик...) билимлар;
- б) идрокий (аклий, мантиқий, назарий, теоретик...) билимлар.

Ҳар бир турдаги билимни ҳосил қилиш йўл, восита ва усуллари ҳам, мақсадлари ҳам бошқа-бошқадир.

<sup>23</sup> Hamid Ne'matov. Ilmiy tadqiq metodikasi, metodologiyasi va metodlari.- Buxoro,2006, 119-бет.

<sup>24</sup> С. Усмонов. Умумий тилшунослик, 176-бет.

<sup>25</sup> Қар: Н. Неъматов . Уша асар, 68-бет.

Иккинчидан, тадқиқотчининг тадқиқи манбаи нарсага қандай усул билан ёндашишидир. Фалсафада нарсага ёндашишнинг икки усули бор. Улар:

- а) метафизик (номиналистик) ёндашув;
- б) диалектик ёндашув.

Метафизик ёндашувнинг ҳам, диалектик ёндашувнинг ҳам (нарсани метафизик ёки диалектик тушуниш ва талкин этишнинг) ўз тамойиллари бор. Тадқиқотчи илмий тадқиқ жараёнида шу тамойилларга таяниб, тадқиқот олиб боради.

Учинчидан, тадқиқотчининг материалистик ёки идеалистик (рухоний) нуқтаи назарда туриши ва шу нуқтаи назардан туриб, илмий тадқиқни олиб боришидир<sup>26</sup>.

Эслатамиз, ҳар бир метод - хоҳ у фалсафий (умумий) метод бўлсин, хоҳ у фанга оид (хусусий) метод бўлсин, ҳар бирининг иш олиб бориши, иш юритиш методикаси, тадқиқот манбаини, объектини (предметини) текшириш усули бўлади. Демак, илмий-тадқиқот методидан муайян иш олиб бориш методикаси фарқланади. Бошқача айтганда, метод воқеликни, объектни (предметни), ҳодисаю жараёнларни - ҳақиқатни билиш, аниқлаш йўли бўлса, методика шу йўлни очиш ва қуриш қуролидир. Методика олимнинг амалий равишда ишлаш системаси бўлиб, у фактларни тўплаш, ўрганиш, умумлаштириш усуллари назарда тутади<sup>27</sup>. Бошқача айтганда, методика тил ва нутқ бирликларини умумлаштириш, таҳлил қилиш, тасниф қилиш, қаргалаштириш, амалда синаб кўриш йўллари билан мақсадга етишидир<sup>28</sup>.

Тилшунослик фани ҳам ўзининг қатор илмий-тадқиқот методларига эга бўлиб, бу тилнинг ўта мураккаб ижтимоий-тарихий, ижтимоий-психик, ижтимоий-индивидуал, ижтимоий-физиологик ҳодиса эканлигидан келиб чиқади. Шунга кўра тилни тадқиқ қилувчи лисоний тадқиқот методлари ҳам турли-туманлиги билан ажралиб туради.

Айни вақтда методлар қандай, қанақа метод бўлишидан, қачон яратилган ёки қачон яратилишидан, миқдорий белгиларидан, тузилишидан қатъий назар уларнинг барчаси бир мақсадга (стратегияга) яъни лисоний ҳодисаларнинг моҳиятини, яширин имкониятларини, “сирларини” очиш, аниқлаш, топиш ва шу асосда илмий - назарий, фалсафий хулосалар чиқаришга қаратилган. Лисоний тадқиқот методлари объектнинг характеридан, тадқиқот мақсади ва тилшунос

<sup>26</sup> Қар: Н. Не'मतов . Ўша асар, ўша бет.

<sup>27</sup> С.Усмонов. Ўша асар, ўша бет.

<sup>28</sup> А.Шермагов. Б.Чориев. «Умумий тилшунослик» курсидан мустақил ишлар. Т., 1989.70-бет.

томонидан танланган тадқиқот аспектидан келиб чиққан ҳолда нафақат турлича бўлади, балки, вазифасига кўра, лисоний материалнинг тадқиқ қилиш жиҳатига қараб, ўзгариб туради. Масалан, нотаниш тиллардаги матнларни «очиш»да қўлланувчи алоҳида методлар, тил товушларининг фонетик хусусиятларини ўрганувчи махсус методлар, дала амалиётида тил материалларини йиғувчи методлар, лисоний социологик (лингвосоциологик) методлар ва б. Демак, тилнинг ҳар бир жиҳатини, томонларини, хусусиятларини унинг бутун мураккаблиги билан текширишда турлича методларнинг бўлиши, фаоллик кўрсатиши мутлақо табиий, нафақат табиий, балки мутлақо зарурий, қонуний ҳолдир.

Шу ўринда проф. Ҳ. Неъматовнинг қуйидаги фикрини келтиришни лозим топдик: "...тадқиқ методлари ҳам фан тарихида бир-бирини алмаштириб туради. Бир метод асосида очилган қонуниятлар бошқа бир методдан аниқланган ҳукмларни рад ва инкор этган ҳолларда ҳам бундай инкорни тўғри – диалектик тушунмоқ лозим – бу қатъий, мутлақ инкор эмас, балки нисбий, диалектик инкор – инкорнинг инкори, нарса моҳиятига чуқурлаша боришнинг бир босқичидир ҳолос. Буни бир оддий ҳаётий мисол билан тушунтиришга интиламан. Тилнинг турли қирралари ҳақида турли усуллар (методлар) билан ҳосил қилинган билимлар ва очилган қонуниятлар бир катта бионинг олд, орқа, ён, уст томонларидан олинган суратлари билан қиёсланиши мумкин. Бу фотосуратлар бир-бирига мутлақо ўхшамаса-да, уларнинг барчаси битта зотда – бир бионинг шаклида бирлашади; бу фотосуратлар бир-бирини тўлдириб, бино шакли ҳақида билимларимизнинг мукаммал бўлишига хизмат қилади. Бионинг тўрт томонидан суратини чизган олимларнинг бирортаси ҳам хато ёки нотўғри иш қилмаган. Хатога бионинг бир томонидан олинган тасвирини (тилнинг бир қирраси ҳақида маълум бир метод билан ўрганиладиган қонуниятни) бионинг ўзи билан тенглаштиришдадир – ким бунга йўл қўйган бўлса, албатта, хато қилган ўлади"<sup>29</sup>.

<sup>29</sup> Н. Неъматов, Ўйна асар, 119-бет.

## O'TILGAN MAVZULARNI TAKRORLASHDA BADIY MATNDAN FOYDALANISH

Q. Yadgarov, JDPI, ped. f. n.

Ona (o'zbek) tili ta'limi ijtimoiy faol shaxslarni shakllantirishda asosiy vositalardan bo'lib keldi va shunday bo'lib qoladi. O'quvchi faoliyatida ona tili darslari beqiyos o'rin egallaydi. Bu darsda o'quvchi mustaqil ishlash (faoliyat ko'rsatish) ko'nikmalarini egallaydi; o'ziga ishonchli, qat'iyatli, sabotli, matonatli bo'la boradi. Bir so'z bilan aytganda ona tili darslari o'quvchini rivojlantiradi. To'g'ri, o'quvchi rivojida, tafakkur taraqqiyotida boshqa fanlarning ham o'rni bor. Ammo ona tili mashg'ulotlarini o'quvchi tafakkur taraqqiyotida o'rni beqiyosdir. Ona tili mashg'ulotlarining o'ziga xos tomonlari shundaki, mashg'ulotlarda biror til hodisasini o'rganish bilan birga, o'sha tahlil va tavsif qilayotgan til hodisasi bilan birga matnda ifodalangan mazmun ham o'quvchilarga tushuntira boriladi. Shuning uchun ham ona tili mashg'ulotlarida har qanday matn emas, balki grammatik hodisalar bilan birga ijtimoiy talab taqozo qiladigan axloq-odob, to'g'rilik, rostgo'ylik, ibrat namunalari aks etgan; tinchlik, do'stlik, mehr-oqibat g'oyalari singdirilgan matnlar darsliklarga kiritilgan va ular taxlil qilinadi. Darsliklarda bunday matnlarning soni ancha salmoqli. Jumladan akademik litseylarning 3-bosqichida (17-18-betlar) E. Vohidovning quyidagi she'ri berilgan.

Chumoli

G'ayrat kamarini beliga bog'lab,  
O'zidan kattaroq cho'pni ortmoqlab  
Manzilga tez yetmoq yolg'iz hayoli-  
So'qmoq yo'ldan borar

Chumoli

Atrofiga boqmas, ishlar uzu kun  
Ko'pning xirmoniga qo'shmoq uchun don...

Yo'q.

Odam ajdodi bo'lmagan maymun,  
Chumolidan tarqalgan inson.

She'r morfologik yuzasidan o'tilganlarni takrorlashga mo'ljallangan mashqlar tizimini ichiga berilgan. Uning asosiy maqsadi fe'llarni topib izoxlashga qaratilgan. Dastlab, o'quvchilar fe'llarni belgilashadi (bog'lab, ortmoqlab, yetmoq, borar, boqmas, ishlar, qo'shmoq, bo'lmagan, tarqalgan). So'ng ularni muayyan guruhlarga ajratishadi. Biz fe'lga oid asosiy tushunchalar, uning ma'no noziklarini anglash bilan bir qatorda, ularning she'r matnidagi alohida badiyat omili ekanligiga ham e'tiborni qaratdik. "Bel(iga belbog') bog'lamoq" degan ibora tilimizda keng qo'llaniladi. U

biror ishga astoydil, jiddu jahr bilan kirishishni anglatadi. Belbog'ning "kamar" bilan almashtirilishi, uning "g'ayrat kamari" tarzida metaforali qo'llanishi she'rga o'zgacha ruh bergan. "Ortmoqlab" ravishdoshi ham shunday ixohga muhtoj. Eng avvalo "ortib", "ortmoqlab", fe'llarning ma'no noziklariga e'tiborni tortish o'rinli bo'ladi. Birinchi xolda fe'l boshqa bir shaxs yoki vositaga yuk yuklashni anglatar edi. "Optmoqlamoq"da harakatni o'ziga olish bor. Shoir uchun ham huddi shu ma'noga urg'u berish zarur edi. Demak shoir "bog'lab , o'tmoqlab" so'zlarini faqat qofiya maqsadi bilan emas, balki she'riy matnda ko'zda tutilgan ma'noni yuzaga chiqarish omili bo'lganligi uchun qo'llamoqda. "Borar"da zamonning davomiyligi mujassamdir. Bu chumolidagi sabr-bardoshning, matonatning kuchini ko'rsatishga xizmat qiladi. Uning inkor shakli (boqmas) ham xuddi shu vazifani ado etadi.

Oxirgi ikki misrada qo'llangan sifatdoshlar birinchidan boqeaning juda qadimiyligiga ishora qilsa, ikkinchidan ikki hodisani o'zaro qiyoslashga chorlaydi. Birinchisining inkor ("bo'lmagan"), ikkinchisining ("tarqalgan") tasdiq ma'nosida bo'lishi shoir ko'zda tutgan ma'noni qalqib chiqishiga qulay imkoniyat yaratadi. Bu ma'nolarni o'quvchilarning o'zlari suhbat asnosida izohlanishi o'qituvchi ko'zda tutgan maqsadni amalgam oshishini ta'minlaydi.

Demak, o'qituvchi o'quv faoliyatidagi mavzularni oldindan rejalashtirib, har bir mavzuning o'ziga xosligini izchillik bilan o'rganib chiqishi hamda unga mos bo'lgan pedagogik texnologiya ishlab chiqishi kepak. Bu, albatta, har bir mavzuga mas'uliyat bilan yondashishni talab qiladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. I.A.Karimov. Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyoti poydevori. Toshkent. Sharq.1998- yil. 9- bet.
2. N. Mahmudov va boshqalar. Hozirgi o'zbek tili. Akademik litseylarning III bosqich o'quvchilari uchun darslik. Toshkent, 2007-yil.

## ЯНА САВОД ВА САВОДХОНЛИК ҲАҚИДА

О. Охунжонова, ТДПУ, п.ф.н., доцент

XXI аср ёшлари техника жиҳозларидан фойдаланишни жуда яхши уддалайди. Техника воситалари, жумладан компьютерлар бугунги кунда барча соҳа вакиллари ишини жадаллаштириб, вақтни тежаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айни дамда, узоқни яқин қилаётган, қатор техника воситалари вазифаларини ўзида жамлаган мобил алоқа воситаларидан мактаб ўқувчиларининг ҳам фойдаланаётганлиги бир томондан қувонарли бўлса, бир томондан... “Фарзандимга сўнги модел телефон олиб бердим, энди у ҳам тенгдошларидан ортда қолмайди, кўнгли ўқсимайди, замонавий ёшлар қаторида бўлади”, – деб ўйлаётган ота-оналаримиз омон бўлишсин. Худди шу ота-оналаримиз боланинг телефондан тўғри, унумли ва тежамли фойдаланишларини назорат қилишяптими? Акс ҳолда унинг салбий жиҳатлари кўп эканлигини ҳам ўйлаб кўришаётганмикан? Бу савол бугунги кунда кўпчиликни ўйлантирмоқда. Нега, нима учун ҳозирги ёш ота-оналар фарзандларига дарсга ҳалақит берувчи, вақтининг самарасиз ўтишига сабаб бўлувчи, тарбиясига салбий таъсир қилувчи воситадан кўра А.Қодирий, Чўлпон, У.Носир, Ойбек, С.Аҳмад, Шукрулло, Ш.Холмирзаев, У.Азим, У.Ҳамдам, М.Юсуф каби атоқли ижодкорларнинг асарларини олиб беришни ўйлаб кўрмайдилар... Келинг, шу ҳақда бир мулоҳаза қилиб, жавоб излаб кўрайлик. Телефонда “SMS” ёзишаётган икки ўқувчининг хатлари билан танишар эканмиз, имловий ва услубий хатоларга тўла эканлигига гувоҳ бўламиз. Интернетда агент ёки чат орқали суҳбатлашаётган ўқувчиларнинг ёзишмалари бундан беш баттар... Кўриниб турибдики, вақтдан ютаман деб, сўзни ёзаётганда унинг имлосига аҳамият берилмаяпти. Натижада, сўз, жумлаларни хато ёзиш одат тусига киради. Ёзаётган ўқувчи ўзининг саводсизлигидан уялмаганидек, иккинчи ўқувчи ҳам ўртоғининг хатоларини тузатиш ёки ўзи имло қоидаларига риоя қилиш ўрнига ундан “ўзиш”га ҳаракат қилади. Бу ҳол такрорланавергач эса, ўқувчи тўғри ёзиш қоидаларини бутунлай осдан чиқаради...

Бугунги кун ўқувчиларининг тўлақонли саводхон бўлмаётганига, балки, биз – ўқитувчилар ҳам қайсидир маънода айбдормиз десак тўғри бўлади. Чунки бугун мактаб ўқувчиларини синаш ва баҳолашда ёзма иш турларини ўтказишдан кўра тест билан баҳолаш анча қулай бўлиб қолди. Тўғри, биз тестнинг ижобий томонларини инкор қилмаймиз, аммо ўқувчининг хусниҳати, оғзаки ва ёзма нутқи, ўз фикрларини эркин, тўғри баён қилишини ривожлантириш ҳам бизнинг вазифамиз эмасми, ахир?

Мактабда она тили ва адабиёт дарсларида диктант, баён, иншо ёздиришга рағбат сусайиб бораётгани сезилмоқда. Ваҳоланки, 5-, 6-, 7-, 8-, 9- синф Она тили дарсликларида матн яратиш орқали ўқувчи тафаккурини ўстиришга қаратилган машқлар анчагина. Хурматли устозлар ўзларига қулай бўлган тест усули орқали ўқувчиларни баҳолаш йўлига ўтиб, синф иши, ёзма иш дафтарларини текширишга давлат томонидан ҳақ тўланишини ёдларидан чиқарган кўринадилар. 9-синфни битираётган ўқувчи ижодий баён ёзиши керак. Аммо аксарият мактаб ўқитувчилари ижодий баён ёздириш қоидабини яхши билмаслиги сабабли, тайёр матнни ўқиб беради-да, “Эсингизда қолган воқеаларни режа билан ёзинг”, – деган топшириқ беради. Ўқувчи ҳам ўқитувчи ўқиб берган, айрим ҳолларда олдиндан тайёрланиб, дарс жараёнида ёздирилган матнни қайта ёзиб бериш билан чекланади. Энди унинг ижодий баёнлиги қайда қолди? Номи ижодий баён экан, унда ўқувчи мавзу асосида ўзи билган, ўқиган, кўрган, эшитган воқеалар асосида режа билан мустақил фикрини баён этиши керак эмасми?!

Ўқувчи қанча кўп китоб ўқиса, унинг онги, мустақил фикрлаши, саводхонлиги, маданий ва маънавий савияси шунча юқори бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Ўқитувчи ўқувчиларини китоб мутолаа қилишгагина эмас, уни ўқиш, адабиёт орқали ўз-ўзини ва атрофидагиларни тарбиялашга ҳам йўл-йўриқ кўрсатсалар, кўпгина салбий ҳолатлар, жумладан, оммавий саводсизликнинг ҳам олди олинган бўлармиди? Балки, шундагина ёшларимиз ўзларининг олтиндан қиммат бўлган вақтларини йўқотиб, умрини беҳуда совураётганлигини англаб етармиди?

Ўқувчилар коллеж ва лицейга кириш учун тест синовларидан ўтишади. Унга тайёргарлик жараёнини кузатганимизда дарслик, қўлланмалар ёки керакли адабиётлардан фойдаланиш ўрнига фақат тест жавобларини ёд олади. Бу билан ўқувчини қандай билимли қилиш мумкин? Унинг ўрнига биргина “Ўтган кунлар” асарини ўқиса, нафақат тестнинг, балки ҳаётдаги кўплаб муаммоларнинг ечимини ўзи топа олади-ку. Асар қаҳрамонларига тавсифнома, асардан олинган таассуротлар-у унинг мазмунидан келиб чиқадиган хулосалар ҳақида иншо ёзса-чи?..

Иншо ўзи нима? Қайси услубда ёзилади? Иншо белгиланган ёки мустақил мавзу юзасидан билдириладиган инсон шууридаги фикрлар кетма-кетлигидир. Чунки, иншо ёзаётган ўқувчи бор имкониятини ишга солиб, мустақил фикр юритади. Иншо мавзуси қандай бўлишидан қатъий назар у, албатта, бадий услубга алоқадор бўлади. Иншо ёзаётган ўқувчи ўз фикрларини бадий сўз билан образли тарзда

ифодалашга интилади. Демак, ўқувчи ўз билими, дунёкарашидан келиб чиқиб ижод қилишга уринади. Натижада, ўқувчининг тафаккури ҳамда ёзма нутқи ривожланиб боради.

Иншо ёзишни билмайдиган ёки умуман ёзмаган ўқувчи ўқилган бадий асар юзасидан ёки хоҳлаган бошқа мавзудан оғзаки баҳс-мунозара юрита олади, аммо уни қогозга тушириш учун гапни нимадан бошлашни билмай қийналади. Демак, унга иншо ёзиш қоидалари тўғри тушунтирилмаган, деган хулоса келиб чиқади. Авваллари 11-синфни битириш учун ўқувчи томонидан 45 та мавзудаги иншо ёзилиб, ўқитувчига кўрсатилар, шундан кейингина имтихонга қўйилар эди. Иншо ёзишга тайёргарлик жараёнида ўқувчилар қанчадан-қанча бадий асарларни ўқиб, унинг мазмун-моҳиятини тўла очиб берадиган режа тузиши, унга эпитаф танлаши лозим бўлар эди. Имтихонга тайёрланиш борасида ўзининг ҳуснихати ва саводхонлиги устида ҳам мунтазам ишлар эдилар. Чунки ўқитувчи томонидан иншо – ижод маҳсули эканлиги, бу орқали ўқувчининг маданий, ижтимоий, сиёсий, маънавий билимлари ҳам баҳоланиши тўғри тушунтирилар эди. Минг афсуслар бўлсинки, ҳозир амалдаги дастурларимизда коллеж ва лицей ўқувчисига адабиёт дарсларида иншо ёздириш ўз аксини топмаган.

Ҳозирги кунда ҳам санъат ва журналистика йўналишига кириш имтихонлари олдидан ижодий имтихон ўтказилади. Нима учун бошланғич таълим, она тили ва адабиёт, рус тили, чет тили йўналишларига кириш имтихонларида ҳам бу усул жорий этилмайди? Бизнингча, иншода сараланган ёшлар тест синовларида катнашса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бугунги кун аксарият талабаларининг ҳуснихати талабга жавоб бермайди, услубий, имловий ва ишора хатолари билан ёзишдан уялмайдилар. Ёзув тахтасига-ку умуман ёза олмайди. Ахир улар эрганги ёшларимизга таълим-тарбия беради-ку. Ўзида йўқ нарсани қандай қилиб ўқувчига бериши мумкин? Бу масалани биргаликда, жиддий ўйлаб кўриш ва унинг ечимини топиш вақти етиб келди, деб ўйлайман... Агар савод бу саводхонлик масаласи шу кетишда кетадиган бўлса, оқибати нима бўлиши барчамизга аён!



## КОММУНИКАТИВ МЕТОДИКА АСОСИДА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

С. Мисиров, п.ф.н.,  
Қ. Аҳмаджонова, НамДУ

Ҳозирги кунда чет тиллар ўқитиш методикасида «коммуникатив методика», аниқроғи, (чет) тил ўқитишнинг коммуникатив методикаси» атамалари фанда мустаҳкам ўрин олди. Инглиз ва рус тилларини ўқитиш мазкур методика бўйича амалга оширилмоқда. Коммуникатив методнинг илк пайдо бўлишида фақат гапирини ўргатиш назарда тутилган бўлса, кейинчалик ушбу методнинг эволюцион ўзгариши оқибатида оғзаки ва ёзма мулоқотни ўргатиш мақсад қилиб олинди.

Таълим жараёнида бир пайтнинг ўзида тил ва маданиятни ўзлаштириш коммуникатив методиканинг асосий методологик концепциясидир. Метод, маълумки, қатор принциплар асосида шаклланади, яъни принциплар мажмуи у ёки бу методни ташкил этади. Тил ўргатиш коммуникатив методининг қуйидаги принциплари фанда ишлаб чиқилган:

*Нутқий йўналганлик принципи.* Ушбу принципга кўра «чет тилни алоқа воситаси сифатида эгаллаш, яъни ўқув дастуридаги мавзулар доирасида нутқий кўникма ва малакалар ҳосил қилиш мақсадида таълим жараёни ташкил этилади». Машғулотлар амалий йўналган бўлади, машқлар бажариш туфайли билишга эришилади, ўқувчи шахсининг муҳим белгилари ривожлантирилади, маданиятлараро муносабат ўрнатилади.

*Функционал ёндашиш принципи.* Ўқувчи чет тилни ўрганишдан кўзланадиган муддаони аниқ тушуниб етиши учун тил аспектиларининг функция(вазифа)лари нимадан иборатлигини машғулот чоғида ҳис этиши керак. Лексия ёки грамматик бирликларни ўзлаштириш яқиний мақсад эмас, балки уларнинг қўлланилиши (функцияси) нутқий мулоқот эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

*Ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш принципи.* Мазкур принципти қуйидагича талқин этиш мумкин: (1) ўқувчининг тил ўрганиши (хотира турлари, фонематик эшитув ва лисоний бирликларни умумлаштириш қобилияти кабилар), (2) фаолият турларини бажариши (актив/пассив иштироки), (3) анализ/синтез қила олиши, (4) теварак-атрофга муносабати ва б. Чет тилни ўргатиш жараёнида ўқувчи шахсининг қайд этилган жиҳатларига таянган ҳолда табакалаб ёндашиш коммуникатив методга оид хусусиятдир.

*Нутқий ва фикрий фаоллик принципи.* Ўқувчи мулоқот чоғида икки тоифада юмуш бажаради. Биринчиси, бевосита нутқ юритиш – вербал (сўз ёрдамида) фаолият бажариш ва иккинчи жиҳати билвосита, яъни фикр юритишга оид фаолият бажаришдан иборат.

Муҳокама қилинаётган принцип чет тилда мулоқот вербал ва фикрий фаол бўлишни тақозо этади. Биринчиси восита, иккинчиси таълимий мақсад сифатида тавсифланади. Вербалликда грамматик ҳодисани ўрганиш ҳам назарда тутилади. Аҳамият эътибори билан фикрий фаоллик етакчи

хусусият эканлиги билан ажралиб туради. Чет тилда фикр алмашиш коммуникатив методнинг асосий талаблари каторидан ўрин олган.

*Таълим жараёнида нутқий вазиятни қўллаш принципи.* Тилни коммуникатив ўргатиш/ўрганиш деганда, ўзаро нутқий муносабатлар системаси тушунилади. Яъни ҳаётда дуч келинадиган вазиятларда тилдан фойдаланиш ҳолатлари англанади. Ўрганилмиш ўқув материали нутқий вазият (ситуация)ларга мос тарзда танланади, методик ташкил қилинади ва машқлар орқали ўзлаштирилади.

*Ўқув материални муаммоли усул билан ўргатиш принципи.* Чет тилда фикр баён этиш (гапириш, ёзув) ёки ўзгалар нутқини идрок этиб тушуниш (тинглаш ва ўқиш), шунингдек, лисоний (лексик-грамматик) кўникмаларни шакллантириш чоғида ўқувчилар ақлий фаолиятини ҳаракатга келтириш таълим самарадорлигини оширади. Чунки ўқувчи материални қизиқиш билан, мустақил ва танқидий фикрлаш орқали, ҳаётий эҳтиёжини кондириш учун ўргансагина, қўйилган мақсадга эришади. Акс ҳолда қилинган ўқув меҳнати зое кетиши муқаррар.

*Янгиликни ўргатиш/ўрганиш принципи.* Ўқувчи таҳсил давомида, жумладан чет тилда мулоқот юритиш чоғида янги, ҳаётий зарур маълумотлар олган такдирдагина, ўрганилмиш соҳага қизиқиш билан қарайди.

Мазкур методик принципга биноан «янгилик» тушунчаси икки тоифа таълимий ҳодисаларни ифодалайди: янгилик деганда, аввало, нутқий вазиятдаги ўзгаришлар инобатга олинади: мулоқот предметининг алмашиниши, муҳокамага қўйилган масалалар, коммуникантнинг шериги (мулоқот иштирокчилари), мулоқот шароити (машқ турлари), нутқ фаолияти ёки тил материали, техник воситалар, аудиовизуал ўқув қуроллари) кабилар. Хуллас, коммуникантнинг эҳтиёжини ҳисобга оладиган, унинг билиш фаолиятини оширадиган янги-янги ахборотларни ўзлаштириш ушбу принципдан келиб чиқадиган талабдир.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, машқлар бажариш орқали коммуникатив (мулоқот) ва когнитив (билиш) таълимий вазифалар бажарилади. Коммуникатив методнинг принципларини рўёбга чиқариш нутқ фаолияти турларини эгаллаш ва тил материалларини ўзлаштиришга бевосита дахлдордир. Ушбу умумий принциплардан ташқари, бугунги кунда тил материалларини ўргатиш принциплари ҳам ишлаб чиқилган

Юқорида келтирилган тил материалига оид умумий ва хусусий принциплар коммуникатив йўналишда чет тилни ўргатишга қўйиладиган замонавий лингвометодик талабларни тўлиқ акс эттиради ва ўқувчиларга чет тил(жумладан, инглиз тили)ни ўргатишга илмий-методик асос бўла олади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Жалолов Ж. Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –368 б.
2. Общая методика обучения иностранным языкам в средней школе/Под редакцией А. А. Миролубова, И. В. Рахманова, В. С. Цетлин. –М.: Просвещение, 1967. –450 с.

## ФОНЕТИК ЖИХАТДАН ЎЗГАРГАН СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ

(“Луғати туркий” мисолида)

А. Убайдуллаев, ф. ф. н.

Ўзбек луғатшунослиги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўзбек тилидаги унли товушларининг батафсил тавсифи, уларнинг фонетик-фонологик кўринишлари ҳақидаги муҳим маълумотларни даставвал Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, ундан сўнг Алишер Навоийнинг “Муҳокамаг ул-луғатайн” асаридан олиш мумкин. Қолаверса, XVI асрда луғатшунос Толи Имоний Ҳиравий томонидан битилган “Бадоеъул-луғат”, Мирза Меҳдихоннинг “Мабони ул-луғат” грамматикаси ва “Санглоҳ” луғати, Фатҳ Али Кожарийнинг “Луғати атрокия”, Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чигатоий ва туркий усмоний” асарларида ўзбек тили тарихий фонетикаси бўйича муҳим маълумотларни топамиз.

“Луғати туркий” даги лексик бирликлар “Девону луғотит турк” ва XV-XIX асрларда тузилган “Бадоеъул-луғат”, “Санглоҳ”, “Абушқа”, “Луғати атрокия” каби луғат материалларига қиёсланганда, фонетик, лексик-семантик фарқларни кўриш мумкин<sup>1</sup>. Луғатда қадимги туркий тилга хос сўзларнинг қайд этилиши муҳим аҳамиятга эга<sup>2</sup>. Луғатдаги туркий лексемаларни ҳозирги ўзбек тилидаги сўзлар билан солиштирганимизда, улар таркибида бир қатор фонетик фарқлар пайдо бўлганлиги маълум бўлди. Албатта, тил ҳам, унинг луғат таркибидаги сўзлар ҳам узок йиллар, даврлар ўтиши асносида аста - секинлик билан шаклий - маъновий ўзгаришларга учрайди. Шу маънода “Луғати туркий”даги лексик бирликлар ҳозирги ўзбек адабий тилига нисбатан шаклий-маъновий фарқларга эга бўлган. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

**1. Иккинчи бўғини у > и фонетик ўзгаришига учраган туркий сўзлар:** تامور (24б) > томир; سنوق (34б) > синик; سوڭور (33б) > сўқир; چوموچ (29а) > чўмич; ساچوغ (34а) > сочик; قورقوج (37а) > кўркинч; كونكول (42б) > кўнгил; ايرو (19а) > айри; توقوم (27а) > тўқим; قوشون (39б) > қўшин; دونغوز (31а) > дўнгиз; تونغوج (24б) > тўнғич; قانچوق (39а) > қанжик; قوشول (39а) > қўшил; اوقوتماق (6а) > ўқитмоқ; يامغور (47а) > ёмғир; يالغوز (47а) > ёлғиз; ياپوغ (47б) > ёпик; ياشون (49а) > яшин; تيمور (24б) > темир; توكوس (25а) > тўқис; قازوق (38б) > қозик.

**2. Ауслатда ғ > к фонетик ҳодисаси содир бўлган сўзлар:** تيرناغ (25б) > тирноқ; با ليغ (22а) > боғлик; ساچوغ (34а) > сочик;

<sup>1</sup> Нельматов Х. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. - Тошкент: Фан, 2004; Туркий тилларда ундош товушлар диалектикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2004. - № 4. - Б. 32-34;

<sup>2</sup> Эгамона Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи (структур-грамматик, функционал-семантик аспектларда): Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Тошкент, 2007; Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи. - Тошкент: Фан, 2008.

<sup>3</sup> Маҳмудов Қ. XIII-XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. - Тошкент: Фан, 1990; Нельматов Х. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Умаров Э.А. Гласные в староузбекских словарях. - Ташкент: Институт языка лит., 2004.

يورباغ урпаг (156) > урпок (урвок); قوتلوق кутлук (386) > кутлуг; ىسىغ ыссыг (156) > иссиқ.

3. Инлаутда б > п фонетик ходисаси содир бўлган сўзлар: قىچاق қыбақ (39а) > қипчок; كوبروك көбрүк (42б) > күнрик.

4. г > ғ фонетик ходисаси содир бўлган сўзлар: تونكوز топуз (25а) > тўнғиз; چالگۇچى чалгўчи (31а) > чолгучи.

5. а > о фонетик ходисаси содир бўлган сўзлар: يالبارماق йалбармақ (12б) > ёлвормоқ; توشقان тавушқан (27а) > товушқон; شوقون шавқун (36б) > шовқин; قرانغو қаранғу (40а) > қоронғу; يىق يىماق - йиртуқ (48а) > ямоқ йиртик; قاشىغۇچ қашығуч (37б) > қашигич; يىغا ق يىнгақ (48а) > ёнғоқ; يىتاق йатақ (47б) > ётоқ; يىمغور йамғур (47а) > ёмгир; يىلغوز йалғуз (47а) > ёлғиз.

6. ғ > г фонетик ходисаси содир бўлган сўзлар: تانغۇچى тангучи (28б) > тонгувчи; سونغى сонғы (36а) > сўнги; سونغرا сонгра (32б) > сўнгра.

7. Анлаутда д > т фонетик ходисаси содир бўлган сўзлар: دىنغوز донғуз (31б) > тўнғиз; دوتون дўтўн (32а) > тутун; دىنكرى дёнри (32б) > тенгри.

8. м > н фонетик ходисаси содир бўлган сўзлар: قۇلوم қулом (39б) > қулуи; قورغىشم қорғашым (39б) > қўрғошин.

9. ғ > к фонетик ходисаси содир бўлган сўзлар: ياروقلۇغ йаруқлуг (47б) > ёруғлик; ياورلۇغ йавузлуг (47б) > ёвузлик; يوقلۇغ йоқлуг (47б) > йуқлик.

2. Товуш ортиши ёки тушиб қолиши ходисасига кўра фонетик ўзгаришларга учраган сўзлар:

2.1) л: اولتورماق олтурмақ (6б) > ўтирмоқ; اولتورغوزماق олтурғузмақ (6б) > ўтирғизмоқ.

3. Диссимляция ходисасига учраган сўзлар:

3.1) д > л: قولداق қолдамақ (11а) > қўлламоқ.

3.2) б > в: يىلبارماق йалбармақ (12б) > ёлвормоқ.

4. Синкопа ходисасига учраган сўзлар:

у > н: اوغول оғул (17б) > ўгил.

“Луғати туркий”нинг лексик таркиби ҳозирги ўзбек адабий тилига нисбатан жуда катта фарқларга эга эмас. Луғатдаги туркий сўзларни ҳозирги ўзбек адабий тили материалларига солиштирганимизда турли фонетик ўзгаришларга учраганлиги маълум бўлди. Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, “Луғати туркий” асосан туркий сўзлардан таркиб топган. Уларнинг аксарияти ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳамда шеваларда қўлланилади.

Фазлуллахон барлос томонидан тузилган “Луғати туркий”даги ҳар бир лексема ҳозирги туркий тиллардаги лексик бирликларнинг тарихий шакли, уларнинг фонетик тузилиши, қандай товуш ўзгаришлар бўлганлиги ҳақида аниқ маълумот беради. Ундаги ҳар бир лексик бирликнинг қандай ҳарф билан бошланиши, қайси ҳарфдан кейин қайсиниси келиши, ёзувдаги ҳаракатларни ифодаловчи фонетик белгиларнинг (фатҳа, касра, замма каби) жойлашиш ўрнига қараб қандай ўқилиши, товушларнинг бир-бирига таъсири, сўз маъносини ўзгартириб юбориши ва луғатларда хатоликларга йўл қўйилиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар туркий тиллар фонетикаси учун бой фактик маълумотлар беради.

## СИНТАКСИСНИ МОРФОЛОГИЯ БИЛАН ИНТЕГРАТИВ ЎРГАНИШ

Т. Юсупова, ЎзДЖТУ, п. ф. н., доцент

Синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологияни такрорлаш ўқувчиларнинг реал билимларини ҳисобга олиш принципига қурилган тақдирдагина ўзлашиб кетган морфологик тушунчаларни ўзлаштириш учун беҳуда уринишдек вақт исрофгарчилигининг олди олинади.

Ўзлуксиз она тили таълими мобайнида ёшлар нутқ маданиятини талаб даражасида эгаллашлари керак. Шунга доир БКМ ларни мунтазамлик, узвийлик асосида эгаллай борадилар. Улар босқичма-босқич аниқ, таъсирчан, лўнда фикр баён қилишни ўрганадилар. Бу соҳада синтаксис курси алоҳида аҳамият касб этади: ўқувчилар ўзбек тилининг синтактик қурилиш хусусиятларидан қанчалик кўп хабардор бўлсалар, матн яратишдаги саводхонликлари шунчалик ортади.

Ўқувчилар асосий синтактик тушунчалар билан 5-синфдаёқ танишадилар. Бу синфларда морфология курси ўрганилиб, деярли ҳар бир сўз туркумини ўтиш жараёнида унинг синтактик вазифаси кўрсатилади, яъни синтаксис морфология курсига ҳамроҳлик қилиб боради ва 7-синфда морфология курси якунланади, 8-синф она тили дарсларида эса бунинг акси кузатилади. Чунки энди синтаксис курси ўтилади, морфология эса синтаксис учун қурилиш материали вазифасини ўтаб, шу орқали икки курснинг нутқ маданиятини шакллантириш йўлидаги ҳақиқий интеграцияси бошланади, бу ҳолат гапнинг ранг-баранг вариантлари, гапларнинг бир-бирига хилма-хил боғланишлари турли-туман ифода воситаларини жамлаш, улардан услуб талабига кўра ўринли фойдаланиш ҳисобига содир бўлади. Дарҳақиқат, тил соҳаларининг синтаксисда бирлашиши мураккаб интегротив фаолиятдан далолат беради.

Морфологияни ўрганиш жараёнида сўзнинг гапдаги синтактик вазифасини кўрсатиш, кези келганда ўқувчилардан сўраб туриш том маънода синтактик қурилишларни ўрганишнинг хусусийдан умумийга қараб бориш йўлидир. 8-синфда синтактик қурилишни асос қилиб олиб, унинг ифодаланиш хусусиятлари билан кенгрок ва чуқуррок танишиш мақсадида морфологиядан 5–7-синфларда ўтилган маълумотларга тез-тез мурожаат этиб туриш йўли умумийдан хусусийга қараб боришдан ташқари, **интеграция** (бир бутун қилиб бирлаштириш; ўзаро боғлаш) учун энг мақбул деб ҳисоблаш даркор. Интеграция «структур-семантик принцип»ни жорий этиш имконини беради. Синтаксисни морфология билан интеграциялаш орқали икки курсга алоқадор тил ходисаларининг бир-бирини ўрганишга ёрдам бериши ҳам таъминланади. Натижада

иккала курс билан боғлиқ терминлар ўзаро таққосланади, фарқлари яна ҳам ойдинлашади, улар билан боғлиқ таснифларда аниқлик яққол кўрина бошлайди.

Она тили дарсларида билимларни ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнини ижодий-амалий машқлар билан интеграциялаш, матн яратиш амалиётида эса бошқа ўқув фанлари билан боғланиш ҳам кўзда тутилмоғи зарур. Буни Т.С.Томина интеграциялашган дарс-практикумлар тарзида тақдим этади. Бундай дарс-практикумларнинг аҳамиятини муаллиф шундай изоҳлайди: «Агар таълим борасида бир неча ўқув фани мазмуни интеграциялашган бўлса, ўқувчиларнинг креативлигини ривожлантириш учун зарур бўлган воситалар мажмуи сифатида тушуниладиган бундай дарсларнинг ижодий имкониятлари ғоятда юқори юқори бўлиши мумкин»<sup>30</sup>.

Она тили дарсларида ижодкор шахсни камол топтириш асосий мақсадлардан бири саналади. Маълумки, тил ўрганиш соҳасида амалий нутқий фаолият кўп нарсани ҳал қилиб беради. Оз гапирадиган, кўп вақтини телевизор, компьютер экрани қаршисида ўтказадиган ўқувчи бой берилган қимматли вақтнинг ўрнини қоплаш учун мунтазам суратда синтактик қурилмалар заҳирасини жадал эгалламоғи, мазмунли гапиришга интилоғи даркор. Демак, 8-синф она тили дарсларида синтаксисни морфология билан интегратив асосда ўрганиш, бунда ўқувчиларнинг ижодий нутқий фаолиятига кенг имкон бериш муҳим аҳамият касб этади. Ўзгуксиз она тили таълими тизимида турли хил матнлар асосида ўрганиладиган бой лексик ва грамматик материаллар ўз навбатида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш, бадиий дидини юксалтириш, уларни ахлоқий камолот сари етаклаш, ижодий тафаккур, миллий маънавият, миллий мафкура, истиқлол ғояси соҳиби этиб тарбиялаш учун хизмат қилади. Зеро, бугунги она тили дарслари уч йўналишни ўзида мужассамлаштиради:

- 1) ўзбек адабий тилининг қонун-қоидаларини ўрганиш;
- 2) мулоқот маданиятини эгаллаш;
- 3) сўз ишлатиш санъати билан танишиб бориш.

Юқоридаги уч йўналиш таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблардаги она тили дарслари таркибига кирган «Она тили», «Риторика» ва «Русская словестность» ўқув фанлари мазмунини бир қадар ўзида акс эттиради, интеграциялайди. Бугунги кунда ўзбек мактабларида ҳам ана шундай йўналишларда таълимий ишлар ташкил этилмоғи лозим.

<sup>30</sup> Томина Т.С. Творческий потенциал интегрированного урока-практикума // Начальная школа. – Москва, 2007. – №1. – С. 77.

8-синф она тили дарсларида синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологияни такрорлаш икки курсни (морфология ва синтаксис курсини) интеграциялаш тариқасида амалга ошади. Лекин баъзи мавзуларда алоҳидаликларни ажратиш зарурияти ҳам кўринади. Бундай алоҳидаликлар мавзунинг қайси жиҳатларига эътиборни кўпроқ қаратиш, нималарни мустаҳкамлаш ва такрорлашга кўпроқ вақт ажратиш кераклиги билан боғлиқ. Ушбу масала таълим мазмунига дифференциация асосида ёндашиш кераклигини англатади. Билимлар соҳасидаги дифференциациялаш (фарқлаш) тушунчаси, грамматик категориянинг белгилари, термин, таъриф ва коида, грамматик воситалар маъноси ва вазифаси (функцияси) доирасида амалга оширилади. Грамматик тушунча терминда мужассамлашади. Терминлар категориялар ва уларнинг таснифида ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, тил ходисалари бўлимларга ажратилади: фонетика, лексикология, морфология, синтаксис ва бошқалар. Ҳар бир бўлимни ифода этувчи тил ходисаси ўз таснифига эга. Ҳар бир морфологик категорияга система сифатида қаралиши шундандир. Ўқувчилар системани ички бўлинишлари ва таснифларига кўра ўрганишдан ташқари, уларни фарқлай билишлари ҳам талаб этилади.

## BARKAMOL SHAXS TARBIYASIDA TIL TA'LIMINING O'RNI

L. Jalolova, AndDU, f. f. n.

Bugungi kunda maorif xodimlari zimmasiga millatimiz vorislari, yurtimiz kelajagi bo'lgan yoshlarni har tomonlama yetuk, komil inson sifatida tarbiyalash hamda ularga jahon andozalariga mos ravishda ta'lim berishdek ulkan vazifa, ya'ni juda katta mas'uliyat yuklatilgan. "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun" va "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi"ning asosini ham har tomonlama uyg'un kamol topgan-barkamol, iqtidorli, zamonaviy, yuksak did va ma'naviyatga ega bo'lgan yoshlarni tayyorlash ishi tashkil qiladi. Mana shu oliy maqsad yo'lida ta'limning barcha bosqichlarida ta'lim sifatini oshirish, samaradorlikka erishishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Umumta'lim fanlari, xususan, ona tili va adabiyot darslariga yangi pedagogik texnologiyalarni joriy qilib, undan oqilona foydalangan holda jahon va millatimizning boy madaniy-ma'naviy merosi bilan yaqindan tanishtirish, o'quvchilar ongiga singdirish, ularning nutqiy faoliyatini rivojlantirish o'qituvchilarning asosiy vazifasi bo'lmog'i kerak. Buning uchun o'qituvchi birinchi navbatda puxta bilimga, mukammal ishlangan dastur, takomillashgan ish reja va pedagogik mahoratga ega bo'lishi, ta'lim jarayoni yangi mazmun va shaklda bo'lishi uchun o'quvchi- talabalarning bilim darajasi, idroki, fikrlash qobiliyati, qiziqishi va yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda yangi pedagogik texnologiyalarni joriy qilish lozim. Bu – hozirgi davr talabidir.

Prezidentimizning “Yuksak ma’naviyat- yengilmas kuch”.asarida ta’lim - tarbiyaning maqsadi farzandlarimizni mustaqil va keng fikrlash qobiliyatiga ega bo’lgan, ongli yashaydigan, komil insonlar etib tarbiyalashdir, deb ko’rsatiladi va ta’limni tarbiyadan, tarbiyani ta’limdan ajratib bo’lmasligi, bu sharqona hayot falsafasi ekanligi uqtiriladi.

Yurtboshimiz “Barkamol avlod yili” davlat dasturini ishlab chiqish va amalga oshirish bo’yicha tashkiliy chora-tadbirlar to’g’risidagi ma’ruzasida esa “Bugun hukumatimiz qo’ygan asosiy vazifalaridan biri sog’lom va uyg’un kamol topgan avlodni tarbiyalash, yoshlarimizni nafaqat jismonan, ham ma’nan sog’lom qilib o’stirish, intellektual bilim va boylikka ega bo’lgan insonlar bo’lib hayotga kirib borishlarini ta’minlashdir”, deb aytgan edilar. Mana shu oliy maqsad va vazifalar boshqa yo’nalishlar qatori filologiya mutaxassisligining ham mazmun –mohiyatini belgilab beradi. Ya’ni biz:

1. Hozirgi o’zbek adabiy tili, til sathlari, qonuniyatlari va adabiy merosimizni chuqur o’rgatish, shu asosda tilimizning boy imkoniyatlarini o’quvchilar ongiga singdirish.

2. Tildan to’g’ri va oqilona foydalanish ko’nikma va malakalarini shakllantirish

3. Yoshlarni muttasil kitob mutolaasiga odatlantirish, badiiy asarlar o’qishga qiziqtirish va shu asosda ularning so’z boyligini oshirish.

4. O’qigan asarlariga xolisona baho berish, unga munosabat bildirish va tahlil qilishga o’rgatish.

5. Ifoda imkoniyatlarini kengaytirish

6. Yoshlarning og’zaki va yozma nutqini o’stirish, savodxonlik darajasini oshirish.

7. Mustaqil tafakkurni rivojlantirish.

8. Yoshlarni keng tafakkur va mushohada egasi qilib tarbiyalash, ularda ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirish.

9. Nutq madaniyatini, nutq tadbirkorligi, muloqot madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish.

10. Muammolar yechimini izlashga o’rgatish.

11. O’qitishning eng zamonaviy, noan’anaviy usullarini o’rinli va unumli qo’llashga o’rgatish.

12. Jamiyatdagi voqea-hodisalarga ongli munosabatda bo’lish, yurt ravnaqi, mamlakat taraqqiyoti g’oyasini yoshlar ongiga singdirish kabi maqsad-vazifalarni amalga oshiramiz. Bular esa yoshlar ongiga nutq orqali singdiriladi.

Nutq insonning ma’naviyati, madaniyati, bilimi va tarbiyalanganlik darajasini ko’rsatuvchi asosiy mezondir. Chunki nutq – tafakkur mahsuli, fikrni ifoda qilish vositasidir. Nutq, til, so’zning buyuk qudrati haqida ajdodlarimizning ko’plab hikmatlari mavjud. Masalan: Yusuf Xos Hojibning “Qutadg’u bilig” asarida “*Aytur so’zni ayt, aytmas so’zdan qayt*”, degan pand- nasihati berilgan. Buyuk hadisshunos olim Imom Ismoil al-Buxoriy “Al jome as- sahih” asarida shunday yozadilar: “*So’zning qudrati ulug’dirkim, undan qudratlirog’i yo’qdi*”. Bunday purhikmat naqlarni yoshlar ongiga singdirish orqali ularning ona tiliga bo’lgan muhabbatini, unga bo’lgan qiziqishini oshirish, ona tiliga nisbatan ehtirom tuyg’usini,



undan foydalanishda mas'uliyat hissini shakllantirish maqsadga muvofiqdir.

Biz ona tili va adabiy ta'lim jarayonida o'quvchilarga til sathlari va boy adabiy merosimiz, uning tarixi, taraqqiyot bosqichlari hamda bugungi rivoji yuzasidan nazariy ma'lumotlarni to'la yetkazsak, nutq tadbirkorligini singdira olsak, o'z nutqiga nisbatan talabchanlik va mas'uliyatni oshirsak, yoshlarning o'z fikriga ega inson, madaniy nutq egasi sifatida shakllanishiga yordam bergan bo'lamiz. Chunki yoshlar, avvalo, o'zbek tili va adabiyoti, uning tarixi, tadrjiiy rivojlanish bosqichlari, bugungi holati kabi masalalarni chuqur egallasa, boshqa tillarni o'rganishi oson bo'ladi.

Fozillarimizdan birida shunday fikr bor: O'z tilini bilmagan odamga o'zga tilni o'rgatishga jazm qilish - yurishni bilmagan bolaga chopishni o'rgatmoqlik bilan barobardir.

Shuning uchun biz - filologlar til sathlarini, tilimizning boy imkoniyatlarini va beqiyos adabiy merosimizni o'rgatish asosida jamiyat rivojining bosh omili bo'lgan ma'naviyatni, milliy va umuminsoniy kadriyatlarimizni yoshlar ongiga singdirishni bosh vazifa, deb bilamiz.

Biz yoshlar tarbiyasida, buyuk ajdodlarimizdan biri Aziziddin Nasafiyning "Kamil inson" nomli asarida ko'rsatilganidek, komillikka erishishning to'rt bosqichi, ya'ni yaxshi so'z, ezgu faoliyat, go'zal axloq va ilm kabi insoniy fazilatlarini kamol toptirishda o'zimizning bor kuch - g'ayratimizni safarbar qilishimiz zarur. Chunki har tomonlama uyg'un kamol topgan barkamol yoshlarga jamiyatimizning munosib vorislari bo'la olishlari mumkin.

## **MA'NAVIY BARKAMOL SHAXS KAMOLOTIDA KITOBNING AHAMIYATI**

**Q. Yadgarov, JDPI, p. f. n.,  
S. Asqarova, QDPI, o'qituvchi**

Ta'lim-tarbiya amaliyotida ro'y berayotgan o'zgarishlar ijtimoiy taraqqiyot talablari darajasida bo'lsada, barkamol ma'naviyat egalarini shakllantirishning asosiy yo'nalishlari hozirdanoq belgilanib qo'yildi deyish mumkin.

Ma'naviy barkamollik iqtisodiy salohiyatdan yuqori turadi. Yurtning kuch-qudrati uning moddiy boyliklari bilan emas, balki xalqning ma'naviy barkamolligi bilan belgilanadi.

Ma'naviy barkamol o'z manfaatlarini o'zgalar manfaatiga qarshi qo'ymaslik va o'zining afzal bilmaslikdir. Boshqalarni ham o'zi singari inson xis qilish, boshqalarga halal bermasdan yashash ham sa'natdir. Demak, sog'lom ma'naviyat - o'zini yengmoq, o'z istak-mayllarini boshqarmoq, jilovlamoq, xudbinlikni yenga bilmoq, makonda yashab makon manfaatlaridan, zamonda yashab zamon tuslanishlaridan yuqoriroq tura olmoqdir.

Ma'naviyat barkamol shaxs kamolotida kitobning ahamiyati beqiyosdir. Kitob yoshlarga dunyoni ko'rish, eshitish, idrok etish vositasidir. Bu, albatta, shaxs kamolotida asosiy vosita hisoblanadi.

Barkamol shaxs tarbiyasida ma'naviyat juda keng tushuncha bo'lib, muhtasar xolda, insonlarning yaxshilikka moyilligi-yu, yomonlikdan tiyilish hissi deyish mumkin. Bunga erishish uchun kitobga, ya'ni badiiy adabiyotga oshnolik hissini uyg'otish zarur.

Ma'naviyat va ma'rifat tushunchalari bir-birini to'ldiradi. Ma'rifat kishilarning ongli, bilimli, madaniyatnili bo'lishiga yo'naltirilgan tarbiyadir. U ma'rifatli, ma'rifatparvar kabi tushunchalarni yuzaga keltiradi. Ma'rifatni targ'ibotchisi kitobdir. Insonning ruhiy kamolotini kitob yordamida takomillashadi, rivojlanib boradi. Darhaqiqat, ajdodlar ma'naviy-marifiy merosini tashuvchi kitob; o'tmish bilan kelajakning ko'prigidir. Bu ko'proq qanchalik mustahkam bo'lsa, undan o'tuvchilar ishonchi butun bo'ladi.

Biz bu ko'priknig mustahkamligini ishonch bilan aytish huquqiga ega bo'lgan xalqimiz. Ajdodlarimiz yaratgan ma'naviy merosdan dunyo jamoatchiligi ma'nfaardor bo'lib keldi va ma'nfaatdor bo'lmoqda. Chunki, buyuk imomlar Marg'inoniyning "Hidoya"si, Motrudiyning "Kitob at tavqid"i maqol olamida o'quv qo'llanmasi sifatida foydalanildi. Ibn Sinoning "Tib qonunlari" Yevropa oily tibbiy bilim yurtlarida 350 yildan ortiq yil mobaynida darslik vazifazini o'tab kelmoqda. Aristotel falsafasidan Forobiy orqali sharq xalqlari bahramand bo'ldi. Amir Temurning tuzuklari davlatchilik tizimining dasturiamaliga aylandi. Mirzo Ulug'bek jahonning buyuk asrtomlari orasidan o'rin oldi. Alisher Navoiy Sharqning sakkizinchi buyuk allomasi (Akademik Alfred Kurillo) sifatida tan olindi. Shuning uchun ham O'zbekistonning "Kelajagi buyuk davlat" deb xitob qilinishi ma'naviy asosga egadir.

Boylıklar ichida eng yuqorisi-ma'naviy boylık. Bizning ma'naviy boyligimizni ajdodlar yaratib ketganlar. Ulardan biz faqatgina kitob orqali, ilmu ma'rifat orqali manfaatdor bo'lamiz. Shuning uchun ham barcha yaxshiliklarni buyuklarning kitoblaridan topamiz.

Jamiyat tarkibi shunday murakkab qurilmaki, unda harakatlanayotgan har bir qism (zarra) ijtimoiy zaruratdir. Kitobxon ma'naviy barkamollik timsoli sifatida ana shu zaruriyatning takomilida yetakchi kuch sanaladi.

Ta'lim tizimidagi islohatlar, umumiy o'rta ta'lim mazmunining yangilanishi, ta'lim standartlarining ishlab chiqilishi yangi avlod tarbiyasida yetakchi tamoilni tashkil qiladi. Bularning hammasi kitob o'qishga, bilim olishga qaratilgan. Hatto muqaddas hodislarda "Garchi Xitoyda bo'lsa ham ilmga intilinglar. Chunki ilm talab qilishga harakat etish har bir musulmon uchun farzdir" deb murojat qilingan.

Barkamol shaxs tarbiyasida ibrat-namina usuli keng qo'llanadi. O'qituvchining namuna ko'rsatishi kitob o'qishda ham namoyon bo'ladi. Qiziqchi aytganidek, "o'qituvchi o'zi bilganini so'rab oladi". Buning uchun avvalo o'zi o'qishi, badiiy - g'oyaviy jihatdan yuksak saviyada yozilgan

asarlarni o'qish uchun tavsiya qila borishi zarur. Eng asosiysi o'quvchini o'zi o'qigan kitobni o'z nuqtai nazaridan tahlil qilishga odatlantirish ko'nikmasini hosil qilishdir. Shundagina o'quvchi Kitobni nima uchun o'qimoqdaman? Kitob menga nima beradi? kabi savollarga mustaqil javob oladi. Bunday usulni qo'llash o'rta ta'lim dasturida qo'yilgan: "o'quvchini o'qitish emas, balki uni o'qimasa turolmaydigan ruhiy pedagogik holatga keltirishga urinish lozim"- degan talabga ham javob bo'ladi.

Barkamol avlodga milliy mafkura, milliy istiqlol g'oyalarini singdirishda, mustaqil diyorimiz yoshlari va aholisi ongida shakllantirish borasida, ma'naviy yuksaltirishda bilimlar manbai kitobning ahamiyati beqiyosdir.

### **“ЎТКАН КУНЛАР” ҲАМ “ЎТКАН КУНЛАР” ТАНҚИДИ УСТИДА БАЪЗИ ИЗОҲЛАР<sup>31</sup>**

**З. Мирзакаримова, ТВДПИ, ф. ф. н., доцент,  
Ш. Раҳмонова, ТВДПИ, талаба**

Асл ёзувчи инсонни кашф этса, асл танқидчи эса ёзувчини кашф этади. Зеро, адабий танқид Бехбудий таъбири билан айтганда сараламоқдур. Бу ҳақда буюк рус адаби А.С.Пушкин шундай фикр юритади: “Танқид санъат ва адабиёт асарларининг гўзаллиги ва нуқсонини очиб берувчи илмдир”<sup>32</sup>. Лекин шундай мунаққидлар борки, танқидни тош отиш деб билгувчи. Бирок бизнингча адабий танқид француз олими Фердинанд Брюнетьер таъкидлагандек, талқин этиш, таъкидлаш ва тушунтириш демақдир. Ўзбек адабиётида ҳам танқидчилик йиллар давомида ривожланиб келмоқда ва танқидий асарлар ҳам ўзбек адабиётида кўплаб топилади. Шундай танқидга эга бўлган асарларимиздан бири: миллий роман устаси А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидир. Асар ёзилган пайғиёк ўз китобхонларини топиши билан бирга ўз мунаққидларини ҳам топди.

Бизга маълумки, юксак истеъдод соҳиби А.Қодирийни биринчилардан бўлиб, 1928 йили Михаил Шевердин “Биринчи ўзбек романи” мақоласи билан танқид остига олди. Адабиётшуносларнинг таъкидлашича, мақолада жиддий илмий талқиндан кўра ижтимоий-сиёсий ёндашув ва маслаҳат оҳанги кучли. Қандай бўлмасин романи замонавий сиёсатга мослаш, ҳамда романдан “ғоявий хатолар” топишга уринади.

Адабиётшунос олим М.Қўшжонов ўзининг 1992 йил чоп этилган “Қодирий – эрксизлик қурбони” китобида М.Шевердин мақоласидаги баъзи ғайри илмий вульгар социологизм иллатини намоён этган ўринларга тўхталади: “Мунаққиднинг бу хилда фикр юритишлари,

<sup>31</sup> Изох: А.Қодирийнинг худди шу номдаги мақоласи “Шарқ ҳақиқати” газетасининг 1929 йил, 208-сонида чоп этилган. Мақола А.Қодирийнинг айнан шу номдаги мақоласи асосида ёзилган.

<sup>32</sup> А.С.Пушкин. Ташанган асарлар. 8-том. –Тошкент: 1982. –Б.238.

умуман, мазкур мақоланинг ёзиб эълон қилинишидан маълум бир мақсад кўзда тутилгани сезилиб туради. Асосий масала биринчи ўзбек романига мафкуравий баҳо бериш, ҳатто бу баҳони сиёсий қарашларга олиб бориб боғлаш эди”, - деган фикрни билдиради<sup>33</sup>.

Гарчи М.Шевурдин романи “ғоявий жиҳатдан бизга ётдир” деб инкор этган бўлса-да, романи “жуда катта бадиий қимматга эга” эканлигини ҳис қилган эди<sup>34</sup>.

Танқидчи Сотти Хусайн “Ўткан кунлар” романига бағишланган “Ўткан кунлар”<sup>35</sup> номи билан роман тўғрисида китоб ёзди ва туркум мақолаларини “Шарқ ҳақиқати” газетасининг 1928-1929 йилларидаги сонларида эълон қилди. Мунаққид ўзининг ишларида Журжи Зайдоннинг “Армануса” романи билан “Ўткан кунлар” ни таққослайди ва “Ўткан кунлар” ни асосан синфий нуқтаи назардан ижтимоий талқин этади.

А.Қодирий 1929 йил “Шарқ ҳақиқати” газетасининг 218-сонида босиб чиқарилган “Ўткан кунлар” ҳам “Ўткан кунлар” танқиди устида баъзи изоҳлар” номли мақоласида танқидчининг фикрларига муносабатини билдиради, унда ёзилишича:

“Танқидчи мени “Ўткан кунлар” билан ўғри қилмаса ҳам, лекин адабиёт ўғрилари тўғрисида баҳс қила келиб “Ўткан кунлар” нинг анча ери Журжи Зайдоннинг “Армануса”, “Ўн еттинчи рамазон” романларига ўхшаб кетса ҳам, унда А.Қодирийнинг ўз сўзлари ҳам кўпдир” дейдир. А.Қодирий, мақола остига муаллиф изоҳи тариқасида Журжи Зайдоннинг фақат шу икки асаринигина ўқиган кўринади. Мен унга Журжининг ҳамма асарларини тавсия қилган, рўйхатини топширган эдим, деб изоҳ берган ва “Ўқувчилардан баъзилари бу билан шубҳага тушиб, “Ўткан кунлар” даги Журжи Зайдоннинг қайси сўзлари қайси ва сизнинг сўзларингиз қайси?” деб менга мурожаат қилдилар. С.Хусайиннинг юқори ва қуйидаги йўлларида бундай маъно англашилмагани учун уларга “Ўқилон пайрави нуқат нақунд” жавобини бериш билан кифояландим ва ҳануз шу фикрдаман” деб ёзган.

Танқидчи Абдулла Қодирийни бир қадар мантиқсизликда айблайти, бунга мисол тариқасида “Кумуш қиз экан”, ота-онаси ундан сўрамай, ризолигини олмай эрга беради, эрдан чиққандан сўнг (Отабекдан сохта ажралгандан кейин) иккинчи эрга беришда ота-онаси Кумушнинг ризолигини оламиз, деб овора бўлишадилар. Бу мантиқсизлик А.Қодирийнинг эсига келмайди, чунки шу мантиқсизликни ишламаса, романи боғлайдирган ип чувалаб кетади” (“Ш.Х.” 137) деб ёзади. А.Қодирий эса мунаққиднинг фикрига жавобан: “Бу мантиқсизликка турмуш ҳақиқатига қараб, иртикоб қилингандир. Зеро, эски турмуш айтади: “Кумри қиз экан, ота-онасининг танлашлари

<sup>33</sup> М. Қўшжонов. Қодирий эркилик қурбони. –Тошкент: Фаң, 1992. –Б. 7.

<sup>34</sup> Б.Карим. Абдулла Қодирий. –Тошкент: Фаң, 2006. –Б. 17

<sup>35</sup> С.Хусайн. Ўткан кунлар. –Тошкент-Боку //Ўзнашр., 1931.

билан эрга чиқсин, бу одоб, иффат тақозоси вақтини эри ўлди ёки эрдан чиқди, эндиликда ота-онасининг унинг эр қилишида ихтиёрлари йўқ, фақат улар маслаҳатчиларгина (бу одат йигитлар устида ҳам шундай “Ўткан кунлар”нинг 1-бўлим, 1-фаслига мурожаат). Қизлари эндиликда куёвни ўз кўзи билан кўради, уй-жойларини, касби-корини текширади унга “руҳсат”. Бинобарин, “Ўткан кунлар” даги “мантиқсизлик” ҳам шу мақомдадир. Бунда мунаққид С.Хусайн маъфу. Зеро, Кумушдан ризолик сўраш устида озгина тўхтаб “дидактика” истеъмол қилсам иш тамом эди. Аммо мен халқ орасида маълум ва машхур бу урф устида “дидактика” ёзишни лозимсиз топган эдим” деб юқоридаги мақоласида баён қилади. Сотти Хусайн асарининг талқинида шундай парадокс кўзга ташланади, яъни Сотти Хусайн айрим масалаларда назарий жиҳатдан айтилганда танқиднинг ўзи ҳақида ҳам “дўқ уриш, буйрук бериш зарурлиги” асар бадиияти хусусида ҳам “асарга санъат қиммат бериш зарурлиги” тўғри фикрларни илгари сургани холда, конкрет асар таҳлилига келганда бу назарий фикрларнинг амалий тасдиғи кўринмай қолади<sup>36</sup>.

Унинг “Ўткан кунлар” ҳақидаги мулоҳазалари бунинг ёрқин далилидир. Мунаққид ёзувчи гўё буржуазия мафкурасинигина акс эттира олади деб ҳисоблайди. Назарияда шу “таълимот” таъсирига тушган Сотти Хусайн “Ўзбек буржуазияси муҳитида яшаган А.Қодирий ижодидан фақат буржуазия идеологиясини” ахтаради. А.Қодирий ёш танқидчининг бу жиддий камчилигини ўз вақтида афсус билан қайд этган эди. У Сотти Хусайннинг бундай камчиликларини “унинг ёшлигига ва тажрибасизлигига ҳавола қилмоқ лозимдир”, деб изоҳлаган эди. Бу буюк адиб бағри кенглигига ёрқин мисол бўла олади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Сотти Хусайн “Ўткан кунлар” романидаги номавжуд камчиликларини танқид қилганида ҳам ёзувчининг улкан талант эгаси сифатида ўзбек адабиёти ривожидagi тутган ўрнини ҳеч қачон рад этмади.

Бундан кўриниб турибдики, ёзувчининг ижод иштиёқи “Ўткан кунлар” романи орқали асл ютуғини топди. Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш мумкинки, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи нафақат ўз даврида, балки бундан кейин ҳам эътибор марказида турувчи, миллий рух ифодаси акс этган ўлмас асардир.

<sup>36</sup>Б.Низаров, А.Расулов, Ш.Аҳмедова, Қ.Қахрамонов. Ўзбек адабий танқиди тарихи. –Тошкент: 2012. – Б.10.

## КЎМАКЧИЛАРНИНГ ГРАММАТИК ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Д. Жумашев, ТДПУ, катта ўқитувчи

Кўмакчилар пресуппозицияга ишора қилувчи воситалар ичида ўзига хос хусусиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Кўмакчилар морфологик жиҳатдан мустақил парадигмага эга эмаслиги, синтактик жиҳатдан гапнинг мустақил бўлаги бўла олмаслиги, мазмуний жиҳатдан восита, мақсад, сабаб, вақт ва шу каби бошқа муносабатлар англата олишлиги билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради. Кўмакчилар тарихан мустақил сўзлар бўлган бўлса ҳам, улар ҳозирги замон ўзбек тилида лексин маъноларини йўқотган, лекин грамматик маъноси бор сўзлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мустақил сўзлар билан биргаликда ишлатилади<sup>1</sup>. Кўмакчилар объектлар ўртасидаги макон, вақт, сабаб, мақсад, эгалик, чегаралаш каби муносабатларни ифодалайди ёки объектларнинг ҳаракатга, ҳолатга, сифатга юқоридагича муносабатларини билдиради.

Ўзбек тилшунослигида кўмакчилар хануз аниқ белгиланмаган<sup>2</sup>. Бирок кўмакчилар ва уларнинг грамматик маънолари трисида назарий маълумотлар берилган ишлар кўпчиликини ташкил этади. Бу ишларда назарий маълумотлар умумий тарзда берилган, лекин ўзбек адабий тилига оид кўмакчилар аниқ эмас<sup>3</sup>. Аммо бу масалани ҳал этиш ишимизнинг туб мақсадини ташкил этмаганлиги учун тўхталмаймиз.


Демак, кўмакчилар лексик маънога эга бўлмаса ҳам турли грамматик муносабатларни ифодалашда актив иштирок этади. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида кўмакчиларнинг соф кўмакчилар ва кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар каби турлари мавжуд. Кўмакчилар қайси турга мансуб бўлмасин, худди юкламалар сингари гапнинг структурасини мураккаблаштириб, турли маънодаги пресуппозиция англатиш воситаси бўла олади. Пресуппозиция кўмакчиларнинг қандай грамматик муносабат ифода этаётганлигига ва қайси келишкни бошқариб келаятганлигига қараб белгиланади.

Ўзбек тилида *булак, бошқа, ўзга, ташқари, кўра, қараганда, кейин, сўнг, бурун, олдин, илгари, билан, биноан, асосан, каби, сингари, янглиз, буён, бери, нари, қарамай, қарамасдан, сайин, сари, сабабли, туйфайли, орқали, чоғли, оша, бўйича, бўйи, чамаси, ҳақида, тўғрисида, ҳолда, йўсинда, томон, қадар, қарши, қараб, яраша, лойиқ, мувофиқ, қарата, бошлаб, тортиб, каби* кўмакчи ва кўмакчи вазифасидаги сўзлар

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси. Т., 1975, 1-том. 541-бет

<sup>2</sup> Хожиев А. Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти. Т., 1-том. 1988. 138-бет

<sup>3</sup> Қаранг. Ўзбек тили грамматикаси. 1-том: Т. 1975; Турсунов У., Мухтаров Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. Т., 1975; Ҳозирги ўзбек адабий тили. I-қисм. Т., 1980; Кононов А.Н. Грамматика сов.узб.лит.яз. М-Л., 1960; Мирзасева М ва бошқ. Ўзбек тили. Т., 1978. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I. Т., 1966; Хожиев А. Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти. Т., 1988.



*“Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси аъзолари*





*Сабоқ онлари*



*Илмий маъруза*



пресуппозиция англатиш учун муҳим восита бўла олади. Кўмакчилар пресуппозиция ифодалашда энг сермахсул восита ҳисобланади. Чунки кўмакчилар нутқнинг мазмун ва формал жиҳатдан шаклланишида жуда муҳим вазибалар бажаради. Шунинг учун гапнинг семантик структурасида ўзи синтактик боғланиб келган сўз билан биргаликда алоҳида пресуппозиция англатиб имплицит пресуппозицияга восита бўла олади.

Ўзбек тилшунослигида кўмакчилар пресуппозицияси билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳалигача ўз ечимини кутмоқда.

Кўмакчилар сўзлар орасидаги грамматик муносабатни ифодалабгина қолмай, эргаш сўзнинг ҳоким сўзга тобелигини кўрсатувчи лексик – грамматик восита бўлиб ҳам хизмат қилади. Кўринадики, кўмакчилар келишиклар сингари сўзлар орасидаги синтактик муносабатни ифодалайдиган грамматик воситалардан биридир. У от, олмош ёки отлашган сўзларнинг бошқа сўзларга асосан, феълга боғланишини кўрсатади. Кўмакчилар, иккинчи томондан келишикларнинг маъносини тўлдирди. Кўмакчиларнинг бу икки хил вазибаси фақат синтактик узвлардагина – кўмакчи узвларда аён бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўмакчили сўз бирикмалари синонимини ўзаро тузилиш жиҳатдан фарқ қилмаса ҳам, синонимик муносабатни ифодаловчи сўз бирикмаларининг бири ўз маъноси ва услубий бўёғи жиҳатдан иккинчисидан фарқ қилиши аниқ. Кўмакчили узвлар синонимиясини ёритишда уларнинг қуйидаги хусусиятларини инобатга олиш керак:

1. Сўз бирикмалари орқали англашилган маънолар асосида кўмакчиларни гуруҳлаш ва шу гуруҳдаги синоним бўладиган кўмакчиларни аниқлаш, шунингдек, уларни синоним қаторга бирлаштириш кўмакчи узвлар синонимияси учун муҳимдир. Шунини алоҳида айтиш керакки, уларни маъно гуруҳларига ажратиш мақсадга мувофиқ. Масалан: а) ўрин билдирувчи кўмакчилар: *сари//томон, олдида//ёнида*, б) пайт билдирувчи кўмакчилар: *бери//буён, илгари//бурун//аввал//олдин, кейин//сўнг*, в) сабаб билдирувчи кўмакчилар учун: *учун//сабабли*, г) восита - қурол: *билан* ва б.

2. Сўз бирикмаларида муайян бир синтактик муносабатни ифодаловчи синоним кўмакчилар ўрни билан бошқа синтактик муносабатни ифодалаш мумкин. Масалан, қадар//довур кўмакчилари ўрни ҳамда пайт муносабатини ифодалайди: *мактабга қадар* (ўрин, чегара), *баҳорга қадар* (пайт).

3. Сўз бирикмаларида синонимик қатордаги кўмакчилар бир синонимик муносабатни ифодаласа, бошқа ҳолатда шу синонимик қатордаги бир кўмакчи бошқа муносабатни ифодалайди. Масалан: *учун, сабабли* кўмакчилари сабаб ҳамда мақсад маъносини ифодалаш учун қўлланилади.

Демак, кўмакчили узларнинг синонимияси синтактик синонимиянинг бир кўринишидир.

Кўмакчилар гапдаги мазмунга кўра кўп маъноли ва кўп қирралидир.

Тил бирликларининг муносабатига киришуви жараёнида бошқа ҳодисалар қаторида бир-бирига яқин тушунчалар ва синтактик конструкциялар туғила бошлайди. Ана шулар орасида кўмакчили конструкциялар функциональ-семантик жиҳатдан алоҳида ўрин тутади.

Кўмакчили конструкциялар тўлдирувчи ва ҳол синтактик позицияларда турли семантик-функционал ҳолатларда қўлланилади. Кўмакчилар от ёки отлашган сўзларнинг бошқа сўзга асосан, феълга боғланишини кўрсатадиган лексик-грамматик воситалардан биридир. Кўмакчилар икки хил вазифани ўтайди: биринчидан, ўзидан олдинги сўзнинг ўзидан кейинги сўзга бўлган синтактик муносабатини ифодаласа, иккинчидан, келишик қўшимчасининг маъносини тўлдиради, кучайтиради. Шу кейингисидан кўмакчили конструкция шаклланади<sup>37</sup>.

Кўмакчилар сўзлар орасидаги грамматик муносабатни ифодалабгина қолмай, эргаш сўзнинг ҳоким сўзга тобелигини кўрсатувчи лексик-грамматик восита бўлиб ҳам хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, кўмакчилар келишиклар каби сўзлар орасидаги синтактик муносабатни ифодалайдиган грамматик воситалардан биридир. У от, олмош ёки отлашган сўзларнинг бошқа сўзларга, асосан, феълга боғланишини кўрсатади.

Кўмакчилар, иккинчи томондан келишикларнинг маъносини тўлдиради<sup>38</sup>. Кўмакчиларнинг бу икки хил вазифаси фақат синтактик конструкциялардагина – кўмакчили конструкцияларда намоён бўлади<sup>39</sup>.

Кейинги йилларда кўмакчиларнинг лексик-грамматик хусусиятларидан ташқари уларни семантик-синтактик жиҳатдан ўрганила бошланди. Кўмакчиларни бу янги йўналиш бўйича тадқиқ қилиш, унинг ички қонуниятларини очиш яъни гапдаги турли хил семантик хусусиятларини ёритишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам мазкур ишда кўмакчилар ва улар билан боғлиқ баъзи бир кўринишларни баён қилмоқчимиз.

Маълумки, *пресуппозиция* – тағбилим сўзловчи ва тингловчининг умумий билим фонди (атама Н.Д.Арутюновадан олинди) асосида белгиланади ва гап ичида ўзининг махсус ишора воситаси орқали

<sup>37</sup> Усмонов С. «Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик формалари». Низомий Номидаги ТДТУ илмий асарлар. 42-том, 2-китоб. Тилшунослик масалалари. Т.: 1964. 210-бет.

<sup>38</sup> Усмонов С. Ушш китоб. 210-бет.

<sup>39</sup> Гуломов А.Г., Аскарлова М. Хозирги ўзбек адабий тили синтаксиси. Т.: 1965, 121-бет.

англашилади. Гапда тағбилимга ишора қилувчи воситалар талайгина. Мана шулардан бири кўмакчи ҳисобланади.

Тағбилим мантиқий ва семантик тушунчалар бўлиб, мантиқшунослик ва тилшуносликнинг ўрганиш объектидир.

Хукмдан келиб чиқадиган ишора мантикий пресуппозиция (тағбилим), гапда англашилган имплицит композиция лингвистик пресуппозиция ҳисобланади.

Биз фақат маълум ташқи сигналлар (грамматик кўрсаткичлар) орқали англашилган пресуппозицияни лингвистик пресуппозиция ҳисоблаш тарафдоримиз<sup>40</sup>.

Ўзбек тилшунослигида тағбилим ҳақида дастлаб профессорлар Н.Маҳмудов, А.Нурмоновларнинг ишларини кўрсатиш ўринлидир<sup>41</sup>.

Ўзбек тилининг мавжуд грамматик ва илмий адабиётларда ҳам равиш, ҳам кўмакчи ўрнида қўлланилиб келаётган *илгари, бурун, аввал, олдин, сўнг, кейин* сўзлари вақт маъносини билдирувчи кўмакчилардир. Бу сўзлар чиқиш келишигидаги сўзларни бошқариб, яхлит конструкция ҳолида гап бўлаги бўлиб келса, кўмакчи, мустақил ҳолда пайт билдириб, якка ўзи бир гап бўлаги бўлиб келса, равиш туркумига киради.

Вақт маъносини билдирувчи, кўмакчилар қатнашган гап семантикаси бирмунча мураккабга ўхшайди. Чунки бу кўмакчилар деярли ҳолларда чиқиш келишиги кўмакчисини олиб, гапда вақт маъносида ташқари ҳаракат-ҳолат маъноси облигатори сифатида ифодаланади. Аксарият ҳолларда бу типдаги кўмакчили гаплар иккита пропозиция ифодалайди. Масалан, *Тансиқ ўз ишини ҳаммадан бурун бажариб, уйига эрта қайтди.* (Ойбек) биринчи пропозиция: бошқалар (яъни, *Тансиқдан бошқа ҳамма*) ишни Тансиқдан кейин бажарди. Бу гапдаги пропозициялар иш-ҳаракатнинг вақт жиҳатидан олдин ёки кейин бўлишидадир. Тансиқ ва ҳамма шахс билдирувчи сўзлар бир – бирига зид кўйилиб, ажратиб кўрсатиляпти яъни, Тансиқ (шахс) ҳамманинг бир қисми, бўлаги қилиб кўрсатилган. Бошқача айтганда, *-дан, -бурун* кўмакчили конструкцияга боғланган ҳамма сўзи семантикасида шахс англашилади ва қисм ундан истисно қилинади.

Айрим ҳолларда бирор ҳаракат ижроси билан боғлақлик вақт маъносини ифодалайди. Маслан: Очиғини айтсам, ерга ташриф буюрганимдан б е р и уни кўрдим-у, ҳаловатимни йўқотдим (Х.Шайхов). Б е р и кўмакчиси боядан сўзи билан келганда яқин ўтган вақтдаги воқеа англашилади: Она кийик худди ҳеч нарса кўрмагандай сал нарида боядан бери ўтлаб юрган боласининг ёнига борган, боласи эса, типирчилаб уни эмишга уринаётганди. (Х.Шайхов). Яна жойига келиб ўтираркан, боядан бери суҳбатга қулоқ осиб жимгина турган она

<sup>40</sup> Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси. ЎТА. 1986. VI 42-бет.

<sup>41</sup> Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап. ЎТА 1986. №6. 28-31-бет. ЎТА 1986. №6 42-45-бет.

бургут гап кўшди (Ҳ.Шайхов). Чиябўрининг сўнгги гапидан боядан б е р и эшилиб турган шеригининг жон-пони чиқиб кетди (Ҳ.Шайхов).

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, *боядан бери* бирикмаси маълум бир ёзувчи яъни Ҳ.Шайхов ижодига мансуб. Бу эса ёзувчи услубининг ўзига хослигидан далолат беради.

Ўзбек тилида б е р и кўмакчиси шундан олмоши билан келиб, бирор воқеа-ҳодисанинг маълум вақтдан бошланганлигини англатади. Бундай ҳорлатда сўзловчи тингловчига маълум бўлган вақт ҳақида гапирди.

Б у ё н кўмакчиси б е р и кўмакчиси синоними сифатида кенг қўлланилади. Бу кўмакчи ҳам воқеа-ҳодиса, ҳаракатнинг маълум вақтдан бошланганлиги маъносини ифодалайди. Мисол: Қизиқ, у ақлини таниб, қўлидан иш келадиган бўлгандан буён кўп вақтини овқат пишириш билан ўтказяпти (М.Ҳазратқулов). Уй эгаларининг айтишларича, телевизорлари анчадан б у ё н ишламас экан (газетадан). Мана, турмуш қуришгандан б у ё н неча ой ўтди (М.Ҳазратқулов). Пайт муносабатини ифодалашда воқеа-ҳодисанинг олдин бўлганлигини ифодалашда аввал кўмакчиси ҳам фаол қўлланади. Бу кўмакчи о л д и н, илгари кўмакчилари билан синонимик муносабатда бўлади: Улуғбек икки сипоҳ қузатувда аввал бобосининг мақбарасини зиёрат қилди (Музаффар). Шунинг унутмангки, яқинлашишдан о л д и н уни тинчлантириш зарур (Ёшлик № 9.89). Ҳозирги ўзбек адабий тилида қ а д а р кўмакчиси ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг пайт жиҳатдан давомийлиги, унинг чегарасини маълум вақтгача давом этганлигини билдиради. Бу кўмакчиларнинг қўлланилиши мавжуд дарслик ва илмий адабиётларда жўналиш келишигини бошқариб, ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг маълум вақтгача бўлганлиги таъкидланади. Терговчи хузуридаги бу учрашувга қ а д а р Жохонгир икки ўт орасида эди. Озодликка чиққунига қ а д а р қолган йилларини, ойларни, ҳафталарни, кунларни хатто соатларни ҳисобларди (Т.Малик).

2) Бирор воқеа-ҳодиса ёки ҳаракатнинг кейин бўлишини ифодаловчи кўмакчилар. Бу тилдаги к е й и н, с ў н г кўмакчилари иш-ҳаракат воқеанинг кейин бўлганлигини бидиради. К е й и н кўмакчиси дақиқа, соат, ой каби вақт билдирувчи сўзлардан кейин келиб, воқеа-ҳодиса, ҳаракатнинг маълум вақтдан кейин содир бўлиши ифодаланади. Масалан: Яна бир дақиқадан к е й и н кемамиз Бетта саёрасининг бош космодромига қўнади. Бу етмагандек, яна бир ойдан к е й и н каминанинг ўзини ҳам ўғирлашни мўлжаллашган (Ҳ.Шайхов). Ярим соатдан кейин футбол бўлади, кўришмоқчи (С.Аҳмад).

Хуллас, кўмакчили конструкцияларни песупозиция асосида янада чуқурроқ тадқиқ қилиш бугунги тилшуносликнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

## “ДЕВОНУ ЛУҒОТ ИТ-ТУРК”ДАГИ МАҚОЛ ВА ҲИҚМАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

И. Тожибоев, НамДУ, катта ўқитувчи

Тилларнинг қадимги даврларида юзага келган ўзига хос даврий янгиликлари ўша давр ёзма ёдгорликларида сақланиб қолганлигидир. Ҳозирги ўзбек адабий тили фақат бугунги куннинг махсули эмас, балки маълум бир тарихий босқичда юзага келган бошланғич, содда тилнинг ўзгарган, такомиллашган ҳолидир. Бугунги кунгача у турли фонетик, морфологик, лексик ва бошқа мантикий ўзгаришларга учраганлиги аниқ. Ана шу ўзгариш ва тараккиёт йўлларини ва унинг аҳволи қандай бўлганлигини, у вақтдан бошлаб тилда қандай ўзгаришлар бўлиб ўтганлигини, уларнинг айнан нималардан иборат бўлганлигини “Девону луғотит турк” каби асарларни тадқиқ қилиш натижасида аниқлаш мумкин.

Асар туркий тилда битилган комусий луғат бўлиши билан биргаликда, ўзида ўша давр туркий халқларининг фольклори, урф-одатлари, мақол ва маталлари, турли халқ қўшиқларини мужассамлаштирган лисоний-адабий ва тарихий-этнографик комус хамдир.

Мазкур асарда Кошғарий туркий халқ ҳиқматлари, турли мақолларини жамлаб ўзига хос тартибда лингвистик ва этнографик таҳлил беради. Ҳар бир туркий лаҳжаларни муайян сўз бирикмаси, мақол ва халқ қўшиқлари мисолида, муайян контекст таркибида семантик моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Таъкидлаш жоизки, такрорланмас ёзма обидалардан бири саналган “Девону луғотит турк” асари ўзининг теран филологик ва лингвистик мазмуни билан жаҳон илм аҳли назаридан муносиб ўрин олган. Бундан ўн аср аввал тузилган мазкур девон туркий халқлар тарихи, маданияти, тил хусусиятлари ва адабиёти ҳақида ноёб манбааларга эгаллиги билан ижтимоий-тарихий ва илмий аҳамиятлидир.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, ҳар бир хориж олимлари томонидан асарни ўрганилиши мобайнида ундаги мақол, ҳиқматли сўзлар ва қўшиқлар имкон қадар аслиятга яқин таржима қилинган.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” (туркий сўзлар луғати) асаридаги мақол ва ҳиқматларда ўша давр Марказий Осиёда яшаган туркий қавмларнинг орзу-истаклари, бахт ва бахтсизликлари, кураш ва енгилишлари, муҳаббат ва нафратлари акс этган. Муаллиф буларни жуда катта маҳорат билан ёритиб беради.

Асарнинг ҳозирги ўзбекча табдили, Туркия туркчаси ҳамда инглиз ва рус тилларидаги таржималари туркий мақол ва ҳиқматларнинг ўзига хос ғарбона талқини сифатида яратилган.

Асарнинг инглизча таржимаси, хусусан, “Девон”даги тўртликларнинг инглизча таржимаси филологик таржима бўлиб, улар

бадийликни даъво қилмайдилар.

Асардаги қуйдаги мақолларни таҳлилидан кўринадикки, Р.Денкофф ва Ж.Келлилар амалга оширган инглизча таржима ўзининг илмийлиги, аслиятни янада аниқлаштиришга ва батафсиллаштиришга интилиниши билан ажаралиб туради. Инглизча мақоллар аслиятга муқобил ўтирилган бўлиб, уларда мақолларга хос бўлган қофия ва оҳанг сақланмаган бўлсада, мазмуний адекватлик таъминланган.

**1. Од - ҳарфининг замон, замона, давр**

Мақолда шундай келган:

**Од кэчэр кіші тојмас, јалінуқ оғлі мэну қалмас (79).**

**Ҳозирги ўзбекча табдили:**

*Замон ўтар, киши тўймас, инсон боласи мангу қолмас.*

**Русча таржимаси:** “время”

“Время идет, и человек его не замечает. Но потомки Адама не живут вечно.” (84)

**Инглизча таржимаси:**

Time (хамана).

Proverb:

**Time (хамана) passes and a man does not perceive it, the sons of Adam do not live forever. (34)**

Маъноси:

*Вақт (хамана) ўтиб кетади ва инсон уни англамай қолади, Одам отонинг ўғли мангу яшамайди.*

Таржимада уч жиҳат кўзга ташланади:

1) Инглизча таржимада аслиятдаги сўзнинг араб тилидагиги варианты ҳам қавс ичида бериб кетилади. Бу “Девон”нинг араб тилида ёзилганлигига бир ишорадир.

2) Аслиятдаги **јалінуқ оғлі** ни С.мутаблибов ҳозирги ўзбек тилига *инсон боласи* тарзида бир қадар умулаштириб ўтирган. Аммо инглизчада **the sons of Adam (Одам ато ўғли)** тарзида ифодаланиб, бир қадар аслиятга мувофиқроқ берилган.

Аслиятдаги **кіші тојмас** (одам боласи тўймас) ни ҳозирги ўзбекчага сўзма-сўз тарзда *киши тўймас* тарзида ўтирилган бўлса, инглизчага бир қадар бошқачароқ, яъни - **a man does not perceive it** (*инсон уни англамай қолади*) деб таржима қилинган. Бу сўзма-сўз бўлмасада, аслиятнинг маъносини бера олади.

**2. а:ч – оч**

Мақолда шундай келган:

**а:ч из јамас, то'қ из тэмас (108)**

**Ҳозирги ўзбекча табдили:**

Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди.

**Русча таржимаси:** «голодный»

«Чего не съест голодный? Чего не скажет сытый?».

**Инглизча таржимаси:**

“What won’t the hungry one eat? What won’t the full one say?”

This mean that the hungry one will not turn away food put before him, though he is held blameworthy by the full one who despises it. (117)

#### **Маъноси:**

*Оч нималарни ейишни хоҳламайди? Тўқ нималарни дейишни хоҳламайди?*

*Бу мақол очнинг олдига қандай овқат қўйишингиздан қатъий назар у қайтармайди, аммо тўқ бундан нафратланишини таъкидлаб ишлатилади.*

“Девону луғотит турк” асаридаги мақолларни ҳозирги ўзбекча инглизча ва русча таржима ҳамда табдиллари билан қиёслаганда уларнинг таржимадаги талқинларида бир кадар ўзгаришлар амалга оширилганлиги кўзга ташланади. Бунда инглизча таржима муаллифлари аслиятни асосан мазмунини беришга ҳаракат қилиб қуйидаги тамойилларни қўллаганлар:

- аслиятдаги мақолни сўзма-сўз таржима қилиш;
- аслиятдаги мақолни сўзма-сўз таржима қилиш билан биргаликда ундаги айрим қадимги туркча, тушунилиши қийин бўлган сўзларга махсус изоҳлар бериб, уларнинг мазмунини таржима ўқувчисига аниқроқ тушунтириш.

- таржима тилидаги муқобил вариантлардан фойдаланиш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, мақол ва ҳикматлар таржимасининг ўзига хос жиҳатлари бор. Муқобил вариант яратиш, сўз топиш ва услубий муаммолар мутаржимдан юксак эстетик дид ва аслият тилининг билимдони бўлишни талаб этади. Бу маънода “Девону луғотит турк”даги мақол ва ҳикматларни ҳозирги замонавий тилларга ўгиришда таржимонларнинг юксак маҳоратига гувоҳ бўламиз. Бу борада инглиз таржимонлари Роберт Дэнкофф ва Жеймс Келлиларнинг маҳорати таҳсинга лойиқ. Асардаги мақол ва ҳикматларни таржимашунослик нуқтаи назардан бир неча тиллар асосида қиёсий типологик таҳлил этиш асарнинг турли тиллардаги таржималарига бадийий ва эстетик баҳо беришда муҳимдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Маҳмуд Кошғарий. “Туркий сўзлар девони” (Девону луғотит турк), С.Муталлибов, Тошкент, 1960-1963 й.
2. Mahmud al-Kashgari. Compendium of the Turkish dialects (Divan Lugat at-Turk), Edited and translated by R. Dankoff, in collaboration with J. Kelly. Harvard University, 1982-1985 (with introduction and indices).
3. «Диван Лугат ат-Турк» А.М.Ауэзова, Дайк-пресс, Алматы. 2005 г. 1288 стр.

## ЎТОВСОЗЛИК ТЕРМИНЛАРИ – КОМПОЗИЦИОН-ПОЭТИК ВОСИТА СИФАТИДА

Ҳ. Бердиев, ММКИТИ

Ўтов жуда қадимий маданий-маънавий, моддий-ашёвий мерос ҳисобланади. У, бир томондан, жуда узоқ ўтмишдаги аждодларимизнинг яшаш тарзини ифода этувчи, иккинчи томондан, маданий ҳаётнинг яна бир шакли сифатида ҳозиргача турли ҳудудларда яшаб келаётган ва шу ерликлар учун қулай уйсозлик намунасининг бир кўриниши ўлароқ қадрият сифатида қарашни тақозо этади.

Айтиш лозимки, ўтов бўйича олиб борилган кузатишлар этнографик характердаги тадқиқотларда марказий ўринда бўлиб келган. Б.Х.Кармишева, М.В. Сазонова, Қ.Шониёзов, И.Жабборов ўзбек халқи, Н.А.Кисляков, Д.Кшибеков қозоқлар, Н.Л.Жуковская, Л.Л. Викторова монголлар, Е.М.Тошакова олтой халқлари, Т.И.Султанов Оролбўйи халқлари, Г.М.Исхаков уйгурлар, А.Оразов туркманлар, С.М.Абрамзон кирғизлар ҳақидаги ишларида худди шу масаланинг халқ ҳаёти ва турмуш тарзидаги аҳамияти, қадриятлар сирасидаги ўрни хусусида сўз юритадилар.

Ўтовсозликка хос сўз ва терминлар она тилимиз лексикасида ўзига хос ўрин тутади. *Ушбу йўналишда Б.Тўйчибоев, Э.Умаров, И.Ҳаққул, М.Абдиевларнинг<sup>2</sup> йўл-йўлакай эълон қилган мақолаларини ҳисобга олмаганда, тилишунослик фани нуқтаи назаридан тадқиқот объекти бўлган эмас. Шу боис ҳам ўтовсозлик билан боғлиқ сўз ва терминларнинг лисоний хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.*

Ўтов миллий турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлганлиги боис у ҳақда оғзаки ва ёзма адабиётда жуда кўплаб бадий талқинлар мавжуд.

---

<sup>1</sup> Кармишева Б.Х. традиционные формы бытового уклада в конце XIX - начале XX в.// в.книп.: Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М.: Наука, 1969; Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Л.: Наука, 1978; Шаниязов К. Узбеки – карлуки. – Ташкент: Наука, 1964; Жабборов И. Узбек халқи этнографияси. – Тошкент, 1994; Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1969; Кшибеков Д. Кочевое общество. – Алма-Ата: Наука, 1984; Жуковская Н.Л. Категории и символика традиционной культуры монголов. – М.: Наука, 1988; Викторова Л.Л. Монголы Происхождение народа и истоки культуры. – М.: Наука, 1980; Тошакова Е.М. Традиционные черты народной культуры алтайцев (XIX - начало XX в.). – Новосибирск: Наука, 1978; Султанов Т.И. Кочевые племена приаралья в XV - XVII вв. – М.: Наука, 1982; Исхаков Г.М. Этнографическое изучение уйгуров Восточного Туркестана русскими путешественниками второй половины XIX века. – Алма-Ата: Наука, 1975; Оразов А. Хозяйство и культура населения Северо-западной Туркмении в конце XIX - начале XX в. – Анхабад: Ылым, 1972; Абрамзон С.М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л.: Наука, 1971.

<sup>2</sup> Тўйчибоев Б. Яйлов, кишлов, कराга ва олтин сўзларининг шаклланиши //ЎТА, 2000, 3-сон, 3 – 6.; Умаров Э. Алишер Навоий асарларида оқ уй атамаси //ЎТА, 2005, 1-сон, 31-32 – 6.; Ҳаққул И. “Ул куёш оқ уйдаю мен...” /Ўз АС, 2011, 16-сентябр, 4– 6.; Абдиев М. Ўзбек тили ўтовсозлик атамалари // ЎТА, 2011, 6-сон, 97-101 – 6.



Маълумки, адабиёт миллат ҳаётининг, халқ маданий, ижтимоий-сиёсий, маиший, рухий-маънавий, умуман, ҳаётӣ фаолиятининг кўзгуси эканлиги маълум. Оғзаки ижод намуналари кўздан кечирилар экан, улар матнида учрайдиган ўтовсозлик терминлари нафақат матн доирасида етакчи мақомга эга бўлмаган сўзлар қаторида иштирок этади, балки, аксинча, муайян поэтик вазифа бажариш, шеърнинг композицион-структур таркибида муҳим поэтик воситалардан бири бўлиб келиш мақомида туради. Чунончи, қуйидаги парчани олиб кўрайлик:

Қорауй – *увуғи*,  
Қорауй – *тувуғи*,  
Келинойга ўтмайди  
Қаҳратон-совуғи.

Қофиядош сўзлар *увуғи-тувуғи-совуғи* парадигматик қаторида дастлабки икки сўз ўтовсозлик термини бўлиб, улар шеърнинг энг муҳим ритмо-мелодик марказида поэтик воситага айланган. Бу жиҳатдан қуйидаги мисоллар ҳам характерлидир:

*Уй айнала* атмабав,  
*Ўз йарингни кўргин сав* [1, 19].

*Ёки:*

*Ўтовни* ўғлари,  
*Бобомнинг* туғлари [1, 106].

Нафақат халқ оғзаки ижоди, балки мумтоз адабиётнинг энг юксак намуналарида ҳам ўтовсозлик терминлари поэтик вазифа бажариб келганлигини қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин:

Ок уйга эшик руст, *тунг*лук доғи,  
Бўлиб кўрака эв даврига йук доғи

(“*Садди Искандарий*”)

*Кўздан кечирилган материалларда ўтовсозлик терминининг радиф позициясида келишига ҳам қатор мисоллар учрайди:*

*Бошимга бошпана* ўтов,  
*Неча минг ёшпана-а* ўтов

(*кўшиқдан*)

Ўтовсозлик термини (*увуқ*) ва ўтов анжомини тайёрлашда ишлатиладиган материал (*чувуқ*) номини ифодаловчи лексема иштирокида ҳосил бўлган ўхшатишга қуйидаги мисралар мисол бўла олади:

Келинойлар келар *увуқдай*,  
Эгилмаган *чувуқдай* [1, 357].

Ҳар қандай поэтик восита, шунингдек, такрор ҳам муайян поэтик мақсадлар билан характерланади [2, 127]. Ўрганилаётган терминологик тизимда мазкур санъатга доир мисоллар ҳам анчагина:

*Вале базм юз бошлиқ оқ уй аро,  
Оқ уй таши туя мушки бирла қаро.*

(“Садди Искандарий”)

Тўр, боргоҳ-чодир, тахт, шоҳ тушунчаларининг манتيқий алоқадорлигида талосиб бўлиб келишига мисол:

*Тўрида боргоҳнинг бир бийик тахт,  
Анинг устида бир шоҳи жавонбахт.*

(“Фарҳод ва Ширин”)

Ўтовозлик терминининг ружуъ ҳосил қилиб келишига мисол:

*Чотма дема ҳажр қаро шони де,  
Зулму тааб уйларининг доми де.*

Бу ерда чотма сўзи чодирнинг маънодошидир. “Девону луғотит турк” ўзбекча нашри таржимони С.М.Муталлибовнинг асар 1-томидаги 228- изоҳида шундай дейилади: *Навоий асарларида бу сўз девондагича чатир, чатр тарзида ва чотма шаклида учрайди* [3, I, 385].

Умуман, кейинги давр адабиёти намуналари ҳисобланмиш замонавий асарларда ҳам ўтовозлик терминлари мавжуд бўлиб, улар асосан, тарихий колоритни бериш мақсадига хизмат қилади. Ўтовозлик терминларининг бадий адабиётдаги ифодасида икки ҳолат кузатилади. Булардан бири, мазкур терминларнинг муайян асар матнида умумистеъмолдаги сўз сифатидаги иштироки бўлса, иккинчиси, табиийки, аниқ соҳа термин бўлиб келишида кўринади. Бу жиҳатдан, айниқса, насрий асарлар материалларида кўпгина характерли мисолларни кўришимиз мумкин. Шу билан бир қаторда, ўтовозлик терминлари турли даврларда яратилган шеърий асарларда, кўриб ўтилганидек, композицион-поэтик восита сифатида ҳам учрайдики, мазкур ҳолат алоҳида қайд этилиши лозим бўлган масалалар сирасига киради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳимов С. Сурхондарё ўзбек шевалари луғати. – Тошкент, 2005.
2. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977.
3. Кошғарий М. Туркий сўзлар девони (“Девону луғотит турк”). Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. – Тошкент. Уч томлик. I том, 1960.

## ТИЛ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ АЛГОРИТМЛАШТИРИШ

### 3. Райимбердиева, АндДУ, ўқитувчи

Маълумки, таълимнинг анъанавий амалиётида мантикий тафаккур усуллари таълим босқичларида махсус ривожлантирилмайди, уларнинг шаклланиш жараёни тартибсиз рўй беради. Фикрлаш қобилияти соддадан мураккабга муайян изчилликда юксалтириб борилмайди. Ривожлантирувчи таълимнинг асосий тамойилларидан бири эса аклий фаолиятнинг умумлашган усулларини ишлаб чиқиш ва юқори босқичга кўтаришдир. Мазкур жараён педагогик технологияда ўз аксини топади. Педагогик технология ҳозирда фаол қўлланилаётган ва ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган дарсма-дарс услубий ишланма ўрнига ўқувчининг ўқув – ўзлаштириш жараёнининг таркиби ва мазмунини аниқлаб берувчи ўқув жараёни лойиҳаси тақлиф этилади. И.П.Подласыйнинг таъкидлашича: “Технология яратилгунча педагогнинг шахсий маҳорати ҳукмронлик қилади. Эртами- кечми, шахсий маҳорат “жамоа маҳоратига” айланади ва унинг мужассам ифодаси бўлиб технология хизмат қилади”. Бу башоратнинг айнан қачон тўла амалга ошишини аниқ айта олмаймиз, бироқ бу борада олиб борилаётган изланишларни эътироф этиш жоиздир. Мазкур мақолада масалани тил таълими доирасида кўриб ўтмоқчимиз.

Ҳар қандай технология жараёнини алгоритмлаштиришдан бошланади. Алгоритм деганда, одатда, бир гуруҳга қирадиган масалаларнинг ҳар бирини ечиш учун элементар операцияларнинг маълум кетма-кетликда бажарилиши ҳақидаги кўрсатмалар тушунилади. “Алгоритм аниқ, ҳаммага тушунарли, оммавий, натижали бўлиши керак. Ўқув жараёнини алоҳида операцияларга бўлиш, уларни босқичма-босқич бажариш ва ўзлаштириш ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини назорат қилиш ва бошқариш имконини беради. Алгоритмларни узлуксиз қўллаш мантикий фикрлаш малакасини ривожлантириш учун шароит яратади. Таълим жараёнида қўлланиладиган умумлашган усулларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: алгоритмик ва эвристик усуллар. Алгоритмик усуллар формал мантиқ қонуниятларига тўлиқ мос тушувчи оқилона тўғри тафаккур усуллари дидир. Эвристик усуллар таълим олувчи учун янги бўлган билимларни очишга, янги муаммоларнинг ечимини излашга бевосита ундайдиган ва шу билан бир вақтда ижодий тафаккур табиатининг ўзига хос хусусиятларига мос тушадиган усуллардир. Бу икки усул бири иккинчисини тақозо этади, биринчиси натижасида иккинчи босқичга ўтилади: Ушбу жараёнини қуйидаги кетма-кетликда ифодалаш мумкин:

- ўрганилаётган ҳодисани аниқлаш;
- унинг белгиларини ажратиш ва таҳлил қилиш;
- ҳодисанинг моҳиятига кириб бориш;
- ҳодисанинг бирламчи хусусиятларини иккиламчиларидан ажратиш;
- хос белгиларга қараб ҳодисани ажарата олиш;
- ёндош ҳодисалар билан таққослаш;
- белгиларга кўра турдош ҳодисалар билан умумлаштира олиш;
- белги ва хусусиятларга кўра ўрганилган бошқа ҳодисалар билан алоқа ва боғлиқликларни топиш;
- асосий белгисини аниқлаш;
- фикрларни хулосалаш;
- натижаларни моддийлаштириш.

Жараённинг санаб ўтилган кетма-кетлигида алгоритмик усуллар эвристик усулларга жой бўшади. Бундай усулларга конкретлаштириш, график таҳлил, мавҳумлаштириш усуллари киради. Яъни, жараён сўнгида таълим олувчи Конкретлаштириш мавҳум маълумотларга аниқ шакл беради. Бу усул график таҳлил усули билан тўлдирилиб, унда кўргазмали асосни символлар билан ифодалади. Санаб ўтилган алгоритмни амалга ошириш учун ўқувчига махсус кўрсатмалар –ўқув топшириқлари берилиши керак. Алгоритмик усулнинг эвристик даражага ўтишини таъминлаш учун бу топшириқлар янги мавзу учун ҳам асосий манба бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ўқув топшириқлари муайян изчилликда алмашинувчи бир неча варақлардан иборат бўлади. Биринчи варақда ўрганилаётган тил ҳодисасининг тўла тавсифи келтирилади. Иккинчисида берилган тавсифнинг ўзлаштирилиши, тушунилишини таъминловчи саволлар берилиши зарур. Бу саволларга жавоб ёзиш жараёнида ўқувчи беихтиёр асосий маълумотни ёдлаб қолади. Учинчи варақда таянч сўзлар берилади. Ўқувчи биринчи варақдаги назарий маълумот асосида таянч тушунчали гап қаторини тўлдирди. Тўртинчи варақ ўқувчига ёрдам тариқасида умумлаштирилган хулосалардан иборат бўлади. Бешинчи варақда эса ўқувчи ўрганганларини ва англаганларини чизма, жадвал, формула, тасвир, кроссворд ва бошқа кўринишда акс эттиради. Охириги варақда ўқувчи барча ўзлаштирилган материални мустақил хотирлаб, тиклаши талаб этилади. Ўқув жараёнини тавсия этилган босқичли тартибда олиб бориш назарий маълумотларни мустақил ва онгли ўзлаштириш имконини беради.

## ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ НАМАНГАН ШЕВАЛАРИДА ЧУҚУР ТИЛ ОРҚА УНДОШЛАРИ

И. Дарвишов, НамДУ, ўқитувчи

Тилнинг ҳар бир сатҳида, жумладан, фонетик-фонологик сатҳдаги ўзгаришлар, ҳоҳ у адабий тил, ҳоҳ шева бўлсин, бирданига эмас, балки аста-секинлик билан узоқ давр давомида содир бўлади. Дастлаб онда-сонда учрайдиган фонетик ҳодисалар, фонетик вариантлар, ёнма-ён қўлланишлар аста-секинлик билан тил тараққиёти давомида қонуниятга айланади. Айрим ундош товушларнинг эволюцион тараққиёти жануби-ғарбий Наманган шевасининг ундошлар тизимида ҳам кузатилади.

Маълумки, қадимги туркий тил ундошлари ўзининг айрим акустик-артикуляцион хусусиятлари, жумладан, қаттиклиги (йўғонлиги) ва юмшоқлиги (ингичкалиги) билан эски туркий ва ҳозирги ўзбек тилидан кескин фарқланган.

Эски туркий тилда қ ва к, ғ ва г каби икки жуфт ундош орасидагина қаттиқ-юмшоқлик хусусияти сақланиб қолган ҳолос. Бошқа ундошларда бу ҳолат сезилмайди.<sup>42</sup> Бироқ жануби-ғарбий Наманган шевасидаги айрим ундошлар ҳақида эски туркий тилнинг илк тараққиёт даврларидаги ундошлар таҳлилга таянган ҳолда фикр юритсак, чуқур тил орқа ундошларининг юмшоқлик ва қаттиқлик жиҳатини кўрамиз<sup>43</sup>.

**[К]**- чуқур тил орқа, портловчи, жарангсиз ундош. Талаффузда умумтуркий тиллардаги қ дан фарқ қилмайди. Шевада сўзнинг истаган позициясида кела олади: *қўлолтойоқ (пайпоқ ёки пайтавасиз оёқ кийим кийиши), қутум/хутум (айёр одам), ўқорўқ (ағатларга сув олинадиган шоҳ ариқ), унўққон (ранги ўчган), дўққи (қўпол одам), дўққот (хафа), чирмовўқ, аҳсоқ (чўлоқ), қўноқ (товуқ уясидаги мослама)*. Мазкур шеванинг ҳар икки гуруҳида ҳам *қўноқ* сўзи меҳмон маъносида умуман ишлатилмайди.

ЖҒН гуруҳ шеваларида интервокал позицияда *қ>ғ* ҳодисаси мавжуд. Лекин у «жоловчи гуруҳда маълум сўзлар доирасидагина мавжуд, қипчоқ тип шеваларидагидек умумий ҳодиса эмас: *чигиб кетти (чиқиб кетди), ошқовоқ (ошиқовоқ), чоғирин пер (чақириб бер)* каби. Умуман, биз ўрганаётган шеваларда сингормонизм ҳодисаси мавжуд бўлиб, фақат жарангли ундош товушлардан олдин келганда эмас, жарангли ундошлар билан ёндош келганда ҳам, ҳатто, интервокал, ҳолатда ҳам *қ>х* га ўтади. Бунда *х* ундоши *хуштак, хато* сўзларидаги тил орқа товуш бўлмай, немисча (*ich*) ва тил орқа *х* товуши ўртасидаги

<sup>42</sup> Нельматов Х. «Ўзбек тили тарихий фонетикаси» Тошкент, Ўқитувчи, 1992 й.

<sup>43</sup> Кошгарий М. «Девону луготит турк», 1 том., Тошкент, 1963.

бўғиқ товушдек талаффуз этилади: *курух йэр* (*куруқ ер*), *тўхсон* (*тўқсон*), *ихтёсот* (*икдисод*), *охиом* (*оқшоом*), *охлўм* (*ақлим*), *сонохли* (*саноқли*) каби. Шевадаги айрим сўзларнинг охиридаги қ нинг в га ўтиши кузатилади: *бузов* (*бузоқ*), *аррани торови* (*арраниг тарови тиши*) каби.

Шевада спорадик равишда қ ни к тарзида юмшоқ талаффуз этилиши ҳам учрайди: *кэйга қўйгонсон* (*қаерга қўйгансан*), *чайдои куйвар* (*чой куйиб юбор*), *кахлама* (*қатлама*). Бу хусусият ЖҒН шевалари учун типик ҳодиса бўлмай, жуда кам сўзлар билан чегараланган бўлиб, Балиқчи тип шевалардагидек кенг тус олган эмас<sup>44</sup>. Ассосан, бундай ҳолат Тепакўрғон, Шовон, Сарой, Курама, Қотоғонсарой, Олчин, Шаҳанд қишлоқларида кузатилади.

[F]- чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангли ундош фонема. ЖҒН гуруҳ шеваларида г фонемасининг қўлланиш даражаси чегараланмаган. Шевада бир ва икки бўғинли сўзларнинг охири ва ўртасида келадиган этимологик г товушига в мос келади: *тов* (*топ*), *бов* (*боғ-пумиратив: бир боғ тиёз*), *сов* (*соғ-омоним: соғ одам, сизир соғмоқ*), *йовгон* (*йўгон*), *бувдой* (*бугдой*), *овдор* (*ағдармоқ*), *боврум* (*бағрим*), *тувўиқон* (*туғишган*) каби. Шуниси характерлики, «жўловчи гуруҳ шевалари *сизмоқ* феълيني *сийасан* (*сизасан*) тарзида қўллашади. Бу козок тили ва қипчоқ тип шеваларига хос хусусиятдир.<sup>45</sup> ЖҒН гуруҳ шеваларидаги мазкур фонетик ўзгаришлар маънога путур етмаган ҳолларда содир бўладн.

[X]- чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангсиз ундош. Сўзнинг барча позицияларида келади. ЖҒН шеваларда унинг талаффузи бошқа ўзбек шеваларидагига ўхшайди. Ўзақдаги унлиларнинг таркибига қараб х юмшоқ ва қаттиқ талаффуз этилади. Бунда сирғалиш тил орқасида, бўғизда эмас, танглай ўртасида содир бўлади. Тил эгилган жойи баланд танглайга яқинлашади: *ухло* (*ухла*), *махмит* (*Маҳмуд*), *ахтамқатхам* (*Адҳам*), *махтан* (*мақтаб*) каби. Шевада х ундоши бошқа ундошларга нисбатан турғун бўлиб, бошқа товушларнинг таъсирига кам берилади. Аксинча, боши, сўз охирида ва ўртасида *қ,к,т,ч,г* товушлари ўрнида ишлатилади: *мохто* (*мақта*), *махтуп* (*мақтуб*), *ўхлот* (*утлат*), *холоплатмо* (*чалоплатма*), *тохти таги* (*тоғнинг таги*) каби.

[H]- чуқур тил орқа сонор товуш. Худди адабий тилдагидек Мингбулок тумани айрим худудларида, аниқроғи, Гуртепа, Олтинқўл, Шўрсув, Мулкобод, Бешбанги, Довдук, Терақ қишлоқларида бу товуш

<sup>44</sup> Тургунов А. Фонетическая структура Балиқчинской группы говоров узбекского языка. АКД. Ташкент. 1969, с. 7. Мухаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари, Тошкент. 1981, Б-64.

тил ўрта товушидир. Барча ўзбек шевалари ва адабий тилда бўлганидек, фақат сўзнинг ўртаси ва охирида келади: *меңайам* (менга ҳам), *йаңитта* (хозир), *оң* (олинг), *кэң* (келинг).

Шуниси характерлики, ЖҒН шеваларида бу ундош сўз, ўзак составидаги унлиларнинг қаттиқ, юмшоқлигиги ва ўзидан кейин келган ундош товушларнинг артикуляцион ўрнига кўра уч хил позицияда талаффуз этилади:

а) Ўзакдаги унлилар юмшоқ, тил олди унлилари бўлса [ɣи] ундоши ниҳоят юмшоқлашиб, тил олди томон силжийди. Тил учи эгилиб пастки тишга, эгилган жойи билан юқори танглайнинг олд томонига тегади: *эккэц* (эқдириг), *бузэц* (бузинг), *ноййең* (нон енг), *сийгэцч* (синглинчи?) каби;

б) Ўзакнинг таркибида тил орқа унлилари бўлса, орқага силжийди, тил орқа ундошидек талаффуз этилади: *поңгэцздан берэц* (поңингиздан беринг), *йаңгта кэнтэ* (хозир келди), *буңа* (бунга), каби;

в) Ўзак таркибида тил орқа унлилари бўлиб, [и] ундошидан сўнг [Ғ] чуқур тил орқа товуши келса, нисбатан орқага силжиб, чуқур тил орқа товушидек талаффуз этилади. Бурунлашиш кучаяди. [и] ҳам, [ɣ] ундоши ҳам соф [и], [ɣ] ундошларидек талаффуз этилмайди: *йолаңгоч* (ялангоч), *бомагаңи* (бўлмаган), *биқиңгон* (биқинган-яширинган). Жомашов, Гулбоғ шеваси учун охирги икки кўриниш характерли бўлмай, шу позицияда [и] тил ўрта ундошидек талаффуз этилади. Адабий тилдаги [и] талаффузига мос келади.

ЖҒН шеваларида [и] ундоши қатор ундошларга нисбатан тургун бўлса-да, спорадик ўзгаришга юз тутади: [и>й]: *сыйгэм* (синглим), *кўйгэм* (кўнглим) каби.

Тилшунос олимлар – М. Кошғарий, А.М.Шербак, В.В.Решетов, С.Е.Малов, Ҳ. Неъматовларнинг илмий асосга эга фикрларига таянган ҳолда халқ жонли тилида, аниқроғи, жануби-ғарбий Наманган шеваларидаги чуқур тил орқа ундошларининг хусусиятларини кузатганимизда, таъкидлаган фикрлардан бу фонемаларнинг умуман тушиб қолиши мумкинлиги кузатилмади. Бу эса мазкур шевада чуқур тил орқа ундошларининг алоҳида ўрни, жуда кенг ва аҳамиятли лисоний-фонологик имкониятлари борлигидан далолат беради.

## FITRAT ADABIY MEROSI XORIJ ADABIYOTSHUNOSLARI TALQINIDA

S. Daminjanov, NamDU

Abdurauf Fitrat millatlararo do'stlik, mehnatsevarlik, vatanga muhabbat va vafu kabi tuyg'ular bilan yo'g'rilgan asarlari asta-sekin Evropa va Amerika diyorlariga ham kirib bordi. Abdurauf Fitrat asarlari dunyodagi ko'pgina tillariga o'girildi.

O'zbekistonda Abdurauf Fitrat asarlarining xorijiy tarjimalari mavzusida anchayin salmoqli ishlar amalga oshirilgan. Jumladan, zukko jadidshunos olimi Zulxumor Mirzayeva o'z nomzodlik dissertatsiyasida Abdurauf Fitrat asarlarining rus va ingliz tillariga qilingan tarjimalarini tahlil qilib, shoir g'azallaridagi badiiy san'atlarning genetik yaqin va yiroq tillarga tarjimalaridagi qayta yaratilishi muammosiga to'xtalgan.

XIX asr xorijda Fitrat ijodiga e'tiborni o'zgarishida yangi davr hisoblanadi. Zero, bu asrda tarjimalarga qo'yilgan talablar o'zgarib jahon kitobxonlariga Sharq Jadid adabiyotini asliyatga yaqin shakl va mazmunda, muallifning buyuk iqtidorini yodga olgan holda taqdim etish zaruriyati va imkoniyati tug'ildi. Sharqshunoslar bevosita asliyatdan tarjimalar qilishga o'tdilar. Ingliz tilida gaplashuvchi va ingliz tilini biladigan barcha kitobxonlarga Fitrat xayoti va ijodi haqida o'ylash, fikr yuritish, xususan, uning turkiy va fors tillarida yozilgan asarlariga munosabat bildirish, shoir sifatidagi faoliyati borasida mushohada etish Edvard Olvort, Adib Xalid, Shon Tomas Lions va boshqa olimlar ishlarining mag'zi-mag'ziga singib ketgan edi. Natijada O'zbek adabiyotidan namunalar endi jahon xalqlari adabiyoti to'plamlariga kiritildi va ular bir qator olimlar tomonidan tahlil qilina boshlandi.

Bu kabi ishlar sirasiga Amerikalik olim Villiam Xannavey tomonidan ingliz tiliga tarjima qilingan Abdurauf Fitratning "Xindistonda bir Farangi ila Buxoroli mudarrisning jadid maktablari xususida munozarasi"(Debate between a teacher from Bukhara and a European<sup>46</sup>) asari ham kiradi. U asarni 1911-1912 yillarda Istanbulda nashr etilgan "Matba-i islamia-i Xikmat" jaridasining 30-53-betlarida fors tilida e'lon qilingan "Munozarai Mudarrisi Buxarai makatib-i Jadida" nusxasidan tarjima qilgan.

Turk olimi Ayxan Chelikbay 2001 yili Qirg'izistonda nashr etilgan "O'zbek adabiyoti" kitobida Abdurauf Fitratning "Dilimiz" she'rini nashr ettiradi va unga "Abdurauf Fitrat Buyuk O'zbek Yozari, Bilim ve Devlet Adami" – deb ta'rif beradi.

Bundan tashqari Amerikaning Kariton universiteti professori Adib Xalid o'zining "*The Politics of Muslim Cultural Reform. Jadidism in Central Asia*" (*Madaniy islox siyosati. Markaziy Osiyoda jadidizm*) kitobida Fitrat xaqida ko'pgina iliq mulohazalarini bildiradi.

Yana bir olim Shon Tomas Lions Abdurauf Fitratning "Abdulfayzxon" dramasi atroflicha tahlil qilgan. Lions Amerikaning Verjina universiteti professori bo'lib, u Fitratning ijodiga ihlos qo'yan olimlardan biridir. U asar tahlilini Markaziy Osiyo izlanishlariga bag'ishlangan halqaro jurnalining

<sup>46</sup> Чалев Курман. "What is reform?"





*Ҳамкорлик лаҳзалари*



*Oura daespacuda*

2000 yildagi 5 nashrida chop ettiradi va ushbu tahlilga "Abdurauf Fitrat's Modern Bukharan Tragedy" (Abdurauf Fitratning zamonaviy Buxoro tragediyasi) deb nom qo'yadi.

Muallif tahlilini boshida asarga tarif berarkan qo'yidagi gaplarni yozadi.. "Fitratning ushbu tarixiy asari 1924 yili yozilgan bo'lib, sovet mustamlakachilik siyosatiga qarshi yozilgandir. Biz bu drama tarixiy parallel deb xisoblaymiz. Abulfayzxon tarixiy shaxs bo'lishiga qaramay sovet mustamlakachiligi davrida Buxorodagi jarayonlarda ishtirok etmagan. Ammo qadimiy Markaziy Osiyo xukmdori 1920 yilda Bolsheviklar tomonidan so'nggi xon ag'darilgandan keyin paydo bo'ladi".

Bu gaplardan biz Lionsning nafaqat asarni balki Turkiston tarixini qanchalik darajada bilishiga guvoh bo'lamiz. Darxaqiqat Fitratning ushbu asari Abulfayzxon ya'ni, Ubaydullaxonning inisi. Ashtarxoniylardan bo'lgan Buxoro xoni haqida edi. 1924-yilda Abdurauf Fitrat unga bag'ishlab "Abulfayzxon" drammasini yaratgan.

Sh.T.Lions fikricha Abulfayzxon personaji va tasvirlari faqatgina Buxorodagi bo'lib o'tgan voqealar, peysaj va shaxslarga niqob vazifasini o'tagan. Fitrat Buxoro ko'rinishini inqilob davrida tasvirlaydi. Uy qamog'ida saqlab va 1920 yilda qatl etilgan Amir Olimxon personajini Abulfayzxon obrazi orqali tasvirlaydi.

Bulardan tashqari Lions amirning yon atrofidagi insonlar ya'ni obrazlarga ham parallellarni topadi. Uning fikriga ko'ra Nodirshoxga sotilgan insonlar vazifasini Xon atrofidagi Bolsheviklar tomonga og'ib ketgan zadogonlar deb xisoblagan.

Muallif ushbu fikrlarini quyidagi satrlarda keltirgan;

*"And the duplicitous friends who conspire with Nodir Shah against Abulfayzkhon parallel those of Amir Said Alimkhon: those prominent court, religious and mercantile elites who would join the Bolsheviks against the last Bukharan amir"*.

Xulosa qilish mumkinki, mazkur ishlar davrimizning ingliz tilida bajarilgan ajoyib ishlardir. Istiqloq nafaqat halqimiz uchun balki adabiyotimizni dunyo bilan yuzlashishiga imkoniyatlar yaratib berdi. Xullas, horij adabiyotshunoslari tomonidan amalga oshirilgan ishlar o'zbek adabiyotshunoslari ucun kelajakda ilmiy izlanishlar qilish uchun manba bo'ladi. Chunki bu tahlil va tarjimalar qay darajada bajarganligi va undagi mafkuraviy qarashlarni tahlil etish tadqiq etish va munosabat bildirish lozimdir. Umid qilamizki yurtimizda va xorijda Fitratshunoslik ishlari hali uzoq vaqt davom etadi.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Shawn Tomas Lyons Abdurauf Fitrat's Modern Bukharan Tragedy" International Journal of Central Asian Studies Volume 5 2000
2. Karimov I.A "Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q?"/ "Muloqot" 1998 yil 5-son
3. I. G'aniev. Fitratning tragediya yaratish mahorati. T., 1994.
4. Boltaboev H. Qatag'on qilingan ilm. T.: "Xazina", 1996.
5. Boltaboev H. Noma'lum Fitrat. Yoshlik, 1990, 34-38-betlar.
6. Herbert Lindenberger, Historical Drama: The Relation of Literature and Reality (Chicago: University of Chicago Press, 1975).

## ДАРС ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ў. Абдураимова, Республика телевидение ва  
радио коллежи, ўқитувчи

Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда. Бундай дарс жараёнлари ўқувчи-талабаларни мустақил фикрлаш, дунёқарашини шакллантириш, кичик гуруҳларда ишлаш маданиятини оширишга ёрдам беради. Адабиёт дарсларида “Бумеранг”, “Венн диаграммаси” ва “Мулоқот” каби инновацион технологиялардан фойдаланиш дарс самарадорлигини янада оширади.

Намуна сифатида “Мулоқот” тренингини ўтказиш усуллари ҳақида сўз юритамиз.

Ўқитувчи машғулотни бошлашдан олдин талабаларга мулоқат баҳс-мунозарани ўтказишга қўйилган талабалар, қоидалар, тренинг босқичлари ҳақида тушунча беради. Кичик гуруҳлар шакллантирилади ва муаммоли савол ёки топшириқ баҳс-мунозара учун ўртага ташланади.

Масалан, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараёнида тренинг учун “Алишер Навоий портретлари ҳақида нималарни биласиз ва уларга муносабатингиз қандай?” шаклидаги мақсадли муаммо белгиланади.

Биринчи босқичда белгиланган муаммоли топшириқлар гуруҳларга берилади ва изоҳланади.

1-топшириқ. Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси эканлигини унинг асарларидан олинган намуналар орқали тушунтириб беринг.

2-топшириқ. Навоий портретларида шоир суврати ва сийрати қайдаражада уйғунлашганлигини асарлари мисолида изоҳланг.

3-топшириқ. Алишер Навоий портретларини яратган рассомларнинг ижодий изланишлари, шахсий кузатишлари, юксак маҳоратлари ҳақида фикр-мулоҳазаларингизни айтинг ва ижодий магн тузинг.

Технологияларнинг иккинчи босқичида гуруҳлардаги ҳар бир тингловчи берилган муаммоли топшириқлар асосида зарур маълумотлар, матн намуналари, ҳикматли сўзлар ва бошқа қўшимча материалларни тайёрлайдилар. Тайёр бўлган гуруҳдан бир талаба муаммони изоҳлаб, тўпланган маълумотларни гапчириб беради. Қолган гуруҳ иштирокчилари ўз фикрларини қўшимча қилишлари мумкин.

1-гуруҳ ҳимоячиси биринчи муаммо учун Алишер Навоийнинг туркий адабиётдаги ўзига хос ўрни, ўзбек тилининг равнақи ҳисобланган буюк асарлари ҳақида маълумотлар беради.

2-гуруҳ ҳимоячиси иккинчи муаммо учун Навоийнинг портретлари ҳақида тўпланган маълумотларни изоҳлайди. Маълумки,

шоирнинг ташқи кўриниши, киёфасининг тўла ва мукаммал баёни йўқ. Фиёсиддин Хондамирнинг асарларида, ҳамда З.М.Бобурнинг “Бобурнома” асарида Алишер Навоий ҳаётидан қизиқарли, ибратли лавҳалар, шоирнинг ўзига хос характер хусусиятларини очиб берувчи муҳим кузатишлар баён қилинган. Бу қимматли маълумотлар шоирнинг тўлақонли мукаммал образини яратиш учун айрим чизиклар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Рассом Камолиддин Бехзод томонидан яратилган гуллаган боғда асога таяниб турган ҳолатдаги Алишер Навоий портрети ҳақидаги маълумотлар бизга маълум, лекин Навоийнинг ўша даврда кўчирилган ўз асарлари саҳифаларидаги расмлар ичида ўзининг портрети бор ёки йўқлиги ҳали-хануз номаълум. Шу каби маълумотлар асосида гуруҳ иштирокчиси муаммоли топширикни бажаришга ҳаракат қилади.

3-гуруҳ иштирокчиси Алишер Навоий ҳаётлик даврида устод Камолиддин Бехзод, Қосим Али Чехрақушой, Маҳмуд Музаҳҳиблар томонидан унинг алоҳида портретлари яратилганини, аммо Камолиддин Бехзод яратган портрет ҳали топилмаганлиги ҳақида гапириб ўтади. Рассомларнинг ижодларига диққатини қаратади. Масалан, Маҳмуд Музаҳҳиб мўйқаламига мансуб Алишер Навоийнинг портрети эса ҳозирги кунда Эроннинг Машҳад шаҳридаги Остони Кудс кутубхонасида сақланади. Унда Навоий образи жуда жонли, ҳаётий ва тўлақонли чиққан бўлиб, буюк шоир умрининг энг сўнгги йиллари тасвирлангандир.

Юзи, кўзи, пешонасидан нур ёғилиб турган, ўткир нигоҳида доноликнинг излари билиниб турувчи инсон гавдаланган бўлиб, кўлида асо билан тасвирланган.

Гуруҳ вакили – баъзи мутахассисларнинг фикрича, Қосим Али Чехрақушой деган рассом Навоийнинг шайсий рассоми бўлган дейилади. Унинг “Садди Искандарий” достонига ишланган расмида ва Алишер Навоий ва Султон Муҳаммад Мирзо портретларида шоир тасвири бор. Бу расмларда Алишер Навоий тик турган ҳолда, узун энгли кўнғир рангли жомада, тўқ кўк қабода, сило ўралган саллада тасвирланган. Унинг кўлида узун асо каби кўшимча маълумотларни айтади.

Учинчи босқичда гуруҳлар бир-бирига саволлар беришади. Саволларга гуруҳ ҳимоячилари томонидан жавоблар берилади. Кўшимча далиллар, мисоллар келтирилади.

Савол: – Маҳмуд Музаҳҳаб Навоийни шахсан кўрганлари ҳақида далилингиз борми?

Жавоб: – Маҳмуд Музаҳҳаб Навоийни кўрганлиги ҳақида маълумот йўқ, фақат уни Бехзод доирасида ижод этган рассомлиги маълум, балки бу портрет Бехзод асарининг нусхаси ҳам маълум бўлиши мумкин.

Савол: – изоҳланган иккала портретига шоир тасвирининг ўхшаш жиҳатлари борми?

Жавоб: – иккала расмда ҳам шоирнинг туриш ҳолати бир хил, яъни Алишер Навоий тик турган ҳолда, узун енгли кўнғир жамода, кўк кулоҳли, оппоқ саллада тасвирланган, аммо Қосим Али яратган портретда Навоий 40 ёшларда бўлса, М.Муссахибда эса шоир умрининг энг сўнгги йиллари тасвирланган, шунинг учун бўлса керак, юз ифодаси икки хил ҳолатда акс эттирилган.

Тўртинчи босқичда томонларнинг баҳс-мунозаралари тугагандан кейин ўқитувчи фикрларни умумлаштириб, ўзининг фикр-мушоҳадаларини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион технологиялардан ўз ўрнида фойдаланиш орқали қуйидаги натижаларга эришамиз: ўқитувчи ташқилотчи ва бошқарувчилик қилади; ўқувчилар эса изланувчи, фикрловчи ва ўрганувчи, тўпланган билимларни амалиётда қўлловчига айланади. Бунинг натижасида эса дарс зерикарли, бир хилликдаги жараёндан қизиқарли, ўқувчилар соғинадиган ва интиқлик билан кутадиган ўқув жараёнига айланади.

## ONA TILI DARSLARIDA MUAMMOLI O'YIN USULLARIDAN FOYDALANISH

**D. Xodjayeva, Toshkent Transport KHK  
yetakchi o'qituvchisi**

O'quvchilarni og'zaki va yozma nutqini o'stirishda samarali usullarni ishlab chiqish hozirgi vaqtda ona tili va adabiyot fani oldida turgan eng muhim masalalardan biridir. Chunki ijtimoiy hayotdan munosib o'rin olish uchun to'g'ri yozish, o'z fikrini erkin bayon etish kabi ko'nikma va malakalar zarur.

O'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi, Respublikamizni mustaqil deb e'lon qilinishi barcha ta'lim bo'g'inlarida ona tili o'qitish imkoniyatini kengaytirib, unga bo'lgan mas'uliyat hissini kuchaytiradi.

O'quv fanlarini asosi hisoblangan ona tilini o'qitish juda katta ta'limiy-tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lib, shaxsning tarbiyalangan va madaniyatlilik darajasini ham o'z ona tilini qay darajada bilishi bilan belgilanadi. Shu sababli mustaqil respublikamiz tobora rivojlanib borgan sari ona tilini, yani davlat tilini o'qitishning maqsadi va vazifalari ham takomillashib borishi zarur.

O'qituvchilar dasturga kiritilgan darsliklarda berilgan materiallar bilan cheklanmay, o'rganiladigan mavzuga oid qo'shimcha ma'lumotlar izlashi, bu manbalarni tarbiyaviy jihatlarini ham topa olish talab etiladi. O'quvchilarni idrok va tasavvurlarini muammoni yechish, muhokama qilish malakasi bilan rivojlantirish kerak. Masalan, biror mavzu bo'yicha o'rtaga savol tashlanadi, o'quvchilarning ko'pchiligi o'zicha fikr yurita boshlaydi. Shu paytda



o'qituvchi ularning fikrlash doirasini kengaytirish, ta'lim berish jarayonida tarbiyalashni ham maqsad qilib, to'g'ri metodik usulni tanlay bilishi lozim. O'qituvchi o'quvchilarga muammoli bayon yozdirib, ish mazmuniga o'z munosabatlarini ham bildirishlari zarurligini ta'kidlab ushbu matnni o'qib beradi.

“Hindistonning jahon degan shahrida Foniylar ismli bir kishi yashardi. Uning uchta birodari bor edi. Foniylar ikki do'stini juda yaxshi ko'rar, uchinchi do'stini unchalik xush ko'rmas edi.

Bir kuni Foniylar shahar hokimi o'z huzuriga chaqirtirdi. Soddil insonlar hokimi uning adolatidan qo'rqar edilar.

Foniylar hokimning oldiga yolg'iz kirishdan hayiqdi. Birinchi do'sti oldiga borib, hisob-kitob bo'layotganida yonida turishini, o'zi haqida bir ikki og'iz yaxshi so'z aytishini iltimos qildi. Jondan ortiq do'sti aftini bujmaytirib dedi:”Bilasizmi, shahar xalqi meni juda hurmat qiladi, ammo hokimni oldida mening qadrim yo'q. Shuning uchun sen bilan borolmayman. Buning ustiga hozir men bir joyga bazimga taklif qilinganman, uzr hafa bo'lma”.

Foniylar xafa bo'lib, ikkinchi do'stiga borib, murojaat qiladi. O'zi bilan hokimning yoniga borishini va uning foydasiga guvohlik berishini iltimos qiladi. Ikkinchi do'sti “Xo'p” dedi va Foniylar bilan yo'lga tushdi. Hokim huzuridagi mahkamaning shundoqqina eshigi oldiga kelganlarida:

-Azizim dedi, men seni juda yaxshi ko'raman. Lekin bu eshik menga g'alati ko'rinyapti, ochig'i men bu eshikdan qo'rqaman. Bu yerdan ichkariga kira olmayman. Shuning uchun senga eshikni ochib beraman. Sen ichkariga kiraver.

Foniylar yolg'iz o'zi ichkariga kirishga majbur bo'ldi. Chunki bu mamlakatda hokim chaqirishi bilan bir kishini yugurib borishi qonun edi. Foniylar oyoq-qo'llari titrab ichkariga kirdi. Hokim huzurida so'roq-javob qilindi. Foniylarning ba'zi ishlaridan kamchiliklar topildi. Foniylar endi o'ziga beriladigan jazoning qo'rquvidan g'amgin bir holatda turganda, uchinchi do'sti hokimning yoniga yaqinlashdi. Foniylar jazodan halos etmoq uchun shunday ishonarli dalillar keltirdiki, oxiri hokim Foniylarning xatolarini avf etdi. Ustiga-ustak unga katta mukofot ham berdi”.

O'qituvchi matnni ifodali o'qib bergach, o'quvchilarning matn mavzusiga oid reja tuzishlari so'raladi.

O'quvchilarning dunyoqarashi kengligini hisobga olib, ularning muammoli bayoniga yozgan javobidan ayrim o'rinlarni keltirish mumkin.

“Menimcha bu hikoya butun insoniyatga tegishli. Biz insonlar hammamiz foniymiz. Bir kun kelib hammamizning umr poyonimiz tugaydi. Hokim esa butun koinotni yaratgan. Bizga faqat to'g'ri yo'lni ko'rsatgan yagona Olloh. Qo'rqinchli mahkama eshigi esa qabrdir. Birinchi vafosiz do'stimiz dunyoda bizni qo'llab yopishgan boyligimizdir. Mahkamaga

chaqirilgan kunimizdanoq, eng avvalo shular bizni tark etadi. Ikkinchi do'stiniz qarindosh-urug'larimiz, yoru-birodarlarimiz va jondan aziz bola-chaqalar. Ular faqat qabr boshigacha olib borib qo'yadilar. Uchinchi do'stimiz esa bu dunyoda uncha xushlamagan amallarimiz, qilgan yaxshiliklarimiz, ezguliklarimiz, insonparvarligimizdir. Ular hokim huzuriga chiqib, bizni qutqarishga harakat qiladilar. Keling aziz do'stlarim! Oxirgi mahkamaga yorug' yuz bilan qilgan yaxshiliklarimiz to'la hayot daftarini olib borishga qo'limizdan kelganча harakat qilaylik".

Insonparvarlik tarbiyasini chuqurroq singdirish va ona tili darslari samaradorligini oshirishda qo'shimcha topshiriqlar, muammoli bayonlar, ijodiy insholar o'tkazish ham yaxshi natija beradi, o'quvchilarni shu fanga bo'lgan qiziqishini yanada oshiradi.

### **СЎЗ МАЪНОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЎҚУВЧИЛАР ТАФАККУРИ ВА НУТҚИНИ ЎСТИРУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА**

**Д. Дуйсебаева, ТДПУ, катта ўқитувчи**

XXI аср таълим жараёнидаги муаммо – ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, ўқувчиларнинг онгига янги материалларни чуқур сингдириш, уларда мустақил фикрлашга, изланишларига қизиқиш ўйготишдир.

Техника ривожланган бугунги кунда мактаб ёшидаги болаларнинг компьютер саводхонлиги, интернет орқали тайёр маълумотларни олиб, ўзи билганича таҳлил қилиши бир томондан яхши. Аммо бу мактаб ўқитувчиларининг фаолиятига биров бўлса ҳам салбий таъсир кўрсатиши, яъни *ўқитувчи* → *ўқувчи* муносабатининг дарз кетишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолнинг олдини олиш, мактаб ва мактаб ўқитувчисининг шахс шаклланишидаги аҳамияти ва моҳиятини сақлаб қолиш мақсадида дунё олимлари дарсларни янги педагогик технологиялар асосида олиб бориш самарали натижа беришини исботладилар.

Ўқитувчи олдида “нимани ўқитиш керак?”, “нима учун ўқитиш керак?”, “қандай ўқитиш керак?” каби саволлар ўрнига М.Чошанов таъкидлаганидек бугунги жамият талаби билан “қандай қилиб самарали ўқитиш керак?” деган биргина савол муаммо бўлиб шаклланиб қолди.

Умуман олганда, ҳар бир педагогик технология ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини, дарсдан қутиладиган натижанинг қандай бўлиши ҳақида олдиндан тасаввур эта олиш имкониятини яратади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир дарсни таҳлил қилиб, ўқитувчи ва ўқувчи томонидан йўл қўйилган камчиликларнинг кейинги дарсларда олдини олишга ёрдам беради.

Таълим козoқ тилидаги мактабларнинг козoқ тили дарсларини лoйиҳалаштиришда ҳам янги педагогик технологиялардан фойдаланиш таълимнинг режалаштирилган мақсадига эришишни кафолатлайди. Маълумки, умумий ўрта таълим стандартида ҳар бир фан



ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бўлимларга бўлиниб ўтилади. Ҳуқувчилар нутқи ва тафаккурини ривожлантиришнинг асоси лексикология бўлимида эканлиги равшан. Шунинг учун бу бўлимда ўқувчи сўз бойлигини ошириш, сўзларни нутқда ўринли қўллаш куникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Лексикология бўлими ҳам ўз ичида тармоқланиб, 5-6-синфларда сўз маънолари ва уларнинг турлари, бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар, омоним, синоним, антоним ва ўзлашган сўзлар; 7-синфда терминлар, фразеологизмлар, мақол ва маталлар, 9-синфда услуб ва лексикография ҳақида маълумотлар берилди.

Тилшунослик соҳасида ушбу бўлимга оид изланишлар бошқа бўлимларга қараганда биров кечроқ амалга оширилган. Лексика бўлими қозоқ тили фанидан ишлаб чиқилган дастурга 1967 йилда киритилди. Бунга сабаб мактабларда луғат билан ишлаш тизимли равишда амалга оширилмас, ўқувчиларга асосий лексик тушунчалар тўлиқ берилмас эди. Тилшунос олимлар 1978 йилдан бошлаб лексика бўлимининг ўқитиш методикаси соҳасида ҳам изланишлар ва тадқиқотлар олиб бора бошди. А.Айғабилонинг “Лексикани ўқитишнинг айрим масалалари” (1980), М.Оразов “Сўз назарияси” (1985), С.Кенесбаев “Исследования по казахскому языку” (1987) ва бошқа педагогик тадқиқотчилар маълум йўналишлар бўйича ўрганганлар. Аммо мазкур илмий ишларда ўқувчилар фаоллигини ошириш муаммосини сўз маъноларини ўрганишга оид дарсларда ташкил этиш тўла ва яхлит қамраб олинмаган эди. Шунинг учун сўз маъноларини, сўзнинг луғавий таркибини, сўзларнинг ўз ўрнида фойдаланиш усулларини ўқитиш муаммоси ҳали ҳануз ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Агар мактабларда сўз маъноларини ўқитишда интерфаол усуллардан кенг фойдаланилса; ўқувчиларнинг нутқи ва мустақил фикрлаш фаолиятини йўналтиришга қаратилган топшириқлар тизимлаштирилиб амалиётга татбиқ қилинса; тил таълими самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган педагогик технологияларга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилса ўқув жараёни самарадорлиги ортади.

Сўз маъноларини таҳлил қилиш мураккаб жараён ҳисобланади, чунки сўзлар турли маъноларни ифодалаш мумкин. Бу маънолар эса матн ичида англанади. Сўз устида ишлаш, унинг маъносини таҳлил қилиш фақат лексика бўлимида эмас балки грамматика, орфография ва услуб билан биргаликда олиб борилиши зарур эканлигини профессорлар Б.Тухлиев ва Р.Ниёзметовалар ҳам ўз илмий ишларида таъкидлаб ўтишган.

Ўқитувчи учун энг самарали, энг фойдалиси бу ўқувчининг мустақил фикрлай олиши, тил ўрганиши ва маълум бир асарни мазмун-моҳиятини тўлиқ англай олишини таъминлай оладиган усулни тўғри танлаши муҳимдир. Бундай самарали натижа берадиган усулларнинг бири – луғат билан ишлашдир. Луғат билан ишлаш ўқувчининг чуқур

билимга эга бўлишига, саводли ёзишига, тўғри сўзлаша олиш малака ва кўникмасининг шаклланишига жўда катта амалий ёрдам беради.

Луғат билан ишлаш жараёни ўқув жараёни каби узлуксиз тарзда йил бўйи маълум бир тартиб билан ҳар бир дарснинг, мавзунинг мазмунига боғланган ҳолда олиб борилади. Луғатлар ўқувчига кўмакчи восита бўлиб, уларнинг ҳар бирининг мазмуни, шакл жиҳатидан ўзига хослиги ва фойдаланиш услуби бор. Масалан, орфографик луғат – ўқувчиларнинг имлосига ёрдам берувчи восита, изоҳли луғат – сўз маъноси ва сўзнинг қўлланиш ўрнини ўргатадиган қўлланма бўлиб, ўқувчиларнинг лексиконини бойиши, артоф-мухитни танишида билим ва кўникмаларини шакллантиради.

Масалан, 5-синф қозоқ тили дарслигида 225-машқнинг бир топширғи “ептқ” ва “естқ” сўзларнинг маъноларини тушинтиришдан иборат. Ушбу топширикни бажариш учун ўқувчиларга “ептқ” ва “естқ” сўзларининг маъноларини жадвалга солиб таҳлил қилишга ўргатиш лозим.

**Е П Т І** - бир затты жасауға епті; **Е С Т І** - ойлапты жұмыс істейді  
қольман іс келеді; - есі бар  
ебі бар екен - ақылды, ойлы

6-синфда Сифат сўз туркумини тушунтиришда кўйидаги таблицадан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг фикрлаш, сўз маъноларини таҳлил қила олиш кўникмаларини шакллантириш мумкин.

Сындық мағыналарға мысалдар	
түсқ	
көлемқ	
мқнезқ	
дәліқ	
формасы	

Ўқувчилар орасида “ақлий хужум” технологиясини қўллаш ҳам самарали натижа беради. Масалан: *балдай таттиқ (не?), тастай қатты (кқм?), удай аңы (не?), айдай сулу (кқм?), жқбектей жұмсақ (не?), қойдай жуас (кқм?), мұхит сияқты терең (не?), алмастай өтккр (не?)* ва бошқа шу каби савол-жавоблар орқали боланинг тафаккури ва нутки ривожланади.

Сўз маъноларини таҳлил қилиш орқали боланинг нафақат фикрлаш қобилияти ривожланади, балки сўз бойлиги ҳам ортади. Ўқитувчи қозоқ тилида “ақ”(оқ) сўзининг юздан ортиқ маънолари мавжуд эканлиги таъкидлаб, ўқувчиларга уларнинг айримларини ўзлари мустақил таҳлил қилишини топширса яхши натижага эришиш мумкин. Масалан, 1) тозалик белгиси (*ақ босаға, ақ отау, ақ бесққ т.б.*); 2) сулувлик белгиси (*ақ тамақ, ақ дидар, ақша бет т.б.*); 3) катталиқ белгиси (*ақ сақал, ақ бас, ақ қас т.б.*); 4) поклик белгиси (*ақ жсол, ақ ниет, ақ бата т.б.*) ва ҳоказо.

Сўзларнинг ички шакли, яъни маъносини ажрата билиш фикрни баён қилишда гап тузиш жараёнининг асосий вазифаларидан. А.Байтурсинов: “Сўзловчи сўзини ўзи учун эмас, балки ўзгалар учун

гапиради. Шунинг учун сўзловчи фикрини ўзгалар қийналмай тушунадиган қилиб ифодалай олиши керак” деган. Демак, фикрни бундай баён қилиш учун албатта, шу тилни яхши билиши билан бир қаторда лексикондаги сўзлардан ҳам ўз ўрнида фойдалана олиши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Исабаев А. Қазақ тылын оқыту методикасы (жалпы методика). - Т: 2003.
2. Қабдықайырұлы Қ. ва бошқ. Оқытудың педагогикалық жаңа технологиясы. - А.: 1999 ж.
3. ҚТТС. 1-10 том.А.: -1980.
4. Құрманғалиева С. Қазақ тылын тереңдетип оқыту. А.; 1995.
5. Оразов М. Сөз теориясы. Т.: - 1985.

### **МАДАНИЯТЛАРАРО ТАЪЛИМ УСУЛИНИНГ ЧЕТ ТИЛ ЎРГАТИШДАГИ ЎРНИ**

**З. Турсунов,  
С. Дадабоев, НамДУ**

Маданиятлараро мулоқот — турли маданият вакилларининг ижтимоий келиб чиқиши, менталитети, миллий ўзига хослиги, ҳаёт тарзи, урф-одатлари, кадриятлари тизими ва бошқалар тўғрисидаги мулоқотидир. Мазкур жараёнда ўқувчи-талабаларни ўрганилаётган мамлакат маданиятига хурмат, сабр-тоқат қилиш ва ўзга маданиятни тўғри тушуниш руҳида тарбиялаб, ривожлантириб бориш лозим.

Маданиятлараро мулоқот асосини сабрлилик, бағрикенглик ташкил этади. Маданиятлараро мулоқотда ижтимоий маданий хатоларга йўл қўймаслик талаб этилади.

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий глобаллашув жараёнида маданиятлараро мулоқотга бўлган эҳтиёж кун сайин ўсиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида замонавий чет тил дарсларида маданиятлараро таълим усулини қўллаш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бундан кўзланган мақсад, ўқувчиларда нафақат тил кўникмаларини мустаҳкамлаш, балки ўзга миллат маданияти, дунёқараши, миллий анъана ва кадриятларини тўғри қабул қилиш, уларга бағрикенглик тамойиллари асосида ёндашишни шакллантиришдан иборат.

Турли маданият вакиллари ўргасидаги мулоқотнинг тўлақонли амалга ошишида тил кўникмаларининг етишмаслиги билан бир қаторда ўзга маданият ҳақидаги билимларнинг камлигини ҳам алоҳида сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Кундалик ҳаётда кенг қўлланиладиган муҳим тил критериялари, масалан саломлашиш, узр сўраш, хол аҳвол сўраш кабилар ҳар бир маданият ва халқда ҳар хил кўринишга эга. Ҳар бир чет тилни ўрганаётган ўқувчи билиш лозим бўлган бир жиҳат шундан иборатки, тилнинг луғат қатламини тўла ўзлаштириш турли нутқ вазиятларини ўрганилаётган тилда тўла ифода этиш имконини бермайди. Бироқ, анъанавий чет тил дарсларида асосий эътиборни ўқувчиларга тилнинг луғат қатлами ва грамматик хусусиятларини

етказиш билан чекланиш натижасида шу тилда сўзлашувчи халқнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналари, дунёкараши ҳақидаги маълумотлар четда қолиб келганлигини кузатиш мумкин. Ҳар бир тилнинг асосида халқнинг миллий ва маданий хусусиятлари ётади. Миллий анъаналар, қадрият ва одатлар, кишилар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хослиги тил ёрдамида ўз ифодасини топади. Айнан мана жиҳатни инобатга олган ҳолда чет тил таълимига маданиятлараро таълим усули кириб келди.

Анъанавий чет тил таълими асосий эътиборни тил ўрганувчиларга ўрганилаётган тилнинг лексик ва грамматик хусусиятларини тушунтиришга қаратади. Бошқача тушунтирадиган бўлсак, ўрганилаётган тил воситаларини она тили воситалари ёрдамида ўзлаштирилади. Бу усул тилда гапиришни ва фикрни етказиб беришни таъминлайди, натижада тил ўрганувчи шахс ўрганаётган тил оламини ўзи яшаб турган ва кўниккан маданият, миллий қадрият ва анъаналар асосида талқин этади. Маданиятлараро таълим усули эса, анъанавий чет тил ўргатишдаги айнан мана шу камчиликини тўлдиришни назарда тутади. Чет тил ўргатиш баробарида ўша тил ортида турган маданий ўзига хосликлар, миллий қадрият ва қарашлар ҳам ўқувчиларга тушунтириб берилиши керак. Бу эса ўз навбатида ўзга халқ маданиятини тушунишни ва унга тўғри муносабатда бўлишни таъминлайди. Тил муҳитини яратишда шу тилда сўзлашувчи халқнинг маданияти, қадрият ва анъаналари, миллий ўзига хосликларини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Чет тил ўргатишга бундай ёндошув, тил ўрганувчиларда тил муҳитини ҳис этиш ва унинг юқорида санаб ўтилган хусусиятларига тўғри баҳо бера олишни шакллантиради. Бунда ўқувчилар тилнинг луғат тизимини фақатгина таржима қилиш билангина чекланмай, балки шу сўзлар асосида ётган маданий ва миллий ўзига хосликларни ҳам ўзлаштирадilar. Маданиятлараро таълим усули чет тилга ўз она тили нуктаи назаридан эмас, аксинча ўрганилаётган тил муҳитидан келиб чиққан ҳолда ёндошувни тақазо этади.

Маданиятлараро таълим усули чет тил ўрганиш ва ўргатиш жараёнида ўз олдига маданиятлараро мулоқот кўникмасини шакллантиришни мақсад қилиб қўяди. Маданиятлараро мулоқотни тўғри ташкил этишда ўзга халқ ва миллат хусусиятларидан яхши бохабар бўлиш муҳим роль ўйнайди. Бу ўз навбатида ўзаро тушунмовчилик ёки англашилмовчилик ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади. Шу боис ҳам, маданиятлараро таълим усули чет тил дарсларининг ажралмас қисмига айланиши зарур.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ж. Жалолов, Чет тили ўқитиш методикаси, Т. 1996
2. G. Neuner, Methoden des fremdsprachlichen Deutschunterrichts. Berlin. 1997
3. Daniel Gaonac'h, Theories d' apprentissage et acquisition d' une Langue etrangere, Paris, 1991

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА НУТҚ ЎСТИРИШ

А. Нажимова, Нукус ДПИ, ўқитувчи

Нутқ ўстириш – методик тушунча. Методик адабиётларда берилган изоҳларга кўра, нутқ ўстириш – ўқувчининг нутқига уни сифат ва миқдорий кўрсаткичлар жиҳатидан ижобий томонга ўзгартириш мақсади билан ўтказиладиган таъсир, шу йўлда кўриладиган методик чора-тадбир. Шунинг учун «Она тили» ДТСида ана шу параметрлар устувор саналади. Назаримизда, 1-синф ўқувчиси ўз фикрларини дастлаб таклиф этилган мавзуда 2-3 та, кейинроқ 3-4 та гап билан эркин ифодалашни ўрганиши, кейинроқ гаплар миқдорини аста-секин орттириб бориши керак.

Тузилаётган гаплар аввал 2-3, сўнг 3-4, 4-5 сўздан иборат бўлиши, яъни жумладаги сўзлар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилиши лозим.

Луғат бойлигидаги, сўз шаклларидаги, синтактик қурилмалардаги ўзгаришлар нутқнинг сифат жиҳатдан ўсишини англатади. Бунга сўзлашдаги коммуникатив жиҳатлар келиб қўшилиб, нутқни янада баркамол қилади.

«Нутқ ўстириш» тушунчасининг маъно кўлами юқоридаги вазибалар ҳажмидан камроқ белгиланса, демак, амалга ошириладиган ишлар кўлами ҳам тор тасаввур қилинади. Масалан, «нутқ ўстириш» тушунчаси назарий билимни ўрганиш жараёни билангина боғланса, ишлар кўлами ниҳоятда тораяди, чунки нутқ ўстириш назарий билимни англаш, ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга доир машқлар берадиган имконият чегарасидагина амалга ошади. Башарти юқоридаги иш турларига қўшимча равишда асл нутқий машқлар ҳам киритилса, бу ҳолда тушунча маъноси бирмунча кенгаяди. Таъкидлаш жоизки, «нутқ ўстириш» тушунчасини тор маънода қабул қилиш ҳам, кенг маънода олиш ҳам ўқитувчини асосий иш турларидан (асл нутқ ўстиришдан) чалғитади. Сабаби муаллим назарий билимни ўзлаштириш жараёнида бажарилган машқлар орқали нутқ ўстирилди, деб ҳисоблайди. Аслида ушбу жараён ўқувчиларни асл нутқий машқларга тайёрлайди, холос. Аксинча, бу ўринда ўқитувчининг бошланғич синфларнинг она тили дарсларида назарий билимларни ўрганиш ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш учун хизмат қилади, деб эмас, балки нутқнинг тўғрилигини таъминлайди, деб ҳисоблаши муҳим аҳамиятга эга. Аксинча, у назарий билимларнинг ўзи ўқувчилар нутқини ўстиради деб ўйласа, шунга эришдим, деган хулоса билан ўтилган дарслардан қаноатланиб юради. Бу ҳолат хотиржамликка, нутқ ўстиришнинг ўзига хос ва мос чораларини изламасликка сабаб бўлади. Нагигада амалиётда жиҳдий методик нуқсонга йўл қўйилади. Шунга кўра даставвал таълим мақсадига аниқлик киритиб олиш, ўқитувчининг ўқувчилар нутқини ўстириш билан боғлиқ асосий фаолияти мазкур ишларнинг мазмунини ташкил этувчи лексик ва грамматик материалларни фаоллаштиришга қаратилмоғи, ўқувчиларнинг куч-ғайратини гап тузиш ва фикр

билдиришдаги сифат ва микдорий кўрсаткичлар, коммуникатив жиҳатлар сари сафарбар этмоғи даркор.

Нихоят, нутқ ўстириш йўналишидаги ишлардан яна бири ер юзида глобал ахборотлашув жараёни кечаётгани билан боғлиқ: ҳозирги даврда ўқувчиларни ахборот олиш маданиятини эгаллаш сари йўналтириш, шунга тайёрлаш ҳам муҳим вазифадир. Бу ишлар мутолаа маданиятини эгаллаш замирида амалга оширилади.

Ўқитувчи назарий билимлар устидаги ишлар ўқувчиларни нутқ ўстириш ишларига тайёрлайди, нутқ ўстириш ишлари махсус нутқий машқлар асосида амалга оширилади, деган фикрда бўлган тақдирдагина дарс самарадорлигини таъминловчи чора-тадбирларга йўл очилади. Лекин *муаммо шундаки*, назарий билимлар устида ишлаш жараёнини ҳам, алоҳида нутқ ўстириш жараёнини ҳам умумлаштирган ҳолда «нутқ ўстириш» деб номлаш, юқорида таъкидлаганимиздек, ўқитувчининг асл нутқий машқлар ўтказишга бўлган масъулиятини пасайтиради.

Она тили дарсларида нутқ ўстириш деганда нутқий машқлар бажариш тушунилганда, *тушунча тор маънода олинади*. Бу энди назарий билимлар ўрганиш жараёнида ўтказиладиган нутқий машқларнинг ўзи эмас. Чунки нутқ ўстиришдан, методик адабиётларда таъкидланганидек, қуйидаги уч йўналишдаги мақсадлар кўзда тутилади: 1) сўз устида ишлаш; 2) сўз бирикмаси ва гап устида ишлаш; 3) боғланишли нутқ устида ишлаш.

Сўз, сўз бирикмаси ва гап устидаги ишлар назарий билимни ўрганиш жараёнида рецептив ва репродуктив, қисман маҳсулдор даражада бўлса-да, озми-кўпми бажарилади. Лекин бундай нутқий машқ жараёнидаги ишлар қай тарзда амалга оширилиши кераклиги ноаниқ бўлиб қолаверади. Агар назарий билимни ўрганиш ва мустаҳкамлаш, шу мақсадда рецептив ва репродуктив машқларни бажариш жараёнидаги лексик ва грамматик ишлар ўқувчиларни нутқ ўстиришга тайёрлайди, деб ҳисобласак, у ҳолда танишилган сўзлар, сўз шакллари, синтактик қурилмалар нутқ ўстириш мавзусида сўзлаш учун тақозо этиладиган бўлиши керак. Башарти, ушбу жараёнда нутқ ўстириш мавзуси тақозо этмайдиган тил ҳодисалари билан танишилган бўлса, у ҳолда ўқувчилар нутқий машққа тайёрланмайди. Демак, бундай машқларни адо этишдан аввал бирор тарзда лугат иши, сўз шакллари ва гаплар устидаги ишлар алоҳида ташкил этилмоғи даркор.

Биринчи ҳолатда, бизнингча, дарс босқичларини ўз номи билан, яъни назарий билимларни ўзлаштириш ва нутқ ўстириш деб аташ маъқул бўлади. Чунки биринчисида назарий билим ўрганилади, машқлар ёрдамида мустаҳкамланади, машқ материаллари воситасида ўқувчилар янги тил ҳодисалари билан танишадилар, сўз, гап ва матнни ўқийдилар, ўқитувчининг саволларига жавоб берадилар, гап тузадилар, матн мазмунини қайта ҳикоя қиладилар. Маълум бўладикки, биринчи жараён ўқувчиларни нутқ ўстиришга тайёрлайди. Демак, ўқитувчи биринчи жараён ўқувчиларни иккинчисига тайёрлайди, деган фикрда комил ишонч билан иш олиб бориши керак. Шунда у назарий билимни

Ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш учун замин яратиб ҳақида ҳам қайғура бошлайди.

Нутқ ўстириш учун учала йўналишнинг бирдай аҳамияти бор. Ўқувчининг фаол сўзлар захираси қанча бой бўлса, у фикрни аниқ ва равшан ифодалашда шунча ўзини эркин ҳис этади. Бола пассив сўзлар бойлигини қанча кўп тўплай бора, у ўз савиясига мос ҳар қандай матн мазмунини тез, тўлиқ ва чуқур тушуна олади. Ўқувчининг нутқи синтактик қурилмаларга қанчалик бой бўлса, у ранг-баранг, энг нозик фикрларни ифодалаш лаёқатига эга бўла боради. Фикрлар мантикий изчил, асосли баён этилса, нутқ тингловчини ишонтириш қудратини касб этади. Шунинг учун ҳам она тили дарсларида ҳар уч йўналишдаги иш турларига ўзига яраша вақт ва куч сарфлаш талаб қилинади. Бу ишларга қанча вақт ва куч сарфлаш энди, бир томондан, давлат таълим стандарти талабларининг ижросига, ўқув дастурининг мазмуни ва дарслик имкониятларига, иккинчи томондан, ўқитувчининг дарс бериш маҳоратига боғлиқ.

## **ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШ МАҚСАДЛАРИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ**

**А. Султанова, Нукус ДПИ, ўқитувчи**

Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитишнинг асосий мақсадлари сирасида ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг истакларини назарда тутадиган ўқитувчилар кўзлайдиган мақсадлар бўлади. Ана шу мақсадларни аниқлаш ниятида улар орасида сўровнома ўтказилди.

«Сиз ўзбек тили дарсларида грамматик материалларни (грамматик терминлар, таъриф ва қоидалар, грамматик воситалар) қай даражада ўрганиш зарур деб ҳисоблайсиз?» деган саволга 30 ўқитувчининг 12 нафари «Тўлиқ», 5 таси «Қисқа», 4 нафари «Энг зарурларини», 9 таси «Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларида билиш лозим бўлган даражада» деган жавобни маъқул кўрган.

Маълум бўладики, аксарият муаллимлар ўзбек тилидаги грамматик материалларни тўлиқ ўргатиш тарафдори. Лекин давлат тилини олий ўқув юртига кириш имтиҳонларида билиш лозим бўлган даражада ўрганиш уни тўлиқ егаллашга яқин туради. Бу ўқитувчиларнинг ўзларигина маъқул топган таълим мазмуни билан боғлиқ ҳажм эмас, балки ўқувчиларнинг, улар ота-оналарининг хоҳиш-истаги, эҳтиёжини ифода этувчи ҳажмдир.

«Ўзбек тили» дарсликларида берилган грамматик материаллар сизни қониқтирадими?» мазмунидаги саволга берилган жавоблар: а) ҳа – 12 нафар ўқитувчи, б) йўқ – 6 та, в) қисман – 12 киши. «Йўқ», «Қисман» деган жавобларни белгилаганлар «Ўзбек тили» дарслигида тавсия этилган мазмунга нисбатан ижодий муносабат намоён этган бўлсалар, «Ҳа» деб жавоб қайтаришни маъқул топган 12 ўқитувчининг бундай йўл тутмаганлиги уларда ўқувчиларга эҳтиёжлари ва



имкониятларидан келиб чикиб етарли билим бериш керак деган масъулият шаклланмаганлигидан далолат беради.

«Сиз ўқувчиларга ўзбек тилидаги грамматик материалларни қайси мақсадларда ўргатиш керак деб ҳисоблайсиз?» деган саволимиз ҳам олдинги саволларнинг бошқача бир кўриниши эди. Лекин ўқитувчининг таълим мақсадларини қанчалик тўғри англаб етишини билиш ҳам муҳим масаладир. «а) Ўқувчиларнинг ўзбек тилида саводли гапира олишлари ва ёза билишлари» деган жавобда тўхтаган 11 ўқитувчи давлат тилини ўқитишнинг асосий мақсадини ифода эта олган. Лекин 19 кишининг «б) Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларидан яхши балл тўплашлари» жавобини маъқул топгани ўқувчиларни асосий мақсаддан чалғитмай қолмайди. Сабаби, кириш имтиҳонлари тестлари устида олиб бориладиган ишлар грамматикани нутқ ўстириш мақсади билан эмас, кўпроқ филологик тайёргарлик муносабати билан ўрганишни англатади. Бу ўқитувчилар дарсларда нутқ ўстиришга қаратилган машқлар ўрнига тестлар билан ишлайдилар.

Мактабларда бўлиб, ўқувчилар билан, баъзан уларнинг ота-оналари, ўқитувчилари билан суҳбатлашганимизда, юқори синфларда релетитор ёллашга тўғри келаётгани, ўғил ёки қизлари олий ўқув юртига баъзан ўзбек тилини яхши билмаганлик туфайли паст балл тўплаб кира олмаётганини ачиниб, аллақандай норозилик билан айтишларининг гувоҳи бўлганмиз.

«“Ўзбек тили” дарсликларидagi грамматик материалларни кўпайтириш керакми?» деган саволимизга берилган жавоблар ҳам ўқитувчилардаги бу масалага бўлган муносабатнинг ҳар хиллигидан далолат беради. 30 ўқитувчининг 12 нафари «Ҳа», 11 таси эса «Йўқ» деган. 4 ўқитувчи грамматик материалларни «Қисман кўпайтириш керак» деган фикрда. «Қисман камайитириш лозим» деган жавобни маъқул топган 3 кишининг муносабати ҳақиқий ахволдан беҳабарлик натижаси бўлса керак деб ўйлаймиз.

«“Ўзбек тили” дарсликларида грамматик қўшимчалар талаффузи ва имлосини, нутқда қўлланишини ўргатишга мўлжалланган машқлар етарлими?» деган савол ўқитувчиларнинг касбий билимларини синаш имконини беради. Чунончи, 30 ўқитувчининг 11 нафари «Ҳа», 14 таси «Йўқ» деган бўлса, 5 киши ўзининг кузатишларига асосланганлигини намоён этиб, «Дарсликларда бундай машқлар йўқ» деган жавобда тўхталган. Умуман олганда, «Йўқ» ва «Дарсликларда бундай машқлар йўқ» деган жавобларни маъқул кўрган ўқитувчиларнинг кўплиги масаланинг жиддий эканлигидан далолат беради.

«Бугунги кунда грамматик материаллар устида олиб борилаётган ишлар, бажарилаётган машқлар сизни қаноатлантирадилми?» деган саволимиз якуний эди. Саволга «Ҳа» деб жавоб берганларнинг кўп эканлиги (15 киши) ўқитувчиларда ҳали дарсликларга, мавжуд таълим мазмунига етарли даражада онгли, ижодий ва танқидий муносабат шаклланмаганлигидан далолат беради. Афсуски, кейинги жавобни танлаганлар биринчи жавобни маъқул кўрганларга нисбатан озчиликни



ташкил этади: «Йўк» – 9 киши, «Кўпгина машқлар зерикарли» – 3 нафар, «Машқлар нутқ ўстирмайди» – 2 ўқитувчи.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, амалдаги 5–7-синфлар «Ўзбек тили» дарсликларидида қўшимчаларни ангагишга доир материаллар берилган, лекин уларга бирор изоҳ келтирилмаган. Бу иш ўқитувчилар ва ўқувчилар ихтиёрига тўла топшириб қўйилган.

Маълум бўладики, ўзбек тили ўқитувчиларининг бир қисми грамматик материал деганда грамматик термин, таъриф ва қоидалар, грамматик воситаларни биргаликда тушунсалар, кўпчилиги уларни бир бутун ҳолда олмайдилар; аксарият муаллимлар грамматик материалларни тўлиқ, олий ўқув юртига кириш имтиҳонларидан яхши балл тўплашлари учун етарли даражада ўрганиш керак деган фикрдалар; уларни дарсликлардаги грамматик машқлар қаноатлантирмайди, бундай машқларни кўпайтириш зарур деб ўйлайдилар; кўпчилик ўқитувчилар дарсликларда грамматик қўшимчаларнинг талаффузи ва имлосига доир маълумотлар ҳам, машқлар ҳам оз деб ҳисоблайдилар; аксарият муаллимларнинг фикри грамматик материаллар нутқ ўстириш учун хизмат қиладиган тарзда танланиши ва тақдим этилиши лозимлиги масаласида уйғундир.

Аксарият ўқитувчилар грамматик материаллар нимадан иборат эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмаслар, бунинг натижасида дарсда асосий эътиборни нимага (грамматик воситага) қаратиш зарурлиги ҳақида кўп вақт ўйламайдилар.

Ўзбек тили ўқитувчилари грамматик материалларни ўрганиш мақсадларини ноаниқ тасаввур қиладилар. «Ўзбек тили» дарсликларидида грамматик қўшимчалар талаффузи ва имлосини, нутқда қўлланишини ўргатишга мўлжалланган машқларнинг озлигини англаган ўқитувчилар жуда кам. Бунга уларда нутқ ўстириш жараёнида грамматик воситалар устидаги ишларни кўпайтириш керак деган хулосалар пайдо бўлмаганлиги сабаб деб ҳисоблаймиз.

## **ДАРСНИНГ ОЛИНГАН БИЛИМНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ БОСҚИЧИ**

**С. С. Тажбенова, Нукус ДПИ, ўқитувчи**

Бошланғич синф она тили дарсларида назарий билимни ўрганиш ва мустаҳкамлаш ишлари якунида уни амалда қўллаш машқларини бажаришнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти катта. Ушбу жараён ўқувчиларда она тилининг амалий мақсадларда ўрганилаётганилиги ҳақида ишонч пайдо қилади. Бугина эмас, янги мисоллар асосида ўрганилаётган тил ҳодисасининг номаълум қирраларини кашф эта бориш иши давом эттирилади.

Билимни амалда қўллашни тақозо этадиган машқни бажаришга киришишдан олдин ўқувчиларнинг аввалги босқичда чиқарган хулосалари, дарсликда берилган қоида кўрсатмалилик шаклини олган Кластер япроқлари асосида эслаб олинади. Сўнгра ўқувчилардан

машқда берилган мисолларни ўқиб, ундаги тил ҳодисаларини тадқиқ этишда давом этиш, қоида ёрдамида изоҳлаш талаб қилинади.

4-синф «Ана тили» дарслиги асосида **ілік септік**ка доир билим ўрганилгач, 152-машқ шартига кўра нукталар ўрнига тегишли кўшимчаларни кўшиб гапларни ўқиш, 153-машқ шартига кўра **атау септік**даги сўзларни ілік септікда қўллаш, 154-машқнинг 2-топшириғига кўра гапларни ўқиб, ілік септікдаги сўзларнинг тагига чизик чизиш жараёнида таҳлил ва тадқиқ ишлари давом эттирилади, хулоса-қоида мустақамқамланади.

Умуман, назарий билимни амалда қўллаш юзасидан қуйидаги иш турлари ва машқлар бажарилиши мақсадга мувофиқдир:

1) ўқувчиларга дарсда ўрганилган ёки илгари танишилган хулоса-қоидани эслатиш;

2) тил ҳодисасини фарқлаб қўллашга асосланган машқ турларини бажариш;

3) тил ҳодисасининг қўлланишини тушунтириш асосида бажарилган машқ якунида хулоса-қоидани умумлаштириш;

4) ўқувчиларнинг мисол келтиришлари;

5) таълимий диктант, баён ва иншо ўтказиш; назорат ишлари;

6) хатолар устида ишлаш жараёнида назарий билимга таяниш;

7) назарий билимларни турли ўйинлар орқали такрорлаш.

Машқ бажариш жараёнида назарий билим асосида тил ҳодисаларини изоҳлаш қийинчилик туғдирса, дарслик устида ишлаш, жадвалдан ўқиб бериш, жадвал асосида эсга тушириб айтиш каби юмушлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жадвал (слайд) тайёрлашда дарсликдаги қоида асос қилиб олинади. Масалан, **табыс септік** юзасидан қуйидаги жадвал тузилади:

2.1-жадвал

### ТАБЫС СЕПТИК

Табыс септігінің жалғаулары		
Жуан буыннан соң жуан түрде	Жқңқшке буыннан соң жқңқшке түрде	Тәуелдеулік зат есім сөздеркнен соң
-ны, -ды, -ты	-нқ, -дқ, -тқ	-н

Машқ бажариш жараёнида ўқувчилар ушбу жадвалдан фойдаланиб (дастлабки кезларда қоиданинг тегишли қисмини ўқиб бериб) қўлланиши лозим бўлган кўшимчани изоҳлайдилар ва ишлатадилар. Кейинроқ уларни эсда олиб қолишга ҳаракат қилган ҳолда вазифани бажара бошлайдилар.

Билимни амалда қўллашга доир машқлар вақти-вақти билан ўтказилиб турилади. Бундан ташқари, маълум қоидалар 1-синфдан 4-синфгача такрорлаб борилади. Тегишли қоидани эслаш зарур бўлган ҳолатларда «**Қоидалар билимдони**» **беллаиувиини** ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Амалда қўллашга доир ишлар якунида ёки бу ишларнинг бирор босқичида назорат ишлари ташкил этилади. Бундай ишлар ўқувчиларнинг тадқиқ этиш (изланиш) натижасида қўлга киритган ютуқлари, йўл қўйган камчиликларини ўз вақтида аниқлаш имкони туғилади. Грамматик тушунчанинг нечоғлик шаклланганига қараб бундан кейинги ишлар мундарижаси белгиланиши мумкин. Хатога йўл қўйган ўқувчилардан шундай йўл тутганлигининг сабабини сўраб туриш ҳам фойдали. Бунда болалар ўрганилган қоидаларга ҳам мурожаат этадилар. Бундай пайтларда қоида тез ёрдам вазифасини ўтайди, у оператив қоидага айланади.

Ўқитувчи машқларнинг бир хил бўлишидан кочиб, бир дарсда ягона мақсад билан ўзаро боғланмаган турли хилдаги топшириқларни мумкин қадар кўпроқ беришга ҳаракат қилади: кўчириш ва тагига чизик чизиш; тушириб қолдирилган ҳарф ва сўзни қўйиб кўчириш; гапни тўлдириш; ўйлаб топиш; тузиш ва бошқалар. Бундай машқлар бир дарсда эмас, бир неча дарсда ўтказилади.

Айни таълимий машқлар пайтида болалар амалий ҳаракатлар усулларини ўрганадилар, бажарилаётган амалларнинг характери ва изчиллигини гапириб беришга одатланадилар. Шунинг учун ҳам дарсда оғзаки ва ёзма нутқ нисбатини, ўқитувчи қўйган мақсадга эришиш учун зарур фаолият турларини тўғри белгилаш муҳимдир.

Хуллас, бошланғич синф она тили дарсларида назарий билимни онгли равишда ўзлаштириш ва уни шу тарзда амалда қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш ишларининг сўнгги босқичига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Билимни амалда қўллаш машқи ўқувчиларнинг таҳлил ва тадқиқ этиш малакаларини баҳолаш имконини беради.

## **УЗЛУКСИЗ ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИНИ ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИГА КЎТАРИШНИНГ МЕТОДИК МУАММОЛАРИ**

**А. Эргашева, Фарғона давлат университети, ўқитувчи**

Ўқувчининг маънавий камолотга эришувидаги зарур шартлардан бири она тилини чуқур ва пухта ўрганиб, ундан мулоқот маданияти, ижодий, илмий, расмий-идоравий эҳтиёжлар тақозо этадиган даражада фойдалана олишга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши, тинмай ўз нутқини ўстира бориши, фикр доирасини янгидан-янги тушунчалар билан мунтазам кенгайтиришидир.

Узлуксиз она тили таълимини, хусусан, ўқувчиларнинг мазмундор ва таъбирчан гап тузиш малакаларини шакллантириш методикасини янги сифат даражасига кўтариш учун қуйидагиларни амалга ошириш даркор:

биринчидан, шу кунга қадар яратилган мажмуалар (стандарт, дастур, дарслик, методик қўлланма, кўрсатма қўлланмалар ва бошқалар) юзасидан тўпланган фикр-мулоҳазалар, жумладан, камчилик ва нуқсонларни аниқлаш ҳамда ўз вақтида ҳисобга олиб бориш,

иккинчидан, ўқитувчилар, мутахассислар, тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган таклифларни ўрганиш ва инобатга олиш.

Диалектиканинг асосий қонунларидан бири микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунидир. Ушбу қонун она тили таълимига татбиқан шуни англатадики, она тили ўқитишга доир мажмуаларнинг ютуқ ва камчиликлари юзасидан астойдил йиғилган фикр-мулохазалар микдори пировардида ушбу мажмуаларнинг сифатини сезиларли даражада кўтариш имконини беради. Бу ишда қуйидаги йўналишлар, улар билан боғлиқ муаммолар муҳим ўрин тутади:

- она тили давлат таълим стандарти, ўқув дастури, дарсликларнинг ютуқ ва камчиликлари;

- ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибалари, амалиётда йўл қўйилаётган нуқсонлар;

- методик қўлланмаларнинг баркамол жиҳатлари, кемтик томонлари;

- мажмуанинг бошқа унсурлари билан боғлиқ ютуқ ва камчиликлар;

- янги педагогик ва ахборот технологиялари бўйича тўпланган ижобий натижалар, уларни амалиётга жорий этишдаги қийинчиликлар.

Ўқувчиларни мазмундор ва таъсирчан гап тузишга ўргатишда айрим она тили ўқитувчилари йўл қўяётган типик камчиликлардан бири тузилаётган гапларнинг мазмунига эътиборсизликдир. Дарсни кузатаётган кишида ёшларнинг назарий билимга мисол келтириш жараёнида жўн гап тузаётганликлари учун туртки бўлаётган омиллар нималардан иборат, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бизнингча, бу омилларга қуйидагилар киради:

1. Топшириқ учун ажратиладиган вақтнинг қисқалиги. Ўқувчи янги ёки такрорланаётган мавзу юзасидан ўтилган назарий материални гапириб берганда, ўз фикрларини мисоллар билан тасдиқлаш учун бирикки сўз бирикмаси ёки гап тузиб айтади. Бунда баъзан у узокрок ўйланиб қолади. Вақтни қизғанаётган ўқитувчи бу ҳолатни билмасликка, тайёргарликнинг бўш эканлигига йўйиши мумкин.

2. Бехосдан ҳаёлга келган нарса ҳақида бирор гап тузиб айтишнинг осонлиги, ўйлаб ўтиришга эҳтиёж туғилмаслиги.

3. Ўқитувчининг ўқувчининг одагдигидек мисол келтириш учунгина тузиб айтган, фикр тўлиқ ва аниқ ифодаланмаган гаплари билан қаноатланиши.

4. Она тили дарсларида айна шу иш турининг педагогик-дидактик жиҳатдан нечоғли аҳамиятли эканлигига эътиборнинг етарли эмаслиги.

5. Ўқувчилардан мазмундор ва таъсирчан гап тузиш астойдил талаб этилмаётганлиги.

Ушбу ҳолатга мажмуа нуқтаи назаридан қаралса, она тили давлат таълим стандарти, ўқув дастури, дарсликлар, методик қўлланмалар ва мажмуанинг бошқа унсурларини бир йўла аниқ бир мақсад билан такомиллаштириш ҳамда узлуксиз она тили таълимининг янги сифат даражасини таъминлаш зарурлиги аён бўлади.

## ДРАМАДА РУҲИЙ КОЛЛИЗИЯ

В. Аҳмедова, “Ўзбек адабиёти”  
кафедраси катта ўқитувчиси

Ўзбекистон миллий истиқлолга эришуви мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётида туб ислохатлар олиб борилишига сабаб бўлибгина қолмай, халқнинг моддий-маънавий турмушини ҳам ўзгартириб юборди. Инсон маънавияти миллий ўзликни англашнинг энг муҳим омили эканлиги аён бўлди. Президентимиз И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида: “Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга ўз таъсирини ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади”<sup>47</sup> деган фикрларни айнан бугунги кун адабиётига қарата айтилган десак янглишмаймиз.

Фан ва маданият, адабиёт ва санъат борасида қисқа фурсат ичида мислсиз ўзгаришлар рўй берди. Моддий талаб ва эҳтиёж бозор иқтисодиёти муаммолари билан юзма-юз келган инсонни тараққиёт сари интилишга, замон тақозо этган фан ва техника ютуқларини эгаллашга, рақобат оламида синиб қолмаслик учун тинимсиз ҳаракат қилишга мажбур қилди. Драма жамият бадиий эстетик тафаккурининг инъикоси сифатида юзага келар экан, олам ичра эврилаётган инсон адабиётнинг бош мавзуси бўлиб қолаверади.

У.Азимнинг “Бозор” драмаси қаҳрамони Эркин Равшан образида ҳам руҳий коллизиянинг кучли тасвирини кўриш мумкин. У атрофидаги инсонлар билан бўлган конфликтларни ҳал қилишга ҳаракат қилади. Лекин ўз-ўзи, ички олами, руҳиятида бўлаётган туғённи енголмайди. Ўз принципларига, ёзувчи деган номига доғ туширишни истамаган қаҳрамон ўлимни энг тўғри йўл деб танлайди. “Бозор” драмаси марказида турган масала чинакам инсоний, эътиборли масаладир. Бир қарашда унчалик муҳим бўлиб кўринмайдиган бу муаммо, яъни инсонда билим, савия, мансаб, бойлик бўлиш билан бирга, меҳр шафқат, одамлилик, фаросат, имон, виждон ҳам бўлиши керак деган

<sup>47</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б.29

масала ҳамиша ўта долзарб бўлиб келган. Албатта, ҳаётда ўз хиссиётини, қалб ҳароратини йўқотиб қўйган одамларни ҳамма вақт ҳам топса бўлади. Драмада муаллиф бундай инсонларни Қосимов, Шариф, Сайёра каби образлар орқали талқин қилган. Кейинги йилларда бундай одамлар борган сари кўпайиб бормоқда. Бунга бир томондан фан-техника инқилобининг жадал ривожланиши ва ҳаётнинг барча қатламларига кенг ёйилиши, бозор иқтисодиёти даврида ижтимоий муносабатларнинг тобора мураккаблашиб бориши сабаб бўлаётган бўлса, иккинчи томондан одамларга фақат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, мансаб ва мавқега асосланиб баҳо беришга одатланиб қолганимиз натижасида меҳнатда илғору, инсоний муносабатларда тубан, кўкрагига орденлар тақиб юрсада, аммо фаросат, меҳру оқибатдан, имондан маҳрум шахслар борлиги ҳаммага маълум. Одамгарчилик, инсонийлик, меҳру-оқибат, фаҳму-фаросат, виждон деган тушунчаларни ҳар ким ҳам ҳар хил тушунади. Буни адабий асарда гавдалантириш учун ҳар бир жанрнинг ўзига хослиги ва имкониятлари даражасидан келиб чиқиш керак. Насрий асарда бу масала кенг ҳамда атрофлича қўйилиши, турли характерлар ўртасидаги курашда ҳал этилиши мумкин. Драма жанрида эса ўзгачарок. Унда рухий, ижтимоий коллизиялар ўта кескин тус олади ва шубҳасиз, драматург иштирокисиз ривожланиши жоиздир. Бу аксиома (сўзсиз қабул қилинган қоида, илк асос). Бироқ ҳаракат ҳам ҳаракат бор. Бу ҳаёт мантиғига мос келувчи ҳаракат бўлмоғи шарт. “Бозор” драмасида муаллиф асар воқеаларин ва ваҳрамонларини сюжет чизигидан шундай жойлаштирганки, улар давр ва инсон фожиасини очиб берган.

Драмада қаҳрамон хатти-ҳаракатида юз бериши мумкин бўлган табиий ҳолат ва воқелик ҳамма вақт ҳам сахнада кўрсатиларвермайди, бу қаҳрамоннинг илгариги табиий хатти-ҳаракти ва кейинги ҳолатидан англаб олинади. Қаҳрамон ҳолатида содир бўлиши мумкин бўлган ўзгариш ва воқеа сирини англаб олишни китобхон – томошабиннинг ўзига хавола қилиш ҳам драматурглик санъатидир. “Сахнада тўхтаган ҳаракат сахна орқасида давом этади”(Дидро)<sup>48</sup> деган антракт ҳақидаги муҳим назариядан келиб чиқиб иш тутган драматургни айблаб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, истеъдодли ижодкорлар фақат ёзувчи бўлиш учунгина асар ёзишмайди. Ёзишдан мақсад аввало жамият маънавиятига, тафаккури, маданияти, маърифати ва бадииятини ривожлантириш бурчидир. Бунинг учун аввало туғма истеъдод, ўз халқига хизмат қилиш даъвати, ўз иши, эли, юртига баланд эътиқоди ва ижодига маъсулият хисси бўлмоғи даркор.

<sup>48</sup> Аникет А. Теория драмы от Аристотеля до Лессинга. – М: 1967. – С.333

## Адабиётшунослик

### ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИГА ХОС ШАКЛИЙ ВА УСЛУБИЙ ИЗЛАНИШЛАР

М. Миркосимова, ТДПУ, пед. ф. д., профессор

Бугунги ўзбек шеъриятига хос шаклий ва услубий изланишлар аёлга хос ёник, безовта руҳият манзараларини шеърий йўсинда ифода этаётган Фарида Афрўзнинг “Тасбеҳ”, “Ушшоқ” каби тўпламлари мисолида ҳам кузатилади.

Шоиранинг 231 тасбеҳ ва 99 фикрани ўз ичига олган “Тасбеҳ” тўпламидаги учлик шаклини олган шеърлари сўнги давр шеъриятига хос янги ҳодиса сифатида эътироф этилди. 33 тасбеҳнинг гўё бир шодага тизилиб, етти шеърий маржонни ҳосил қилиши чиндан шаклий ифода яратишдаги шоира кашфиётидир. Муаллиф қисқа учликлар замирига серкатлам, салмоқли поэтик маъноларни сингдириб, инсон кўнглини поклашга ундовчи мисраларни тасбеҳ доналари кабт тизиб чиқади. Бу мисралар таг маъноли, фалсафий фикрларни ифода этади. Одамларни қалбан поклянишга чорлайди.

“Оллоҳ мулкида ҳеч нарса сотилмайди.

Сотгувчи ҳам – ўзи,  
Олгувчи ҳам – ўзи.”<sup>49</sup>

“Дунёни бозорга ўхшатадилар.  
Дунёни ҳар нега менгзаш мумкин.  
Масалан, ўргимчак тўрига”.

Ушбу учликлар орқали шоира инсонни маънавий поклянишга ундайди. Дунёни сотиш ва сотиб олиш мумкин, -деб ўйловчи одамларни ўргимчак тўрига тушган ожиз ҳолатда тасаввур этамиз.

Тўпламдаги тасбеҳларда қофия, туроқ, вазн каби шакл унсурлари қатъий ё аниқ эмас. Ҳар уч мисрада ифода этилган фалсафий фикр муайян оҳангни ҳосил қилган. Шу оҳанг шеър мисраларини мантиқан боғлаб туради. Аввалги мисрада ифода этилган фалсафий фикр кейинги икки мисрада изохланади:

“Сойга тушди тилла узугим,  
Сув оқди карвон-карвон.  
Бир наҳанг ютиб кетди.”

Айрим учликлар эса лирик қаҳрамон руҳиятини, кўнгили армонларини мисрама-мисра ички мантиқий боғлиқликда ифода этади:

“Юрагимга қадалар қоя,  
Осмон пастлик қилмоқда Сенсиз,  
Оёқларим ерга тегмайди.”

<sup>49</sup> Фарида Афрўз. Тасбеҳ. (Учликлар). Т.: Шарк.-2007. (Кўчирмалар шу нашрдан олинди.)

Ифода таъсирчан, фавкулотда ҳолат, яъни “юракка қоянинг қадалиши”, “осмоннинг пастлик қилиши”, “оёқларнинг ерга тегмаслиги” талқини китобхонга лирик қаҳрамон кечинмаларини ҳис қилдиради. Ҳаёт зиддиятларининг инсон кўнглида ясаган тўнтаришларини тасаввур этиш имконини беради.

“Улар бирга яшайдилар тўқ.

Сизлайдилар бир-бирларини.

Ҳар неси бор севгидан бошқа.”

Тўқис ҳаёт, чиройли муносабатлар орти бўшлиқдан иборат бўлса, “севгидан бошқа ҳар неси борлиги”нинг қандай қиммати, зарурати бор? Айни қуйма ҳукм-хулосалар тўпламдаги “фикра”ларда ҳам давом этади.

Фикра – адабий-бадиий асардан олинган ҳикматли фикр, гўзал парча тарзида тушунилади. Фарида Афрўз фирқаларига жо бўлган ҳикматлар гўзал ифодаларда тақдим этилгани учун таъсирчан. Китобхон шоира ўйлари, ҳаётий хулосалари замиридаги фалсафий маъноларни англари экан, бу туйғулар унинг кўнгли орқали кечирилганлигини ҳис қилиб туради. Мана бир мисол: “Одамзот нега шундай яралган-а? Нега шунчалар ташна? Ҳайҳот, ҳатто ўзини-ўзи эзиб сувини ичади-я!”

Фарида Афрўз шеърлари кўнгил нолалари, кўнгилдан тўкилган сатрлар гўё. Унинг “Ушшоқ” тўпламидаги шеърлари ҳам ошиқлик изтироблари, ошиқ кўнгил изҳори, ошиқнинг йўқотганлари ва топганлари...

“Ёмғир менинг  
соғинч ёшларим.

Тинай десам,  
чакна чакин.

Гўё осмон

булар чилпарчин”...

“Қалбимга бир дарахт экдингиз,

Дарахтки, баҳорни кўмсаган.

Унингсиз қушлари бўзлаган-

Бир дарахт экдингиз...”

Шоира шеърлари ёлқинли туйғуларга, жозиб ҳисларга бой. Руҳият манзараларининг рангин суратлари бугунги шеърятимизда самимий туйғулар ифодаси ўзига хос шакл ва услубда тақдим этилаётганидан дарак беради.

Сирожиддин Саййиднинг “Кўнгил соҳили” (Шамнома) туркум шеърлари ичида куйидаги тўртлик бор:

*“Яшил рўмолингда – яшил кўнларим,*

*Қизил рўмолингда – қизил тўнларим,*

*Шому тонларимдай оқ рўмолларимни,*

*Қолган барча дунё – ёлгон унларим”.* (205-бет)

Шоир “яшил рўмол” – “яшил кўнлар” ташбеҳи орқали ёшлик йилларига ишора қилса, “қизил рўмол” ва “қизил тўнлар” сифат+от бирикмасидан ташкил топган рамзлар воситасида маърифат, ҳақиқат излаб кечган дамларини, ўзлигини танишдан, илм-маърифат йўлидан кейинги Ҳақни таниш жараёнларида кечирган умрига ишора қилмоқда.



Тасаввуф таълимотига хос “маърифат” йўлидан – қизил рангдан “ҳақиқат йўли” – окликка томон интилиш жараёнларига хос руҳий бедорликка – “қизил тунлар”га урғу бериб, таъсирчанликни таъминлашга эришган.

Анъанага кўра, шеърятда оқ ранг эзгулик, поклик, яхшилик, беғуборлик, ёруғлик тимсоли ҳисобланса, қора ранг бахтсизлик, ўлим, ёвузлик каби маъноларни ифодалаши билан бирга куч-қудрат, буюклик каби маъноларга ҳам эга. Лекин рангдаги бу маънолар турғун эмас. Улар турли давр ва шоир эстетик мақсадига кўра фарқланиши мумкин.

Шоир Сирожиддин Саййид шеърларида ҳам оқ ранг анъанавий тарзда эзгулик, ёруғлик, сакмимийлик каби маъноларни беради. Ва бу маънолар шоир дунёқарашида тажассум толган ҳаёт манзараларини чизишда ўз кўламини кенгайтиради.

*Оҳларим ичишда унган оқ гулим  
Неча йил яшадим мен муштоқ, гулим.  
Гоҳи қарашимага тўлуғ дарёсан,  
Гоҳ оппоқ баҳордай бир кучоқ, гулим...*

Ёки:

*“Уфқлар, қирлару осмонгача қор  
Тошкандан Термизу Сурхонгача қор.  
Она, бу соғингчи қандоқ ёзайин,  
Ўртамизда чексиз оппоқ варақ бор.”*

Устоз Абдулла Қаҳҳор “Поэзия – юсак санъат” мақоласида ёганидек, “Шеърнинг мўжизалик сирларидан воқиф бўлиш, бу сирларни жиловлаш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди. Бунга эришиш учун зеҳн, сабр ва меҳнатдан бошқа яна нимадир керак”<sup>50</sup>. Ўша “керак нимадир”, назаримизда илоҳий неъмат – бадий кашф этиш салоҳиятидир.

Сирожиддин Саййид шеърлари, аввало, мавзу қамрови кенглиги, шакл ранг-баранглиги ва поэтик маъно ҳамда шоир нигоҳининг ўзига хослиги билан характерланади. Уларнинг барчасига хос муштарак хусусият эса воқеликка фаол муносабат, ундан чуқур ҳаётий мазмун топиш ва уни гўзал, таъсирчан ифодалашдир. Бунда шоир аруз ва бармоқ вазнларидаги ғазал, тўртлик, мухаммас, дoston каби жанрлар имкониятларидан кенг фойдаланиб, адабий анъаналарни ижодий улуши билан бойитиб келмоқда.

С.Саййид шеърятини кўп асрлик бадий тажрибалар сарчашмасидан файз ва рағбат олган ҳамда бетакрор талқин ва маҳорат билан уйғунлашган шеърятдир. Гражданлик руҳи ва умуминсоний пафос унинг бош ғоясини ташкил қилади. Бу ғоя, фикр ва туйғу яхлитлигида бадий сайқал топади, қоғозга, сўнгра кўнгилларга кўчади. Шоирга хос теран нигоҳ ва оҳорли бадий топилма ифодаси шундан туғилади. Бунда фикр ва кечинма уйғунлиги, рамзий образлилик алоҳида бўртиб туради.

Метафорик бадий воситалар ижодийлик маҳсули бўлгани сабабли уларда иждокор фантазияси қамрови, ҳиссий сеҳри ва ментал (ақлий-

<sup>50</sup> Қаҳҳорова К. Чорак аср ҳамнафас. –Т.: Ёш гвардия, 1987. –Б.26.

рухий) чуқурлиги ифодаланади. Уларнинг моҳиятида икки хусусият акс этади: биринчиси, нарса ёки образга хос жиҳатни бетакрор тасвирлаш, иккинчиси, шу тасвир ва ифода асосидаги нарса ёки ҳодисани ижодий муносабат, баъдий ҳукм орқали баҳолаш. Бу хос хислатларнинг ҳар бир шоир ижодида қўлланиш даражаси ва ғоявий-баъдий функцияси конкрет асарларнинг таҳлилида намоён бўлади. Бунда метафорик воситаларнинг эпифора (бир таркибли содда) ва анафора (мураккаб) турларини ўринли ва мақсадга мувофиқ қўллаш, айниқса, муҳимдир. Шоир шеърлятида ҳар иккала ҳолатнинг ҳам муваффақиятли ифодасини кўрамай.

Демак, сўнги давр ўзбек шеърляти ўзига хос шаклий ва услубий изланишлар орқали янгиланмоқда, миллий ўзанларида тараққий этмоқда.

## ЭЪТИҚОДИЙ ЭВРИЛИШЛАР ГЕНЕОЛОГИЯСИ

И. Яқубов, ТДПУ, ф. ф. н., доцент

Ўзбекистон мустақилликка эришгач яратилган *“Машиққатлар гирдоби”*, *“Армон асираси”* романлари ва ўнлаб ҳикоялари билан илмий-адабий жамоатчилик назарига тушган адиба Зулфия Қуролбой кизининг *“Армон асираси”* (Тошкент., “Янги аср авлоди” 2009.) романида ўтган асрнинг 90- йиллари ҳаёти ўз аксини топган. Ёзувчи инқироз ҳолати сезилаётган бозор иқтисодига ўтиш даврини қаламга олади.

Романда тасвирланган *“доншмандлар даври”* си (Бехзод-Ҳаким-Хулқар триадаси) баҳс-мунозаралари олам ҳақидаги дунёқараш-тасаввурлари ғоятда қўламдор ва салмоқли эканлиги жиҳатидан айниқса характерлидир. Жумладан, суҳбат мавзуси кўпинча И.Кант космогоник гипотезасидан Ф.Ницше ҳаёт фалсафасигача, *“йўқотилган авлод адабиёти”* нинг йирик вакили Э.М.Ремаркдан то воқелик ва инсон ички дунёсини унинг барча рухий кечинмалари билан теран фалсафий идрок этган Х.Рембрандт ижодигача бориб тақалади.

Бизнингча, Зулфия Қуролбой кизининг ўрни билан Ғарб адабиёти ва санъатида ҳам муружаат этиши мутлақо тасодифий ҳол эмас. Агар диққат қилинса, И.Кант бутун оламни ривожланиб борувчи жараён сифатида олиб қарайди. Инсон эркини индивидуалликда кўрган олим катта мақсадлардан чалғитилган, кичик ва кундалик ташвишлардан ортмайдиган одамлар улкан бунёдкорлик ишларига қобил эмас, деб ҳисоблайди. Тафаккури юксак руҳга тўла бўйсунмаган бўлса-да, Шарқ фалсафий фикридан илҳом олган Ф.Ницше эса, одам боласини буюк руҳ соҳибни ва нурга таппиниб яшовчи мавжудот деб билади. Унинг фикрича, эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал (*Аспиди бу фикр “Авесто”да илғари сурилган. II.Я.*) бирлиги бузилганлиги оқибатида манфаатдорлик ва худбинлик иллатлари олижаноблик хислатларини тобора сиқиб чиқармоқда. Илло, ҳар нарсадан моддий фойда олишга интиладиган жамиятда юксак руҳиятли инсон яшамоғи маҳолдир. Чунки у мазкур муҳитга мослаша олмайди. Э.М.Ремарк асарларида ҳам маънавий эзилган, ўзини жамиятдан бегоналашган деб ҳис қилувчи кишилар

қисмати қаламга олинади. Улуғ мўйқалам соҳиби Рембрандт асарларида эса оддий одамлар маънавий бой олами ва кўрки жозибали ифодаланади. Образлар теран руҳий ҳолати қоронғилиқдан майин нур оғушида чиқиб келиш тарзида тасвирланади. Англашиладики, юқоридаги сингари қарашлар “Армон асираси” романи бош концепциясини конкретлаштириш ва етакчи пафосини белгилашда адибага ғоятда қўл келган.

Биз ушбу мақолада роман летмотивини ташувчи Хулкар Армон образи ўз тақдирини боғлаши мумкинлигига ишора қилинган Бехзод образи ҳақида тўхталишни ният қилдик. Чунки у биз таниган одатий адабий қаҳрамонларга ўхшамайди. Зотан, ўзи таъкидлаганидай, бошқаларга хос бўлган хусусиятлар унга бегоналиги Бехзод индивидуаллигини белгилайди. Бу мураккаб персонаж – фикрловчи зиёли. Аммо унинг тафаккурида бир-бирдан узоқ маданиятлар ва фаолиятлар дабдурустдан ижодийлик касб этмайди ва миллий қадриятлар билан уйғунлашмайди. Масалан, у ҳаётда инсон озодлигини мутлақлаштириб тушунади. Унингча, аёл муҳаббати эркакни йўлдан оздиради. Хотини ва фарзандлари учунгина яшовчи эркак ола хуржун бўйнига илдирилган тутқундир. Бизнингча, унинг бундай тутумлари Н.В.Гоголнинг “Уйлангиш” комедияси финалида оила ва бола-чака оёққа тушов деб билгани боис келин даргоҳидан жуфтакни ростлаб қолган қаҳрамонни эслатади.

Бехзод инсон ўз-ўзини бунёд этиши мумкинлиги, бунда индивид хоҳиш-истаклари муҳимлигини ёқлайди. Шундан келиб чиқиб, дастлаб қисмат фалсафаси, демакки, Яратувчини ҳам инкор этувчи сифатида кўзга ташланади. Зоҳиран қатъиятлидай туюлган, аммо Ф.Ницше фикри, панд-насиҳату ўғитларига кўр-кўрона эргашувчи бу персонаж мушоадалари китобхонда хайрихоҳлик уйғотмайди. Аксинча, ўз шахсий ҳаётини-да тузукрок англаб етмаган Бехзодга хос “билимдонлик”, Пауло Коэльо асарларидаги ошқора глобализмни инкор этган Е.Белякова таъбири билан айтганда: “таъмсиэ йўғурт” лиги жиҳатидан кишини бездиради. Чунки, Бехзод ҳам миллий қадрият ва эътиқодий илдизларидан ажралган ҳолда индивидуализмни ёқлаши жиҳатидан глобалистдир. Аммо, муҳими шундаки, у пировардида руҳнинг ҳаёт устидан ҳукмронлигини эътироф этиб, қисмат етовига бош эгади. Бинобарин, ҳар қандай янгилик ҳам миллий анъана доирасида “ҳазм” қилинавермайди. Ҳаётдан маъно излаётган инсон маданий даражаси эса миллийликдан узоқлашмаган ҳолда ўзгармоғи лозим. Илло, романнинг вазифаси ўша жараёнларни англашдир.

Бехзод Хулкарга ўхшаб, кўнглига қарши бориб ҳаётда “ўз ўрнини топши”ни истамайди. Эътироф этмоқ жоизки, аслида, ҳар қанча ўзаро фикрий зиддиятларига қарамасдан, ҳаётдан қониқмаслик, ўзига хос йўл излашлари жиҳатидан Хулкар ва Бехзод руҳан бир-бирларига яқин. Эҳтимол, айнан ўша инсоний яқинлик уларга барча машаққатларни матонат билан энгиб ўтишда куч ва ирода бағишлаган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бехзоднинг инсон ҳамда замон ҳақидаги фикрлари мазмун ва оҳанги анча кескин ва вазмин. Бу ҳол китобхонни инсоннинг ҳаётдаги

ўрни хакида теран мулоҳазаларга чорлайди. Аксарият роман қаҳрамонларини дабдурустдан тушуниш ва англаш мушкул. Ҳа, ғоятда оддий одамлар қандайдир сирли табиати, маҳзун асрори билан бизни ўзига жалб этади. Улар сийратига хос ғурур, мавжуд вазият билан қоникмаслик ҳисси борлиғимизни қамраб олади. Масалан, зоҳиран оддий бир банда эканлигини унутгандай туюлувчи Бехзодни инсон аъмоли ва руҳияти, шиддат билан олға интилиб глобаллашаётган замонда кечаётган ўзгаришлар ташвишга солади. Эътиқодий эврилишлар генеологияси унинг қалбини безовта, фикр-туйғуларини эса алғов-далғов этиб юборади.

Назаримизда, Бехзоднинг субъектив қизиқишларини ўз вақтида қондира олмаган, кечиккан омадан юз ўгириш холини англаш учун унинг ҳақиқат ва амалиёт бирлиги алоҳида одам (индивид) манфаатларида акс этишини исташини тушунмоқ талаб этилади. Бинобарин, у ўзига хос прагматик. Шу сабабли бўлса керак, Бехзод эътиқодий қарашларида манфаат масаласи марказий ўринни эгаллайди. Бироқ, Зулфия Қуролбой кизи бизни бу каби вазмин фикрлар қучоғида узоқ олиб қолмайди. У китобхонни муҳаббат бобида: *“инсон туйғулари ҳар қандай фикрдан қучли”* эканлиги ҳақидаги одамзот тарихи қадар кўҳна ва оддий бир ҳақиқат билан юзлашишга ундайди.

Демак, *“Армон асираси”* иймон, эътиқод, диёнат, инсоф, кўнгилчанлик, меҳр-шафқат туйғулари билан уларнинг антиподлари ўртасидаги кураш асосига қурилган. Асарни ўқиш асносида унда юртдошларимиз ва замондошларимиз руҳиятини экстремал вазият-ҳолат — фавқулодда ва беаёв синовлар фонида кўрсатиш роман услубининг ўзига хос хусусияти эканлиги англашилади. *“Армон асираси”* сўнгги йиллар ўзбек адабиётида яратилаётган романларнинг ранглар палитрасига мутаносиб. Муаллиф умумқарашлари ботинида ҳаётбахш оптимизм, эрк ва озодликка бўлган некбин ишонч руҳи мужассам. Романда бу ҳол рамзий мазмунда, яъни пейзаж тасвири орқали: *“... одамни сиқиб юборадиган бундай вазмин, оғир ҳаво момақалдирок ва ёмғирдан дарак беради-да”*, тарзида ўз ифодасини топган. (297 б.)

Инсон ва инсон, инсон ва воқелик, инсон ва борлик муносабатларида муаллиф нигоҳи имкон ва имконсизлик, ўзликни асраш йўлидаги эврилишлар, реал вазиятга мослашувчанликнинг жоғеий оқибатларига қаратилади.

Романда тасвирланган Насиба, Дониш, Талгат, Ҳақим, Бехзод, Ҳулкар каби қаҳрамонлар янада муносиброк ҳаёт тарзи яратиш учун муттасил интилишда. Улар машаққатлар гирдобида тобланишади. Ижтимоий-руҳий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан покланишади. Зулфия Қуролбой кизи фикр-қарашларини ифода тарзидаги шафқатсиз реализм ҳам мутлақо тасодиф меваси эмас. Қолаверса, роман ижтимоий-ахлоқий пафосида китобхонга таниш туйғулар қаламга олинган. Шунинг учун ҳам улар бизни муҳокама-мунозарага чорлайди. Юқоридагиларнинг барчаси, ушбу асар серқирра объектив алоқадорлик — зарурият меваси эканлигини тасдиқлайди.

## “KUTADGU BILIG” – A WORLD FAMOUS TURKIC TREATISE

Q.Sidiqov, filologiya fanlari nomzodi  
M.Abdurahmonova, Namdu magistranti

In the history of the mankind, almost without exception, every state, every empire, every social formation is reflected not only in their historical works and scientific treatises but also in great art works of oral and written character, that gives the future generations rather vivid and clear representation of the detailed picture about the life of the society and the people of the previous epoch. Among those is one the first written masterpieces of the Turkic language people “Kutadgu Bilig” by Yusuf Has Hajib appeared in the period of the Karahanid Empire which existed from the middle of the IX up to the beginning of the XIII century in the territory of the Eastern and Western Turkestan.

“Kutadgu Bilig” is a world famous Turkic treatise which was translated into many languages.

Robert Dankoff professor of Chicago University translated “Kutadgu Bilig” into English for the first time and published the book under the name of “Wisdom of Royal Glory” in 1983.

Second English translation of “Kutadgu Bilig” done by Walter Mey was published under the name of “Yusuf Balasaguni Beneficent knowledge” in Moscow, 1998.

“Kutadgu bilig” by Yusuf Has Hadjib is a didactic poem formed in verse. Poetic form based on quatrain has long history itself. As professor R.Orzibekov said: “Many scientists who researched on Turkic literature as F.Kuprulu, T.Kavalevskiy, M.Hamroyev, E.Rustamov, M.Yunusov and others prove that the influence of quatrains played considerable role in appearance and development of poetic form rubai in Turkic literature”.

“Kutadgu bilig” was written in poetic form *masnaviy* in meter of *mutaqorib*. We should mention that many research works were done on genre features of “Kutadgu bilig”. For example the works of R.Arat, A.Valitova, I.Stebleva, B.Tukhliyev and others are remarkable. In their articles and monographs they conclude that the poetic form which Yusuf Has Hajib started to use was continued in the works as “Hibat ul haqoyiq” by A.Yugnakiy, “Muhabbatnoma” by Horazmiy, “Yusuf and Zulayho” by Durbek, “Hamsa” by A.Navai. In this case we can mention that Yusuf Has Hajib is one of the founders of Turkic writing art and traditions. A lot of information about this fact were given in many researches as well:

So, the attitude to social life, learning the life philosophically were deepened in the creative activities of A.Yugnakiy, H.Horazmiy and A.Navai. Of course, in this case the role of Yusuf Has Hajib is considerable.

In some beys in “Hibat ul-haqoyiq” poet Ahmad has imitations from opinions of Yusuf Has Hajib.

Quatrains are independent and completed in meaning poetic form that the opinions are explained short.

Quatrains of Yusuf Has Hajib influenced to many poets of later period. Thus, M.Kuprulu said that quatrains in “Qissas ul-anbiyo” written in meter of

mutaqarib were written in influence of traditions of “Kutadgu bilig” and “Hibat ul-haqoyiq.

There are different opinions about the amount of quatrains in “Kutadgu bilig”. A.Fitrat said that they were more than 182, I.Stebleve mentioned more than 200, H.Usmonov told that they were more than 50, Q.Karimov said 205. Later, by comparison of three manuscripts it was found out that there are 210 quatrains in “Kutadgu bilig”.

The problem about the author of quatrains of the work was also arguable. A group of researchers as A.Fitrat, H.Usmonov and some others mentioned that the author of quatrains in the work was not Yusuf Has Hajib. And others said that some quatrains were written by Yusuf Has Hajib and others were written by another author. There appears question which concrete author wrote other quatrains of “Kutadgu bilig”? There is no answer to this question anywhere. Q.Karimov and A.Valitova mentioned that some of quatrains belong to Yusuf Has Hajib and others have relations with folklore. In this case one should differentiate the problem of relativity from coping. Because human is central idea of quatrains in “Kutadgu bilig”. As poet or writer lives and creates in human society he or she cannot create separately from the ideas of society. This means the presence of folklore examples in quatrains of “Kutadgu bilig” is natural and this must not be accepted as a copy from folklore. B.Tukliyev who researched the verse, theme, style and other literary features of quatrain of “Kutadgu bilig” mentioned that all quatrain in “Kutadgu bilig” belong to only Yusuf Has Hajib. In our opinion this fact is real truth.

When speaking about quatrain we should pay attention to its difference from other poetic forms. “As different from *masnaviy* quatrain has possibility to change the rhyme in lines. So poets feel free in writing works in the form of quatrain. In addition they try to create new poetic verses as well”.

In conclusion we can mention that “Kutadgu Bilig” is unique treatise in world literature agitating the wisdom and knowledge.

All quatrains in the work belong to the author himself

#### Bibliography

1. Xo'janova G. “Hibat ul-haqoyiq” hahiqatlari. - T.: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 2001. - B.78.
2. Orzibekov R. O'zbek lirik she'riyati janrlari. -- T.: Fan, 2006. -- B. 149.
3. Tuhliev B. Voprosi poetiki “Kutadgu bilig” Yusufa Xas Xadjiba. - T.: Asr-matbuot, 2004. - B. 26., Fitrat Abdurauf “Qutadg'u bilik”. Tanlangan asarlar. II jild. Ilmiy asarlar. Nashrga tayyorlovchi va izohlar muallifi H.Boltaboev. - T.: Ma'naviyat, 2000. - B. 15.
4. <http://www.liveinternet.ru/users/2106521/post80252058/>
5. <http://feb-web.ru/feb/litenc/encyclop/le5/le5-1631.htm>

## ТИРИК ЖОННИ МАҲВ ЭТМА...

О. Искандарова, ТТЙМИ Миробод АЛ, ф. ф. н.

Инсон такдири сўз санъатида фалсафий моҳият касб этади. Фалсафийлик умуминсоний масалаларнинг бадиий талқини билан боғланади.

Ч.Айтматовнинг “Қиёмат” романи биз яшаётган ҳаёт ва биз ҳақимизда ёзилгандек. Лекин романда бугунги инсон маънавиятининг инқирози” “иқилоб далаларидаги даҳшатли чек-чандиқлар” ҳатто “Одам Ато ва Нух, пайгамбар замонидан бери бани башарни лол қолдириб келаётган чуқур, зиддиятли масалалар” (Ғ.Саломов), яъни ззгулик ва ёвузликнинг азалий тўқшувлари, даврий шаклу – шамойиллари ҳақида сўз боради.

Романда алмашиниб боровчи бадиий саҳналар бор: Исо Масих ва Понтий Пилат саҳнаси, Авдий Каллистратов ва аламзадалар саҳнаси, Бўстон Ўркунчиев, Акбара ва Кўчқорбоевлар саҳнаси. Ана шу бадиий саҳналар орасида бир ҳикоя бор. Бу ҳикояни Чингиз Айтматов “Олтовлон ва Еттинчи” деб атайди:

Сандро деган чекист йигитга қизил ҳокимият томонидан кўрбоши Ғурам Жўҳадзе тўдасини тутагиш вазифаси юкланган. Сандро шу мақсадда Жўҳадзе тўдасига кириб олган ва унинг энг ишончли йигитларидан бирига айланган.

Жўҳадзелар учун эса душман - қизил инқилоб томондагилар. Лекин улар Сандронинг чекистлигини билишмайди...

Романда “Олтовлон ва Еттинчи ҳикоясини асардаги бошқа бир бадиий саҳнанинг қаҳрамони Авдий Каллистратов хотирлайди. Авдий Каллистратовнинг ҳикоя қилишича: чекист аввал Жўҳадзенинг “ишончини қозона билади”, “дарёдаги қирғинда уларни пистирмага бошлаб боради ўзи эса дарё қирғоғида қолади, ана шу талатўпда жўҳадзелар тор-мор этилиши керак эди... Сандро жўҳадзеларнинг дарёдаги қирғинбаротдан омон чиққанларини кўргач, яна уларга кўшилиб олади...

Жўҳадзе қолган қутган йигитлари билан қочиб тоғ дарасига етиб боради. Унинг “омон қолган содиқ” йигитлари орасида Сандро ҳам бор. Шу кеч иккаласини ҳам кўзига уйку келмайди.

Чекист Сандро кўрбоши Жўҳадзе ва унинг йигитлари – олтигасини отади, охириги еттинчи ўқ билан ўзини ўлдиради. . .

Сандро Ўзлигини тўла англаб етади. Ўзини отиб ташлаш билан ўз фаолиятига баҳо берди. Тарих устидан ўз ҳукмини чиқарди. Бу тарих оддий тарих эмас – Одамзоднинг хатолари, янглишишлари тарихидир.

Романдаги бошқа бир бадиий саҳнанинг қаҳрамони Исо алайҳиссалом ҳам адашган бандаларини кўзини очиш ниятида охир оқибат ўзига ўлим йўлини танлаган эди...

Асарда Исо алайҳиссалом қаерда-ю, Жўҳадзе билан Сандро қаерда ?..

Романда улар орасида ички боғлиқликлар бор. Исо алайҳиссалом ва Сандро; Авдий Каллистратов, Бўстон Ўркунчиев ва Жўҳадзе Ўртасидаги бу яширин боғланишларни образларнинг “ташки маънолари” дейиш ҳам мумкин...

Мазкур тимсоллар юксак маънавият майдонида Одам ва Олам муаммолари атрофида учрашдилар, жипслашдилар: “Нега одам дунёга келади? Инсоннинг дунёга келишидан мақсади нима? Агар муддао ер юзига меҳр, шафқат, илҳом, висол, мухаббат каби инсоний фазилатларни тарқатиш бўлса, нега у чексиз ёвузликларга бош – қош бўлаяпти? Нега одам одамни хўрлайди, қийнайди, ўлдиради?...”

Бу каби саволларга асардаги барча ижобий образлар ўз хатти-харакатлари, гап - сўзлари билан жавоб берадилар.

“Олтовлон ва Еттинчи” хикояси романнинг фалсафий моҳиятини очиш учун асарга киритилган ва у “Қиёмат”да ўз вазифасини уддалаган: “... лекин ҳаёт ўлимдан устун, дунёда ҳаётдан кўра юқори ўлчов йўқ – шунинг учун тирик жонни маҳв этма...”

### БАДИЙ ИФОДА ВА РУҲИЯТ ТАСВИРИ СИНТЕЗИ

Ш. Исаева, ТДПУ, ф. ф. н., доцент

“Мамлакатимиздаги ёш авлодни маънан юксак инсонлар қилиб тарбиялаш давлат миқёсидаги муҳим вазифа даражасига кўтарилдики, маънавияти, онги, дунёқараши бой кишилар яшайдиган мамлакат ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан тараққий топади, алалхусус, бундай жамиятнинг кучли бўлиши ҳам муқаррардир. Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўрганган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган мақсадга эришолмаймиз, яъни инсон қалбига йўл тополмаймиз”.(1.29 б)

Умумдунё бадий адабиёти хазинасига ўз хиссасини кўшиб келаётган ўзбек адабиётида тарихий мавзудаги асарлар сони тобора ортмоқда. Кейинги давр ўзбек насрида реал воқеликни бутун мураккаблиги билан қамраб олиш ва уни ўз тароватида, ўз йўналиши ва зиддиятларида акс эттириши билан характери ни ўзгартирди. Энг муҳими, унда эпик воқелик тасвири билан характерлар руҳияти тасвири синтезлашди. Эпик ривояда руҳият тасвирининг кучайиши, бошқача айтганда, воқеликнинг характерлар руҳиятидаги тахлилий тасвири орқали акс эттирилиши ҳозирги ўзбек насрида психологизмнинг тобора ривожланиб бораётганидан дарак беради. Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда эпик, лирик ва драматик тасвир усулларининг табиий, бетақроқ уйғунлашиб келиши характерлар руҳиятини янада чуқурроқ, янада асослироқ ва ишончлироқ очиб беришининг усул ва воситалари бойиганлиги туфайли амалга ошди.



Ўзбек ижодкори Асад Дилмуроднинг асардан асарга руҳият тасвири борасида ўсиб бориши унинг ҳам ёзувчи, ҳам шахс сифатида инсон руҳий оламини тобора чуқурроқ таҳлил ва талқин қилиши туфайли юз бермоқда. Шахс фаолиятида ҳамма вақт муайян ҳолат, муайян хатти-ҳаракат ва муайян кайфият бир хил такрорланмаслиги муқаррар. Ижодкор мана шу муайянлик фавқуллодда, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган ҳолат ва хатти-ҳаракатлар билан алмашиниб кетишини ўзининг қатор асарларида исботлаб берди. Юзаки қаралса, инсон руҳиятидаги бундай кескин ўзгаришлар характерлар мантқиқига зиддек туюлади, аммо уларнинг ички оламини, руҳиятидаги барча зиддиятларни асосли бадий таҳлил қилиш юқорида қайд этилган парадоксга ўрин қолдирмайди, чунки руҳият тасвири асардаги ҳар бир ўзгаришни бадий изоҳлаш, далиллаш учун хизмат қилади.

Маълумки, тарихий асар ёзишнинг ўзига хос мураккаб томонлари мавжуд. Айниқса, Абу Райхон Беруний, Пахлавон Муҳаммад, Амур Темур, Султон Ҳусайн Бойқаро в.б. кўплаб жаҳонга маълум ва машҳур олимлар, саркардаларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиш ижодкордан катта масъулият, улар яшаган тарихий-сиёсий муҳит ва умумий тарзда бўлса ҳам, ана шу олимлар яратган илмий асарлар ҳақида ҳам тўғри тасаввур бериш талаб эталади. Асад Дилмуроднинг “Пахлавон Муҳаммад” асаридаги конфликтнинг серкирралигини, унинг бир нечта характерлар орасидаги зиддиятлар билан боғлиқ ҳолда марказлашганлиги сабабли асар композицияси бироз номукамалдек тасаввур уйғотади. Лекин эътибор билан қаралса, ундаги характерлараро зиддиятлар турли-туман руҳий тасвир усуллари орқали ифодаланганлигини англаб олиш қийин эмас. Характерлар руҳиятини ўзаро муайян зиддиятларда қиёслаш, яъни образлар паралелизми ёрдамида улар ўртасидаги курашларни тасвирлаш йўлидан борган адиб Пахлавон Муҳаммад ва бир неча асар қаҳрамонлари аниқ, ишонарли очишга кенг ўрин беради. Табиийки, бу каби тасвирда асосий қаҳрамон характери етакчи ўрин тутади ва асар воқеалари, кўпинча персонажларнинг нигоҳи орқали баҳоланади. Асар қаҳрамони мураккаб характерга эга, у ҳар бир воқеа ёки шахсни ўзининг ўй-кечинмаси орқали, руҳий таҳлили орқали баҳолайди. Шу сабабли асарнинг илк саҳифаларидаёқ адиб ўзининг руҳият тасвирида сеvimли усул даражасига кўтарилган эслаш приёмига мурожаат этади. Ушбу қаҳрамон ўзининг ўтмиши, ҳар бир босган қадами ва ўзи билган, таниган, мулоқотда бўлган шахсларни ўз таҳлилидан ўтказди. Айни бир пайтда руҳий жараённинг кенг тарқалган бу усули асар персонажларини бирин-кетин сюжет воқеаларига кириб келишларига йўл очди.

## ШАЙБОНИЙХОН ШАХСИНING ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА АДАБИЁТДАГИ ТАЛКИНИ

Й. Раҳматов, ф. ф. н.  
ЖИДУ қошидаги АЛ,

Тарихда Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳамда Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) шахсияти ҳақида маълумот берувчи ёзма асарлар анчагина яратилган. Булар сирасига муаллифи номаълум бўлган “Таворихи гузида - Нусратнома”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”, Фазлуллоҳ ибн Рӯзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Мулла Шодийнинг “Тухфачайи хоний”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”) каби тарихий, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” каби бадий ва Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб” каби тазкира асарларини киритиш мумкин. Бундан ташқари, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Абулғозий Баҳодурхоннинг “Шажараи турк” асарларидан ҳам Шайбонийхонга дахлдор маълумотларни билиб олса бўлади. Бу асарларнинг баъзилари Шайбонийхон ҳузурида хизматда бўлган кишилар томонидан шоҳнинг топшириғига кўра ёзилган. Шу боис уларда Муҳаммад Шайбоний шахси ортик даражада улуғланган. Бу ҳолни “Шайбонийхон” халқ достонида ҳам кўриш мумкин<sup>51</sup>. Фольклоршунос У. Жуманазаров Шайбонийхон ҳузурида хизмат қилган шоир ва тарихчилар хонни мадҳ этувчи, унинг юришларини, шахсини идеаллаштирувчи асарлар яратган эканлар, сарой бахшиларининг ҳам хон ҳақида асарлар яратишлари табиийлигини айтиб, “Шайбонийхон” достонини ана шу анъананинг маҳсули эканини тўғри таъкидлайди<sup>52</sup>. Албатта, ҳар қайси шоҳнинг халқ орасида кенг шухрат қозонишида бевосита сарой бахшиларининг ҳам ўрни бор. Шу боис ҳам Чингизхон ҳузурида Улуғ Жирчи, Тўхтамишхон саройида Камолзода ва Жаҳон Мирзо каби бахшилар бўлган, Амир Темура ҳам бахшиларга ўз сафарларини дoston қилиб қуйлашни топширган<sup>53</sup>.

Умуман олганда, юқорида номи зикр этилган тарихий ва бадий асарлар ўша пайтда халқ орасида кенг тарқалгани шубҳасиз. Улардаги айрим воқеалар афсона, ривоят шаклида халқ ичида ёйилган. Вақт ўтиши билан бу ривоят ва афсоналар такомиллашиб, йирик эпик асарларнинг юзга келишига сабаб бўлган.

“Шайбонийхон” достони билан бошқа тарихий манбаларни қиёсан ўрганар эканмиз, уларда Шайбоний шахси билан боғлиқ жуда кўп жиҳатлар бир хилда ифодаланганлиги кузатилади.

<sup>51</sup> Бундан ташқари Ибн Рӯзбехоннинг Шайбонийга бағишланган, ammo бизгача етиб келмаган “Насабномаи ҳазрати халифат ур-Раҳмон” асари ҳам булган экан. (Қаранг: “Меҳмонномаи Бухоро”, - Б.24).

<sup>52</sup> “Шайбонийхон” халқ достони Муҳаммадқул Жонмурод (Жомрот) ўғли Пўлкан шоирдан езиб олинди, 1928 йилда Ғозии Олим Юнусов таҳрири остида чоп этилган.

<sup>53</sup> Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. - Тошкент: Фан, 1991. - Б.63.

<sup>54</sup> Бу ҳақда қаранг: Зарифов Ҳ. Фозил шоир - машҳур достончи. / Фозил шоир. ЎХИ буйича тадқиқотлар. 3- китоб. - Тошкент: Фан, 1973. - Б. 9. Мирзаев Т. Феодализм даври ўзбек фольклори / Ўзбек фольклори очерклари. - Тошкент: Фан, 1988. - Б.38.

Кўпгина тарихий манбаларда Шайбонийхоннинг ота томонидан Чингизхон авлодига уланиши баён этилган.масалан,“Меҳмонномаи Бухоро”да “Чингизхоннинг тўрт ўғли бўлиб, каттасини Жўжихон деб атаганлари ва унинг Шайбон Чингизийлар билан боғланиши ҳақида маълумот берилган<sup>54</sup>. Ҳасанхожа Нисорий эса ўзининг“Музаққир аҳбоб” тазкирасида Шайбонийлар сулоласининг вакиллари “Чингизий султонлар жамоаси зикри” деб номланган бўлимда келтиради<sup>55</sup>. Абулғозий Баҳодурхон “Шажараи турк” асарининг “Шайбонхон наслидин Мовароуннаҳрда подшоҳ бўлгонларнинг зикри” фаслида Шайбонийхонни ўн авлод орқали Чингизхонга боғланиши, лақаби Шохбахт, ўзи шоир бўлгани ва шайбонхон наслидин бўлгани учун ўзига Шайбоний тахаллус берганини айтиб ўтади<sup>56</sup>.

Муҳаммад Солиҳ эса Шайбонийхонни барча шохлардан юқори қўйиб:

Хон Абулхайрга фарзанд эрур,  
Жоҳининг шоҳига пайванд эрур  
Чўжихон ўғлию Чингиз тўруни,  
Барча хонлардин аъло ўруни<sup>57</sup>, – дея тарифлайди.

Хуллас, барча тарихий манбалар Шайбонийхоннинг Чингизхон уругидан эканига гувоҳлик беради. Ҳатто Шайбонийхон ўз ғазалларидан бирида Чингизхонга ворислигини фахр билан тилга олади:

Шабон ялгон демаским, Ҳақ они соҳибқирон қилди,

Ҳасабда Тангрига қулмен, насабда чингизийдурмен<sup>58</sup>.

Шунингдек, “Шайбонийнома” дostonи таркибига киритилган Шайбонийхон ғазалларидан бошқа бирида ҳам бу эътирофни кузатиш мумкин:

Шаҳбоз бўлди чингизи, семургу анко кайдадур,

Мен-мен муҳитнинг жавҳари, жавҳарни билмас инсу жон<sup>59</sup>.

Тарихий манбаларда ва Шайбонийхон ўзи фахр билан эътироф этган Чингизийлар сулоласига мансублик халқ бахшилари томонидан яратилган “Шайбонийхон” дostonининг бошланишидаёқ таъкидланади: “Қатагонди элидан, Пулкан шойирди тилидан, Чингизхон авлоди Шайвалихоннан сўз бошланди<sup>60</sup>. Бу эътироф дoston воқеалари ривожда: Шайбоний тилидан: “Савил бўлди аттанг Чингистон жойим”; “Хабар жетса Чингистондай элима” ёки бахши томонидан “Асли ўзи Чингизхонди авлоди”; “Асли ўзи Чингизхонди зурёди”; “Кўнгли Чингистонга кетсам дейди” каби мисралар орқали такрор эслатилади. Бундан ташқари, халқ дostonида ҳам, тарихий манбаларда ҳам, Шайбонийхоннинг ўзбек уругидан эканлиги таъкидланади. Демак,

<sup>54</sup> Рузбихан, И. Кўрсатилган асар. – Б.61.

<sup>55</sup> Нисорий Х. Музаққир аҳбоб. – Б.17.

<sup>56</sup> Абулғозий Б. Шажараи турк. -Тошкент: Мерос,1992. – Б.113.

<sup>57</sup> Солиҳ М. Шайбонийнома. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б.34

<sup>58</sup> Шейри парча М.Шарионанинг “Муҳаммад Шайбоний тахаллуслари” мақоласидан олинган. (Қ: // Филология масалалари – Тошкент, 2003, №3-4 –Б.12)

<sup>59</sup> Солиҳ М. Шайбонийнома, 179-б.

<sup>60</sup> Шайбонийхон. Дoston. Айтувчи: Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пулкан. Ёзиб олувчи Х.Зарифов.– Тошкент: Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1928. –Б.5 (Бундан кейин шу дostonдан олинган мисоллар бети ҳавс ичида кўрсатилади -Й. Р).

“Шайбонийхон” дostonидаги бош қахрамон Шайвалихон ва тарихий шахс Муҳаммад Шайбонийхон Чингизхон шажарасига мансублигига ва ўзбек уруғиданлигига кўра бир шахсни ифодалайди.

Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаққир аҳбоб” тазкирасида Муҳаммад Шайбонийхоннинг Амир Абдуланг Тархон замонида Бухорода яшагани ва баъзи мунофиқ тухматчилар уни яшаётган жойидан чиқиб кетиш даражасига етказганини, хон эса хожаи бузургвор Баҳоуддин Нақшбандийнинг нурга тўла мазорининг атрофига бориб, у зотнинг набираси Низомиддинхожа Мир Муҳаммад Нақшбандий хизматлари шарафига мушарраф бўлганини баён этади. Бир кунги Хожа Мир Муҳаммад Шайбонийга Туркистон вилояти тарафларида рўй беражак ишларидан башорат этади. Шундан сўнг бу башорат содир бўлиб, Шайбонийхон Туркистон вилоятидан Домғон (Хуросон) чегарасигача ерларни ўз тасарруфи доирасига киритиб, доруссалтана Хирот ва Самарқандда ўз отига хутба ўқитиб, иззату бахт тахтида шодмон ўтирган<sup>61</sup>.

“Музаққир аҳбоб” да келтирилган бу воқеаларга ўхшаш лавҳалар “Шайбонийхон” дostonида ҳам кўринади. Дostonда келтирилишича, бир ўтиришда, хангомада Шайвалихон (Шайбоний) билан Бовурхон (Бобур)нинг вазири жанжаллашиб қолади. Сўнг Бовурхон вазирининг арз-додига кўра Шайвалини ўлимга ҳукм этади. Бирок шох бошқа вазирининг сўзи билан бу ҳукми бекор қилиб, Шайвалига Самарқанддан чиқиб кетишни буюради.

Кўринадики, халқ дostonида Шайвали (Шайбоний) Бобур кўл остида ишловчи хизматкорларидан бири сифатида талқин қилинган. Лекин Шайбонийнинг Бобур кўл остида хизмат қилганлиги ҳеч қайси тарихий манбада қайд этилмаган. Демак, дostonдаги бу талқин тарихий асосга эга эмас. У халқ тўқимаси, тасаввуридан келиб чиққан. Бирок Шайвали ҳаёти билан боғлиқ воқеа, унинг шоҳга ёмонлангани ва бунинг оқибатида Шайвалининг шаҳардан чиқиб кетишигача боришини Ҳасанхожа Нисорий сўзларига таяниб, маълум асосларга эга дейиш мумкин. Қолаверса, Шайвалининг ўз уруғини йиғиб “Самарқанди зеру завар қилиш” ва “Бовирхондан ўчини олиш” ниятида Қозонқола, нўғайлар элига боришида ҳам тарихий ҳақиқат мавжуд. Чунки, манбаларнинг гувоҳлик беришича, Шайбоний ва Нўғой номи билан тилга олинган Манғитлар Олтин Ўрда давлатига қарашли энг йирик улуслардан бўлган. Шайбоний улуси Ёйиқ дарёсидан Шарққа томон то Сирдарёнинг куйи оқимигача бўлган ерларни эгаллаган. Манғит (Нўғой)лар билан ўзбек улусининг этник таркиби бир-бирига яқин бўлиб улар туркий тилда сўзлашган, яшаш тарзи ҳам деярли фарқ қилмаган<sup>62</sup>.

Дostonда Шайбонийнинг:

Қозоғистон элди бориб кўрмасам,  
Мусулмонман гавимди бир қилмасам,

<sup>61</sup> Нисорий Х. Музаққир аҳбоб. –Б.19-20.

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси. – Тошкент: Қомус, 1997. –Б.144.

Чингистонга ўзим дарак сомасам,  
Ўзбакларни мунда жийиб кemasам (15),-

каби эътирофлари оркали нўғай, ўзбекларнинг бир уруғдан эканлиги ва уларнинг Чингистон (аслида мўғуллардан сўнг улар бирлашган)га қарши тарихий жиҳатдан тўғри талқин этилган.

Яна тазкирада зикр этилган Шайбонийхон билан боҳлик башорат ҳам халқ достонида ўзга хос эпик анъана қонуниятига биноан туш мотиви асосида тасвирланган. Достонда келтирилишича, Шайвали ёлғиз ўзи чўлларда зор-зор йиғлаб, бир жойга бориб ухлаб қолади ва тушига оқ соқолли, юзидан нур томган бир одам кириб, уни баланд ерга чиқариб қўяди-да:

...Сеники Самарқан эли.

Ғам жема Шайвали улим, Сени миндирдим Кўктошқа\* (24),- дейди..

Демак, ҳар иккала асарда ҳам Шайбонийхонга ғайбдан мадад этиши ва у юксак даражага эришиши башорат этилган. Шайбонийхоннинг тушида ўз келажагидан огоҳ этилиши “Нусратнома”да ҳам эътироф этилган<sup>63</sup>. Умуман, барча манбалар Шайбонийхоннинг азиз авлиёлар, бузурғлар Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хўжа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг мақбараларида бўлиб, у ерда иймон, ҳақ ва ҳақиқат сирлари хусусидаги баҳсларда иштирок этганига шохидлик беради. “Шайбонийнома” муаллифи “Имом-уз замон, халифат- ур раҳмон” - Шайбонийхоннинг ўзи ҳам тариқатга мансублигини, намоз ва “Қуръон” ўқиш хоннинг асосий ишларидан эканини битади ва:

Авлиё суҳбатиға еткандур,  
Аткиё хидматиға еткандур<sup>64</sup>,-

деб таърифлайди.

Шайвалихоннинг дину иймонда собитлиги ҳар лаҳзада худони ёд этиши, жами пайгамбар ва азизлар руҳидан мадад сўраши достонда ҳам ўзига хос халқона тарзда ифодаланган.

Муҳаммад Шайбонийхон Абулхайрхондан сўнг турли худудларга тарқалиб кетган кўчманчи ўзбек қабилаларини ўз атрофида бирлаштириб қўшин тузади. Сўнг бир-бир ўз атрофидаги ерларни, кейин Мовароуннаҳрни босиб олади. У ўз юришларини кофирларга қарши муқаддас уруш – ғазот деб атайди ва ўзини Муҳаммад(с.а.в.) пайгамбар ишларининг давомчиси деб эълон қилади. Бу ҳақда “Таворихи гузида-Нусратнома”да ҳам, “Меҳмономайи Бухоро”да ҳам маълумотлар келтирилган<sup>65</sup>.

“Шарафномаи шохий” муаллифи эса Шайбонийхоннинг сўнгги жанги ҳақида гапириб, ўша замонда хоннинг (яъни Шайбонийхоннинг-Й.Р.) муборак хизматиға бир неча санокли кишилардан бошқа (жанг қиладиган) аскар бўлмагани ҳолда, ғазот шарафига бениҳоят ҳарис

\* Кўктош Самарқанддаги шаҳар. Кўктошга миндирмоқ – хон қилмоқ маъносиди. Шайбонийхон. Изохлар. –Б. 163.

<sup>63</sup> Қаранг: Таворихи гузида Нусратнома. –С.120-121.

<sup>64</sup> Солих М. Шайбонийнома. –Б.28.

<sup>65</sup> Рўзбехон И. Ўша асар. –Б. 61, 104-109; Таворихи гузида Нусратнома. –Б.8, 120-123.

Бўлганидан ҳаётдан кўнглини узиб, душман томонга ўзини отгани ва пешона лавҳига шаҳидлик раками ёзилганидан хабар беради<sup>66</sup>. Демак, “Абдуллонома”да унинг урушлари ғазот – дин учун кураш деб қайд этилган. Бу фикр “Шайбонийнома”да ҳам шундай изоҳланади:

Ғарази буки, юруб дин очкой,  
Душман ўлгай қошида ё қочқой.  
Нияти шаръга зийнат бермоқ,  
Ахли исломга қувват бермоқ<sup>67</sup>.

Шайбонийхон эса бу ҳақиқатни тасдиқлаб:

Тортиб Самарқанд лашқарин, юриб мўғул устига мен,  
Ислом тигин тез этиб, барҳам уройин қолмақон.  
Ислом мен-ислом мен, куффуру куффри найласун,  
Куффор бехин кесойин, қолмасин андин ҳеч нишон<sup>68</sup>, –

деб ёзган. Бу тарихий воқеалар халқ достонида ҳам бир неча ўринларда куйидагича ифода этилган:

Чин нияти ғазо деп,  
Бовирхонга жазо деп,  
Одамлар кўнглини оп,  
Асли ўзи хонзода (44).

Ёки:

Отлан энди чин нияти ғазога  
Борип олсоқ Самарқандай элатти.(58)

Хуллас, ёзма манбаларда ҳам халқ достонида ҳам Шайбонийхон шахсига дахлдор куйидаги жиҳатлар ўзаро бир хиллик ва ўхшашликда тасвирланган:

- а) Шайбонийхоннинг Чингизхон авлоди сифатида эъгироф этилиши;
- б) Шайбонийхоннинг ўзбек уруғидан эканлиги ва унинг Қозон эли, нўғай, қозоқлар билан уруғдошлиги;
- в) Шайбонийхон келажакда Туркистонни олиши ҳақидаги башоратдан огоҳ этилиши;
- г) Шайбонийхон доимо динда собит бўлиб, худони зикр этиши ва азиз зотлар зиёратига бориши;
- д) Шайбонийхоннинг ўз юришларини “ғазот” деб эълон қилиши;
- е) Шайбонийхоннинг Бобур билан жанги;
- ж) Шайбонийхоннинг Бобур билан сулҳ тузиши.

Хуллас, “Шайбонийхон” халқ достонида тарихий ҳақиқат бадийий сайқалланган ҳолда ягона сюжет тизимига солиниб, қайта жонлантирилган. Шу боис, бу ҳолат достондаги ҳар бир воқеани тўла тарихий ҳақиқат деб олиш имконини бермайди. Бироқ юқорида санаб ўтилган ҳолатлар тасвирида аниқ тарихийлик кузатиладики, бу ҳар бир воқеа тасвирини тарихий манбалар билан киёсий ўрганиш жараёнида янада ойдинлашади.

<sup>66</sup> Ҳофиз Ташқи ал-Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. –Тошкент: Шарх, 1999. –Б.58.

<sup>67</sup> Солиҳ М. Шайбонийнома –Б.26.

<sup>68</sup> Солиҳ М. Уша асар. –Б.179.

## YOSHLARDA YUKSAK MA'NAVYIY-XLOQIY FAZILATLARNI SHAKLLANTIRISHDA CHINGIZ AYTMATOV ASARLARINING O'RNI

I. Boltayeva, TVDPI, f. f. n., dotsent,  
G. Muydinova, TVDPI, talaba

Adabiyot tarixiga nazar tashlasak, buyuk iste'dod egalari milliy adabiyotda ulkan burilishlar yasashi, insoniyat tafakkurini yangidan yangi kashfiyotlar bilan boyitishganining guvohi bo'lamiz. Ayni paytda buyuklik martabasiga erishgan ijodkorlar zamona dardlari, insoniyat muammolariga nisbatan juda ta'sirchan bo'ladilar. Chingiz Aytmatov ijodi shu jihati bilan ham diqqatga sazovordir. Kadrlar tayyorlash Milliy Dasturining tub mazmunini erkin fikrlovchi, mustaqil shaxsni kamol toptirishdan iborat ekan, sobiq sho'rolar davrida hur fikrli, uyg'oq vijdonli kishilar dilidagi gaplarning, dardlarining tarjimoniga aylangan ijodkor Ch. Aytmatov asarlariga bo'lgan ma'naviy ehtiyoj kattadir.

Bugungi kunda uzluksiz ta'lim tizimida yozuvchining roman va qissalari keng doirada o'rganilib tadqiq etilmoqda.

Umumta'lim maktablarida amaldagi dastur bo'yicha Ch. Aytmatovning "Oq kema" qissasi 7-sinfda, "Asrga tatigulik kun" (yangi tarjimada "Asrni qaritgan kun" yoki "Bo'ronli bekat") romani 9-sinfda o'rganiladi. Adibning hayoti va ijodini va "Oq kema" qissasidan olingan parchaning o'qitilishiga 7-sinfning II choragida 4 soat vaqt ajratilgan. Yozuvchining adabiyotning azaliy mavzusi ezgulik va yovuzlik o'rtasidagi kurash o'zining yangicha talqinini topgan bu qissasi 7-sinf o'quvchilarining yosh xususiyatidan kelib chiqib juda to'g'ri tanlangan.

Respublikada xizmat ko'rsatgan o'qituvchi A. Rashidov "Oq kema" qissasini: "Aytmatov ijodida alohida bir voqea, badiiy kashfiyot" deb aytdi. Chindan ham "Oq kema" qissasi juda katta estetik kuchga ega bo'lib, yozuvchi ijodida muhim ma'naviy - axloqiy bir bosqichdir. Asrlar davomida muqaddas kitoblar, xalqning dono maqollari - yu hikmatlari, adabiyot va san'at asarlari insonga yaxshilik qil, halol, to'g'ri yasha, kamtarin bo'l, o'zgalarga zulm qilma deb uqtirib keladi. Ammo hayotda har doim ham ezgulik g'olib kelavermaydi. Ayniqsa, insonlar tayangan ma'naviy ustunlar zaiflashib qolgan kezlarda yovuzlik qudratli kuchga aylanadi. "Oq kema" qissasida yozuvchi buni Mo'min chol va bola taqdirida zo'r mahorat bilan ko'rsatib beradi. "Shu o'rinda Aytmatovning ma'naviy - axloqiy prinsiplari qat'iyligini ta'kidlab o'tish lozim. Nimaki insoniylikka zid bo'lsa va yovuzlikka xizmat qilsa, yozuvchi uni ayovsiz inkor qiladi. Shu sababli uning ijobiy va salbiy qahramonlari o'rtasidagi chegarani aniq. Aytmatovning salbiy qahramonlari ma'naviy qashshoq, xudbin, qalbi o'zgalarga nisbatan g'araz bilan to'lgan kimsalar. Yozuvchining sevimli qahramonlari - ezgulik kurashchilari."1

Yozuvchi jamiyatda kichik ko'ringan muammolarni qanchalik katta fojea yaratishi mumkinligini mazkur qissada ham ko'rsatib berdi. Oilaning buzilishidan avvalo farzandlar jabr ko'rishini bola obrazi orqali bilamiz. Bolaning halokatiga qaysidir ma'noda shu narsa ham sabab bo'ldi. Bola

yolg'iz emas uning bobosi bor, ammo ota-onasi tomonidan tashlab ketilganligi uning ruhiyatini qattiq jarohatlagan.

Ch. Aytmatovning "Oq kema" qissasini o'rganish jarayonida yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanib, "Muammoli dars" metodini qo'llagan holda o'rganish o'quvchilar ma'naviyatini shakllantirish va ularda mustaqil fikri rivojlantirish uchun katta imkoniyat beradi. Chunki "Muammoli dars" metodini qo'llagan holda o'rganilganda o'quvchilar asar tahliliga o'z dunyoqarashlari va kuzatishlari asosida yondashishlarini taqazo etadi. Darsni bu metod orqali o'rgangan sinf o'quvchilarining fikrlari an'anaviy uslubda o'rgangan sinf o'quvchilarining fikrlaridan keskin farq qiladi. "Muammoli dars" metodi o'quvchilarda fikriy aniqlik, mantiqiy aloqadorlik, xotirani rivojlantirishga imkoniyat yaratadi. Darsda "muxbirlar o'yini", "forum", "zinama-zina", "6x6" texnologiyalaridan foydalanish mumkin.

Asarni o'rganishda undagi obrazlar anglatgan ma'nolarni o'quvchilarga tushuntirish muhim. "Oq kema" qissasida shoxdor ona bug'i ramziy obraz bo'lib, u hech qachon tamomila yo'qolib ketmaydigan ezgulik, yaxshilik, oliyjanoblik, mehr oqibat timsolidir. Ayni vaqtda ona bug'uni xalq ramzi deyish ham mumkin.

Qissada, shuningdek, baliq va oq kema ham o'z o'rinlarida ramziy ma'no tashiydi. Chunonchi bola uchun baliq erk va qudrat ramzi. Chunki u suvda juda uzoq suza oladi, ko'zini ham yummaydi, nafasi ham qaytmaydi. Oq kema – to'kislik, mehr-u oqibat, diydor ramzi. Bolaning nazarida oq kemaga yetib olsa, otasini topadi. Shu ma'lumotlardan foydalangan holda "ramziy obraz" atamasining mazmuni o'rganiladi.

Asarni o'zlashtirish yuzasidan amaldagi darslikdagi savol va topshiriqlarning mukammal tuzilganligi ijobiy hodisadir.

Darslikdagi:

■ Qissada bolaning ikki ertagi haqida gapira turib, "Keyin birontasi ham qolmadi" deyilgani sababini tushuntiring

■ Bolaning o'z "tuya", "bo'ri", "tank", "egar"lariga munosabatiga qarab uning tabiati haqida fikr bildiring.

■ Adib Mo'min cholni "...kamdan kam uchraydigan baxtli odam edi" deya tasvirlashining sababini tushuntirishga harakat qiling.

■ Bolaning baliq bo'lish va oq kemagacha suzib borish haqidagi orzusi nima uchun va qayerdan paydo bo'ldi?

■ Ona bug'ining yetimlariga qarata: "Insonlar qanday yashashlari lozim bo'lsa shunday yashanglar" tarzidagi nasihatini izohlang.

■ Bolani o'z ertagi qo'yniga – baliq bo'lib, uzoq issiqko'l tomon suzib ketishga undagan eng so'nggi voqea nima edi? kabi savol va topshiriqlar o'quvchilar tafakkurini boyitishga xizmat qiladi, mustaqil fikrlashga undaydi.

Asarda ko'tarilgan ijtimoiy manaviyat bilan bog'liq muammolar bugungi kunda ham dolzarbligini yo'qotgan emas. Zero, yoshlarni milliy istiqloq g'oyasi va mafkurasiga sodiqlik ruhida tarbiyalash bugungi kunning ustuvor vazifalaridandir. Shunday ekan, Chingiz Aytmatov asarlariga bo'lgan ma'naviy ehtiyoj ham kattadir.



## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ДОСТОНИДА КОМИЛЛИК МАСАЛАСИ

Н. Бозорова, ф. ф. н.

“Хамса” – Алишер Навоий даҳосининг буюклигига қўйилган хайкал. Бу асар халқ тафаккури ва сўз кудратига таяниб яратилган истеъдод ва завқнинг ҳосиласи. Шу боис ҳам у ўз давридан шу кунга қадар “Ўзбек адабиётининг ва бутун туркий халқлар адабиётининг муаззам шоҳ асари”<sup>69</sup> сифатида баҳоланиб келинмоқда. “Хамса” таркибига кирувчи ҳар бир дoston ўзига хос ғоявий бадиий вазифаси, хусусияти, тили, услуби, оҳанг ва жилоси билан бир-биридан фаркланиб турса, умумий ғоялар ифодасига кўра бу дostonлар яхлит бирликни ташкил этади. “Хамса”даги марказий масалалардан бири, балким энг биринчиси, юрти, дини, давлатига содик комил шахсни вояга етказишдир”<sup>70</sup>, деб ёзади адабиётшунос И.Ҳаққул. Дарҳақиқат, шахс камолоти, комиллик масалалари “Хамса” таркибига кирувчи барча дostonларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Фикримиз далили сифатида “Садди Искандарий” дostonининг айрим бобларига муурожаат қилсак.

Маълумки, Алишер Навоий хамсачилик анъанасига асосан бешинчи дoston “Садди Искандарий”ни Мағриб ва Машрик ҳукмдори шоҳ Искандар тарихига бағишлаган. Улуғ мутафаккир “Хамса” таркибига кирувчи бошқа дostonлардан ҳажман катта бўлган (89 бобдан ташкил топган) бу дostonни ўзига хос услубда яратган. Дostonнинг 15-бобидан бошлаб ҳар тўрт боб ўзаро ички боғлиқликда, бир мавзу асосида бирлаштирилади. Бу ҳол асар сўнггига қадар давом эттирилади. Ўзаро умумийлик ҳосил қилган мазкур бобларда:

1. Искандар ҳаётига оид бирор бир воқеа баёни;
2. Шу воқеага боғлиқ бўлган фалсафий-ахлоқий тушунчалар изоҳи;
3. Айтилган фикрлар исботи учун ҳикоят;
4. Искандар ва олимлар (хусусан, Арасту)нинг савол-жавоби келтирилади.

Адабиётшуносликда эътироф этилганидек, “Садди Искандарий” дostonи жуда бой ва гўзал лавҳаларга эга. Дostonдаги фалсафий-тарбиявий чекинишлар, ҳикоя ва ҳикматлар ҳаётнинг барча кўринишларини камраб олган ҳамда уларнинг ҳар бири алоҳида қиймат ва ҳикматли мазмун касб этган<sup>71</sup>. Айниқса, шоирнинг ўзи “Ҳикмат” дея номлаган бобларда баён этган фикр-мулоҳазалари, илгари сурган ғоялари чуқур фалсафий, ахлоқий характерга эгаллиги билан бошқа қисмлардан ажралиб туради. Асарнинг “Ҳикмат” боблари тўла маънода номини оқлайди. Уларда тириклик моҳияти, ҳаёт фалсафаси, инсон умри, маънавий олами, давлат ва давлатчилик сиёсати, илм ва

<sup>69</sup> Ойбек. Навоийнинг таржиман холи. МАТ. Ҳн учинчи том. –Тошкент: Фан, 1979. 124-б.

<sup>70</sup> Ҳаққул И. Навоийга қайтиш 2. Тошкент: Фан, 2011. 6-бет.

<sup>71</sup> Қайюмов А. Асарлар. 3-жилд. –Тошкент: Munitoz so'z, 2009. 336-б.

маърифатдан баҳс юритилади. Достонда 18 та “Ҳикмат” келтирилган. Уларда Искандарнинг юқорида айтиб ўтилган масалалар юзасидан олимлар пешвоси Арастуға, дониши замон Сукрот ва Лукмони Ҳакимға берган саволлари ҳамда у зотларнинг бу сўроқларга оқиллик билан берган жавоблари, панд-у насиҳатлари ифодаланган. Бу ифодалар мутафаккир шоир дунёкарашининг нақадар кенг ва чуқурлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Чунончи, шоҳ Искандар:

Не йўлдурки, мақсуд эрур манзили,  
Не ишдирки маҳмуд эрур ҳосили?<sup>72</sup>

яъни, қайси йўл мақсад манзилига элтади ва қайси ишнинг ҳосили мақтовга арзигуликдир? - дея берган саволига донишманд Арасту шундай жавоб қайтаради:

Деди: “Халқдин ўзни фард айламак,  
Фано кўйи йўлинда гард айламак” (103).

ЎЗНИ БИЛИШ ва ЎЗНИ АНГЛАШ инсонийликнинг бош мақсади. Унга толиб бўлмоқ учун инсон бу дунё остонасига қадам қўйган. Хўш, бу мақсадга қандай эришмоқ мумкин ва у қай тарзда амалга ошади? Бу улуг аллома сабоқ берганидек, “Халқдин ўзни фард айламак” – олам ва олам ҳодисотларидан кўнгилни озод этиш, “фано” – ўздаги барча иллатлардан фориғ бўлиш, “ман”лик даввосидан қутилиш орқали юз очади. Бироқ бу ҳаммага ҳам насиб этмайди. Шоир ёзганидек:

Эрур роҳзан кимки огоҳ эрур,  
Бу йўлда неким мосиваллоҳ эрур.  
Биров шоҳ васлига қатъ этса йўл,  
Керак воқиф ўлса қароқчидин ул (104).

Яъни, ким ўз холининг огоҳи бўлса, кўнглидан Ҳақдан ўзга барча ҳой-у ҳавасни тарк этса ва энг асосийси, бу йўлдаги “қароқчи”дан воқиф бўлсагина мақсад манзилига етади. Байтда “қароқчи” сўзи поэтик мазмунда қўлланган. Бу орқали шоир ўқувчига инсон нафс ва нафс кирдикорларидан ўзни муҳофаза айлаши лозимлигини уқтиради.

Алишер Навоий мумтоз адабиётимизнинг барча жанрларида нафсни билиш, нафсни таниш, унинг шумликларидан огоҳ бўлиш ғояларини ўзига хос маҳорат билан тасвирлай олган. Айтиш мумкинки, улуг шоирнинг нафс хусусида сўз юритилмаган, нафс муаммосидан баҳс этилмаган бирор асари йўқ. Худди шундай тасвирлар “Садди Искандарий” достонида ҳам кўплаб учрайди. Асарнинг 30-бобида Искандар Арастуға шундай мурожаат қилади: “Инсон ўз фелидан икки жиҳат: ё зарар, ёки фойдага эришади. Тафаккур билан англаш мумкинки, инсон ақл ва билимга таяниб “иззу шараф” (юксаклик)га ноил бўлса, нохуш амаллар натижасида “зери даст” (тубанлик)ка тушади. Шундай экан, нега инсон савоб йўлини тарк этиб, номаъқул

<sup>72</sup> Навоий А. МАТ. 11- том (Садди Искандарий). -Т: Фаи, 1993. 103- 6 (Бундан кейин шу китобдан олинган мисолларнинг бети кавс ичида кўрсатилади Н.Б).

амалларга берилади?”. Арасту бу саволга шундай жавоб айтади: “Ақл-у  
иковаат, илм ва маърифат сохиби, тўғри ва эзгу амаллар эгаси бўлиш,  
ниҳоятда машаққатли. Бироқ бу машаққатларнинг ҳосиласи фақат  
фойда бўлади. Баъзиларнинг табиати эса бу қийинчиликлардан қочади.  
Бунинг боиси эса:

Валеъ қилмоғи нафсига шок эрур,

Суҳулат сари нафс муштоқ эрур (201), -

яъни нафс енгиллик томон муштоқ бўлади, шу сабаб киши нафсига  
буни бажариш оғир келади”. Шаҳобиддин Сухравардийнинг “Авориф  
ул маориф” рисоласида нафснинг бутун ахлоқ ва сифатлари икки  
нарсадан: енгиллик ва орзу ҳавасдан юзага келиши таъкидланади.  
Енгиллик нафснинг хавоси ва руҳи бўлиб, ундан сабрсизлик майдонга  
келади<sup>73</sup>, дейилган. Демак, байтда ифодаланганидек, инсон феълида  
нафснинг енгиллик сифати ғолиб келганда бесабрлик юзага чиқади.  
Сабрсизлик эса инсонни кўп фойдали нарсалардан бебахра этади. Шу  
боис ҳам улуг шоир:

Қачон нафс ўз комин этти ҳаво,

Қилур элни кўп нафъдин бенаво (201), -

дея ҳукм чиқаради.

“Садди Искандарий” дostonида ёритилган муҳим масалалардан  
яна бири – адолат. Адолат жамият ҳаётида хос мавқега эга. Давлат ва  
давлатчилик асоси усиз асло бунёд бўлмайди. Бутун борлиқнинг  
тириклиги, яшаши учун куёш қанчалик зарур бўлса, адолат ҳам  
инсоният учун шу қадар зарур. Адолат – оламни тутиб турувчи устун.  
Устун бўлмаса шоир айтмоқчидек, жаҳоннинг зер-у забар (остин устун)  
бўлмоғи тайин:

Агар адл йўқ ошкор-у ниҳон

Яқин билки, зеру забардур жаҳон (116).

Мутафаккир шоир “Садди Искандарий”да зулм тигини  
синдириб адолат байроғини баланд кўтарган одил шоҳ Искандар  
сиймосини ўзгача меҳр билан тасвирлаган. Дostonда Искандар  
адолатли шоҳ, унинг маслаҳатчилари (Арасту, Луқмон, Сукрот) ни эса  
ақл тимсоли сифатида келтирилган. Ва бу тимсоллар воситасида улуг  
шоир давлат бошқарувида одил шоҳ ёнида доим доно, билимдон ва  
оқил маслаҳатчи бўлиши лозимлигини таъкидлаган. Асарда шоир “Не  
асмоким, ул Ҳақ сифотиғадуру”, дея Ҳақ Таолонинг “Ал-адл” номини  
эслатаркан:

Не шаҳким, анинг адл кирдоридур,

Десам, йўқ ажабким худо ёридур (116), -

дея қайси шоҳ адолатни шиор қилса, унга албатта худо ёр бўлишини  
алоҳида уқтиради. Дostonнинг 22-бобида Искандар Арастудан “Адолат  
бўлиши учун қандай ишларни амалга оширмоқ лозимлиги ва бунинг  
натижаси нима бўлишини сўрайди. Шунда буюк донишманд адл билан  
жаҳонга ҳукмрон бўлиш мумкинлигини айтади.

<sup>73</sup> Şihabudin Suhreverdi. Avatifi'l-Mearif. – İstanbul: Senerkand yayınlari, 1999. –S.586.

Деди: “Шаҳки адл ўлса ойн анга,  
Мусаххардуру дунё-ю дин анга.  
Бу оламда бўлмоғлик сфокгир,  
Яна олам ахлида жаннат сарир” (124).

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида бек адолатли сиёсати билан бой халқ, мўл хазина, кучли қўшинга эга бўлишини ва беклик қудрати шу тўрт нарса билан белгиланиши айtilган. Айни шундай қарашлар “Садди Искандарий” достонида Арасту тилидан шу тарзда ифодаланган:

Шаҳеким анга адл бунёд ўлур,  
Натижа буким, мулки обод ўлур.  
Чу мулк ўлди ободу халқи ғаний,  
Якиндулки, маъмур ўлур маҳзани  
Чу маҳзанни бу навъ маъмур етар,  
Сипоҳига бешак мавожиб етар.  
Сипоҳи қачон шаҳға толиб келур,  
Адусига, шак йўкки, ғолиб келур (125).

Шундай қилиб, шох ўз одиллиги натижасида мамлакатини обод, халқини тўқ ва фаровон, хазинасини мўл, қўшинини кучли қилади. Кучли қўшин билан ўз мулкини янада кенгайтириб, хазинасини янада бойитиб бу олам жаҳонгири бўлади. Ранжу машаққатлардан қутилиб, осойишталик ва фаровонликка эришган халқнинг дуоси билан эса шохга “Икки қавн мулки мусаллам” бўлади, -дейди улуғ Навоий.

Умумуман олганда, “Садди Искандарий” достонида жуда кўп маънавий ахлоқий тушунчалар моҳияти хусусида сўз борганки, уларни таҳлил этиш, ўрганиш улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг шахс камолоти, комиллик масаларига оид қарашлари, фикр-мулоҳазаларини янада теранроқ англашга ёрдам беради.

### ЗАЙНАБ ЯНГИЧА ТАЛҚИНГА МУҲТОЖ

И. Болтаева, ТВДПИ, ф. ф. н., доцент  
Ш. Раҳмонова, ТВДПИ, талаба

Муҳаббат – адабиётнинг эскирмас, вақт ўтган сари қадри баланд бўлган абадий мавзуси. Адабиёт тарихида бу мавзунини четлаб ўтган ижодкорни топиш амри маҳол. Сермаҳсул ижодкор Абдулла Қодирий ижодида ҳам муҳаббат мавзуси етакчи ўринни эгаллайди. Адиб романларида инсон қалбининг энг ноёб гавҳари бўлмиш айни туйғу покиза либосларга бурканади.

Дарҳақиқат, Отабекнинг Қумушга муҳаббати, Зиё шохичи таъбири билан айтганда, “бир ишқ, ҳам чин бир ишқ” эди, шубҳасиз. Негаки, муҳаббат уларни кўкка кўтарди ва ана ўша муҳаббат ўз соҳибларини қурбонига айлантирди. Отабек ва Қумушнинг муҳаббати ўша даврнинг ҳис-туйғу нафаси эди. Бу ҳақда Ҳадича Лутфиддинова “Лолалар ичидаги гул” рисоласида романи Отабек билан Қумушбининг

ишқий саргузаштлари тасвирида тадқиқ қилади ва романни муҳаббат, висол ва ҳижрон асосига қурилганлигини таъкидлаб ўтади. Рисолага сўнгсўз ёзган адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов: “Ўткан кунлар” муҳаббат ҳақида яратилган, эскирмайдиган, замонлар тўфонига бардош бера оладиган кўшиқдир”, деб ўз таърифини бериб ўтган. Лекин асарда Отабек ва Кумушдан ташкари ҳам бир муҳаббат соҳиби бор эди. Бу образ ёзувчи ўзи таърифлагандек- “Ўнта сўзга аранг битта жавоб қайторадиргон..., ўз яқинларидан “писмиқ” деб исм олган”, Зайнаб эди. Ахир Зайнаб ҳам чин муҳаббат соҳиби эди, унинг ҳам севиш, севилишга ҳаққи бор. Нега бугунги кунда асардаги муҳаббат талқинида Зайнаб образи тилга олинмаяпти. Тўғри, Зайнаб Отабек ва Кумушнинг ишқий ўйинларига қўшила олмайди, уларнинг муҳаббат тилига тушунмайди. Негаки, у бошқа муҳит фарзанди эди. Отабек ва Кумуш эса эркинлик муҳитида, эркин фикрларга таяниб тарбия топган шахслар. Бу ҳақда Муртазо Қаршибой “Муҳаббат ва эркинлик” мақоласида қуйидагича фикр билдирган: “Юсуфбек хонадонида ҳар қайси ҳар – ҳатто бир замонлар Эрондан қул қилиб олиб келинган Ҳасанали ҳам эркин фикрлайди, сўзини тортинмай айта олади, ўзини ҳақиқий инсон деб ҳис қилади. Чунки ҳожи оилавий муносабатларда чин маънодаги демократ одам – уйдагиларнинг фикрини, ҳатто хотини ва ўғлининг таъна-дашномларини ҳам оғринмай эшитиш, ўрни келса, хатосини ҳам мардона тан олишга қодир инсон.

Ана шундай донишмандлик ва кенгфёшлик туфайли Отабек эркин, мустақил, таъбир жоиз бўлса, эрка бўлиб ўсади. Романнинг илк саҳифаларида Ҳасанали унинг йигирма тўрт ёшга қадам қўйиши ҳақида гапирганда Отабек беихтиёр “йигирма тўрт ёшга кирдимми, ота?” деб болаларча ҳайрат билан сўрайди. Ўзбек ойимнинг мана бу сўзлари ҳам Юсуфбек ҳожининг ўғлини қанчалик эрка қилиб тарбиялаганидан далолатдир: “Сиз шу кунгача барча ихтиёрни ўғлингизга топшириб, болани бола қилмадингиз, бир худбин қилдингиз”<sup>74</sup>.

Зайнаб эса Отабек ва Кумушдан фарқли ўларок оила шароитида эркинликдан, меҳрдан бебаҳра бўлиб вояга етди. Бу ҳақида асарнинг “Хушрўйбиби ва Зайнаб” бобида “бирор жойга меҳмондорчилик учун борадиргон бўлсалар, Хушрўй ҳаммадан илгари эълон этар эди: “Мен ҳам бораман!” Албатта, уни қолдириб кетиш учун энди ҳеч кимда ҳад йўқ. Иккинчи вақт: “Мен бормаيمان!”. Бу тақдирда уни бир қадам силжитсин-чи! Аммо Зайнаб онаси билан янгаси Ҳанифа бир жойга отланадургон бўлсалар, “бораман, бормаيمان” демас, улар ҳам йиғламаган болага сут берилмас қабилида индашмасдан меҳмондорчиликка кетар эдилар. Кечқурун қайтиб келсалар бир бурчакда Зайнаб йиғлаб ўлтирибди:

- Нега йиғлайсан?

- Нега мени бирга олиб кетмадингиз...

<sup>74</sup> М. Қаршибой. Муҳаббат ва эркинлик. “Тафаккур” журнали, 2007, №3. –Б.54.

Зайнабнинг шу феъли балоғатга етиб, эрга теккандан кейин ҳам ўзгармади”<sup>75</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, Зайнаб ёзувчи таърифлагандек характер хусусиятига эга эди. Буни биз Отабек унга ойлаб қарамай юрганида ҳам овоз чиқармаган, Зайнаб Кумуш келгандан сўнггина ўз қалбини тушуна бошлашдан ҳам англашимиз мумкин. Зайнаб ўз ҳисларини, Отабекни севишини ҳам Кумушбиби келганидан сўнг англаб етади.

Зайнаб – Отабек учун севиқли муҳаббат юлдузи эмас, балки унинг инсоний туйғуларини чеклаб яшашга маҳқум этилган мажбурият эди. Отабек учун Кумуш Аллоҳнинг унга берилган инъоми бўлса, Зайнаб эса “ота-она орзуси” остида ўзига бирлаштирилган мажбурият ҳисси эди. Бизга маълумки, Зайнаб романда ўзига хос характер эгаси ва аламли тақдир соҳиби сифатида тасвирланади. Бизнингча Зайнабнинг асарда “айбсиз-айбдор” бўлишида Зайнабни эмас, балки муҳитни айблаш керак. Чунки Зайнаб шахси давр нуқтаи назаридан ўзининг бахтсизлигини муҳитдан излашга ожиз эди. Бу ҳақда Юсуфали Шоназаров “Мумтоз тасвирнинг юксак бадиияти” мақоласида “Ўткан кунлар” даги Зайнаб образига диққатини қаратади. Бу образни одам – инсон сифатида тушунган ва тушунтирган олимлар фикрини, унга ачиниб қараганларнинг мулоҳазаларини хазм қила билмайди<sup>76</sup>. Ҳадича Лутфиддинова эса “Зайнабни қоралашга бизда етарлича далил йўқ... Кумушбибини гина кудратсиз, адоватсиз, хожи оталари айтганидек, эгачи сингилдек кутиб олади. Эри ва кундоши ораларидаги муҳаббатни тан олганлиги учун ҳам муросага кўнади. Ҳатто кундоши уни, холи топиб сўз билан “чакиб-чакиб” олганда ҳам Зайнабни “тўппи тикиб” ўтирган ҳолда кўрамай”, деган фикрни билдиради. Бу фикрга қўшилмаган Ю.Шоназаров романдан Зайнабни қоралайдиган эпизодларни эсга олади ва “Зайнабнинг қисмати ҳам, муҳаббати ҳам ачиниш уйғотадиган эмас, балки нафрат уйғотадиган, инкор этиладиган, ҳеч бўлмаганда маъқулланмайдиган мазмун ва моҳиятга эга”<sup>77</sup> эканлигини таъкидлайди.

Бизнингча, Зайнаб образи асарда “айбсиз-айбдор” га айланган образ. Нега деганда, асарда ёзувчи Зайнабнинг ҳатти-ҳаракатларини шунчаки жаҳолат хуружи эмас, балки характер мантисига кўра асослаб тасвирлайди. Бизнингча, Зайнабнинг ҳатти-ҳаракатларининг жадаллашишига ва асарнинг фожеали тус олишига Зайнаб эмас, Кумуш, Юсуфбек хожи, Ўзбек ойм, Отабек ва давр муҳити айбдор. Кумушни айбдорлар сафига қўшимизнинг боиси, асардаги “Ҳасаналининг ҳийласи”, “Кумушнинг сўз ўйини”, “Кундош-кундошдир” бобларида Кумуш образига беркитилган айрим хусусиятларни кўришимиз мумкин. Айниқса, “Кумушнинг сўз ўйини” бобида Отабек ва Кумуш Зайнабни масҳара қилган қисмида яққол кўзга ташланади. Ахир, Кумуш ва Отабек даврнинг илм-маърифатли кишилари эди. Бобда берилган қисм

<sup>75</sup> А. Қодирий. Ўткан кунлар. – Тошкент: 2009. Шарҳ -Б.366.

<sup>76</sup> Б. Қарим. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан. 2010 –Б.158.

<sup>77</sup> Ю. Шоназаров. Ўзбек тили ва адабиёти санъати газетаси. 2000, 3 ноябрь.

эса уларнинг қарашларига тўғри келмайди. Кумушбиби ўз инжиқликлари билан Зайнабдаги нафрат туйғусини шакллантирди ва уни ҳаракатлантиришга мажбур этди. Ўзбек ойим эса Кумуш келгандан сўнг “маъним чин келиним Марғилонда эди” гаплари Ўзбек ойимнинг оғмачилиги эмасми? Юсуфбек хожи эса эскилик ва янгилик, маърифат ва жаҳолат, эзгулик ва ёвузлик, халқ ва ҳокимият, она ва ўғил, кундошлар ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилолмай, уларнинг ўзаро ечимини тополмай, охир-оқибатда ўзини тақдир измига топширган тақдир соҳиби.

Аслида мақсадимиз “асар айбдорини топиш”, образлари “қоралаш ёки оқлаш” эмас, балки Зайнаб образини янгича талқин қилиш ҳамда унинг соф туйғулар соҳибасини эканлигини, севгига лиммо-лим юраги ўз вақтида ёрилмаганини; у Кумушни душман сифатида эмас, балки ҳавас қилганини, ўзи эса ота-она “орзу-ҳавас”ининг асираси эканини исботлаш эди. Буни яққол исботи сифатида асарнинг сўнгида қабристонда “Мен Кумушман” деган девонаи ҳайқириқлари мисолида кўришимиз мумкин. Зайнаб ҳатто девона аҳволида ҳам, Кумуш бўлишни хоҳлаган, Кумуш бўлиб Кумушдай севилишни истаган. Бу эса фикримиз исботидир.

## РУҲИЙ ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ “БИЛАН” КўМАКЧИСИ ВОСИТАСИДА БИРИКИШИ

З. Мирзакаримова, ТВДПИ, ф. ф. н, доцент,  
Ш. Раҳмонова, ТВДПИ, талаба

Ўзбек тилида руҳий ҳолат билдирувчи бир гуруҳ феъллар борки, улар билан кўмакчиси воситасида нутқ жараёнини ифода этувчи отларни бошқариб келади ва “восита” классемасини таркиб топтиради. Бундай феъллар Р.Расулов қайд этганидай *унгайсизланмоқ, ажабланмоқ, завқланмоқ, суюнмоқ, қувонмоқ, севинмоқ, ачинмоқ, чўчиноқ, қизиқмоқ, уялмоқ, афсусланмоқ, асабийлашмоқ, гердаймоқ, юмшамоқ, қизармоқ, аччиқланмоқ, ранжисмоқ, бўшашимоқ, мудрамоқ, уйқусирамоқ, хавотирланмоқ, зерикмоқ, газабланмоқ, таажэсубланмоқ, ҳаяжонланмоқ, ўпкаламоқ, тараддулланмоқ, иккиланмоқ, ийманмоқ, совимоқ, ўкинмоқ, дадилланмоқ, туташмоқ, эсиддийлашмоқ, гижсинмоқ, ижсирганмоқ, эсанқирамоқ, сергакланмоқ, озринмоқ, қайғурмоқ, исимоқ, талмовсирамоқ, маъюсланмоқ, овунимоқ, эжирканмоқ, ирганмоқ, ташвишланмоқ, нафратланмоқ, ўкисмоқ, доводирамоқ, гарансирамоқ, гумонсирамоқ, шодланмоқ, хавфсирамоқ, безмоқ, зорланмоқ, ҳадиксирамоқ, мағрурланмоқ, ганграмоқ, гангимоқ, хомушланмоқ, гўдаймоқ, дўғаймоқ, кеккаймоқ, гашиланмоқ, юпанмоқ, қўрқмоқ, ҳайшқмоқ, шубҳаланмоқ, тортинмоқ, эришмоқ, сиқилмоқ, истигноланмоқ, безовтачанмоқ, ёмонлашмоқ, бетоқатланмоқ, тоқатсизланмоқ, сабрсизланмоқ, хотирэсамланмоқ, тинчланмоқ, тинчимоқ, шавқланмоқ, мулойимлашмоқ, туймоқ, босинқирамоқ,*



таъсирланмоқ, умидланмоқ, шиддатланмоқ, қимтишмоқ, қизишмоқ, қониқмоқ, қонмоқ, қаноатланмоқ, зирилламоқ, ўртамоқ, ҳайратланмоқ, қийналмоқ, тутақмоқ, тортинмоқ, ҳадиксирамоқ, чидамоқ, алаҳсирамоқ, эсанкирамоқ, телбаламоқ, даҳшатланмоқ, орзиқмоқ, фаҳрланмоқ, каловланмоқ, тетикланмоқ, умидсизланмоқ, саргаймоқ, зурурланмоқ, қувнамоқ, ёқмоқ, тинчсизланмоқ, мароқланмоқ, куймоқ, ҳавасланмоқ, койинмоқ, ҳаволанмоқ, куйинмоқ, чирамоқ, соғинмоқ, бетинчланмоқ, чулганмоқ, лаззатланмоқ, хавфланмоқ, тўлқинланмоқ, роҳатланмоқ, қаҳрланмоқ, мириқмоқ, қизганмоқ, кўмсамоқ, оғирлашмоқ, шитинмоқ каби феъллардан иборат<sup>1</sup>. Улар билан кўмакчиси воситасида бошқариб келган отлар кўпроқ нутқий муносабат ва қилиқ билдирувчи семантикага эга бўлади. Бу отлар бирикма учун танланар экан, улар кўпроқ *фикр, дарак, эсараён* каби семантика билан намоён бўлади. Уларда ифодаланган ўша *фикр, эсараён, дарак* каби семантика феълдан англашилган руҳий ҳолатнинг юзага чиқиши бўлиб қолади. Бундай бирикмаларнинг грамматик воситаси деярли ҳолатда билан кўмакчиси бўлади. Шунинг билан бирга, унинг ўрнида *воситасида, орқали* кўмакчилари ҳам берилиши мумкин. Бу ўзгариш гарчи бирикма семантикасида ўз аксини топмаса ҳам, у ўз моҳиятини сақласа ҳам, услуб жиҳатидан айрим фарқ юзага чиқади. Масалан, *Яхши гап билан кампирни тинчлантирдим* (С.Аҳмад). Бу гапда *тинчлантирмоқ* феъли руҳий ҳолатни ифода этиб, у билан кўмакчиси *воситасида гап* отини бошқариб келган.

Бу ўринда муносабат “восита” маъноси орқали намоён бўлган. Шунга кўра ҳам бирикма восита классемасига эга. *Тинчлантирмоқ* феъли семантикасида табиатан ҳам “восита” семаси мавжуд. Лекин *гап* оти фақат *муносабат* маъноси билан қўлланганлиги учун ҳам, “восита” семасига эга бўлиб, феъл томонидан бошқарилган ва классема юзага келишида ўз аҳамиятига эга бўлган.

Бу гаптаги билан кўмакчиси ўрнида *воситасида, орқали* кўмакчиларини ҳам қўллаш мумкин. Бу алмаштриш билан бирикма маъносида ўзгариш бўлмайди, балки услубий фарқ юзага келади, диққат тобе бўлакка қаратилади. Бу услубий ҳолат ҳар икки кўмакчи (*воситасида, оқали* кўмакчилари) қўлланганда ҳам бир хил бўлади.

Восита классемаси билан феъл бошқарувини юзага келтирган билан кўмакчиси ўз ўрнида *бирла, ила, ла* вариантларига ҳам эга бўлади. Масалан, руҳий ҳолат билдирувчи феъл билан кўмакчиси *воситасида* руҳий ҳолатни билдирувчи отларни бошқариб келади деб кўрсатилган эди. Шундай семантик таркибли бирикмаларда билан кўмакчиси ўрнида унинг *бирла* варианты қўлланганини кўрамиз. Масалан, *Тушумда кўрдиму тонг чоги рашикм бирла уйғондим* (Чустий). Бу гапда *бирла* кўмакчиси *воситасида* таркиб топган бирикма *рашикм бирла уйғондим* бўлиб, ҳоким бўлак руҳий ҳолат билдирувчи *уйғондим* феълдир. У

<sup>1</sup> Расулов Р. Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентность. -Т.: Фан, 1991. - С. 22-23.



томонидан бошқарилган тобе бўлак руҳий ҳолат билдирувчи *рашким* отида ифода топган. Бу бирикманинг классемаси ҳам восита билдириб келган. Худди шунга ўхшаша семантикага эга бирикма *билан* кўмакчисининг *шла* варианты воситасида тузилганини ҳам кўрашимиз. Масалан, *Йўқтур армон: уйқудан завқ шла турдим субҳидам* (Чустий). Бу гапдаги *завқ шла турдим* бирикмасида ҳам ҳоким компонент ҳисобланган *турдим* феъли *уйғондим* маъносига руҳий ҳолатни ифода этиб келган. У томонидан бошқарилган *завқ* оти ҳам руҳий ҳолатни билдиради. Бирикма семантикаси “восита” классемасига асосланган.

Юқорида биз нутқ феъллари ҳам *билан* кўмакчиси воситасида руҳий ҳолат билдирувчи отларни бошқариб келиши ҳақида гапирган эдик. Бу ўринда ҳам *билан* кўмакчиси ўрнида *шла* варианты қўлланади. Масалан, *Гатиргайдаям усталик билан, ҳаётбахш кайфият шла гатирар эди* (Тоғай Мурод). Бу гапда *шла* кўмакчиси воситасида таркиб топган бирикма *кайфият шла гатирар* бўлиб, унинг ҳоким бўлаги *гатирар* нутқ феълдир. У томонидан бошқарилган тобе бўлак руҳий ҳолат билдирувчи *кайфият* оти бўлиб, улар бирикуви ҳам “восита” классемасига асосланган.

Кўринадики, “восита” классемали бирикмани ҳосил қилишда *билан* кўмакчиси ўрнида унинг *бирла*, *шла* вариантлари тўла ҳуқуқ билан қатнаша олади.

## ҲОМИЛ ЁҚУБОВ - АДАБИЁТШУНОС ВА МУНАҚҚИД

С. Абдуллаева, ТДПУ, мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг: “*Биз ўз тарихимизни йўққа чиқара олмаимиз... Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний, ҳолисона танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз... Ҳозир юртимизда маданият ва санъат арбобларининг ҳалол, ҳаққоний сўзига юксак баҳо берилмоқда. Аммо ана шу сўз одамларнинг ақл идроки ва кўнглига етиб бориши учун ҳали кўп иш қилиш керак*”, деган сўзлари XX аср адабиётшунослиги тарихи ва унинг етуқ намояндалари ҳаёти ва ижодий мероси, хусусан Ҳомил Исломович Ёқубов (1907-1998)га ҳам тўла дахлдордир. Илло, унинг ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётшунослиги муҳим масалаларига бағишланган асарлари адабиётшунослик соҳасида қатта аҳамиятга моликдир.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг биринчи авлодига мансуб юксак эрудицияли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор Х. Ёқубов ўтган асрнинг 30-90-йилларида адабий танқидчилик ва адабиётшуносликнинг долзарб масалалари билан фаол шуғулланган инсон эди.

А. Кулжонов таъбири билан айтганда, *“Ойбек ўзи мансуб авлод тенгдош санъаткорлар орасида қандай мақоени ишғол этган бўлса, Ҳомил Ёқубов ҳам ўз тенгқурлари адабиётшунослар ва танқидчилар орасида худди шундай фахрли ўринни эгаллаб келяпти”*. Айни пайтда, олим мактаблар учун адабиёт дарсликлари, мажмуалар ва ўқув дастурларини тузишга бевосита раҳбарлик қилган ва фаол қатнашган эди. Олимнинг илк тақризлари Ойбек, Ғ.Ғулом, Чўлпон ижодига бағишланган эди. Бу сўз санъаткорлари ижодий тақомили билан баравар равишда мунаққид маҳорати ҳам юксалиб борди. Олим ижодинининг турли даврларини қиёсий-типологик ва аналитик таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ҳ.Ёқубов ўз қарашларини банд этган муаммоларни тизимли тарзда тадқиқ этган. Жумладан, у ўзбек адабиётининг узвий қисмига айланган чўлпоншунослик, ҳамзашунослик, кодирийшунослик, ойбекшунослик, ғафур ғуломшунослик, қаҳқоршунослик каби йўналишларга асос солиниши ва ривожланишида ўз истеъдодининг янги-янги қирраларини намоён эта олган эди. Истиклол шабадалари баралла эсган йилларда ҳам 30-йиллардаги тадқиқотларига қайтиб, Чўлпон ижодининг миллий илдизларини Навоёна донишмандликдан излади.

Умуман, олим бу адиб ва шоирлар маҳорати ва тадрижий ўсиш йўлларини анъанавийлик, ворисийлик, поэтик индивидуаллик нуқтаи назаридан тарихий шароит, замон ва давр, халқ билан узвий алоқадорликда тадқиқ этди. Шунинг учун ҳам унинг ижодий мероси XX аср ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги ривожининг муайян давр кесимидаги камолотини белгилашда ўзига хос қиммат қасб этади. Собит фикрли мунаққид Ҳ.Ёқубов адабий-танқидий қарашларида халқчиллик, бадийлик, анъана ва адабий меросга муносабат, лирика, наср, драматургия, конфликт, қахрамон каби ўнлаб муаммолар таҳлили доминантлик қилади. Айнан шу масалалар тадқиқи олимнинг муаммога ёндашув тарзи ва уни ёритиш услубини инкишоф этишга қалит беради. унинг адабий жараёнга таъсирини очишда қўл келади.

Ҳ.Ёқубов ўзбек адабий танқидининг туғилиши, шаклланиши ва тараққиётини умумлаштиришга интилди. Хусусан, ўтган асрнинг 20-йиллари танқидчилиги шаклланиш жараёнларини кенг қўламда ўрганди. Танқидчию адабиётшунослар услуби, маҳорати билан боғлиқ муаммоларнинг ўз даврига мос оптимал ечимларини топди.

Истиклол йилларида ўзбек танқидчилигининг XX асрдаги тарихи, жумладан Фитрат, А. Қодирий, В. Маҳмуд, Миён Бузрук Солиҳов, О.Ҳошим, А. Саъдий каби етук намояндалари ҳаёти ва ижодий меросини ўрганувчи махсус тадқиқотлар юзага келди. Айни пайтда, Н. Каримов, У. Норматов сингари нисбатан кейинги авлод ижодий илмий фаолияти ҳам ўрганилмоқда. Бирок, Ҳ. Ёқубовнинг адабиётшунослик

ва мунаққидлик фаолияти А. Қулжонов, Б. Имомов, Н. Каримов, Б. Назаров, Ш. Турдиев,

О. Тоғаев, А. Расулов ва бошқа олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган бўлса- да, ханузгача монографик планда махсус тадқиқ этилмай келинмоқда. Ўзбекистонда адабиёт илми равнақиға муносиб ҳисса қўшган забардаст олим Ҳомил Ёқубовнинг адабиётшунос олим ва мунаққид сифатидаги ижодий мероси, хусусан реалистик ўзбек адабиётшунослиғи ва танқиди шаклланиши ва илмий-эстетик тафаккур ривожига қўшган улушини аниқлаш лозим. Шундагина, унинг фитратида кузатилувчи: муайян ижодкор табиати ва асаридаги хос жиҳатларни пайқаш, иқтидор ҳамда салоҳият йўсинида намоён бўлувчи методология муаммолари, адабий йўналишлар, бадий маҳорат, индивидуал услуб масалаларига муносабат сингари муаммоларни ойдинлаштириш мумкин бўлади.

Олим ўзбек адабиётининг Навоий, Бобур, Муқимий, Турди, Чўлпон, Ғ. Ғулом, Ойбек, Шайхзода, А. Қахҳор, Уйғун, Миртемир, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, М. Бобоев каби таниқли намояндалари ижодини муҳаббат ва лирик ҳарорат билан таҳлил этиб, ичдан нурлантирган, назарий асослаш тамойилларини тадқиқ этган эди. Қолаверса, яратилажак монографик изланишда Ҳ. Ёқубовнинг муайян муаммоға ёндашув тарзи ва масалани ёритиш услуби, олим қарашларининг адабий жараёнға таъсири сингари муаммолар ҳам ўз ечимини топган бўларди.

Зотан, ўзбек адабий танқиди туғилиши, шаклланиши ва тараққиёт жараёнларини умумлаштирувчи тадқиқотларға реал эҳтиёж мавжуд. Демак, биз кўзда тутган тадқиқотда келинадиган умумлашма хулосалар ўзбек адабиётшунослиғи ва адабий танқиди тарихини холис ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Халқимизни ХХ аср бадий-эстетик тафаккури тарихи билан янада яхшироқ таништиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2012, -Б. 165-166, 224.
2. Ёқубов Ҳ. Сайланма. I ва II жилдлар. Т., 1983 1984; Чўлпон ва Навоий. Т., 1998.
3. Назаров Б. Олим маданияти. (Ижодий портрет) Т., “Ўзбекистон”, 1977.
4. Имомов Б. Ҳомил Ёқубов (Адабий портрет), Т., 1978.
5. Тоғаев О. Ибратли сабоқлар. Т.: Фан, 1987.
6. Расулов А. Бетакрор ўзлик. Т.: “Мумтоз сўз”. 2009.
8. Турдиев Ш. Ҳомил Ёқубов ҳақида хотираларим., ЎТА., 2009, № 4, Б. 116- 122.

## НАВОИЙ ШАХСИ ВА ФАОЛИЯТИ ЭНГ УЛУҒ ИБРАТДИР

Г. Ашурова, ТДПУ, ф. ф. н., доцент

Алишер Навоий шеърят мулкининг султони сифатида халқимизнинг фаҳрига айлангани бежиз эмас. Бугун Навоийнинг қайси жиҳатларини яхшироқ ўрганмоқ муҳим деган савол туғилади. Одамлар ҳаётини умумий тарзда иккига ажратиш мумкин. Биринчиси, табиий, яъни содда, тўғри, ҳалол, самимий, айна пайтда бир қадар қийинчилик, азият, андуҳ ва армондан холи бўлмаган турмуш тарзи. Кўпчилик доим шундай яшаган. Иккинчиси, сунъий, яъни алдам-қалдам, ёлғон, алдов ва ҳар турли найрангбозчиликларга асосланган ҳаёт тарзидир.

Табиий ҳаёт тушунчасини чуқур англаш ва уни чидам ила амалда жорий эта билиш ҳикматини, менимча, бугун кўпроқ Навоийдан ўрганиш зарур. Ана шунда адашиш, иккиланишлар анча камаяди. Миллат, юрт, ҳақиқат, илм-маърифат дарди билан яшашда Навоий шахси ва фаолияти энг улуғ ибратдир.

У айниқса, устозларини жуда ҳурмат қилган. Ҳазрат Жомийнинг ижод хазинаси бизга қанчалик кадрли бўлса, унинг Алишер Навоий билан дўстлиги, устоз-шогирдлиги шу даражада эътиборли ва эҳтиромли. Бу – халқлар, адабиётлар, илм-фан, маданиятлар тарихида ниҳоятда сийрак учрайдиган ҳодиса. Жомий ва Навоийга ўхшаб дунёқараши-дунёқарашига, шахсияти-шахсиятига, маслаги-маслагига боғланиб, ижодиёти ва маҳорати ўзаро уйғунлик касб этган икки миллат, икки адабиёт вакилини тасаввурга келтириш қийин. Асарларида Навоий Жомий таърифида, Жомий Навоий мадҳида сўз юритар экан, уларнинг ҳар иккаласи ҳам гўё бир тафаккур иқлимида нафас олиб, бир дард ва шодлик гулшанида кезиб улуғ истеъдод, мислсиз бадиий кашфиётларни шарафлаётганга ўхшайди. Навоийнинг Жомийга, Жомийнинг Навоийга қалб яқинлиги, меҳр-муҳаббати, ишончи қандай бўлган бўлса, уни ўшандоқ ўрганиш лозим.

Навоий қардош халқлар томонидан ҳамиша меҳр-муҳаббат билан ўқилган, бундан сўнг ҳам шундай бўлаверади. Бунинг бир далили ўлароқ ўтган йили Озарбайжоннинг маркази Боку шаҳрида буюк бобомизга қўйилган ҳайкални эслатиш мумкин. Алишер Навоийнинг ҳаёти, адабий, илмий меросини ўрганиш олижаноб меҳнат. Лекин шоир асарларини қанчалик чуқур ва пухта ўрганишга киришмайлик, барибир мукамал тушунишга қийналамиз.

Навоий шеърларида, энг аввало, руҳий асос, сўзнинг фикрий-маърифий илдизи жуда бақувват. Шунинг учун Навоийни ўқиганда ақл, кўнгил, туйғу деярли баб-баробар ишлаши керак. Лекин Навоий шеърятини англашнинг асосий йўли – бу билим. Тил, тарих, дин, тасаввуф, фалсафа ва мумтоз адабиёт хусусиятларини қанча яхши билсангиз, Навоий асарларини ҳам ўшанча пухтароқ тушунишга эриша борасиз. Дилдан Навоий шахсиятига боғланиш, такрорланмас бу улуғ шахсият ҳолат ва ҳақиқатларини баҳоли қудрат мушоҳада қилишга ундайди.

Навоий нафақат ғазалларини, балки, замондошларининг ҳам минглаб мисраларини ёддан билган. Бугунги айрим шоирлар Навоийни ўқиш у ёқда турсин, ўз шеърларини ҳам ёддан айтиб беролмайди.

Шеър ҳақиқий завқ, юксак илҳом маҳсули ўлароқ туғилса, хотирага албатта сақланиб қолади. Ғализ, қофияли мисралар эса деярли ҳеч кимнинг ёдида қолмайди.

Агар сўзи чиндур – кўринур юзи,

Кўринмас юзи – бўлса ёлғон сўзи.

Бу байт “Садди Искандарий” достонидан. Унда фақат рост сўздагина инсон мустақил қиёфа касб эта олиши, ёлғон сўзлаш эса маънавий-ахлоқий қиёфадан маҳрумлик эканлиги таъкидланган.

## ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВИЙ ОБРАЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Г. Жўраева, ТДПУ, ф. ф. н., доцент

Болалар адабиёти, жумладан, болалар шеърияти болалик оламининг чин маънодаги кашфиётчиси ва ўзига хос кўзгусидир. Унда фақат болаларга хос турфа туйғулар, орзу-умидлар, идеаллар ўз аксини топади.

Маълумки, катталарда характер хусусиятлари тўлиқ шаклланган бўлиб, ҳаётдаги ҳар бир ҳодисага ақл-мушоҳада орқали ёндашади ва ўз муносабатини белгилайди. Улар табиати барқарорлиги билан ажралиб туради. Шу боис катталар орасида учрайдиган салбий типлар ўзига хос жиҳатлари билан фарқланиб туради ва уларнинг адабиётдаги тасвири ҳам алоҳида сатирик бўёқларни такозо этади. Болалик олами эса беқарорлик билан кечади.

Улар табиатида учрайдиган баъзи бир нуқсонлар, қусурлар вақт ўтиши билан ақлнинг куюлиши, фикрларнинг тиниқлашуви, ўқиш ва билим олиш натижасида ижобий томонга ўзгариши мумкин. Қолаверса, болаларни тўғри йўлга солиш катталарнинг муҳим бурчи саналади. Болалар адабиёти катталар томонидан яратилар экан, ана шу вазифани бажаришга йўналтирилиши табиийдир. Ўтган асрнинг 80-90-йиллари болалар шеърияти бир қатор жиҳатлари билан аввалгиларидан фарқланади.<sup>78</sup> Бу давр шеъриятида умумшеъриятга хос бўлган сифат ўзгаришлар характерлидир. Маълумки, бу давр ўзбек адабиётида муҳим ўтиш даври – янгича бадий тафаккур ва поэтик изланишлар даври ҳисобланади. Бу давр адабиётида инсон руҳияти, унинг маънавий оламини ўзига хос поэтик изланишлар – янгича поэтик образлар, рамз ва тимсоллар воситасида ифодалашга эътибор кучая бошлади. Ижодкор

<sup>78</sup> Қаранг: Иброҳимова З. Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари.-Т.: Ўқитувчи, 1994; Жумабоев М. Болалар адабиёти. Маъруза матилари.-Т.: 2001; Жумабоев М. Болалар адабиёти. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи, 1994; Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеъриятида психологик тасвир маҳорати.-Т.: Фан, 2004; Ўзбек педагогикаси анталогияси.-Т.: Ўқитувчи, 1995; Қаҳрамонов Қ. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти.-Т.: Фан, 1991; Ражабов Д. 80-йиллар ўзбек болалар шеъриятида поэтик маҳоратнинг айрим масалалари. Автореф... кан. Дисс.-Т.: 1995; Баракаев Р. Жонажоним шеърият.-Тошкент, 1997.

концепцияси, воқеликка ва бадий сўзга муносабати ўзгаради. Бадий сўз ўз нигоҳини инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва фаолиятига эмас, балки энг аввало унинг руҳий оламини, қалб эврилишларини кашф этишга қарата бошлади. Бу янгилашиш жараёни болалар адабиётида ҳам ўз аксини топа бошлади. Адабиётшунос Р.Баракаев қайд этганидек, «Ана шу жараёнда ўзбек болалар адабиёти шеърятининг ҳам камтарона ўрни, ўзига хос хизмати бор». <sup>79</sup> Ушбу «камтарона» хиссанинг бир қисми ҳажвий характердаги шеърлар зиммасидадир. Ҳажвий шеърларда болалар образини яратишда ҳам умум шеърятдаги каби тасвир усуллари билан бирга ўзига хосликлар ҳам мавжудлигини кўриш мумкин. Бу ўзига хослик қуйидагича намоён бўлади.

1. Образ яратишда болалар табиатидаги нуксонларни катталар нуқтаи назаридан фош этиш.

2. Бола нутқи орқали ўзини-ўзи фош этиш.

3. Инсоний иллатларнинг мажозий образлар воситасида фош этиш.

Болалар адабиётида бевосита болалар ҳаётдан олиб ёзилган сатирик шеърлар, аслида, унчалик кўп эмас. Жумладан, Қуддус Муҳаммадийнинг «Дум», «Тугмача», Ғофур Ғуломнинг «Нортожининг курак тиши», Пулат Мўминнинг «Салимжон-нимжон» каби шеърларини сатирик асарлар сифатида баҳолаш мумкин. <sup>80</sup> Улардаги сатирик қаҳрамонлар ўзининг ёлғончилиги, тухматчилиги, ялқовлиги, дангасалиги, тозалikka риоя этмаслиги, дарсларни ўзлаштирмаслиги каби йилларидаги билан маълум ва машҳурдирлар. Маъкур шеърлардаги образларнинг сатирик кифаси кулги воситасида фош этилади, айни чоқда уларнинг ушбу иллатлардан тезда фориғ бўлиши гоёси ҳам илгари сурилади. Бу уринда шуни ҳам қайд этиш керакки, бу типдаги шеърларда болаларнинг сатирик кифасини чизишда шоирлар мажозий деталь ва тасвирлардан самарали фойдаланишади.

Чунончи, «чиринган курак тиш» (Ғофур Ғулом), «дум» (Қуддус Муҳаммадий) каби деталлар ва бадий образлар шулар жумласидандир. Ушбу жиҳатлар ҳам болалар шеърятда бевосита болалар ҳаётдан олиб ёзилган сатирик шеърлар кам учрашига, болалар ўртасида учрайдиган салбий иллатлар асосан мажозий образлар орқали намоён бўлиши ҳақида муайян хулосалар чиқаришга асос бўлади. Бунинг асосий сабаби юқорида таъкидланганидек, болалар табиатининг бекаорлиги ва тузалувчан бўлишидадир. Вақт ўтиши билан болалар табиатидаги салбий иллатлар бутунлай барҳам толиши ёки баттар авж олиб, салбий шахсларнинг вояга етишига замин бўлиши ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам болалар табиатидаги сатирик ва юмористик ҳолатлар ўткинчи жараён эканлигини назарда тутиш лозим. Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Болалар адабиётининг муҳим жиҳатларидан

<sup>79</sup> Баракаев Р. Жонажоним шеърят. –Тошкент: Чўлпон, 1997.–Б. 7.

<sup>80</sup> Қаранг: Муҳаммадий Қ. Табиат алифбоси.–Тошкент, 1971; Ғулом Ғ. Нортожининг курак тиши / Ҳовли тула болалар.–Тошкент, 1988; Мўмин П. Барча бола дўст бўлса. –Тошкент, 1979.

бири шундаки, ижодкор учун бола руҳиятининг реалистик ёки ҳажвий талқинини бутун моҳияти билан бадий мукамал тасвирлаш ҳар доим осон кечавермайди. Зеро, сиртдан содда ва беғубор олам бўлиб туюладиган болаликнинг ўзига хос яширин сир-асрорларини поэтик кашф қилиш ниҳоятда машаққатли жараён. Шу боисдан ҳам, шоирлар болаларга аталган шеърларида кўпроқ мажозий образлар яратишга ҳаракат қилишади. Бундай ижод жараёнида улар ўзларини эркин ҳис қилишиб, шартлилик асосидаги тасвир усулларидан фойдаланишади. Бинобарин 80-90-йиллар болалар шеърлятида муҳим ижтимоий-эстетик муаммоларни акс эттиришда мажозийликка катта эътибор берилган бўлса-да, шўро даври болалик оламининг мураккаб, баъзан эса фожиавий нуқталари ўзининг реалистик талқинига тўлалигига эриша олмади.

«Ҳозирги ёшлар шеърлятининг тўқсон фоизини мажозий характерлар тасвирини чизиш, қолган беш-ўн фоизини эса ҳажвий қаҳрамонлар характерини акс эттириш ташкил этмоқда... Шеърлятимизда бугунги ўзбек боласининг ҳам фожиавий, ҳам аянчли, мураккаб руҳияти, характери ўз аксини топмаётир»<sup>81</sup>, - деб ёзган эди бу ҳақда Қ.Қаҳрамонов.

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 80-90-йиллар болалар шеърлятида бевосита болаларнинг сатирик образи яратилган шеърларнинг кам учраши, улар кўпроқ мажозий ва аллегорик образлар шаклида намоён бўлишини кузатиш мумкин. Жумладан, Р. Толибовнинг «Битта ёмон», «Бир мажлис», А.Кўчимовнинг «Урталиқ», «Миш-мишвой», «Мен ғийбатчи эмасман», «Ҳийла», Рустам Назарнинг «Даҳшат», «Зоология муаллимининг ҳикояси», «Таътил», «Уйқучининг армони», «Баҳс», «Ҳамён», «Ота-оналар мажлиси», «Кутубхоначи минбари», «Тартиб», «Қирдаги лолалар», «Журъатсиз ўғлон», У. Шукуровнинг «Бир аълочи, бир ялқов», Ҳ. Имомбердиевнинг «Алихўжа Хўжаали», «Ҳамён», «Турди ўғри ва Кетмонвой», «Табиатнинг хатоси», «Ширинликлар ороли», «Уришқоқлар», «Олабўжи», «Темир тирноқ» каби шеърлари шу жиҳатдан характерлидир.<sup>82</sup>

Ўзбек болалар сатирик шеърлятида ҳажв тигини ижтимоий-маънавий ҳаётдаги муаммоларга қаратиш орқали ижодкорлар сатирик образ қиёфасини, унинг яшаш фалсафаси моҳиятини очишга ҳаракат қилганларки, бу хусусият ўзига хос эстетик тамойилга айланган. Шоирлар иллатларни фош этишда реалистик тасвир билан бир қаторда рамзий мажозий образларга ҳам мурожаат қилиш билан ҳаётдаги иллатларнинг туб моҳиятини очишга интилдилар. Бу типдаги шеърларда реал ҳаёт манзаралари билан поэтик кўчимлар ўзаро

<sup>81</sup> Қаҳрамонов Қ. Бир мунозара баҳонасида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1989. №-19.

<sup>82</sup> Қаранг: Толипов Р. Миржалол нега дол? -Тошкент, 1997; Кўчимов А. Балад тоғлар. -Тошкент, 2002; Назар Р. Рағли фаввора. -Тошкент, 1991; Шукуров У. Болари ва чумоли. -Тошкент, 1991; Имомбердиев Ҳ. Лофчилар алдоқчилар. -Т.: Чулуон, 1991; Имомбердиев Ҳ. Фаройибкент хани омалари. -Т.: Чулуон, 1994.

уйғунлашиб, бетакрор бадий топилмалар яратишга хизмат қилган. Болалар феъл-атворидаги иллатларни фош этишда кичкинтойлар адабиётининг тарбиявий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ уларнинг ўзини-ўзи фош этиш ҳамда кулгига қўйиши санъатидан фойдаланилган. Бу хусусият эса бадний асарларнинг таъсирчанлигини оширган.

Ижодкорлар халқ оғзаки ижоди анъаналаридан, шунингдек, содда, самимий, сермаъно фикрларни табиий халқона қофияга солиб, сатирик кулгу яратишга эришганлар. Шу усулда ножўя ҳолатларни келтириб чиқарган сабабларга китобхон диққати қаратилган. Кўп ҳолларда ҳукм-хулоса чиқариш китобхонга ҳавола этилган. Бундай эстетик тамойил ҳам ўзбек болалар адабиёти равнақиға таъсир кўрсатган.

### БАДИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЛЕКСИК-СТИЛИСТИК МУАММОЛАРИ

(“Кутадғу билиг”даги айрим бадий санъатлар таржимаси мисолида)

Қ.Сидиқов, филология фанлари номзоди  
Б.Раззақов НамДУ магистранти

Бадий адабиётда метафора очик ва ёпиқ шаклда бўлади. Очик метафорада истиораға олинган сўзгина иштирок этади ва унинг маъносини яхлит ҳолда тушуниш имконияти мавжуд. Ёпиқ метафорада эса истиораға олинган сўз ҳам, ўхшатилаётган нарса ҳам иштирок этади. Адабиётшунос олим Д.Қуроноғ метафорани лексик ва матн ичидаги метафораларға бўлади ҳамда биринчисининг мазмуни бир сўз доирасида англашилиши мумкин бўлса, иккинчисининг маъноси бошқа сўзлар билан алоқада ойдинлашилиши таъкидлайди<sup>83</sup>. Бу айни очик ва ёпиқ метафоралардир.

Таржимоннинг аслият моҳиятини нечоғлик тўғри ва тўла тушуниши унинг сўз бойлиги қўламини тўғри белгилашиға, пухта ва аслиятға энг яқин таржима асарини яратишиға асос бўлади. “Муаллифнинг индивидуал услубини ва унинг асардаги миллий ўзига хос хусусиятларини сақтаб қолишдек муҳим вазифани ҳал қилиш йўлидаги қийинчиликлар маълум даражада лексика ва фразеологияни таржима қилиш масалалари билан боғлиқ”<sup>84</sup>. Бошқа бир тилдаги метафораларни она тилида қайта яратиш, бизнинг мисолимизда эса “Кутадғу билиг” тўртликларидаги метафораларни бошқа (рус ва инглиз) тилларига таржима қилиш шунчаки иш бўлмай, балки таржимондан чуқур билим, диққат-эътибор, шунингдек, туркий халқлар маданияти, уларнинг яшаш ва тафаккур тарзи, миллий қадриятлари, ўзига хос миллий-маънавий анъаналари ҳақидаги маълумотларға эға бўлишни ҳам талаб қилади.

<sup>83</sup> Қуроноғ Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Халқ мероси, 2004. – Б. 128.

<sup>84</sup> Андреев В.Д. Некоторые вопросы перевода на русский язык болгарской художественной литературы // Теория и практика перевода. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1962. – С. 432.



Асарнинг “Беглар қандай (бўлиши) кераклигини айтади” бобида ушбу тўртлик бор

Кур арслан болу бэрэ ытка башы,  
Бу ыт барча арслан болур оз туши.  
Қалы болса арсланқа ыт башчысы,  
Бу арслан болур барча ыт сақышы.

**Мазмуни:**

Кўргин, агар арслон ит(лар)га бош бўлса,  
Бу итлар барчаси унинг тенгида арслон бўлади.

Агар арслон(лар)га ит бошчи бўлса,  
Бу арслон (лар) барчаси итга тенг бўлади.

Муаллиф назарида лашкарни бошқарадиган шахснинг жисмоний ва маънавий фазилатлари бошқаларникидан ортик ва кўп бўлиши керак. Акс ҳолда, унинг ўзи бошқаларга тобе ва қарам бўлиб қолади, бошқаларнинг олдида тили қисик бўлади. Тўртликда муаллиф арслон образи орқали мард, адолатли лашкарбошини назарда тутса, ит образи орқали пасткаш ва ноқас кишиларни танқид остига олади. Демакки, ҳайвонлардаги ижобий ва салбий хусусиятлар бевосита инсонларга кўчирилади.

Юқоридаги тўртликнинг баъзи хорижий таржималарини кузатамиз. В.Мей таржимаси:

Whenever a lion o'er dogs takes the  
lead –  
Then any poor cur roars like lions,  
indeed!  
But if some poor hound o'er the lions  
should reign –  
Then lions would look just like curs,  
once again!

**Мазмуни:**

Қачон шер итлар устидан бошчи бўлса,  
Унда ҳар қандай дайди ит ҳам шердек  
наъра тортади.

Аммо агар ярамас този шерлар устидан  
ҳукмрон бўлса,  
Шерлар яна гўё дайди итга ўхшаб  
қолади.

Бу ўринда, тўртлик аслиятга мос ҳолда, бадий санъатлари сақланган ҳолда ўгирилган. Аслиятдаги ит образи таржимада “poor cur – дайди ит”, “poor hound – ярамас този” сўзлари орқали аниқлаштириб берилган ва бу мутаржимнинг маҳорати сифатида таъкидланмоғи лозим. Аслиятдаги “ит” “арслон” билан зиддиятда олинганида туркий халқлар учун пасткашликнинг, номуносибликнинг, ярашқисизликнинг рамзи сифатида уларнинг онг ва туйғуларида тегишли ассоциацияни уйғота олади. Инглиз тилли адабий муҳит доирасида эса бунинг ўзи камлик қилади. Шунинг учун ҳам таржимон бу “ит”нинг одатий, оддий ит бўлишидан қаноат топа олмайди. Ана шу бадий-эстетик зарурият унга мазкур сўз олдида “poor – дайди”, “poor – ярамас” сифатини келтиришни такозо этади.

Тўртликнинг Р.Денкофф таржимаси билан танишамиз:

A dog is leonine  
If he gets a lion's head;  
Give the dog's head to the lion.  
He becomes canine instead.

**Мазмуни:**

Агар шернинг бошини олса (эга бўлса),  
Ит ҳам шер кабидир.  
Агар ит бошини шерга берсанг,  
У шубҳасиз итга ўхшаш бўлади.

Р.Денкофф аслиятдаги метафораларни инглиз тилида мохирона қайта яратган. Мутаржим аслиятдаги “ит” метафорасини инглиз тилига

иккита вариантда “dog – ит” ва “canine – итга ўхшаш (итсимон)” тарзида беради. Метафора таржимада анча конкретлаштирилиб, яъни аслият мантигига мос равишда ўгирилган. Чунки аслиятга кўра арслонга ит бошчилик қилса, у итга (физиологик жиҳатдан) айланиб қолмайди, балки унинг хагги-ҳаракати итникига ўхшайди. Бу борада Р.Денкоффнинг таржима услуби жуда ўринли.

Хулоса шуки, асар тўртликларидаги метафораларни инглиз тилига ҳам метафора йўли билан таржима қилиш мумкин ва бунга икки тилда ҳам мазкур бадий санъатнинг мавжудлиги имкон беради. Р.Денкоффнинг метафорик образларни аниқлаштириши аслият мантигини таржимада тўлароқ очилишига сабаб бўлган. В.Мей талқинларида ҳам метафоралар ўзига хос тарзда қайта яратилган ва баъзи ҳолларда бу санъат таржимада акс этмаган. С.Н.Ивановда бу санъат тури аксарият ўринларда аслиятга муқобил ҳолда акс этган. Зеро, бадий таржима қилишдан мақсад бир тилдан иккинчи тилга сўзларни луғавий ўгириш эмас, балки уларнинг маъзида яшириниб ётган маънони юзага чиқаришдир.

## **“ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ДАГИ АЙРИМ СОМАТИК ИБОРАЛАР ҲАҚИДА**

**О. Аметова, ТДПУ, ўқитувчи**

Тилимиздаги иборалар узоқ тарихий тараққиётга эга. Айрим ёзма манбаларга кўра, қатор иборалар тарихи туркий тилларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Баъзи ибораларнинг пайдо бўлиши эса шу тилларнинг кейинги тарихий тараққиёти билан боғланади.

Тилшуносликдаги тадқиқотларни қузатганимизда шунга эътибор бердикки, тилимиздаги кўпгина иборалар инсон тана аъзоларининг номлари асосида пайдо бўлган. Улар бошқа сўзларга боғланиб кишиларнинг рухий ҳолатини, нафақат ташки кўриниши, балки ички дунёсини таъсирчан ифодалай олади. Бундай бирликлар қаторига бош, юрак (кўнгил, дил), қўл, оёқ, юз, кўз, қош, бағир, эт (гўшт), суяк, томир, қулоқ, тил каби сўзлар билан ҳосил қилинган кўплаб ибораларни келтиришимиз мумкин. Тилшуносликда бундай ибораларга соматик (soma — юнон. тана) иборалар дейилади. Қадимги туркий тил ва халқ оғзаки ижодининг зукко билимдони Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” асарида қадимий халқона иборалардан тасвир мақсадига мувофиқ унумли фойдаланганки, адибнинг имконият сифатида мавжуд бўлган тил бирликларини қўллашдаги ижодий маҳоратига тан бермай иложимиз йўқ. Воқеаларни образли тасвирлашда, уни ўқувчи кўз ўнгида яққол ва тўла акс эттиришда асарда қўлланган фразеологик ибораларнинг ўрни, ахамияти бекиёсдир. Адиб

“көңүл бэрмок” (кўнгил бермок), “көзүн ачгыл” (кўзини очмок), “көңүл көдөзгил” (кўнгилни сакламок, нафсни тиймок), “өзүн тутгыл” (ўзини тутмок), “элиг тут” (кўлидан тутмок), “кәң элиг” (кўли очик), “көңүл бадым” (кўнгил боғладим), “көңүл түз-ә” (кўнгли тўгри), “тил түз-ә” (тили тўгри), “тили, көңли бир” (тили ва дили бир), “көңүл бэрмишин” (кўнгил бермок), “кашы түгди” (қовоғини солмок), “алиг берди” (құл бермок), “башы қаврулу” (боши эгилмок), “көрүмәкли көзләр” (қўролмайдиган кўзлар), “узатты элиг” (құл узатмок), “тилиңни көдөзгил” (тилни асрамок), “этиңни йәгәй” (эт (гўшт)ини емок), “башыны йәйур” (бошини емок), “көрсу қарағуқа көз болсу” (кўрга кўз бұлсин), “тили йавлак” (тили ёмон), “элиг тәкүргил” (құл теккизмок) каби кўплаб халқ тилида ҳозир ҳам яшаётган ибораларни бадийий воқелик мазмунига сингдириб юборган.

Асарда, юқорида таъкидлаганимиздек, кишиларнинг рухиятини тасвирлаш учун қўлланган иборалар талайгина:

Элигқа бақа кўрди йашру кўзун,  
Қаши кўзи тугмиш, ачитмиш йузин.(755)

(Кўз қири билан кўз остидан ёки кўзларини яшириб элигга қараб кўрди.

У қош-қовоғини солган, юзини буриштирган эди).

“Йашру кўзун”, “қаши кўзи тугмиш”, “ачитмиш йузин” қадимий фразеологик иборалар бўлиб, кишининг бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтишини ифодалашга хизмат қилади. Ҳолатини ўзгартирган тана аъзолари “кўз”, “қош-кўз” ва “юз”дир. Қандай инсон кишига тик қарашга ботинмайди, нима учун кўзларини яширади ёки олиб қочади? Биламизки, бу ибора ўзини айбдор ҳис қилмок, виждони қийналмок, кимдандир тортинмок, ёлғон гапирмок, қўрқмок каби кўпгина руҳий ҳолатларни кўрсатиб бера олади. Шу маънода, элиг, яъни подшоҳнинг кайфияти тушқунлиги сабабли ўзини айбдор сезаётган вазир – Ойгўлдиннинг ҳолатини аниқ кўрсатишда фразеологик ибора кучли восита бўла олган. Элиг, яъни подшоҳнинг жаҳли чиққанини адиб “қаши кўзи тугмиш”(“қош-қовоғи солинган”) ибораси орқали кўрсатиб берса, ғазаб отига минган ҳолатини “ачитмиш йузин”(“юзини буриштирган”) ибораси орқали кўз олдимизда гавдалантиради. “Қовоғи солинган”, “юзи буришган” иборалари ҳозирги кунда ҳам тилимизда айнан кишининг дарғазаб ҳолатини ифодалашга хизмат қилади. Юқоридаги байтда адиб подшоҳ ва вазир рухиятини ифодалаш учун халқ оғзаки ижодиётдан бирйўла уч иборани танлаб қўллаган.

Навбатдаги байтда “кўнгли чўқди” иборасининг архаик варианты элигнинг ўлим фожиасини эшитгандан кейинги ҳолатини очиб беришга хизмат қилган:

Эвинга кэлиб кирди, кўнгли тушуг,  
Қапуғ йапти бир кун сакинчин тугуг.(1541)  
Кўнгли чўкиб келиб уйига кирди,  
Эшик беркитди, бир кун ғам ва хафаликда  
бўлди (яъни аза тутди).

Маълумки, “кўнгли тушуг”, яъни “кўнгли чўқди” ибораси кишининг тушкун кайфияти, чексиз дарду изтироблардан кийналган, руҳсиз ҳолатини ифодалайди. Вазирнинг вафот этиши элигни чексиз ғам-ғуссага кўйди. Бу дард уни кемирмоқда, чунки Ойтўлди ҳар бир ишда элигнинг сирдоши, маслаҳатчиси, яқин дўсти, хатто қариндошдан ҳам яқинроқ эди. Ўлим фожиаси элигнинг “кўнглини чўқтирган”.

Куйидаги байтда эса дунёпарастлик иллатидан огоҳлантирилади:

Йайиғ телва давлат, кўнгул бамағил,  
Толун-тег бу давлат йана эрилур.(726)  
Давлат бевафо, гумроҳдир, унга кўнгил боғламагин,  
Давлат – тўлин ой каби, у яна емирилади.

“Кўнгул бамағил”(“кўнгил боғламагин”) ибораси “кўнгил берма”, “дил берма”, “кўнгил кўйма” шаклларида, мазмунан севма сўзининг таъсири ифода варианти сифатида нутқимизда кенг қўлланади. Мол-дунё канча кўп йиғилса, шунча ўзига ром қилади. Орттирган дунё ва молу мулкингга мағрур бўлма, чунки у сенга вақтинча, омонат берилган. Давлат тўлин ойга ўхшайди, у бир кун келиб емирилади, яъни кўлдан кетади. Дунёга кўнгил боғлаб киши ўзидан кетмаслиги, ўзлигини унутмаслиги, дину диёнатдан кечмаслиги каби бир қанча олижаноб ғоялар биргина “кўнгул бамағил” иборасида ифодаланганки, бу матндаги ориқча сўзга ўрин ҳам қолмаган.

Навбатдаги иборани муаллиф асар қаҳрамонларидан бири-Ўғдулмиш нутқида қўллайди:

Кэсилди сөзүм сэн эсэн эдгү қал,  
Элигкэ битиг бэр йүзүм қылма ал.(3646)  
Сўзим тугади, сен эсон (ва) яхши қол,  
Элигга мактуб бер, юзимни қизил қилма  
(яъни уялтирма).

“Йўзни ал қылмоқ” (юзни қизил қилмоқ) ибораси уялтирмоқ, хижолат қилмоқ маъноларида қўлланадиган бирлик саналади. Ҳақиқатан ҳам, бирор-бир воқеа-ҳодиса сабабли уялиб қолган кишининг юзи қизаради. Айнан шу ҳолатни таъсири ифодалаш мақсадида адиб юқоридаги иборани танлаб, байтга сингдиради.

Йўзун тутчы сувлуғ тутайын тэсэ  
Тилин сөзләмэ сөзни йалган оса.(4194)

Доим юзингни сувли тутайин десанг (яъни бообрў бўлайин десанг),

Тилда сўзни ёлғон сўзлама, андиша қил.

Ўзи тўғрининг сўзи ҳам тўғри бўлади. Ёлғон гапнинг эса умри қисқадир. Киши мисқоллаб йиғилган обрўсини бир оғиз ёлғон сўз билан йўқотиши мумкин. Демак, росғуй, ҳалол кишиларнинг доимо “юзи сувли”, яъни бообрў бўлади. Ёлғон гапирган кишининг обрўси тўкилгани етмагандек, рост гапига ҳам ҳеч ким ишонмай кўяди.

Башым көккө тэгсүн тэсэ сэн туруб  
Билиг бирлэ ишлэр қамуғ иш көрүб(4453).  
Сэн юксалиб бошим кўкка етсин десанг,  
Ҳамма ишни кўриб, билим билан ишла.

Илму маърифат кишини юксалтиради, бошини кўкка етказди, дейди адиб Ўгдулмиш тилидан. Байтдаги “боши кўкка етмок” ибораси кишидаги қувонч, шодлик каби руҳий ҳолатнинг таъсирли варианты сифатида ҳозир ҳам тилимизда фаол ибора саналади. Демак, бу ибора ҳам тилимиздаги жуда кўҳна ва минг йил олдин қандай маънода ишлатилган бўлса, ҳозир айнан шу маънони сақлаган ҳолда ўз “хаёт”ини давом эттираётган иборалардан саналади.

Ойтўлди тавозе билан аста ўлтирди,  
Кўзини ерга тикди, тилини беркитди(яъни тилига эҳтиёт бўлди).

Байтлардаги мазкур иборалар фикрнинг аниқ тасвири учунгина эмас, қисқалик ва таъсирчанлик учун ҳам хизмат қилаётганлигини таъкидлаш ўринли деб ўйлаймиз.

Юқоридаги байтларда қўлланган иборалар таҳлили денгиздан бир томчи десак муболага қилмаймиз. Асарни мутолаа қилиш жараёнида адибнинг кўплаб соматик ибораларни байтларга маҳорат ила сингдирганининг гувоҳи бўламиз.

Хулоса ўрнида шунни айтиш жоизки, иборалар кеча ёки бугун яратилган лугавий birlikлар эмас, улар худди сўзлар каби қадимий ва тилимизнинг жезибадорлигини намойиш этувчи воситалар саналади. Демак, “Кутадғу билиг”даги фразеологик иборалар туркий халқлар тарихини, турмуш тарзини, уларнинг дунёқарашу руҳиятини, менталитетини ўрганишда муҳим манбаа бўла олади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. Қ. Каримов нашри. Тошкент, “Фан”, 1972.

## ЭНГ ҚАДИМИЙ ТОПИШМОҚЛАР

Б. Жафаров, НамДУ катта ўқитувчиси

Топишмоқлар фольклорнинг энг қадимий, энг оммавий жанри. Топишмоқда инсонни қуршаб олган табиат, борлиқдаги нарсалар ва ходисалар жамият тараққиётининг турли босқичларидаги ижтимоий онгнинг ўз даврига нисбатан тафаккур доирасида тушунилади ва шу жанрнинг ўзига хос бадиий шаклида акс эттирилади; назарда тутилган ходиса ва нарсалар ҳақида баъзи маълумот берилади.

Кўп сонли топишмоқларни текшириш шуни кўрсатадики, улар реал борлиқ, реал ҳаёт ва турмуш билан чамбарчас боғлангандир. Топишмоқлар меҳнаткаш халқ томонидан яратилганлиги учун ҳам улар деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва уй-рўзгор билан боғлиқ. Топишмоқ жуда қадим замонларда буён яратиб келинганлиги учун бизгача етиб келган намуналарида турли даврларга оид материал ва маълумотлар сақланиб қолган. Шу сабабли баъзи топишмоқларнинг жавобини топиш учун қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик, халқнинг кундалик турмушига оид буюмлар, қурол-аслаҳалар ва табиатдаги нарсалар, ўсимликлар, ҳайвонлар, хашаротларни ҳам билиш лозим бўлган. Топишмоққа жавоб топишда киши, агар уни илгари эшитиб, яхши билиб олмаган бўлса, анча бош қотиради.

Яна шуни ҳам алоҳида тақидлаш жоизки, топишмоқларнинг жавобини топиш учун кишилар жавобни бошқа манбалардан излаш орқали топишади. Бугунги кунда топишмоқларни яна бир тури борлиги маълум бўлдики, улар шеърий топишмоқ бўлиб, бу каби топишмоқларнинг жавобини фақатгина унинг ўзидан қидириш, мушоҳода қилиш орқали топиш мумкин. Масалан куйидаги топишмоқ мисолида:

*Отлик кишининг аниқ кўринмайди халтаси*

*Халтаси бўшми, тўла, от йўқ бўлган палласи*

Бу топишмоқни жавобини топиш учун иккинчи сатрда берилган ундов – ишорага асосан юқоридаги сатрдаги “отлик” сўзидан “от” ни олиб ташласак топишмоқнинг жавоби келиб чиқади, яъни Отлик сўзидан “от” ни олиб ташласак “лик” яъни “тўла” сўзи топишмоққа жавоб бўлади.

Ушбу топишмоқларнинг энг қадимийси, XIII аср охири XIV аср бошларида ёзилган Қуманларнинг қадимий ёзма ёдгорликлари “Codex Cumanicus” таркибига киритилган 47 та туркий топишмоқлардир.

Бу ёдгорлик таркибига шундай топишмоқлар киритилганки, улар поэтик образ жиҳатидан жуда оҳорли, бой ва қадимий шаклларга яқинки, ҳатто уларнинг жавобини топиш ҳам жуда қийин. Баъзан кўп нарсани билишнинг ўзи ҳам етмайди, тўғри мулжал ва тахмин қила билиш ҳам талаб қилинади.

Масалан: *Yazda yavlī toqmaq yafīr. (Ol, kirpi-din).*

*Yazda yavlī çayıř yafīr. (Ol, yılan-din).*

*Далада ёғли тўқмоқ, ётар. (Бу кирпидир).*

*Далада ёғли қайиш ётар. (Бу илондир)*

Юқоридаги икки топишмоқнинг жавобини топиш учун айтилган текстини яхши ўйлаб, нимага ишорат этилганини фаҳмлаш, топишмоқнинг асосий хусусият ва белгилари қайси предметга қаратилганлигини аниқлаб ёки тахминлаб топишга интилиш керак бўлади. Бу икки топишмоқнинг айнан бир-бирига ўхшаш бўлиши уни топиш учун мушоҳода қилиш ва бу жонзотлар тўғрисида анча маълумотга эга бўлиш талаб қилинади. Топишмоқнинг жавобини топишга қийналсалар, унинг белгисини билиб олиш учун жумбоқ айтувчига “жонлими”, “жонсизми”, деб савол билан мурожат қилинади. Айтувчи жавобни енгиллатиш учун жумбоқда яширинган предметнинг “жонли” ёки “жонсиз” эканлигини айтади. Топувчи шу жавобдан кейин ҳам уни топа олмаса айтувчига яна бошқа сўроқлар бериши мумкин.

Топишмоқларнинг тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, топишмоқ айтувчи топишмоқни топа олмаганларнинг шаҳарларини беришларини сўрайди. Бу эса топишмоқни топа олмаган кишини шаҳри, яъни ор номуси ўртага қуйилади. Топишмоқ бир кичик сўз ўйини бўлишига қарамай унинг тарбиявий аҳамияти жуда каттадир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбек топишмоқлари. З.Хусаинова. Тошкент. “Фан” нашриёти 1966 й.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008 й

### **ЁР-ЁР ҚЎШИҚЛАРИДА СОЧ МАГИЯСИ**

**Ҳ.Аликулова, ТДПУ, ўқитувчи**

Халқимиз майший турмушида соч билан боғлиқ кўплаб иримлар, одатлар, тасавурлар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган бўлса, баъзилари одатий ҳолга айланиб қолган. Масалан, аёлларнинг сочини ёзиб юриши фалокат, сочини қирқиши баҳаёлик рамзи ҳисобланган. Ўзбекларда илк бор соч олиш маросими соч тўйи ёки ақиқа дейилган<sup>85</sup>. Ўрта Осиёнинг кўпгина жойларида гўдакнинг олинган сочини мевали дарахтга илиб қўйганларки (ҳозирда олинган сочни кекса киши томонидан мевали дарахт остига қўмиш одати мавжуд), бу магик аҳамиятга эга бўлиб, бахт ва ҳосилдорлик гоълари билан боғланган.<sup>86</sup>

XIX аср сўнггида Олтойдаги туркий халқларда аёллар ва қизларнинг соч ўримларидан ҳам фарқланишига алоҳида эътибор берган В.В.Радлов аёллар сочини иккита ёки учта, қизлар майдалаб ўрганлиқларини айтади. Бизнингча, сочнинг учта ўрилиши фарзанд

<sup>85</sup> Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –182 б.

<sup>86</sup> Асқар Мусақулов. Ўзбек халқ лирикаси. Фан нашриёти. –Т.: 2010. –105 б.

ғояси билан боғлиқ бўлса керак. Бу одат ўзбекларда ҳам бўлганлигини мана бу кўшиқ тасдиқлайди:

Қора кулоч сочимни,

Уч ўрдилар, ёр-ёр.

Ота-онам шаҳридан

Кўчирдилар, ёр-ёр.<sup>87</sup>

Соч ўрими билан боғлиқ одатлар республикамизнинг баъзи туманларида ҳозиргача учраб туради. Никоҳ тўйи куни чимилдикда «соч сийпатар», «ойна кўрсатар», «кўл ушлатар» ва бошқа рамзий маросимлар бажарилгач, куёв чимилдикдан чиқиб кетади. Шундан сўнг серфарзанд бир аёл келинчакнинг сочини икки ўрим қилиб ўриб қўяди. Бундай ҳолат «Суннат тўй» маросимларида ҳам кўзга ташланади. Яъни, «Соч иккита» удумига асосан тўй бола онасининг сочи кекса момолар томонидан иккита қилиб ўрилади. Бу эса маълум даражада қадим тасаввурлар, бахтли-тўкин турмуш ғоялари билан чамбарчас боғлиқдир. Никоҳ маросимларидаги «соч сийпатар», «ойна кўрсатар» одатлари ҳам келин-куёвни бир-бирига яхши кўрсатишга қаратилган магик усул бўлиб, соч магияси боғлиқ бўлса ажабмас.

Сочнинг балоғат рамзини англатиши ўзбек халқ лирикасида анчагина учрайди. Айниқса, инсон аъзолари – қош, кўз, бел, юз таърифлари соч поэтик образи билан уйғунлашиб, барчаси лирик қаҳрамоннинг жинсий балоғатга етганлигини рамзий ифодалашга хизмат қилади.

Бизнинг уйнинг кетига,

Қуй келибди, ёр-ёр.

Сочи узун синглимга,

Тўй келибди, ёр-ёр.

Мутахассисларнинг фикрича, туркий халқлар оғзаки ижодида ҳам соч ва унинг аналоглари – қил, қош, киприк, соқол, от ёлларининг бўлиқ-қалинлиги ҳосилдорлик рамзи бўлиб, фаровон турмуш ва серпуштликка магик таъсир кўрсатади, деб билинган. Шу сабабли халқ кўшиқларида соч фақат гўзаллик рамзи бўлмай, балоғат, севги, оила, фарзанд ва бахтли ҳаёт ғояларини ҳам ифодалайди.

Келинимиз кулон (қалин) сочи,

Тиззасидан, ёр-ёр ей.

Эгнидаги оқ либоси,

Нахт шойидан, ёр-ёр.

Ёр-ёр ей, нахт шойидан.

Ёки:

Сулувларнинг сочида,

Оппок пилик, ёр-ёр.

Келинпошша сочлари,

Қирқ попуклик.

<sup>87</sup> Остонаси тилюдан: Тўй кўшиқлари. М.Мирзасева, А.Мусақулов. –Т.: Фан, 1992.-47 б.



Сочи узун қизларни сулув деб таърифлашади. Юқоридаги мисраларда маълум маънода ўзбек халқининг одатлари акс этган. Қадимда келинларимизнинг сочларини қирқ жамалак билан ўраб, орасига оқ пахтадан пиликлар боғлашган (Ҳозирда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида юқоридаги одатлар сақланиб қолган). Бу каби одатлар ўзига хос ирим ва ниятларни ифодалайди.

Сулув келиннинг сочларини қирқ попуқлик бўлиши, қирқ кунлик чилла билан боғлангандир. Ёки қирқ жамалак бошида зар дўпписи бор келинчакка жуда ярашишида маъно бордир. Жамалакни сочлардаги оқ пиликлар яхши ниятларни чорловчи, қолаверса, магик ҳимоя воситаси ҳисобланган. Келиннинг боши ёмонлик, қоралик кўрмасин. Борган хонадонида умрбод яшасин, ўз ёри билан кексаликка етсин ва қора сочлари оқарсин каби ниятлар ҳам мавжуд. Бу одатлар Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида ҳозиргача сақланган. Ҳозирги кунда сочларни қирқ кокил қилиб ўришмаса-да, келиннинг бошига пахтадан пилик боғлаш унутилмаган. Бу ҳолатлар халқнинг қадимий қарашлари, рухий инончлари билан боғлиқ, албатта.

#### **АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА РУДАКИЙ ЛИРИКАСИ ТАҲЛИЛИ** **Ф. Азимова, ТДПУ, ўқитувчи**

Рудакий – IX-X асрларда яшаб ижод этган машҳур форс-тожик шоири. Унинг ижодий меросида тўртлик ва рубойлар етакчи мавқега эга бўлиб, шоир рубой жанрининг шаклланиши ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Шу боис рубой жанрининг дастлабки намуналарини ҳам Рудакий номи билан боғланади. Адиб рубойлари ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий характерга эга бўлиб, руҳ поклигига йўналтирувчи бу рубойлар инсон маънавияти камолига сезиларли ҳисса қўшади. Бироқ Рудакийнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш академик лицейларнинг “Адабиёт” ўқув дастурида белгилаб берилмаган, унга муайян соатлар ажратилмаган, шунингдек, 2005 йилда профессор Б.Тўхлиев томонидан академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун яратилган “Адабиёт” дарслигида ҳам Рудакий ижодини ўрганиш кўзда тутилмаган. Шу боис мазкур мавзунини синфдан ташқари ишлар жараёнида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Чунки бу мавзу дастурда кўрсатилмаган деб унга бефарқ муносабатда бўлиш ҳам мумкин эмас. Ваҳоланки, сўнгги даврларда яратилган умумий таълим, ўрта махсус ҳамда касб-хунар таълими босқичларига тегишли “Адабиёт” дастурларининг бирортасида ҳам Рудакийнинг лирик меросини ўрганиш учун муайян соатлар ажратилмаган. Шунинг эътиборига олган муаллиф Б.Тўхлиев академик лицейларнинг I босқичига тегишли “Адабиёт” мажмуасида “Жаҳон адабиёти намуналари” рукни остида Рудакий ва Фирдавсий асарларидан намуналар келтиради. Фирдавсий ижоди умумий таълимда ўрганилишини эътиборга олиб, академик лицей таълимининг биринчи

боскичида, айниқса, ижтимоий-гуманитар йўналишларда Рудакий маънавий меросини чуқурроқ ўрганиш, шоир ижодининг бадиий-эстетик моҳиятини кенгрок таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Рудакий лирикаси юксак даражадаги ахлокий-таълимий характерга эга эканлиги ҳам унинг асарларини ўрганишга бўлган эҳтиёжни кучайтиради. Адабий таълимда бундай асарларни кенг қўламда ўрганиш ўқувчиларнинг назарий тушунчаларини бойитиш билан бир қаторда, уларнинг инсоний сифатларини ҳам тарбиялашга, маънавий оламларини бойитишга, ўзлигини англаб, комил шахс сифатида шаклланишига муносиб ҳисса қўша олади. Айни хусусиятларни эътиборга ҳолда академик лицейларнинг I босқичига тегишли “Адабиёт” мажмуасига Рудакийнинг “Қариликдан шикоят” деб номланган ҳаётий-фалсафий характердаги *газали хусни матла* (а-а, а-а, б-а, в-а) шаклида қофияланган қасидаси, бугунги кунда афоризмга айланиб, ҳали ҳануз ўз қадрини йўқотмай келаётган ахлокий-тарбиявий мазмунга эга байтлари (Ҳар киши олмаса ҳаётдан таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим), маснавийси (Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун...), рубойлари (“Ўз нафсини мағлуб этолган марддир”, “Илонни ҳар қанча илсанг тарбият”) ва яна бир қанча шеърлари киритилган. Қуйида шоир рубойлари таҳлилидаги асосий нуқталарга эътибор қаратамиз. Аввало, рубой ўқитувчи томонидан ифодали ўқилади:


Ўз нафсини мағлуб этолган марддир,  
Ғийбатдан узоқ-узоқ кетолган марддир,  
Номард тепиб ўтар йиқилганларни  
Ожиз кишилар қўлини тутолган марддир.

Рубой ифодали тарзда ўқиб эшиттирилгач, унинг мазмуни шарҳланади, мавзу ва ғоявий йўналиши аниқланади. Мазкур рубой ахлокий-таълимий характерда бўлиб, унда энг олий инсоний фазилатлардан бири – мардлик, ўз нафсига эгалик қила олиш, ожизларга ёрдам бериш ҳақида мушоҳада юритилади, ўқувчига айни шу хусусиятга эга бўлиш лозимлиги ўқтирилади. Шоир бундай дидактик моҳиятга эга мулоҳазаларини ўзига хос поэтик йўсинда, содда ва равон поэтик тил билан ифода этган. Рубойи хосанинг (а-а-б-а шаклидаги қофиядошлик) дастлабки кўринишларидан бўлган ушбу тўртликда шоир фикри қаратилган асосий тушунча “мардлик” сифати ҳисобланади. “Марддир” сўзининг ҳар бир мисра охиридаги қофиядош сўзлардан (*этолган, кетолган, тутолган*) кейин такрор келиши радифни шакллантирган. Такрорийлик сабаб ушбу сўзнинг бадиий-эстетик салмоғи ҳам бир қадар ортиқ. Шоир “мард” сўзига “-дир” боғламасини юклаб, таъкид маъносини кучайтирган, шеърнинг умумий мазмунига урғу берган. Мазкур радиф мардлик сифатларини ойдинлаштиришга йўналтирилган. Демак, мардлик - *ўз нафсини мағлуб этиш, ғийбатлардан ва ғийбатчилардан йироқ юриш, ожиз кишилар*

қўлини тутиб, уларга қўмақлашни; йиқилганларни тегиб ўтиши эса – номардлик. Шоир наздида мардлик энг гўзал инсоний сифат бўлиб, у маънавий баркамолликнинг ўзига хос кўринишидир. Мардлик сифатлари устувор бўлган инсонлар комилликка интиладилар, ана шу мардлар яшайдиган жамият ҳамиша мустаҳкам ва барқарордир. Адиб бу ибратомуз фикрларини ўзига хос самимий оҳангда ифодалаган. Танланган қофиялар ва радиф шеърнинг шаклий кўркемлигини, оҳангдошлик ва жарангдорликни таъминлаш билан бир қаторда ижодқорнинг асосий ғоясини очиқ ошкор этишга муносиб хизмат қилган. Шеърнинг бадий қиёфаси (қофия беағи (мутлақ қофия) ва радиф, тазод санъати, поэтик кўчимлар)ни гавдалантирган лингвистик унсурларни қуйидаги шаклда ўрганиш ўқувчиларнинг диққатини чуқур жалб қилади, улар фаоллигини, қизиқишларини оширади, фанлараро интеграцияни таъминлайди (яъни, ҳозирги ўзбек адабий тилига мурожаат қилинади). Дастлаб, ҳар бир мисрадаги эга ва кесимлар аниқланади:

Эга (ким? нима?)	Кесим (кимдир?, нимадир?, қаердир?, нима қилди (-япти, -моқчи?) ва б.)
Ўз нафсини мағлуб <i>этолган</i>	<i>марддир</i>
Ғийбатдан узок-узок <i>кетолган</i>	<i>марддир</i>
Номард	<i>тегиб ўтар</i>
Ожиз кишилар қўлини <i>тутолган</i>	<i>марддир</i>

Кўринадики, мазкур рубойидаги ҳар тўртала мисрада гапнинг бош бўлақлари (кесим ва эга) тўлиқ иштирок этган. Эга отлашган сифатдошнинг кенгайган шакли билан ифодаланган. Ўзаро қофиядош сўзлар (эт, кет, тут) қўшилган сифатдош (- (ол)ган)даги товушлар такрори шеърга айрича оҳангдорлик, жарангдорлик бахшида этган. Ўзак ва сифатдошлар бирикувидан *мутлақ қофия* юзага келган. Шу ўринда ўқувчилар диққатини равийни аниқлашга қаратиш ўринлидир:



Ушбу рубойининг учинчи мисрасида қўлланган “номард” сўзи кейинги мисрадаги “мард” сўзига қарама-қарши маъно (антонимик муносабат)да бўлиб, бу зидлик тазод санъатига дахл қилмоқда: номард – мард. Шоир Паҳлавон Маҳмуд ҳам шу мавзудаги бир рубойида *номард ва мард* сўзлари замиридаги зидлик маъноси орқали тазод санъатини қуйидагича фарқлайди: *Номард – ит кабидир, мард – буюк дарё...* Рудакий йиқилганларни тегиб ўтадиган кимсаларни *номард* деб

танқид килса, П.Маҳмуд уларни “ит”га қиёслайди, *мард буюк дарё* экан, демак *мардлик* – дарё каби жўшқинлик, дарё каби тошқинликдир.

Кўринадики, рубойий ҳам маънавий-эстетик жиҳатдан, ҳам лингво-поэтик жиҳатдан анча тугал ва кўркем. Унда тилнинг бепоён имконлари гўзал тажассум топган, фикрлар аниқ ва рафон ифодаланган, ахлокий-таълимий гоёлар поэтик мазмун қатига сингдирилган. Шу ўринда ўқувчиларга бир қатор саволлар билан муурожаат қилиб, уларни Рудакий рубойётининг ўзига хошлиги, поэтик жозибаси билан янада чуқурроқ таништириш мумкин:

Рудакий рубойилари қандай мавзуларда яратилган?

Шоир ўз рубойилари бадииятини таъминлашда қандай шеърый санъатлардан фойдаланади?

Рудакийнинг қофия яратишдаги ўзига хос маҳорати нимада?

Шоир ижодида ирсоли масал намуналарини кузатиш мумкинми?

Мардлик тўғрисида яна қайси шоир рубойий яратган? Унинг Рудакий рубойиси билан фарқли ва ўхшаш томонлари борми?

Мардлик сиз учун нима? Унинг қандай кўринишлари бор?

Ожиз ва кучсиз одамларни кўллаб-қувватлашга оид мисралар Аҳмад Яссавий ижодида ҳам етакчи ўрин тутади. Уларни ўзаро қиёслаб мулоҳазаларингизни билдиринг.

Бу каби саволларга жавоб бериш жараёнида ўқувчилар фаоллиги ошади, тафаккури кенгаяди, Рудакий ижоди, шоирлик маҳорати борасида етарлича маълумотларга эга бўлади, рубойийни таҳлил қилишнинг айрича усулларини ўзлаштиради. Кўринадики, академик лицейларда жаҳон адабиёти намуналарини, хусусан, форс-тожик адабиёти дурдоналарини ўрганиш, уларнинг бадиий-эстетик хусусиятларини турли йўсинларда таҳлилу талқин қилиш ўқувчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, таҳлил малакаларини такомиллаштиришга, бадиий-эстетик тафаккури, маънавий дунёсини юксалтиришга ниҳоятда ижобий хизмат қилади, адабий таълим сарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Б.Тўхлиев, Б.Саримсоқов. Адабиёт. Академик лицейлар учун ўқув дастури. -Т., 2000.

2. Б.Тўхлиев. Адабиёт. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик. -Т., “Ўқитувчи” НМИУ, 2005.

3. Рафиев А., Ғуломова Н. Она тили ва адабиёт. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ўқув дастури. Т., 2010.

## ТАКРОРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

А. Шофқоров, ТТЙМИ қошидаги

Миробод АЛ

Бадий асарда қўлланган тил бирликлари бошқа услублардагига нисбатан услубий вазифаси, эмоционал-экспрессивлигининг юкорилиги билан фаркланиб туради. Бу эса бадий матндаги тасвирий воситаларнинг ўзига хос маъновий-услубий хусусиятларини келтириб чиқаради. Тасвирий воситаларнинг бадий матндаги услубий вазифаси алоҳида ўрганишни такозо этади. “Ҳар бир даврда ижод этган шоир ва ёзувчилар, ҳатто бир даврда яшаган ижодкорларнинг ҳам сўзга, тилга муносабати бир хил эмас”<sup>1</sup>.

Такрорни ўрганиш юзасидан ўзбек тилшунослигида бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, бадий асар матнида, поэтик нутқда қўлланган такрорнинг услубий хусусиятларини кенг ва фундаментал равишда тадқиқ қилиш бугунги ўзбек лингвостилистикасининг долзарб муаммоларидан бири.

Такрор ҳақида гап борар экан, луғавий-нутқий ҳодиса бўлган такрор (такрорий сўз)ни бадий усул, бадий санъат тури бўлган такрордан фарқлаш лозим бўлади. Такрорий сўз лексема характериға эға бўлиб, асосан, номинатив вазифа бажаради ва нутқда бирор воқеа-ҳодиса, ҳаракатнинг микдорий кўплигини англатади: *кула-кула сўзлади, тўда-тўда бўлиб келди, ишлай-ишлай чарчади*. Такрорий сўз ўзбек тилшунослигида З.Ўринбоев ҳамда М.Бўроновалар томонидан махсус тадқиқ қилинган.

Бадий усул сирасидаги такрорлар нутқ (матн)да турли ўринларда келади. Бадий такрор вазифасида асосий восита товуш, сўз, сўз бирикмаси, гап, ҳатто бутун бир мисра (мисралар) бўлиши мумкин. Бадий такрор нутқда бадий-услубий, бадий-эстетик, образлилик вазифаларини ўтайди.

Такрор усули бадий асарда, хусусан, шеърятда кўп қўлланадиган услубий воситалардан биридир. Аслида такрор ҳамма услубларда ҳам қўллаёди. “Чунки ҳар бир услубда маънони таъкидлаб, алоҳида ажратиб, баъзан бўрттириб кўрсатишға маълум ўринларда диққатни жалб қилишға эҳтиёж бор. Бу эҳтиёжни қондириш учун кўпчилик томонидан осон қабул қилинадиган, фикр юритилаётган соҳада ёки кундалик турмушда фаол ишлатиладиган тил бирликлари такрорий қўлланади”<sup>2</sup>. Лекин бадий асардаги такрорлар стилистик хусусиятлари, бадий-эстетик қиммати, образлилиги билан фаркланиб туради. Ижодкорнинг ўзига хос услубини келтириб чиқаради. Айниқса, поэтик нутқда такрорнинг ўзига хос стилистик хусусиятлари мавжуд

бўлиб, бу шеърят тилидаги ўзига хосликларни намоён қилади ҳамда тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири Миртемир ижодида ҳам такрор бадий тасвирий воситаси мана шундай мақсадларга, шоирнинг индивидуал услубини яратишга хизмат қилган. Шоир шеърятда такрор маҳорат билан қўлланган бўлиб, улар турли кўринишларда намоён бўлган.

Биз ушбу мақолада шоир шеърятда қўлланган мисра ёки банд такрорининг услубий хусусиятлари ҳақида тўхталамиз.

Миртемир шеърятти сербўёк, мантиқан мукаммал образли тасвирларга бой. Шоирнинг “Қалдирғоч” шеърда жуфт мисралар такрори асосида табиат тасвири айрича жилоланади. Бу шеър пейзаж лирикаси бўлиб, унда шоир кечинмалари табиат тасвири билан уйғунлашиб кетади. Шеърда баҳор фасли, кўклам тасвири ифодаланган:

*Чексиз кўк тоқларида қалдироқ қарсиллаши...*

**Қалдирғоч қайтибди-да.**

*Кўклам кўчоқларида кенг олам лорсиллаши...*

**Қалдирғоч қайтибди-да (II.92).**<sup>3</sup>

Ушбу шеър 16 мисрадан иборат бўлиб, унинг жуфт мисралари такрор қўлланган. Шеърда қалдирғоч қайтиши билан боғлиқ ҳолатлар тасвирланган. Мисралардаги мазмунни “қалдирғоч қайтиши” ва “қалдирғоч кўшиғи” асослайди. Шоир баҳор келганидан хурсанд. Қалдирғоч кўшиғи шоирнинг ёшлигини эслатади. Такрор мисралар маънони тасдиқлаб, таъкидлаган, шеърга умумий бир майин оҳанг бағишлаган. Шеърда мисралар такрори воситасида, биринчидан, баҳорнинг келишига ишора бўлса, иккинчидан, рамзий маъно юклаб, инсон умрининг кўклам чоғи – ёшлигидан хабар бериши, ёшлигини эсга солиши назарда тутилган. Бундай фалсафий мазмун, рамзий фикр такрор мисралар воситасида умумлашма ҳолда тўлақонли очиб берилган.

*Эсга тушар гўдаклик – умримнинг кўклам чоғи,*

**Қалдирғоч кўшиғидан.**

*Эсга тушар шўхлигим – тўпалон сой қирчоғи,*

**Қалдирғоч кўшиғидан (II. 92).**

Бундай такрорлар шоирнинг бир қанча шеърларида маҳорат билан қўлланган.

Холбуки, бадий адабиёт тилида учрайдиган такрор усули ҳам умумий бадий санъатларнинг, бадий матннинг функционал ва характерли белгиларидан биридир. Такрорни юзага келтирувчи, у учун лисоний-моддий асос ролини ўтовчи лисоний бирликлар актуаллашган тил воситаси жумласига киради. Таниқли услубшунос М.Йўлдошев

таъкидлаганидек: “Лингвопоэтик таҳлилда бадий матнда поэтик ақуаллашган тил воситаларини аниқлаш ҳам муҳим тамойиллардандир. Бундай воситаларнинг лингвистик ва бадий моҳиятини очиб бериш орқали бадий мазмуннинг шаклланиши ва ифодаланиш механизмларини аниқ тасаввур қилиш мумкин”<sup>4</sup>.

Хуллас, Миртемир шеърларида грамматик такрорнинг, асосан, синтактик такрор шаклидан кўпроқ фойдаланган. Бунда мисра ёки банд такрорлари асосий услубий восита бўлиб хизмат қилган ҳамда асар бадииятининг талаб даражасида бўлишини таъминлаган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Т.: Фан, 1977. – б.125.
2. Каримов С. Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ, 1994. – б. 54.
3. Миртемир. Асарлар: 4 жилдли: 2-жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – б. 92 (Шеъринг парчалар шу нашрдан олинди).
4. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикиси. – Т.: Фан, 2008. – б. 156.

### **АДАБИЙ ТАЪЛИМ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ**

**Н. Мирсоатова, Миробод туманидаги  
214- мактаб ўқитувчиси**

**Адабиёт яшаса – миллат яшар.  
Чўлпон**

Мактабларимизда фарзандларимиз учун ташкил этилаётган ҳар бир дарснинг учта -таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсади бўлиб ўқитувчи уларнинг барчасига дарс давомида эришиши лозим.

Турли фан педагоглари тарбиявий мақсад орқали ўқувчи маънавиятини маълум даражада шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Адабиёт дарсларининг тарбиявий мақсадини амалга ошириш учун фанда катта имкониятлар яратилган. Бир сўз билан айтганда адабиёт-одоб дарси. Адабиёт устози эса ўқувчи кўз олдида маънавият куёши бўла олиши жуда муҳим.

Ёшлар тарбияси бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Шундай экан, биз педагоглар дарс учун ажратилган ҳар бир сонияни беҳудага ўтказмасдан вақтдан унумли фойдаланишимиз зарур. Бугун биз ҳеч қайси даврда бўлмаган шиддатли,тезкор ва мураккаб замонда яшаймиз. Ҳар қанча ҳаракат қилмайлик ер юзида ва ҳаётимизда содир бўлаётган яхши-ёмон воқеа-ҳодисалардан, турли

хабарлардан ёшларимизни тўсиб қўёлмаймиз. Уларнинг онгини чапгитувчи, хуфёна тахдидларни сезмай қолишимиз ҳам муқаррар. XXI асрни техника асри дедик, лекин ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Интернет орқали, уяли телефонлар ва баъзи "ишбилармон" кимсалар томонидан турли беҳаё ва жангари фильмлар ёзилган дисклар орқали болаларимизни беғубор қалбларини булғашга уринаётган кимсалар ҳам бор. Ана шундай вазиятларда фарзандларимиз нима яхшию, нима ёмон эканлигини билишлари, оқ-қорани ажрата олишлари учун уларнинг маънавий тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, дарсларимизнинг илмий ва тарбиявий жиҳатдан сифатини оширишимиз талаб этилади.

Таълим - тарбиянинг асосий мақсади "Комил инсон" тарбиясидир. Агар ўқувчи барча фанларни етарлича ўзлаштира-ю, унинг тарбиясида салбий хислатлар учраса, у келажакда ўз мақсадига тўла-тўқис эриша олмайди. Чунки қатга ҳаётга қадам қўйган ҳар бир ўқувчи қўп муаммоларни ўзи мустақил ҳал эта олиши, ўзи учун нотаниш бўлган янги жамоа орасида одоб-ахлоқи, тарбияси ва билимдонлиги билан ўз ўрнини топа олиши керак. Шунинг учун ҳам биз педагоглар ўқитаётган фанимиз орқали ўқувчиларимизни ҳаётга тарбиялай олишимиз лозим.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжи айнан адабий асарлар орқали қондирилишини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам адабиётни маънавият хазинаси деймиз. Адабиёт ўзининг битмас-туганмас хазинаси билан ўқувчиларимиз онгидаги бўшлиқни тўлдириб, уларнингPRODASINI бакуват,иймон-эътиқодини мустаҳкам қилишини ҳаммамиз истаймиз.

Ассалом, дўст, касбга содиқ,

Илму-фан уммонлари.

Одамийлик меҳри чексиз,

Маърифат урфонлари.

Сизга, таъзим, эҳтиром-ла

Бошлайин сўз аслини,

Устоз умр сардафтарин,

Безагувчи фаслини.

Мен ҳам бир заргар мисол,

Илм дурин теряпман.

Сайқал бериб, меҳрим қўшиб,

Шогирдларга беряпман.

Шу касб учун яратганга

Шукроналар ўқийман.

Сўз бисотим излай-излай

Гул ашъорлар тўқийман.

Муаллимлик бу ҳаётим,



Умрим, бисотим, бахтим.  
 Бу шавкатим -шоним ерур,  
 Менинг шоҳона тахтим.  
 Шоҳона тахт остонаси  
 Тиллолардан безалган.  
 Бу мухташам пиллапоя  
 Адабиёт аталган.  
 Адабиёт сўзнинг сеҳри,  
 Тил илми-ла муштарак.  
 Бу икки фан жону-қондош,  
 Фанлар ичра энг керак.  
 Мен шу фаннинг асириман,  
 Ҳам фидойий жаҳони.  
 Шу тил боис шоиру-дил,  
 Лол қолдирган дунёни.

Ажойиб истеъдодли педагог Яшнаербек Авлиёкуловнинг юракдан ёзилган мисралари фидойий устоз эканлигидан дарак бериб турибди. Мен бу мисраларни доимо такрор-такрор айтиб юраман. Ушбу шеър мени ҳам фидойийликка ундаб туради. Истагим ўқувчиларим бир-биридан доно, ақлли, билимли ва албатта шарқона тарбияга эга бўлсинлар. Адабиёт дарсларининг ҳар бир мавзуси бола тарбиясига ниҳоятда қатта таъсир кўрсатади. Масалан,

6-синф ўқув дастурига киритилган, 61-62-дарслар учун мўлжалланган Ҳамид Олимжоннинг "Ўзбекистон" шеъри орқали, ел-юрт гўзаллигининг бетакрор таърифи бадий тасвирланганлигини, шеърнинг бадий хусусиятларинидасвир воситаларини тушунтириш билан бирга ўқувчиларни Ватанни севишга, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам унга садоқатли ва ўз халқига муносиб фарзанд бўлишга даъват этилади. Ўқувчи шеърни ёд олиш ва ифодали ўқиш жараёнида ўлкамиз таърифи, (Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон...) меҳнаткаш халқ мадҳи, (Шахарларда ишга чиқиб эл...) юрт тинчлиги, (Одамга бахт ва толе ёрдир...) ифодаланган мисралардан бевосита ҳаяжонга тушади. Унинг қалбида кечган ана шу кучли ҳаяжан тарбиясига таъсир этмай қолмайди. Шеърнинг ўйноқи ва мусикий оҳанги, гўзал тасвирий ифодалар шоир бадий маҳоратининг меваси эканлиги ҳақида фикрлар экан, кўз ўнгида бевосита она табиатимизнинг бетакрор манзараси гавдалангб, ундан завқ олади ва шундайин ажиб диёрнинг фарзанди эканлигидан фахрланади. Шеър сатрларида ёзилганидек,

"Шундай ўлка доим бор бўлсин,  
 Шундай ўлка элга ёр бўлсин.

Омон бўлсин оғайнилари,  
Омон бўлсин дўстларнинг бари", –

дея чин дилдан юртга омонлик тилайди. Унинг юрагидан кечган бу тилаклар, шеър орқали ватанига бўлган муҳаббатини янада шакллантиради.

5-синф ўқув дастурининг 98-100 дарслари учун мўлжалланган Грузин адиби Нодар Думбадзенинг "Хелладос" ҳикоясида болалар ҳаёти, улар орасидаги муносабатлар тасвири ўқувчиларни жуда қизиқтириб қўяди. Асардаги ватанпарварлик туйғусининг ўзига хос тарзда ифода этилиши болаларни таъсирлантиради. Янгули ва Жамол образи ўртасидаги тафовутлар, уларга хос қизиққонлик, руҳиятларидаги ва табиатларидаги жангарилик ўқувчиларда ҳам учраши табиий. Ушбу ҳикояни ўргангач, ўқувчиларда олийжаноблик ҳамда ватансеварлик туйғулари янада шаклланишига шубҳа йўқ.

Ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда шуни айтишим мумкинки, дарсларни илғор технологиялар асосида ўтказиш, ўқувчиларни маънавий жихатдан тарбиялаб, адабиёт дарсларини чин дилдан севадиган, шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятини мукаммал ўрганиб, асарларини пухта ўзлаштириб, мустақил равишда кенг мушоҳада юритишга ҳаракат қиладиган ўқувчиларимиз сонини орттириб боради. Дарсдан ташқари ўтказиладиган адабий-мусиқий кечалар, байрам тадбирлари эса уларнинг иқтидорини янада шакллантиради. "Ёш қаламкашлар" тўрагаги аъзоларининг ёзган ишларини кўриб, улар балки келгусида етук шоир ва ёзувчилар бўлиши мумкин дея уйлаб қоламан.

"Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввалом бор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса-миллат яшайди." (И.А.Каримов. "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридан. 139-140 бетлар)

Адабиёт дарслари ҳеч қачон юзаки ва саёз ўтказилмаслиги керак, чунки у ўқувчиларимизни нафақат шоир, ёзувчи ёки олим, балки одам бўлишларига қўмаклашадиган муҳим фан ҳисобланади.

## ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ДИДАКТИК ҲЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

О. Ғозиева, Шахрихон иқтисодиёт КХК, ўқитувчи,  
С. Жалилова, АндДУ, талаба

Маълумки, ўқувчиларни изланишга йўналтириш, мушоҳада қилишга ўргатиш замонавий технология талабларидан ҳисобланади. Бунинг учун дидактик Ҳўйин технологияларидан унумли фойдаланиш мақсадни белгилашда муҳим роль ўйнайди. Ўқувчиларга йигит-қизлар тарбиясига оид матн ўқиб эшиттирилади.

Матн ўқиб эшиттирилгач, мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказилади. Сўнг гуруҳ жинсига кўра иккига бўлинади: йигитлар ва қизлар. Уларга шундай савол билан мурожаат этилади.

Ҳозирги кунда айрим қизлар ва йигитларнинг ҳатти - ҳаракатига қандай баҳо берасиз?

Бунда “Танқидий тафаккур”, “Нуктаи назаринг бўлсин”, “Нима яхши – ю, нима ёмон?” усулларидан фойдаланиш мумкин.

Йигитлар фикри		Қизлар фикри	
Қизлар		Йигитлар	
Яхши	Ёмон	Яхши	Ёмон


Ўқувчилар ёзув тахтасида ўз фикрларини ифода этадилар. Демак, қизлар йигитларнинг, йигитлар қизларнинг яхши ва ёмон жиҳатини айтадилар.

Ҳар бир ўқувчи ўз фикрини баён этиши лозим. Фикрлар таҳлил этилгач, ёзув тахтасидаги маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзлар, ўз ва кўчма маънодаги сўзларни топиб дафтарларига ёзадилар. Шу билан биргаликда турли бошқотирма ҳамда бошқа дидактик Ҳўйин усулларидан фойдаланиш кутилган натижани беради. Жумладан:

### Бошқотирмалар

Ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, мавзунини мустаҳкамлаш учун ақлни чархловчи “Кроссворд” Ҳўйинидан фойдаланилади.


№ 1. “Зинапоя” кроссворди



1. Шева ва тургун бирикмаларни ўрганади.
2. Сўзнинг луғавий маъноси, сўзнинг шакл ва маъно муносабати ўрганилади.
3. Тиниш белгиларни ишлатиш қоидаларни ўрганади.
4. Сўз шакллари ўрганади.
5. Ўзак ва қўшимчалар ўрганилади.
6. Сўз бирикмаси ва гап ўрганилади.
7. Нутқ товушлари ўрганилади.
8. Ҳарфлар тизими ўрганилади.


**“Ўйлаб топ” бошқотирмаси.**

**№ 2 (Сўзлар тўғри қўйилса –ХИВ яшаган шоир номи намоён бўлади.)**



1. Бутунни қисм билан ёки қисмни бутун билан ифодалаш.
2. Товушлари ва таркиби ўхшаш, маъноси бошқа сўзлар.
3. Мустақил сўз туркуми.
4. Нутқ қаратилган шахс ёки ёки предметни ифодалаган сўз ёки сўз бирикмаси.
5. Сўз ўзакларга ясовчи қўшимчалар қўшилиши билан ясалган янги сўз.
6. Сўзловчининг хабарга бўлган муносабатини (Ишонч, шубҳаси . . . ) ифодалайди.
7. Иш – ҳаракатнинг номини кўрсатувчи феъл шакли.
8. Эски, аммо ҳозир маълум мақсадда қўлланидиган сўзлар.

## Педагогика ва психология



### ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ё. Алимқулов, ЖДПИ, псих. ф. н., доцент

Бугунги кунда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ижтимоий-психологик хизмат ўрта махсус таълимнинг зарурий таркибий қисмига айланишини давр тақозо этмоқда. Ижтимоий-психологик хизмат ўз фаолиятини ҳар бир ўқувчида ҳаётга ижодий муносабат ва индивидуал тараққиётини таъминлашга, соғлом психологик муҳитни яратишга йўналтиради.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида педагог кадрлар салоҳиятини ошириш, таълимнинг ўқув-методик ва ахборот таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, Республикаimizдаги таълим муассасалари малакали кадрлар билан таъминлаш масалаларига асосий эътибор қаратилган. Бу эса психологик хизматни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2-июндаги 109-сонли “Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимидаги муассасаларда Психологик хизмат тўғрисидаги Низомга асосан таълим билан уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

Бизнинг бош ва асосий мақсадимиз теран баркамол авлодни тарбиялаш экан, уларни психологик жиҳатдан тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов: “...Маълумки, отабоболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган”<sup>88</sup> дея таъкидлаб ўтади. Албатта, таълим-тарбия – онг махсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, жамиятни ривожлантириб бўлмайди. Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта

<sup>88</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.

ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умумий масалалар. Шунинг учун унутмаслигимиз керакки, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – психологик хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак.

Ана шу мақсад ва вазифалар асосида бир неча йиллардан буён Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти қошида “Психологик хизмат кўрсатиш” Маркази самарали фаолият олиб бормоқда. Жумладан, 2011 йил 24-декабр куни марказ Мирзачўл туман ҳокимияти билан ҳамкорликда “Вилоят, туман ташкилотлари, маҳаллалар ҳамда таълим муассасаларида психологик хизматнинг тутган ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги вилоят миқёсида илмий-амалий конференция ўтказди. Конференцияда таълим тизимидаги психологик хизматнинг муаммоли масалаларини ҳал этиш борасида муҳокамалар ўтказилиб, амалий ечимлар тўғрисида фикрлар алмашилди.

Бу каби тадбир ва анжуманлар доирасида узлуксиз таълим тизимида олимларимиз, илмий тадқиқотчиларимиз, профессор-ўқитувчи ва талаба ёшларимизнинг психологик хизмат соҳасига доир амалга оширилган ишлари бўйича ўзаро тажриба ва фикр алмашиш имкониятига эга бўладилар.

Бундай конференцияларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши эса ташкилот раҳбари, ходимлари ҳамда педагог ва психолог кадрларни ўз устида янада талабчанроқ ишлашга ундайди ҳамда ушбу йўналишда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини оширади.

Бугунги кунда амалиётчи психолог мутахассислигининг зарурий эҳтиёж сифатида қабул қилиниши таълим тизимида қўйилган энг муҳим қадамлардан бири дейиш мумкин. Шу боис бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалардан бири керакли методик қўлланмалар, тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалий методикаларни яратишдан иборатдир. Айниқса, психологик хизмат бўғинлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш ҳар бир ташкилот раҳбарлари ва амалиётчи психолог учун зарур.

Таълим тизимида фаолият юритадиган психологнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат: (“ўқувчи” шахси таълим муассасининг турига қараб талаба, бола, магистр, аспирант, ўқитувчи каби шахсларга айланиши кўзда тутилади). Ташкилот раҳбари ва барча турдаги ишчи ходимлар

- барча тоифа шахслар учун консултация ишларини олиб бориш;
- касб танлашга йўналтириш, ўзлаштирмовчиликнинг сабабини аниқлаш;
- характерида турлича акцентуацияси мавжуд ўқувчилар билан психокоррекцион ишларни ўтказиш;
- ўқитувчиларнинг психологик саводхонлигини ошириш фаолиятини уюштириш;
- тарбияси қийин болалар, таълим олувчиларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш;
- иқтидорли ўқувчиларни танлаш, улар билан индивидуал иш олиб бориш;
- ўқитиш ва тарбиялашнинг янги методларини муҳитга мослаштириш;
- ўқув масканида психологик муҳитни ўрганиш ва уни барқарорлаштириш;
- жамоада шахслараро муносабатларни тадқиқ этиш;
- ўқитувчининг шахсини ва педагогик қобилиятини текшириш;
- ўқувчилар шахсини ўрганишга оид ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш.

Ўқув маскани психологи унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун махсус жиҳозланган хонага эга бўлиши ва уни керакли материаллар билан таъминлаш зарур (оддий методикалар, сўров варақалари, расмлар, тестлар, топшириқлар, тренинглар).

Педагог ходим билан ўқув маскани психологи ўртасидаги ўзаро муносабат касбий-ахлоқий асосга, психологик одоб, назокатга риоя қилиб, илтифотлилик, талабчанлик, сезгирлик, ростгўйлик, ўзаро ёрдам, диний эътиқодларни хурмат қилиш каби сифатлар мажмуаси намунасини намойиш этиш негзида қурилиши даркор.

Ўқувчиларга психологик талаблар мажмуаси куйидаги кўринишга эга:

- ўқувчиларда билиш эҳтиёжларининг борлиги,
- ҳар қайси ўқувчида диққатнинг кўлами, барқарорлиги ва бошқа хусусиятларнинг мавжудлиги,
- эшитув, кўрув, мотор-ҳаракат хотирасининг ривож,
- эсда олиб қолишнинг оқилона усуллари тўғрисидаги билимлар ва уларда ўқув материалларининг ўзлаштиришда фойдаланиш ўқуви,

• анализ ва синтез умумлаштириш каби фикр юритиш операцияларини қўллай олиш аналитик-синтетик фаолият усулларини тадбиқ қилиш, турли ўқув предметларида умумлаштириш ва таснифлашни амалга ошириш,

• ўзининг темперамент хусусиятларига оид билимларга эга бўлиш, уларга асосланиб шахсий фаолиятининг индивидуал услубини вужудга келтириш,

• иродавий сифатларни, ўзини-ўзи тарбиялашга оид усулларни ўзлаштириш,

• ўзининг хиссий-психологик ҳолатларини бошқариш,

• ўқув фаолиятининг ижтимоий аҳамиятли ва шахсга оид мотивларнинг мавжудлиги,

• шахснинг ижобий фазилатлари (сахийлик, ростгўйлик, адолатлилик, интизомлилик, озодалилик, инсонпарварлик ва бошқалар) ни ривожлантириш усулларини эгаллаш,

• ўзининг ақлий ва махсус қобилиятларини ўстириш эҳтиёжи,

• синфдошлари, ўқитувчилари, ота-оналар ва бошқа вояга етган кишилар билан ўзаро муносабатга киришиш ва мулоқот ўрнатиш уқуви,

• маълумот олишга ва меҳнат фаолиятига ижобий муносабатнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Психологик маслаҳатлар муҳим рол ўйнайди. Чунки синалувчи шахси билан олиб борилган психодиагностик ишлар натижасига кўра агарда маълум бир хатти-ҳаракатларда издан чиқиш оғиш ҳолатлари бўлса улар билан маслаҳатлар ўтказиш зарур.

Психологик маслаҳатлар бериш ижтимоий психологик хизматнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Психологик маслаҳатлар вужудга келган бевосита муаммо билан психологга мурожаат қилингандан кейин бошланади. Ушбу ҳолатда; а) муаммони аниқлаш ва англаш сўнгра уни ҳал қилиш йўлларини топиш; б) муаммо ҳақида умумий хулосага келиш ва уни олдини олиш ҳақида огоҳлантириш муҳимдир. Психологик маслаҳат бериш жараёнида энг муҳим нарса мавжуд муаммони мурожаат қилган инсоннинг ўзи ҳал қилишига имкон яратиб беришдир.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, узлуксиз таълим психологик хизматининг асосий бўғини сифатида психологик диагностика ва психопрофилактика ишлар билан бирга психологик педагогик консилиум ва маслаҳатлар ҳам асосий ўрин эгаллайди. Албатта, бунинг учун амалиётчи психолог мутахассислигига доир билим ва кўникмалар билан қуролланган бўлиши лозим. Шундагина олиб борилган психологик маслаҳат ишлари самарали ва муваффақиятли чиқиши мумкин.



## ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪЛИМИ МАСАЛАЛАРИ

О. Ражабов, ЖДПИ, ўқитувчи

Инсон дунёга келгандан бошлаб ўзида таълим–тарбияга эҳтиёж сезади. Бу шунчаки руҳий–физиологик инстинкт бўлмай, оламни тушунишга, ҳаётда ўз ўрнини топишга бўлган зарурат, яшаш учун курашиш натижасидир. Билимга бўлган интилиш маънавий камолот сари етаклайди. Инсониятнинг маънавий камолоти эса, ўз навбатида жамият тараққиёти даражасини белгилайди. Жамиятнинг тараққиёт даражаси бевосита ёшларнинг қобилиятлари ва ақлий савияларига боғлиқдир. Шу сабабдан ақл-зиё ва ахлоқ маънавиятнинг таркибий қисми ҳисобланади, юксак маънавият эса давлат истикболини белгиловчи пойдевордир. Жамият тараққиёти илғор зиёлилар, фан ва техника сирларини чуқур биладиган ва ишлаб чиқаришга жорий эта оладиган кенг билимли, тадбиркор, мулкдорлар, моҳир ташкилотчилар кўлидадир. Бунинг учун ўқувчиларнинг қобилият ва имкониятларини ривожлантириш энг муҳим масалалардандир. Бу борада Республикамызда эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Мусаввир”, “Хунарманд”, “Истеъод”, “Соғлом авлод учун” каби жамғарма ва уюшмалар, “Меҳр нури”, “Зулфияхоним қизлари”, “Келажак овози”, “Янги авлод” ва шунга ўхшаш кўплаб танлов ва конкурслар биринчи навбатда ёшларнинг интилишлари, кизиқишлари, қобилият ва иқтидорларини қўллаб-қувватлашга қаратилгандир.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “Иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш” кераклиги белгилаб қўйилган<sup>89</sup>.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими вазирликларининг Ўзбекистон Миллий университети қошида “Иқтидорли ёшлар билан ишлаш сиртки мактабини ташкил этиш тўғрисида” ги 2001 йил 19 апрелдаги 85/63 сонли қўшма буйруғи ҳамда шу асосда ишлаб чиқилган Низом, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Иқтидорли талабалар билан ишлаш фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 2001 йил 11 октябр 249 сонли буйруғи, “Олий ўқув юртларида ёшлар билан ишлаш, уларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ҳақида” ги 2002 йил 24 декабр 13/2 сонли ҳайъат қарори ва шу каби таълим тизими меъёрий ҳужжатларида бир қатор вазифалар назарда тутилганки, булар жамият ривожига самарали улуш қўшадиган иқтидорли ёшларни қўллаб қувватлаш учун қаратилгандир.

Кенг ақлий ёки жисмоний имкониятларга эга бўлган бола, шубҳасиз, ўзининг муваффақиятларига эришиши учун бошқа

<sup>89</sup> Каримов И. А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б. 23.

болалардан кўпроқ ва чуқурроқ таълим олиши, кўпроқ ўрганиши керак бўлади. Шу сабабли қарийиб юз йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган, ақлан зукко болалар учун ихтисослашган (масалан, мусиқа, математикадан, ёки умуман жадаллаштирилган ва ҳоказо) мактабларнинг таълим шакллари ва дастурлари адабиётларда қизғин муҳокама этилади.

Айни дамда, илмий тадқиқотлар ва амалий тажрибалар болаларнинг ўз ютуқларини эрта намоён қилишилари, уларнинг ривожланишларини олдиндан айтиб бериш муаммо эканлигини кўрсатмоқда. Шу боис, улғайганда юқори натижаларга эришган баъзи одамларнинг мактаб ёшида алоҳида қобилият билан акралиб турмаганликлари ёки сезиларли даражада иқтидорини намоён эта олмаганликлари эътироф этилади. Бу турли омиллар таъсирида вужудга келиши мумкин.

Иқтидорли болалар таълими ва тарбиясининг ривожланишига таъсир этувчи биринчи омил, бу оила ва ота-онанинг таъсиридир. Бунда бола шахсининг хусусиятларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Масалан, боладаги эгоцентризм, ҳаттоки уни айблаганга бирор асос бўлмаса-да, унда айбдорлик ҳиссини вужудга келтиради. Айнан мана шу айбдорлик ҳисси унинг ёшлигидан оиладаги тарбия жараёнида шаклланади. Ота-оналар ўз ўғли ёки қизларига доим аъло ўқишлари, пешқадам бўлишлари ҳақида уқтиришади, натижада болада “аълочи бола комплекси” шаклланди. Эндиликда оиладаги, мактабдаги ҳар қандай паст баҳо болага фожиа сифатида туюлади. Бола ота-онасининг унга билдирган ишончини оқлай олмаслиги сабаб, уларда норозилик муҳитини яратади, афсуски, бу жараён баъзида онгли баъзида эса онгсиз тарзда намоён бўлади. Шу тариқа ота-оналар томонидан болага ўтказилган босим, иқтидорли боланинг шахс хусусиятларига бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида иқтидорли боланинг ўзини-ўзи паст баҳолашига олиб келиши мумкин.

Шу ўринда иқтидорли болаларнинг ўз қобилиятларини амалга оширишига салбий таъсир этувчи куйидаги психологик омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар:

- мактабга ва ўқишга нисбатан салбий муносабатда бўлиш;
- ота-оналар билан мулоқотнинг бузилиши, кайфиятнинг ўзгариб туриши, депрессияга учраши, руҳий низо ҳолатлари;
- ўз-ўзига паст баҳо бериши;
- “қувғинлик” ҳиссиёти;
- ўз камчиликларини оқлаш ва изох беришга уриниш;
- айбларни ўзгаларга ағдариши;
- фантазияга мойиллиги;
- ўзгаларга нисбатан ишончсизлик, шахслараро муносабатнинг ёмонлиги;
- зеркиш ҳолатлари;
- етакчилик қобилиятининг етишмаслиги;

— ҳиссий мувозанатсизлиги ва ҳоказо.

Юқори имкониятларга эга бўлган болаларнинг ўзини паст баҳолашига жиддий таъсир кўрсатувчи кейинги омил—мактаб таълимидаги муваффақиятсизликларга нисбатан жавоб реакцияси. Иқтидорли болаларда мактабдаги фанларни ўзлаштириш билан боғлиқ муаммолар учраб туриши ҳолати таажжубланарли ҳодисадир. Бу борада кўп йиллик тажрибага эга В.С.Юркевичнинг таъкидлашича, замонавий мактабларда истеъдоднинг ақлий ва академик десинхронияси учраб туради. Ҳаттоки, баъзида ўқитувчилар бундай тоифадаги болаларни ақлий нуқсонга эга, деб ҳам тахмин қилишлари кузатилган.

Мактаб таълимида ҳозиргача сақланиб келаётган муҳим мезонлардан бири билимларнинг маълум талаб ва коидалар асосида ўзлаштирилишидир. Бундай ҳолатда, янги илмий ғояларнинг муҳимлиги ва аниқлиги эмас, балки таълимнинг шакл-шамойили муҳим роль ўйнайди. Кўриниб турибдики, иқтидорли болани бундай ҳолат умуман қониктирмайди. Унинг учун шакл эмас, балки мазмун афзалдир. Иқтидорли боланинг материалларни тезда илғаб олиш қобилияти, маълумотларни ёдида сақлай олиши, қизиқувчанлиги, эркин фикр юритиш ва шулар асосида ҳукмларни яратиши эндиликда ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирида аста-секин сўниб боради. Натижада боланинг юриш-туришлари, хулқ-атвори тенгдошлари қаторидан ўрин эгаллашга, ташқи муҳит талабларига мослашишга мажбур этади ва бажараётган топшириқлар сифати ва миқдорини ўқитувчисининг раъйига қараб амалга оширишга ҳаракат қилади.

Илмий адабиётларда умумий ақлий қобилият билан фаолиятнинг аниқ турларида (мусиқа, бадий ижодкорлик, рассомлик, спорт ва ҳ.) намоён бўладиган махсус қобилиятларни ажратиш муҳимлиги кўрсатилади.

Иқтидорли ўқувчилар таълими муаммоларига эътибор қаратадиган бўлсак, таъкидлаб ўтганимиздек, бундай болалар ўз ижодкорлиги билан бирга ижодий таълимни ҳам талаб этади.

Бироқ таълимнинг замонавий вазифаларини муҳокама қилганда унинг иқтидорли болалар таълими учун биринчи даражалиги ва алоҳида муҳимлиги тўғрисида айтиб ўтишимиз ўринли. Шунинг учун ҳам ижодий таълим айнан иқтидорли болаларга нисбатан алоҳида аҳамият касб этади.

Фикрлар давомида куйидагиларни таъкидлаш муҳим: биринчидан, ижодий таълим — юқори маҳсулдорлик, фикрлаш мустақиллиги, мақсадга эришишдаги қатъиятлилиги ва ҳ.к. яъни иқтидорли болаларни характерловчи барча хислатлар билан ажралиб туривчи болалар учун бирмунча табиий шакл ҳисобланади. Иккинчидан, ижодкорлик (креативлик) ғоят турли-туман соҳаларда иқтидорлиликнинг ўта муҳим ва асосий компонентиدير.

Шу мақсадда умумтаълим мактабларида иқтидорли ўқувчилар учун махсус таълим дастурлари яратилиши муҳим ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур муаммо юзасидан билдирилаётган фикрлар мунозарали ва баҳслидир. Баъзи тадқиқотчилар иқтидорли ўқувчилар таълимини ташкил этишда унинг шахс сифатларини ривожлантириш муҳим, деб кўрсатишса, қатор тадқиқотчилар ижтимоий муаммоларни бартараф этишни асос қилиб таъкидлайдилар. Яна бир қатор тадқиқотларда иқтидорли ўқувчиларнинг таълими самарадорлиги ижодкорлик ва мослашув муаммолари билан талқин қилинади. Шу маънода уларнинг таълимини ташкил этиш катта куч ва масъулият талаб этиши билан аҳамиятлидир.

Қайд этилганлардан кўриниб турибдики, иқтидорли ўқувчиларнинг таълими уларнинг шахс сифатлари ва билим даражаларининг ривожланиши асосида ташкиллаштирилишини тақозо этади. Бу жараён соҳа доирасида кенгайтирилган ва бойитилган таълим методикалари асосида амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
2. Олий таълим. Меъёрий хужжатлар тўплами / академик С.С.Ғуломов таҳрири остида; Тузувчилар: Ш.А.Аюпов, Б.Х.Раҳимов ва бошқ. // - Т.: “Шарқ”, 2003. – 752 бет. –Б. 116, 117, 262, 570-573.
3. Вахтерев В. Избранные педагогические сочинения // - М.: Педагогика. – 1987. – С. 145.
4. Гессен С.И. Основы педагогики. Введение в прикладную философию // - М.: Школа-Пресс. -1995. - 447 с. – С. 137.
5. Дьюи Д. Психология и педагогика мышления. — М.: Совершенство, 1997.-204 с. –С 10.
6. Матюшкин А.М. Сиск Д.А. Одаренные дети// Вопросы психологии.-1988. -№4. –С.88-97
7. Gowan J.C. Some New Thoughts on the Development of Creativity. Journal of Creative Behavior, 1977. – 12. — P. 77—90.
8. Renzulli J. What Makes Giftedness? Phi Delta Kappan, 1978, November. –P. 180-184.

## ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Г. Хожаниязова, ТДПУ, ўқитувчи

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 1997 йил августида булган IX сессиясида қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг долзарб муаммоларидан бири “Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мутахассисларнинг касб билим ва кўникмаларини янгилаш, ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган” лигидир.

Юқори малакали кадрларсиз Ўзбекистонни собитқадамлик билан ривожланишини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълимни тубдан, қайта ислоҳ қилишга, мутахассисликлар бўйича ўқитилаётган фанларга алоҳида аҳамият бериб, таълимни янги педагогик технология асосида олиб боришга жиддий ёндошишга сабаб бўлмоқда. Кадрлар малакасини ошириш ва юқори малакали, иқтидорли ёш кадрларни тайёрлаш давр талабидир. Чунки ҳозирда таълимни янги педагогик тизими асосида босқичма-босқич ўтишига ўтилаётган вақтда юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан кўра кўпдир.

Ҳозирда, таълим жараёнида ўқитиш услубиятидаги камчилик ва муаммоларнинг кўплиги туфайли ўқувчи – талабаларнинг фикрлаш қобилиятининг пастлиги, меҳнат кўникмаларининг шаклланиши ва касбга йўналтирилганлик даражаси етарли эмаслиги, билим савиясининг пастлиги изчиллик билан босқичма-босқич ҳал этиш йўллари ҳужжатларда келтирилган бўлиб, буларни амалиётга қўллашни йўлга қўйиш ва талабаларга таълим беришда улардаги касбий – педагогик малакаларини шакллантиришда педагогик технологиялардан тўлиқ равишда фойдаланишни йўлга қўйиш даркордир.

Касбий – педагогик маҳоратни шакллантиришда амалиёт катта аҳамият касб этади. Амалиёт орқали талабада кўникма ва малакалар шакллана боради. Талаба шахсида малакани шакллантириш учун бир қанча босқичларни босиб ўтиши лозим: аввал предметнинг қизиқарлилиги, долзарблиги, малакали ўқитувчи таълим бериши бўлса, кейин предметга бўлган қизиқиш; шу фанни ўқиб, ўрганишга бўлган қизиқиш; назарий жиҳатдан юқори билимли, назарияни амалиётга қўллаш натижасида кўникма ҳосил қилиш ва кўникмани малакага айлантира бориш орқали юқори малакали мутахассис бўлиб етишиб чиқишга интилиши.

Республикамикзда касбий – педагогик малакани шакллантиришда тарғибот ва ташвиқот ишларини изчиллик билан, босқичма – босқич олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Талаба – ёшларда касбий – педагогик маҳоратини оширишдан асосий мақсад, ҳозирда жамият равнақи учун етук малакали шахсларни етиштириш Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг энг олий мақсадидир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шерба Л.В. Преподавание иностранных языков в средней школе. Москва. 1974
2. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Тошкент. 1996.
3. Зарипова Р.А. Чет тиллар методикасидан қўлланма. Тошкент. 1986.

### ЎҚУВЧИ-ТАЛАБА ЁШЛАРДА ИЖОДҚОРЛИК ҚОБИЛЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

доцент Ё.Р. Алимқулов.  
И. Ибрагимов 2-курс талабаси

Президентимиз Ислоҳ Каримов мамлакатимиз ўғил-қизларини “Ер юзининг энг гўзал, энг латофатли ва нафосатли, оқида аёллари, сулув ва дилбар қизлари, пахлавон йиғитлари, чиройли ёшлари” сифатида таърифлаб шундай деган: “Бундай ёшларни вояга етказиш ва тарбиялаш вазифаси, шу бугуннинг энг зарур ва долзарб илмий-амалий муаммоси эканлигини ҳам таъкидлайди.”

Ёшлар дейилганда, биринчи навбатда, 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган авлод кўз ўнгимизга келади. Улар миллатнинг, мамлакатнинг гули, орзуси ва ишончидир. Уларнинг иштирокисиз ижтимоий ҳаётнинг бирон жабҳасидаги ўзгариш, ислоҳат ва тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди.

Ёшлар зиммасига ана шундай юксак таърихий масъулият юклатилар экан, бу ёшларнинг жисмоний ва маънасий қиёфаси ҳам шунчалик улкан аҳамият касб этади. Ёшларни мамлакатда содир этилаётган тарихий воқеалар, ислоҳатлар ва маънавий ўзгаришлар оқимиға олиб кириш, уларни ҳам бу жараённинг фаол иштирокчилари ва бунёдкорларига айлантириш, мустақиллик даври ижтимоий-сиёсий ва маънавий дастурининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этади.

Шунинг учун ёшлар қайси соҳада фаолият кўрсатсин, уларнинг жисмоний ва ақлий қиёфаси, ижтимоий онги, бадиий-эстетик тафаккури, маданияти, дунёқарашини тарбиялаган ҳолда уларни демократик ва фуқаролик жамиятини бунёд этиш ишиға сафарбар этиш ижтимоий ҳаётнинг энг зарурий эҳтиёжидан келиб чиқадиган объектив ҳақиқатдир.

Шахс ижтимоий ҳодиса сифатида ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий тизим ғоялари, мақсад ва мафқураси асосида шаклланиб, ривожланиб боради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин асрлар мобайнида орзу қилган мустақил мамлакатға эға бўлгандан сўнг бу тарихий ҳодиса, бу

ижтимоий янгиликни тушуниб етадиган, унга сидқи дилдан хизмат қиладиган мустақилликни мустаҳкамлашга ўзини сафарбар етадиган ёшларни тарбиялаш кун тартибига қўйилди. Чунки табиатан ҳаётий воқеаларга синчков муносабатда бўладиган, янгилик ва ўзгаришларни тез қабул қиладиган ёшларни ижтимоий-сиёсий ва маънавий қиёфасини, онги ва тушунчаларини инобатга олмаслик мумкин эмас эди.

Шунинг учун Республикамызда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ёшлар концепциясида асосий масала “Ёшларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш уларнинг билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун тегишли шароит яратиб бериш, зарарли ёт таъсирлардан муҳофаза қилиш, бузгунчи ғоялардан асраш, онгишуруурини илму маърифат нури билан мунаввар этиш каби кўп-кўп масалаларга асосий эътибор қаратилади”.

Мустақиллик даврида шахсни, хусусан ёшларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларда, жамият аъзоларининг эҳтиёжи йўлида қилинаётган ишларга жалб этиш, фаоллигини янада бош вазибаларидан бирига айланди. 1991-йили Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид Давлат сиёсатининг асослари ишлаб чиқилиб, “Ёшлар тўғрисида”ги қонуннинг олий мажлис сессиясида қабул қилиниши, “Комолот” ёшлар жамғармасининг 2001 йилда “Комолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатига айлантирилганлиги, 2008 йилни “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши сингари ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ишлар бунга аққол мисол бўла олади. Маълумки, бола шахси турли фаолият жараёнида таркиб топади. Зотан, ўқувчи-ёшларнинг жуда мароқли, ўзига хос гўзал ва шакл жиҳатидан ранг-барангдир. Бу ҳил фазилатлар болалар учун хос бўлган доимий эҳтиёжга айлангандагина улардаги фаоллик янада ортади. Маданий ва маънавий завқ берувчи ана шу гўзал фаолият ўқувчилар ижодиётида айниқса кўзга ташланади. Болалар ижодиёти ўсмирлар ҳаётий фаолиятининг асосий тури сифатида ҳам аҳамиятлидир. Бинобарин, бола ижодий қобилиятининг шаклланиш унинг шахсий фаолияти билан чамбарчас боғланади.

Таълим ва тарбия тизимидаги ислохатлар, соғлом авлод тарбияси ҳалқимиз ва айниқса ёшларнинг, ижодкорлик, яратувчилик фаоллигини, ватанпарварлик туйғусини кучайтиради. Натижада “Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касбкори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади, ёш авлодга ўтади. Ёшлар уларнинг иқтидорлиги ва билим олишга чанқокчилигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади”.

Бинобарин ўқувчи-ёшларда ижодкорлик қобилиятини тарбиялаш, улардаги фаолият шахсининг ўсиши доирасидаги муҳим фазилат бўлиб, илмий педагогик, маънавий-тарбиявий аҳамият касб этади. Бундай амалий фаолият олиб борилаётган машғулотларда ўқувчиларнинг илмий техникавий саводхонлиги оширилади, натижада боладаги зеҳн, майл ва қизиқий ортиб боради. Ижодкорлик қобилиятининг таркиб

топиши билан боғлиқ бўлган анашу факторлар ва қизиқишлар болани кўп янги нарсаларни билиб олишга, мустақил ижодий фаолликка даъват этади. Бу ҳол бора-бора зарурий зарурий хусусият ва доимий одатга айланади. Буюк ёзувчи А.Навоий кўрсатганидек, инсон интилган мақсад нақадар юқори бўлса, унинг қобилияти, истеъдоди шу қадар тез ва ижтимоий мазмундор бўлиб ривожланади.

Севимли буюк мутаффақир А.Навоий ёш истеъдодлар ҳақида гапириб, ҳақиқий одам шунчайин тирикчилик ўтказиш учунгина эмас, балки ҳар сония, ҳар соатда инсон шаънига муносиб умр кечириш учун яшайди, деган эди. Дарҳақиқат, мақсадсиз кечган умр беқадар маъносиз бўлади.

Шахснинг ахлоқий-эстетик онги, дунёқараши, тафаккури маданияти, маънавиятини камол топтириш масаласи инсоният тараққиётининг барча босқичларида энг долзарб илмий-назарий ва амалий муаммо тариқасида мутаффақирлар, файласуфлар, эстетик омиллар, рухшунослар ва ижодкорлар диққатини жалб қилиб келган.

Инсон умрининг ҳақиқий маъноли тушунчаси ижодий меҳнат қилишини ҳам ўз ичига олади. Зеро, ҳар бир кишининг истеъдодли иқтидор ва имкониятлари, инсон шахсини безайдиган индивидуал хусусиятлар анашу ижодий меҳнат қилиш жараёнида юзага келиб ривожланади.

Киши ижодий қобилиятининг, индивидуал хусусиятларининг ривожланиши янги кишининг тарбиялашнинг энг муҳим вазибалардан биридир. Ижодкорлик тарбияси режали, системали равишдагина олиб борилсагина ижодий фаолият яхши самара беради. Бунинг учун бошланғич синфдан бошлаб ўқувчи-ёшларнинг ижодкорлик қобилиятини тарбиялаб, ривожлантириб бориш даркор. Ўқувчи-ёшларнинг ўқишга ҳаваси орта боргани сари, ижодий фикр юритиш қобилияти ҳам ортади, унда ҳис-туйғу пайдо бўлади. Табиатни эстетик ҳис қилишга одатланади, борлиқни идрок қилиш қобилияти ўсади. Машҳур ёзувчи агар ўқувчи мактабда ижод қилишни ўрганмаса ўз ҳаётида ҳамма вақт таҳлид қилади ва андоза олади, бундай тақлидчилар орасида бировдан билиб олганини мустақил равишда ҳаётга тадбиқ қила оладиганлар ҳам жуда оз бўлади, деб ёзган эди. Шу сабабли ўқувчиларнинг фаолиятини онгли равишда фаол ташкил этиш, уларнинг билишга бўлган қизиқишларини амалий, ижодий ишлар билан бирга қўшиб олиб бориш лозим. Шу тариқа ўқувчи-ёшларда мустақил фикр юритиш кўникмаси, ижодий қобилият тараққий эттирилади.

Ҳар қандай шахс умри давомида тўплайдиган ахборотнинг ярмини олти-етти ёшгача бўлган даврда олар экан, Ислоом Каримов таъкидлаганидек, эстетик тафаккур ва маданият равнақида ҳам жуда катта аҳамият касб этадиган даврга ниҳоятда жиддий қараш лозим. Чунки “Куёшнинг қаёқдан чиқади, қаёққа ботади, қандай нур таратади, ой қаердан пайдо бўлади, одамзот-одам ўзи нима деган содда, аммо инсон тафаккурида пойдевор бўлиб қоладиган тушунчалар боланинг онгига айни шу даврда сингади” Шунинг учун ёшлар онгини замонавий билим, миллий ва умумбашариймаънавий қадриятлар билан баҳраманд



этиш уларнинг жамики табиат ва мжамият ҳақидаги тасаввурини, шунингдек, ижодий қобилиятларини ҳам ривожлантирган бўлади.

Ислом Каримов “Соғлом авлод дастурини” тасдиқлашга бағишланган мажлисда сўзлаган нутқида таъкидлаган эдики, мустақиллик йилларида Ўзбекистон болалари замонга мос, Ватанимизга муносиб равишда ўзгариб бормоқда.

Биз XXI асрга кириб бормоқдамиз, бу ерда қайси давлат кудратли, қайси халқ кучли бўлад, дхеган саволга Юртбошимиз аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсадиган давлат, деб жавоб беради. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотларнинг замирида комил инсон ва етук шахсини тарбиялаш ётади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Т. “Ўзбекистон” 1998 йил.

2. И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент “Маънавият” 2008 йил 176-бет.

3. И.А.Каримов “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Тошкент 1998 йил 64-бет.

4. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008.

5. А.Алиев “Ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилияти ” Тошкент “Ўқитувчи” 1991-йил 40-бет.

6. Алимқулов. Ё.Р, Педагогика олий ўқув юртлири талабаларида ташкилотчилик қобилиятларини ва сифатларини аниқлаш йўллари. Москва 1989 йил номзодлик диссертацияси

7. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб -ўқитувчиси психологияси. - Тошкент 1998 йил.

8. Э.З.Усманова “Ўқувчиларда мустақил тафаккурни шакллантириш мумкин?”, “Педагогика ва психология” (илмий оммабоп серия) ТДПУ 2000-йил 24-бет.

## Шогирдлар одими

### **MATN TAHLILI JARAYONIDA O'QUVCHI SHAXSINI TARBIYALASH**

**G. Qodirova, AndDU, talaba**

Adabiyot o'qitishning asosiy maqsadidan biri bu - o'zligini biladigan, vaziyatni mustaqil ravishda sintez qila oladigan, o'z fikriga ega, nutqi ravon o'quvchi shaxsini tarbiyalashdir. Bunday natijaga erishishda dars jarayonida turli ta'lim texnologiyalaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Prezident I.A. Karimov: "Talimning yangi modeli jamiyatda mustaqil fikrlovchi erkin shaxsning shakllanishiga olib keladi. O'zining qadr-qimmatini anglaydigan, irodasi baquvvat, iymoni butun, hayotda aniq maqsadiga ega bo'lgan insonlarni tarbiyalash imkoniga ega bo'lamiz",- deya ta'kidlaydi.

Adabiyot o'quvchisining qo'lida hamisha "sehrli tayoq" bo'lishi kerak. Uning sehrli tayog'i bu - darsda fodlanadiga metod, usul va texnologiyalardir. O'qituvchi yangi mavzuni yoritish uchun tanlagan texnologiyasi o'quvchilarni darsga birday jalb qilishi, mavzuni o'quvchilar anglab yetishi va mavzuga nisbatan o'z fikr mulohazalarini bildira olishi kerak. Shundagina darsdan ko'zlangan maqsadga erishish mumkin. Darsda o'quvchilarda shunday darajani hosil qilish kerakki, ular o'z tafakkurlari orqali dunyoni anglay bilishlari, voqea - hodisalardan o'ziga xos tarzda ta'sirlanishi, unga nisbatan xulosalar chiqarishi kerak. Shundagina mustaqil mulohaza yuritgan holda nimagadir mehr ko'zi bilan boqadi, turli illatlarni inkor etadi va o'zida yangilik, yaratishga, kashfiyot qilishga ehtiyoj sezadi. Bu ehtiyoj o'quvchini amaliy harakatga undaydi.

Masalan, akademik litseyning III bosqichida Hurshid Davronning "Ota qabri" nomli she'rini o'tganda tahlil orqali samarali natijaga erishish mumkin. Mavzuning mohiyatini yoritishda darsni "Ota rozi -xudo rozi" maqolini epigraf sifatida olgan holda boshlash mumkin. O'quvchilarga "Siz otangizni qay darajada qadrlaysiz?", "Otangizning bergan dono o'gitlariga quloq tutyapsizmi?", "ota-onangizning orzularini amalga oshirishga bel bog'lashga kechikmayapsizmi?" kabi savollar bilan ularning fikrlari bilan tanishish kerak. So'ngra "Ota qabri" she'rini o'qituvchi shunday ta'sirli qilib o'qib bersinki, she'r tinglovchilarning qon-qoniga singib, o'yga toldirsin. Asarni ongli ravishda anglash va sintez qilish uchun tahlil metodidan foydalangan holda o'quvchilar bilan ishlanadi. Tahlil jarayonida lirik qahramon bilan o'quvchilar o'zlarini qiyoslab borishi zarur.

She'r tahlili jarayonida lirik qahramonning ruhiy olamini taftish etish, kashf etish asnosida o'quvchi ma'naviyatiga ta'sir o'tkazish mumkin.

## НАВОИЙ – ХАЛҚИМИЗ УЛУҒВОР РУҲИ ТИМСОЛИ

С. Қулматова, ТДПУ, магистрант

Алишер Навоий халқимиз онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахсдир. У миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну-шарафини дунёга танитган ўлмас сўз санъаткоридир. Бинобарин, газал мулкининг султони Навоий ўз асарлари билан нафақат икки дарё оралиғидаги халқларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга даъват этган эди. Шунинг учун ҳам Республикамиз Президентги И.А.Каримов: *“Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир”*, деган эдилар. Дарҳақиқат, бугунги кунда тарихий ва тарихий-адабий меросимизга эътибор ҳар қачонгидан ҳам ортган. Вокеликка қадриятларимизда улуглаб келинган жамулжамлик ғояси асосида қараш биз учун ҳаёт коидасига айланган.

Миллат тақдири ҳақида қайғурган фидоий ёзувчиларимиз ота-боболаримиз руҳий оламида мавж урган олижаноб фазилатларни улуглашга диққат қаратишган. Жумладан, академик шоир ва носир Ойбек *“Навоий”* романини ёзиш асосида бу гениал шоир ва давлат арбоби яшаган давр, унинг ҳаёти ва ижодини илмий манбаалар асосида махсус ўрганди. Олис ўтмишга замондошлари кўзи билан боққан адиб тарих қатларидан ёруғ рангларни танлай олди. Зиддиятлар моҳияти ва персонажлар характери ни ҳаққоний ёритди. Жумладан, бош қаҳрамон Алишер Навоий тилидан: *“Бир юрт кўжидан зулмининг қора булутларини қўймоғимиз керак. Кимдан халққа жабр-зулм содир бўлса, у бизнинг беомон душманамиз бўлғусидир... Инсон барча махлуқнинг тоғжидир. У шарафли, соф, гўзал яшамоғи керак”*, дейилади. Бундан англашиладики, романда ватан тинчлиги, юрт осойишталиги ва озод ҳаёт, қадриятларга садоқат, азалдан шарафланган инсон ҳақ-хуқуқлари, шаън-шавкати, покиза иймони, гўзал орзу-интилишларини улуглаш ғоялари етакчилик қилади. Айни пайтда, зулму зўравонлик, адолатсизлигу боқинчилик содир этувчи кимсаларга нисбатан тизгинсиз нафрат туйғуси изхор этилади.

Романда Навоий мамлакатни муқаррар емирилишдан омон сақлашда адолат тамойилларига таянади. У ҳар қандай даражадаги амалдорни қонун олдидаги масъулияти, инсоф ва диёнатига кўра танлайди, шу фазилатларига кўра қадрлайди. Чунки асар муаллифи шоир асарларида ўз аксини топган улуг салтанат ва унинг одил ҳукмдори ҳақидаги концептуал қарашларга таянган.

Навоий нафақат ўзаро низою урушлар, балки зулму ҳақсизлик, қашшоқлигу жаҳолатга қарши бутун онгли фаолияти, кўнгли интилишлари билан қарши турувчи ватанпарвар, инсонпарвар шахс образи. У одил, покиза, садоқатли, вафодор, самимий инсон сифатида гаўдаланади. Ойбек: халқ – тарихни ҳаракатга келтирувчи куч. Унинг

илғор вакиллари эса, давр руҳини ташувчи типик образлардир, деган ақидага таяниб иш кўрган. Етакчи қаҳрамон Навоийни турли жиҳатдан тўлдирувчи Султонмурод, Арслонқул, Зайниддин сингари ёрдамчи персонажлардан шу мақсадда фойдаланган. Бошқачароқ айтганда, ёзувчи қаҳрамон индивидуал биографиясини тарихий жараён оқимидан ажратмаган. Бинобарин, роман: *“хашқ қудрати, бурунига ҳеч қандай тоғ дош беролмас”*, деган тезис талқинига асосланади.

Ойбек - инсонпарвар шоир, гуманист адиб. Шунинг учун ҳам адиб романда контраст тасвирлар орқали нафақат одамийликни шарафлади, балки ўз шууъри катларидаги мутафаккирона фикрлар, руҳиятидаги муросасиз туғёнларни ҳам акс эттирди. Бу фикр ва руҳ Навоий қалби билан уйғунлашганида забардаст куч, интеллектуал қудрат касб этди. Характерлар талқини эса, бу гўзал эпик палотнони даврлар оша яшовчан қила олди. Илло, воқеий коллизиялар қаъридан инсон тақдирини белгилаб берган тарихий шароит ва характерлар қон-қонига сингдирилган Ойбек феномени мўралаб туради. Таъкидланганидай, ёзувчи композицион марказга адиб биографияси эмас, балки Навоий руҳияти ички йўналиши ва давр зиддиятларини жамлайди. У айнан шу йўсиндаги муаммоларга ургу беради. Шунинг учун ҳам, Навоий муҳаббати ва адолатли шоҳ ҳақидаги умидлари улус ғам-ташвишлари билан вобаста. Амалий фаолияти эса, Хуросон замини муаммоларига узвий туташ.

Болалик дўсти Султон Хусайн унинг барча орзу-умид, муҳаббат-эҳтиромларини оқлаш нишонларидан бегона эмас. Зотан, у соҳибқирон Амир Темур йўлини тутиб, давлатни мустаҳкамлаш борасида Навоий қаби илми донишлар маслаҳатига таяниб иш кўришга мойил. Аммо, реал воқелик зиддиятлари олдида шоҳ ҳам бетадбир. Қолаверса, у ўз кўнглида адашган, аросат кимса. Чунки, Султон Хусайн нафақат шоҳ, балки Хадичабегим ва унинг паноҳидаги кучларга ёхуд содиқ дўсти маслаҳатларига дил боғлашни билмаган, бу икки кутбни бирлаштиришга қудрати етмаган жўн одам ҳам.

Кўринадики, Ойбек романда характерларни муқояса қилиш, ахлоқий-психологик асослаш орқали образларни индивидуаллаштиришга эришган. Бу ҳол Ойбек эпик насри услубида романтик салобат ва ҳаёт ҳақиқатига объектив ёндашув жипслашганлигини кўрсатади. Зотан, гоҳ у, гоҳ бу услуб доминантлик қилмасин, пировардида улар ёнма-ён яшайди, ўзаро туташади. Демак, Ойбек насрида стилистик бўёқлар яқранг эмас. Улар лозим топилган ўринларда, яъни эпик баён тарзи, тасвирланаётган ҳолат-кечинмалар характери, мавзу ва муаммодан кўзланган бадийий ният тақозосига кўра монологик ва диологик нутқ табиий бирикиб келишига қараб ўрин алмашиниб туради. Бундай стилистик турфалик эса, роман поэтик жозибасини таъминлайди.

Романда китобхон кўз ўнгида ўтмиш картиналари қайта жонланади. Давр моҳияти ва руҳи акс этади, илғор идеаллар тасдиқланади. Чунки, Навоий образи динамик ўсиш, юксалишда кўрсатиларкан, унинг

инсонпарвар дунёқараши, кураш ва интилишлари, маънавий руҳий олами ўша давр характери етакчи пафосини белгилаб беради. Илло, бадий талкин жараёнида Навоий халқимиз ватанпарварлик интилишларига хос улуғвор руҳининг тимсоли даражасига кўтарилган. Демак, характерлар тўлақонли очилишида тарихий воқелик тасвири муҳим ўрин тутди.

Асар лейтмотивида зоҳиран ХУ аср материали, ботинан эса, роман яратилган даврдаги фашизм ва шўро мафкуравий-сиёсий зўравонлиги инкори туради. Тўғри, ўша даврда фашизмга қарши исёни ошкор айтиш мумкин эди. Аммо, назаримизда юқорида эслатилган Ойбек даҳоси Навоий тили орқали айтишга журъат этган юрт қўқидан зулм қора булутларини қувиш, халқимизга нисбатан жабр-зулм содир этганларни беомон душман сифатида кўриш тийран нигоҳи, оташин сўзлари ўз миқёслари жиҳатидан анча кенг.

Демак, *“Навоий”* романи поэтик қамрови хануз яшовчан асар экани, истиқлол ғояларига ҳамоҳанглигини исботлашга қодир. Алишер Навоий бобомиз ҳақида битилган асарлар эса Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатнинг ижтимоий асосларини янада такомиллаштириш, чуқур билимли, маънан етук барқамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга хизмат қилади. Айни пайтда, ёшларимизда мумтоз адабиётимиз, хусусан шоир асарларига бўлган меҳр-муҳаббат ва эҳтиром туйғусини ҳам юксалтиради. Аждодларимизнинг машаққатли ижодий меҳнатини тўғри ва адолатли баҳолаш ҳиссини шакллантиради. Бу эса, уларда мустақил фикр, аниқ ҳаётий позиция ва мустаҳкам эътиқодни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, Президентимиз И.А.Каримов тўғри таъкидлаганларидек: *“Адабиёт масаласи - бу маънавият масаласидир.”*

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент., “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Тошкент., “Ўзбекистон”, 2009.
3. Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. Олтинчи том. Т.: “Фан”, 1976.
4. Ёқубов И. Ўзбек романи тадрижи. Т.: “Фан ва технология”, 2006.

## САЛОМАТ ВАФО ҲИКОЯЛАРИДА АЁЛ РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ

Б. Тоштемирова, ТДПУ, магистрант

Давр ва ижтимоий ҳаётнинг инсон руҳият оламига таъсири бадий адабиётнинг турли жанрларида ўз аксини топган. Бугунги кун ҳикоя ва қиссачилиги ҳам ўзининг янгича шаклий ва услубий кўринишлари, янгича талқинусллари билан китобхонлар диққатини жалб қилмоқда. Айниқса, аёл руҳиятининг турли хил шаклларига хос чизгиларни Саломат Вафо, Х.Дўстмуҳаммад, Назар Эшонкул асарларида кузатамиз. Саломат Вафо асарлари кучли психология ва инсон руҳиятини талвасага солувчи кучга эга. Унинг ҳикояларида катта бир жамият муаммоси аёллар образлари орқали ўзининг бадий талқинини топган. Ёзувчи бу муаммоларга аёл назари билан ёндашар экан, айна ҳаёт ҳодисаларини аёл руҳиятида қандай кечаётганлигини тасвирлашга асосий эътиборини қаратади.

Инсон руҳиятини тушуниш, билиш, англаш анча мураккаб муаммо. Ислоний нуқтаи назарга кўра, уни тушунишга одамзод ожизлик қилади. Чинданда руҳни кўриш мумкин эмас, изоҳлаш ғоятда мушкул, фақат уни тафаккур билан бир даражада англаш мумкин. Ҳар бир инсон ўз руҳий ҳолатини севинч, қайғу, тушкунлик, истаринлик каби кайфият манзаралари билан боғлашга ҳаракат қилади. Бадий асардаги руҳият тасвири руҳ борасидаги илмий текширишлар ва фалсафий талқинларга нисбатан теран ҳамда таъсирли экани билан фарқланади. Яъни “Инсон – адабиётнинг тасвир предмети экан, инсоннинг руҳиятисиз уни яхлит, бир бутун ҳолатда тўлиқ тасаввур қилиш мумкин эмас. Демак, ҳар қандай бадий асарда у қачон ва қайси жанр, методда яратилган бўлмасин, инсон психологияси у ёки бу тарзда акс этиши табиийдир”<sup>90</sup>.

Ҳаётда содир бўлаётган турли қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ҳозирги ҳикоячиликда ўзининг ҳаққоний ифодасини топмоқда. Бугунги ҳикояларнинг қаҳрамонлари руҳиятидаги ўзгаришлар, асосан халқ ижтимоий турмуши таъсирида юзага келганлиги акс эттирилмоқда.

Кейинги йиллар ўзбек адабиёти, хусусан ҳикоя ва қиссачиликда адабиётимиздаги реалистик аъёнларни ижодий давом эттирувчи асарлар билан бир қаторда янги гича шаклий изланишлар ҳам юзага келмоқда. Ўзбек ҳикоячилигида ўзгача шакли, ифода усули, тасвир воситалари, мазмун-моҳияти қаҳрамонлари билан тамомила янгича йўналишда асарлар яратилмоқда. Хусусан, миллий ҳикоячилигимизда инсон маънавий олами дунёқараши ва туйғуларини бадий акс эттириш тамойиллари янгиланиб, одам руҳий дунёсини бутун мураккаблиги билан тадқиқ ва таҳлил этишга эътибор янада кучайди.

<sup>90</sup>Мирқосимова М., Рустанова М. Жанр ва маҳорат. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.2007. 3-бст.

Ҳикояларда инсон тақдири ва қисмати ўтмиш ва бугунги кун муаммолари келажакка ишонч руҳи билан бевосита боғлиқликда тасвирланмоқда.

Турфа хил тақдир эгаси бўлган кишилар ҳаётини тасвирлаш орқали азалий қадриятларимизга, инсоний муносабатларга, курашнинг мураккаб ва зиддиятли жиҳатларига муносабат билдирилмоқда.

Адабиётимизга ўтган асрнинг 80-йилларида кириб келган Саломат Вафо ҳам миллий ҳикоячилик тараққиётида сезиларли улуши бор. У дастлабки ҳикоялариданоқ ҳаётнинг қарам-қарши томонларини инсонлар ўртасидаги бир-бирига зид муносабатларни тасвирлашга алоҳида эътибор қаратади.

Шу вақтга қадар ўзбек адабиётида аёл руҳияти кенгликларини, туйғу ранг-баранглигини, кўнгил товланишларини бу қадар ёрқин ва таъсирчан тасвирлашга, йўналтирилган асарлар оз эди. Тўғри, ўзбек адабиётида аёллар образи тасвирланган асарлар талайгина. Улар марказида гоҳ ожиза, гоҳ севики ёр, гоҳ она образлари ҳаракат қилади. Аммо аёл кўнгил кўзи орқали унинг ҳаётга, одамларга муносабатини руҳий изтиробларини ҳаққоний ёритувчи асарлар жуда оз.

Айни жиҳатдан Саломат Вафо ижоди жамият муаммоларини аёл руҳияти ўртанишлари тимсолида ёритиш услуби жиҳатидан адабиётда янгилик бўлди. Бу ҳақда профессор Ҳакимжон Каримов шундай ёзади: “Саломат Вафо ҳикояларида ҳам модерн йўналишига мойиллик кучли. Унинг ҳикоялари руҳият тасвирининг қуюқлиги, аёллар олами, қисмати, тақдири таъсирчан ёритилгани, шунингдек, фикр ва гоҳларда ислом фалсафасига суянганлиги билан ажралиб туради”<sup>91</sup>. Таниқли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев эса ижодкор услубига қуйидагича баҳо беради: “Саломатнинг ҳикоялари, деярли ҳамиша, фавқулодда хусусиятларга эга одамлар ҳақида ёки оддий кишиларнинг фавқулодда жиҳатлари тўғрисида бўлади. Қизиғи шундаки, ҳатто бу ҳикоя қаҳрамонларининг оддий эл қатори эканликлари ҳам фавқулодда даражададир. Жинниси роса жинни шаллакиси жуда шаллақи, ландавури ўта бўшанг ва бошқалар. Лекин уларда муаллифнинг тийрак ва безовта нигоҳи, одам кўнглининг нозик товланишларини илғам ҳамда бера билиш маҳорати сезилиб туради”.

Дарҳақиқат ёзувчининг “Унутилган аёл” ҳикоясида даҳшатли аборт жараёнини бошидан кечираётган аёлнинг оғриқлари, руҳий азоблари, жисмоний ўзлигини излаётган бу аёлнинг ҳаёт ўпқонларида кечирган дардларига узвий боғлаб тасвир этилади. Аёл изтироблари эса китобхонни ларзага солади: “Чор агрофдан ғалати шовурлар, ғалати ингроқлар эшитилар, улкан пичоқ тобора жадаллар, яна отамнинг пичоқда ёвуз куч бор деганини эсладим, типирчилаб ўзини ҳар ёкқа ураётган гўдакка ваҳшат билан яқинлашар... яқинлашар... оҳ унинг юмшоққина қулоғини узиб кетди.

<sup>91</sup> Улмуров Ҳ. Бадний психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. –Т.: Фан, 1983. 7-бет.

Мен қулоқсиз қолган эдим”<sup>92</sup>.

“Унутилган аёл” унутилишдан, назардан қолишдан кўрққан аёлми ёки оиласи учун аёллик мажбуриятини унитган аёлми?

Бу ҳақда Қ.Йулдошев шундай дейди: “Аёл зотики бор ҳамиша унутилишдан, назарга олинмасликдан кўрқиб яшайди. Саломат Вафонинг “Унутилган аёл” ҳикояси қаҳрамони ҳам айни шу кўрқув туфайли Яратган томонидан унга юкланган асосий миссия – бола кўришдан бўйин товлаган, чиройли қомадини сақлаш, бировларнинг эътиборини қозониш, бола боқиш ташвишларига ўралашиб қолмаслик учун танасию руҳига пайваста бўлиб кетган янги вужуддан ўзини холи қилган аёл”<sup>93</sup>.

Аёл ҳам руҳий, ҳам жисмоний оғриқларни чидам билан бошидан кечиради, аммо бу чидамнинг, бардошнинг ўзи етарли эмасди. Аёлга меҳр, суянчиқ, маънавий елкадош одам керак эди. Оналик меҳрини тияди. Аммо у бу лаззатли туйғудан кечишга мажбур. Шундай азоблар ичида ўзлигини ахтараётган аёл “унутилган аёл” эмасми? Агар аёлни бошқалар унутмаганда, унинг аёллигини эсдан чиқармаганда, уни борича, аёллигича қабул қилганларидан у бундай даҳшатли ишга жазм этмасмиди?

“Шуурисиз вужудим билан илтижо этдим: О, Яратган қайтар бу пичоқни агар тирик қолар бўлсам қолган умрим униси... не керак унга молми, жонми ҳаммасини бераман, фақат ортига қайтсин фақат изига қайтсин у машъум пичоқ... ёзув пичоқ ихтиёрим билан келган эдим. Кетсин бу юртлардан кетсин”<sup>94</sup>.

Аёл йўл қўйган мудҳиш хатосини тушуниб, руҳий қийноқларини кечиради. Аммо бор олам унутгандай эди. Барча азоблар ичида аёл ёлғиз, уни билган онсиз ҳолда. Унутилган аёл қаерда, қай ҳолатда эканлигини унутиб гуноҳи учун дўзахдаман деб ҳам ҳис қилади. Дўзахий азобда ҳам руҳий, ҳам жисмоний оғриқни, руҳий қийноқни бошидан кечиради.

Бу каби психологик ҳолатлар ёзувчи эътиборидан четда қолмаган, балки ҳаётий, таъсирчан манзаралар орқали тасвирланган.

Аборт жараёни оқибати аёлнинг кўнгил кўзи ила очади, ўзлигини англашга интилади. “Дафъатан хира кўзларим очиди: шуурим тиниклашди, аллақайси оламларда улоқиб юрган онгим қайтиб келган эди. Бу дунёда ўттиз йилдан бери мавжуд бўлган ўзимни танимай қолдим, ким эдим мен, бу ерларда нима қилиб юрибман. Бу мен эмас эдим, бу бошқа мен эдим”<sup>95</sup>.

Ҳикоя қаҳрамони ўз-ўзини тафтиш этиш орқали ўзлигини аёллик шаъни, гурурини англайди. Ёзувчи ҳар қандай оғриқли руҳий ҳолат инсон ўзлигида, тафаккурида қай даражада даҳшатли юз берилишини

<sup>92</sup> Вафоева С. Тилсим салтанати. Роман ва ҳикоялар. –Т.: Шарқ, 2004. 19-бет.

<sup>93</sup> Йулдошев Қ. Ёшиқ сўз. –Т.: Янги аср авлоди. 2006. 4-32-бет.

<sup>94</sup> Вафоева С. Тилсим салтанати. Роман ва ҳикоялар. –Т.: Шарқ, 2004. 19-бет.

<sup>95</sup> Вафоева С. Тилсим салтанати. Роман ва ҳикоялар. –Т.: Шарқ, 2004. 19-бет.



акс эттирилган. Адиба аёлнинг руҳий азобларини очиб беришда ички “мен” билан курашини таъсирчан тасвирлай олган.

Бу рухий, жисмоний зўриқиш, кийинчилик аёл дунёқарашида қандай ўзгаришлар ясаганини эса рухий тахлил усули воситасида ёритган. Шуниси муҳимки, муаллим инсонни жамиятнинг бир бўлаги сифатида кўради ва ҳали етилмаган ҳомиланинг жамият оғриқларини фожойе қисмаи тимсолида ҳис этади.

Ёзувчи моҳияти яна шунда кўринадики, у тасвирни жуда аниқ, таъсирчан, ҳаётий ўзига хос шаклда яратишга муваффақ бўлган.

## НОДИРА ЛИРИКАСИ ВА ЁШ АВЛЮД ТАРБИЯСИ

Н. Давлатова, ТДПУ, магистрант

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида “Ўқитишнинг илғор шакллари ва янги технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш”<sup>96</sup> асосий масалалардан бири эканлигига бежиз урғу берилмаган. Мустақил фикрлайдиган, юксак дунёқарашга эга авлодни тарбиялаш муҳим масалалардан биридир. Бу борада аждодлардан мерос қолган адабий асарлар асосий манба бўлади. Президентимиз таъкидлаганларидек: “Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳроқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”<sup>97</sup>. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари бугунги кун кишиси маънавиятини юксалтиришда гоётда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ана шундай ижодкорлардан бири Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида юксак мавқега эга бўлган Мохларойим Нодирадир. Нодира шеърини ўзининг чуқур мазмуни ва бетакрор бадиияти билан эътиборга моликдир. Шоира ижодий мероси асрлар давомида халқимиз қалбида юксак инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қилиб келмоқда. Бугунги кунда умумтаълим мактаблари, АЛларнинг жорий дастур ва дарсликлариди Нодира ҳаёти ва ижодини ўрганишга ўрин ажратилган. Жумладан, 8-синф дастурида Нодиранинг “Фироқнома” мувашшарини ўрганишга 2 соат ажратилган. “Адабиёт” дарслигида Нодира ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мухтасар маълумот билан бирга “Фироқнома” мувашшари келтирилади. Мустақил ўқиш учун Нодира шеърларидан айрим намуналар берилган.

<sup>96</sup> “Таълим тўғрисида”ги Қонун. //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: 1997. 27-б.

<sup>97</sup> Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 12

Академик лицейларнинг иккинчи босқичи учун тузилган “Адабиёт” мажмуасида эса Нодира ғазаллари келтирилади. Олий таълим дастурларида Нодира ҳаёти ва ижодий фаолияти иккинчи курс талабаларига ўқитилади.

Нодира ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини китобхонларга етказиб бериш бўйича қатор тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилган ва бу борада каттагина тажрибалар тўлланган. Умумтаълим мактаблари дастурида шоира ижодига ажратилган дарс соатларини бироз кўпайтириш зарурдай. Чунки 2 соат ичида Нодиранинг кенгқамровли лирик мероси ҳақида мухтасар маълумот бериш билангина чекланиш мумкин. Агар дарс соатлари кўпайтирилса, шоира адабий мероси ва шахсиятини янгича қарашлар асосида ўрганиш, шеърларини тасаввуф фалсафаси билан боғлиқликда таҳлил этиш имкониятлари янада кенгайган бўларди. Шунингдек шоира ижодида етакчи ўринга эга бўлган тасаввуфий қарашларни ўқувчиларга тушунтириш ва тўғри англаб етишларига эришиш мумкин бўларди.

Нодиранинг ўзбек ва форс-тожик тилида ёзилган 10 минг мисрага яқин лирик мероси фанга маълум. Шоира лирикаси жанрий жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржибанд, таркибанд, фирокноманинг гўзал намуналари учрайди. Уларда ишқ ва вафо туйғулари асосий ўринни эгаллайди.

Нодира муҳаббат, садокат вафо куйчисидир. Ўзини “ишқ ойнаси” деб атаган шоира инсоннинг ҳаётга умид билан қараши, эзгу истаклари ва орзусини қаламга олди.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,  
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт

Нодира тасвирлаган ишкнинг мазмун-моҳияти анча чуқур бўлиб, шоира мажозий ва ҳақиқий ишкни куйлаган ижодкор сифатида эътиборга моликдир. Нодира муҳаббатни шахсий-интим туйғулар доирасидан юксалтириб, одамийликни чуқур англаш воситасига айлантирган. Инсоннинг энг юксак фазилати сифатида вафодорликни тушунган. Маърифатга етакловчи, Оллоҳ васлига яқинлаштирувчи манзиллар шоира талқинида: *ҳиммат, қаноат, номус, ҳаё*дир. Шу сифатлар билан руҳини зийнатламаган киши риё йўлига кириши шубҳасиздир. Инсоннинг табиат билан муносабатини ҳам дунёвий, ҳам тасаввуфий нуктаи назардан англаган Нодира ҳаётга ҳамиша умидбахш нигоҳ билан назар ташлаган, ундан яхшилик уруғини қидирган.

Бўлса то умру ҳаётим, бокий,  
Мени илкимдуру домани вафо.

Шоира ишқ ҳақида сўз юритар экан, унинг биринчи фазилатини вафодорликда деб билади. Вафодор за ишқига содиқ инсон мангуликка даҳлдордир.

Вафо сарлавҳи узра Нодира мавзун каломини  
Ёзар, таҳсини шеъри хисрави олий жаноб айлаб.

Ушбу байтда Нодира вафо тушунчаси билан боғлиқ қарашларини ўзига хос тарзда ифодалаб, шеърларининг таҳсинга сазовор бўлишини

бевосита вафо туйғуси билан боғлиқлигида деб билади. Байтда шоира ижод нащидасидан масрурлик туйғуларини ҳам кўтаринки пафос билан ифодалайди. Бунда биз шоиранинг ижод билан боғлиқ оний лаҳзаларда туйган туйғу-кечинмалари билан биргаликда шеърларининг мазмун-моҳиятида вафо етакчи мавқега эга эканлигини ҳам тушуниб етамиз.

Шоира лирик қаҳрамони ишк йўлида бу дунё неъматларидан воз кеча олган, қалбан покланган, юксак эътиқодли солиқдир. Зеро, у бу дунёнинг ўткинчилигини чуқур англайди. Шунинг учун ҳам қалбини ишк маърифати билан поклаган ошиқ моддий оламга боғланиб қолиши мумкин эмаслигини бир қатор шеърларида акс эттиради. Ўзи учун ҳақиқий мақсад ёр эканлигини эътироф этган шоира вафо тасвирига қайта-қайта эътибор қаратади.

Олам аҳлида чун вафо йўқтур,

Бир йўли яхши-ю ёмондин кеч.

Шоира тасвирича ишк аҳлигина вафони ва унинг кадр-қимматини чуқур англашади. Қалбида ишк бўлмаган инсондан вафо кутиш ҳам ўринсиздир. Шунинг учун ҳам олам аҳли, яъни замондошларидан вафо кўрмаган лирик “мен” бир йўла улардан воз кечишга тайёр. Яхши ва ёмон сўзи бир ўринда қўлланилиб, тазод санъати яратилган. Шоира тазод воситасида туйғу ва кечинмани таъсирчан ифодалай олган.

Нодиранинг баъзи шеърларида вафо билан боғлиқ ҳолда замондан, фалақдан шикоят мотивлари ҳам ифодаланади. Бундай ўринларда шоира покиза туйғу ва фазилатларнинг кадрсизлигини чуқур хис этган ҳолда вафосизлик, инсоний кадр-қимматнинг оёқ ости қилинишини қоралайди.

Жаҳон маккора золи бевафодур,

Вафо бирла кўнгулни қилмади шод.

Байтда образли ҳолда жаҳон маккора бевафо кампирга ўхшагилади. Бевафолик, маккоралик унинг бош сифати бўлгани учун ҳам ундан вафо кутиш бефойдадир. Шоира бунда вафо билан боғлиқ ҳолда замондан шикоят мотивларини ҳам маҳорат билан тасвирлаган. Бундай мисолларни шоира ижодидан кўплаб келтириш мумкин.

Умуман, Нодира шеърлятида вафонинг маъно-моҳияти анча кенг бўлиб, у орқали инсон руҳий оламининг турфа қирралари санъаткорона тасвир этилади.

Шоира ижодини ўрганиш орқали ёш авлод ҳаётнинг мазмун-моҳияти, инсоннинг яшашдан мақсадини англаб етади. Улар қалбида шукроналик, сабр-қаноат, имон-этиқод, келажакка умидворлик ҳақида муайян туйғулар уйғонади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нодира. Девон. – Т.: Фан, 1963
2. Нодир. Ҳафт гулшан. (“Етти гулшан”). – Т.: 1961.
3. М. Нодира ҳаёти ва ижоди. – Т.: Фан, 1965
4. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. – Т.: Ўқитувчи, 1998.

## ИНСОНИЙ ВА ИЖОДИЙ БУРЧНИ АНГЛАШ - ДАВР ТАЛАБИ А. Самиев, ТДПУ, магистрант

Истиклол йилларида ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори миллий адабиётимиз ҳам том маънода янгиланиш ва юксалиш жараёнларини бошдан кечирмоқда. Бу борада маънавият масаласига давлат микёсида энг муҳим ва устувор йўналиш сифатида қаралаётганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда, адабиётимизнинг бугунги куни ва эртанги истиқболи қалам аҳли олдига муҳим ва долзарб вазифаларни ҳам қўймоқда. Булар ичида ижодкорнинг гражданлик позицияси ва ижтимоий бурчи алоҳида ажралиб туради. Чунки, улар халқимизнинг азалий қадриятларини келгуси авлодларга етказиш ва фидойи замондошларимизнинг ибратли адабий образларини яратишга масъулдирлар. Қолаверса, интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавиятга алоҳида эътибор берилаётган XXI аср инсоният олдида янги-янги уфқлар очмоқда. Демак, ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг қадр-қиммати, эл-юрт тақдирини ҳақида қайгуриб яшайдиган зиёлиларнинг олдинги қаторида турувчи ижод аҳли зиммасидаги вазифа ҳам ҳар қачонгидан ортиқдир. Буни назарда тутган Президентимиз И.А.Каримов: *“Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини уйлаб, одамларни эзгуликка, инсофдиёнликка, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳироратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”*, деган эди. Биз ана шу йўсинда ўзбек адибларининг сўнги босқичдаги изланишларини кузатсак, улар ижтимоий умумлашмалар ва психологик таҳлил теранлиги, матндаги ботиний ички мазмуннинг ўзига хослигини таъминлашга интилаётганлиги аён бўлади. Муҳими, адибларимиз шахс ва жамият муаммолари, ижтимоий зиддиятлар, маънавий-руҳий масалаларни ҳам анъанавий, ҳам ноанъанавий услубларда талқин этишда жиддий изланишлар олиб бормоқдалар.

Истиклол даврида адабиётда биргина роман жанрида яратилган асарларимизни кузатадиган бўлсак уларда модернистик, полифоник, абсурд услублари намоён бўла бошлаганлиги аён бўлади. Дарҳақиқат, романларимизда инсоннинг ички дунёсини янгича йўналишда кашф этишга эътибор ортди. Бу асарларда бир вақтнинг ўзиде реалистик ва модернистик тасвир унсурлари, услублари уйғунлашиб кетади. Демак, бадиий тафаккурдаги ўзгариш ва ислоҳотлар давр талабига ҳамоҳангдир. Зеро, услублар синтези роман динамикасини таъминловчи асосий омил - талқин йўлига айланди.

Қувонарли жиҳати шундаки, изланувчан носирлар ботиний оламида замонавийлик мезонлари янгиланди. Бу жараён миллий анъана заминида жаҳон адабиётининг илғор ютуқларини ўзлаштириш орқали кечмоқда. Хайрли ижобий янгиланишлар бундай асарларга ёндашувда илмий таҳлил ва талқиннинг жаҳон тажрибасида синаб қўрилган герменевтик-структурал, психобиографик, имманент йўналишларини

қўллаш эҳтиёжи ва заруратини юзага чиқарди. Бинобарин, жанр динамикаси адабиёт тадрижига хос қонуният экан, жанр компонентлари ҳам вазифаси нуктаи назардан мудом ўзгарувчандир.

Юқоридаги фикрларимизни шоир ва ёзувчи Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида кузатишимиз мумкин. Жумладан, адибнинг “Мувозанат” романида жамият аъзолари руҳияти англаб етилиб, жамиятлар тақдири тарихан таҳлил этилади. Муаллиф илоҳий мазмундаги киритмаларни гоҳ тўғридан-тўғри қўлласа, гоҳ мантиқий, бадий ўзлаштиради. Инсоннинг шаклланиш йўли ҳақидаги мулоҳазалар, баҳс-мунозаралар Қуръони Карим кўрсатмалари, саҳих ҳадислар, илми қол ва илми ҳол, Жалолиддин Румий ижоди, шунингдек, дунёвий фалсафага таянган ҳолда илгари сурилади.

Бизнингча, У.Ҳамдам “Мувозанат” романида ҳикоя усулини ўқувчига янада яқинлаштиришга, қаҳрамон руҳий дунёси ва образ ишончилигини таъминлашга эриша олган. Шунга қарамасдан, романининг илоҳий мазмуни киритмалар учровчи ўринларида талқин асносида публицистик услуб доминантлик (етакчилик) қилгани ҳам кўзга ташланади.

Муаллифнинг “Исён ва итоат” романида эса, бундай киритмалар роман воқеаларидан мустақил тарзда ёндош ҳолда берилади. Бу асар матни билан параллел равишда китобхоннинг мустақил мушоҳадалари учун қўшимча бадий майдон яратади. Қиёсий таҳлилга имкон беради. Баъзан фалсафий фикрлар баёнида муаллиф ўз ҳаяжонини яшира олмайди. Бизнингча, салмоқли қўламдорлик, услубий индивидуаллик ҳар иккала роман яхлитлигида тўлароқ намоён бўлади. Буларнинг барчаси бугунги ўзбек романлари поэтикасида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганини кўрсатади.

Улуғбек Ҳамдам романларида теран фалсафий-маърифий залвор, покиза руҳият, шоирона тил, нозик юмор, тағдор жумлалар, теран руҳий таҳлиллар мавжуд. Улар маъно серқатламлиги билан услубий ўзига хослик касб этади. Истиклол даври адабиётида бадий полифониянинг талқин унсурлари пайдо бўлганлиги умумжаҳон романчилиги анъаналарига ҳамоҳанг бўлиб, услубий янгилиниш жараёнларини ҳам акс эттиради. У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи анъанавий услубда ёзилган бўлишига қарамай, қаҳрамонлар характери, қарашлари ифодаси ҳамда яхлит ҳолдаги муаллиф коцепцияси зоҳир бўлиши жиҳатидан модернистик унсурларни ҳам намоён этади. Муаллиф асарида полифоник тасвир, фалсафий мушоҳадакорлик, психологик таҳлил усуллари билан ҳам ўринли фойдаланади.

Умуман, юқорида билдирилган ижобий фикрлар романчилигимиздаги услубий ва поэтик изланишларнинг талай ютуқлари билан бир қаторда айрим нуқсонлари ҳам мавжудлигини кўрсатади. Уларни биз Улуғбек Ҳамдамнинг ижодида ҳам кузатишимиз мумкин:

а) У.Ҳамдам “Мувозанат” романини ёзиш асносида сюжет ва конфликтни ривожлантирар экан, айрим ўринларда баёнчиликка ҳам берилади.

б) “Исён ва итоат” романида эса, адиб характерлар ўй-хаёллари ва ҳатти-ҳаракатини муаян даражада психологик далиллашга эришолмаган ўринлар кўзга ташланади.

в) “Сабо ва Самандар” романининг айрим ўринларида ёзувчи Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони таъсирига тушиб қолади. Ҳамиша ҳам ўз услубий индивидуаллигини намён эта олмайди.

Шубҳасиз, истиқлол даври ўзбек романчилиги бадий талқиннинг янги имкониятларини намён этишида У.Ҳамдамнинг ҳам муносиб улуши бор. Бу каби жузъий нуқсонлар ижодкорнинг изланиш йўлидаги интилишлари осон кечмаётганлигини кўрсатади. Мухими, улар адиб романларининг умумий поэтик қимматига сезиларли соя солмайди. Ишонамизки, ёзувчи бундай жузъий камчилик ва нуқсонларни шаклий-услубий изланишларининг теранлашуви билан бартараф қилади. Юқоридаги фикрларимиздан англашиладики, замондошимиз онги ва дунёкараши, маданий савиясини юксалтириш, халқ қалбининг куйчиси бўлиш осон эмас экан. Ёзувчи бўлишни ният қилган инсон авваламбор эл-юрт олдидаги фарзандлик бурчини, граждонлик позицияси ва масъулиятини чуқур сезиши, англаши лозим. Бинобарин, илм ва ижод ҳавасида бўлган барча ёшларимиз ўз билим ва ҳаётий тажрибасини мунтазам ошириб бориши, кенг дунёкараш, юксак ижодий маҳорат сирларини эгаллаши, юртимизнинг фидойи фарзанди бўлишга талпиниши лозим экан.

Дарҳақиқат, ижодкорнинг сўзи халқ қалбида акс садо бериши лозим. Президентимиз И.А.Қаримов ёзувчининг инсоний ва ижодий бурчи ҳақида тўхталиб: “Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиши учун нима қияпсан?”, деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олиши лозим, дея таъкидлаган эдилар. Бу фикрлар умуман, интеллектуал салоҳиятни ошириб боришга, хусусан эса бўлғуси ижодкор ёшларимизга ҳам тўла даҳлдордир. Хусусан, истиқлол йилларида ўзбек тилида интернет адабиётларини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эришиш бўйича жиддий ишлар амалга оширилгани, Навоий кутубхонасида яратилган мислсиз имкониятларни эслашнинг ўзиёқ таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали кенг тарқалаётган етук бадий асарлар ва улар ҳақидаги тадқиқотларни ҳам муттасил кузатиб боришимиз кераклигини кўрсатади.

## АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

М. Юсупова, ТДПУ, магистрант

Бугунги кунда академик лицей ва касб - ҳунар коллежларида ўқувчи шахсини тарбиялаш билан бирга уларда касбий кўникмаларни таркибтоптириш асосида тарбиялашнинг услуб ва шакллари ишлаб чиқиш давр талабига айланди десак муболага бўлмайди. Ўқувчи шахсини ва унинг касбий тафаккурини шакллантиришда педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш таълим самарадорлигини таъмин этувчи восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республикамызда педагогик технологияларни амалиётга тадбиқ этиш глобал масалага айланмоқда.

Келинг, таълим технологияси жараёнида ўқувчиларнинг рефлектор тафаккури шаклланиш босқичидан касбий тафаккур пағонасига эришиш босқичларини ва уларнинг ўзига хос шахс сифатидаги дунёкарашини шаклланишидаги моҳиятни талқин этиб кўрайлик.

Маълумки, бадиий асарларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш инсон томонидан олдин ўзлаштириб олинган ахборотлар ёрдамида амалга оширилади. Ахборотлардан фойдаланиш характериға қараб фаолиятнинг икки кўринишини фарқлаш мумкин: номахсулдор ва махсулдор. Уларнинг фарқи шундан иборатки, номахсулдор фаолиятида ўқувчи ўзига маълум бўлган ҳаракат қондаларидангина фойдаланади ва бу жараёнда ҳеч қандай янги ахборотлар юзага чикмайди. Махсулдор фаолиятни бажаришда ўқувчи доимо янгиликка дуч келади, янги ахборотларни ўзлаштирилади.

Ўқувчи шахси ўқув элементларини ўзлаштириш фаолиятини куйидаги тўрт даражаға бўлиш мумкин:

I даража: Ташқи педагог кўрсатмаси асосидаги ҳаракат. Ўқув материали билан танишув пағонаси. Масалан, ижодкорнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ва асарларнинг тури, жанри, яратилиш тарихи, асарнинг ўзи билан танишиш, ифодали ўқиш (қўлланувчи методлар репродуктив).

II даража: Ўқувчиларнинг хотиралари асосидаги фаолият. Ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди билан танишиш, асарлари юзасидан савол-жавоблар, ўқувчиларнинг репродуктив ўзлаштиришини аниқлаш (қўлланувчи методлар репродуктив).

III даража: Махсулдор фаолиятнинг эвристик даражаси: педагог томонидан муаммоли вазиятни вужудға келтириш асосида

ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини кўзгатиш, касбий тафаккур сари йўналтириш (продуктив методларни қўллаш).

IV даража: Фаолиятнинг янги кирраларини тадқиқ қилувчи маҳсулдор ҳаракат, яъни фаолиятнинг ижодий даражаси (қўлланувчи методлар продуктив). Ўқувчиларни ўзлаштирган таълим мазмуни асосида ижодий фикрлашга йўналтириш, шахснинг ижтимоий моҳиятини таҳлил қилиш ва “Касбим– фаҳрим” мавзуида ижодий ишро этишига йўллаш.

Айнан таълим жараёнида ўқув элементларини ўзлаштиришда, ўқув фаолиятининг III, IV босқич даражаларига кўтариш ўқувчида касбий тафаккурининг шаклланишига замин яратади. Касбий тафаккур заминида ўқувчиларнинг мантиқий тафаккури шаклланиб боради.

Профессор Б.Тўхлиевнинг таъкидлашича, аслида адабиёт ўқитишнинг бош йўналиши таълимнинг турли босқичларида ўқувчилар онгига бадий асарнинг мўъжизакор таъсир кучини амалий жиҳатдан таъминлашга қаратилган. Машгулотларни юқорида айтиб ўтганимиз – ўувчининг ўзлаштириш фаолиятини инобатга олган ҳолда ташкил этилса, ўқувчи бадий асар воқеаларини идрок этиш баробарида унда касбий тафаккур ҳам тарққий эта боради. Бадий асар сеҳри хис-туйғуни жунбушга келтириб, фаол эстетик кечинмалар учун замин яратади, шахс дунёқарашининг таркибий қисми бўлмиш эътиқодга сайқал беради, олижаноб хатти - ҳаракатларга отлантиради. Чунки бадийатни англаш ўқувчида ўз-ўзини англашнинг ривожланишига ёрдам беради, ҳаётий, касбий, ахлоқий муаммоларга бўлган эҳтиёжини қаноатлантиради, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзига баҳо бериш учун замин яратади, шу тариқа ўқувчида туйғулар ва кечинмаларга дардқашлик шаклланади, ижтимоий вазиятни тушунишга имкон яралади. Агар асарда тегишли туйғуни бошидан кечираётган маълум бир касб эгасининг образи мавжуд бўлса, поэтик картинанинг таъсирчанлигини идрок этиш шу йўналишда таълим олаётган ўқувчилар учун анча қизиқарли ва енгил кечади. Шу тариқа образ - кечинма воситасида касб - хунар коллежи ўқувчилари ўзи таплаган касбнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини мукаммал англаб этиш имконига эга бўладилар. Шуни назарда тутган ҳолда касб - хунар коллежлари адабиёт дарсларида бадий асарларни ўргатиш жараёнида бевосита асар қаҳрамонларининг касбий фаолиятлари ўқувчиларга қандай таъсир қилганлигини сўраб бориш орқали уларда касбий дунёқарашни шакллантиришимиз мумкин бўлади.

Демак, адабиёт дарсларида ўрганиладиган бадий асарлар, юксак санъат асари сифатида ўқувчиларга эстетик завқ бериш билан бирга уларда ўзлари таплаган касбга муҳаббатни ҳам камол топтиради.



## ОГАҲИЙ ИЖОДИ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Х. Тўхтасинова, ТДПУ, магистрант

Маданиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёни миллий, маънавий, диний кадрятларимиз билан бир қаторда адабий меросимизни тиклаш ва янгича қарашлар асосида ўрганиш имконини берди. Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов айтганларидек: *“Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки яқин тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради”*<sup>98</sup>. Дарҳақиқат, миллий мафкура ва маънавият масалаларига эътибор ортган бугунги кунда адабиётимиз тарихини, унинг етук намоёндалари адабий меросини янгича қарашлар асосида ўрганиш, тарихий-бадиий меросимизни қайта идрок этиш зарурати туғилмоқда. Ҳозирги даврда миллий ва тарихий-маънавий меросимизга эътиборнинг ортганлиги, ўзликни англаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги боис, янгича қарашлар асосидаги тадқиқотларга кучли эҳтиёж сезилади. Зеро, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

XIX аср ўзбек адабиёти, Хоразм адабий муҳитининг йирик вакили Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809-1874) адабиётимиз тарихида ўзбек мумтоз адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган забардаст шоир, билимдон муаррих, закийтаъб мутаржимдир. Шоир қолдирган латиф лирик шеърлар, халқимиз тарихини ўрганишга оид тарихий асарлар, кўплаб таржима асарлари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу бебаҳо дурдоналар моҳиятига олам ва одам, ҳаёт ва жамият, инсон ва унинг турфа олами билан боғлиқ ранг-баранг қарашлар сингдирилган.

Бир мақола доирасида Огаҳийнинг бутун ижоди ҳақида фикр юритиш имконига эга эмасмиз. Шунинг учун шоирнинг лирик меросидаги айрим намуналар таҳлили билангина чекланамиз. Огаҳийнинг лирик мероси *“Тавъиз ул-ошиқин”* (*“Ошиқлар тумори”*) девонида жамланган. Девондаги шеърлар жанрий ва ғоявий йўналишига кўра ранг-баранг бўлиб, унда мумтоз адабиётнинг 19 жанрига оиддир. Шоир шеърларида инсоннинг турфа хил руҳий ҳолатлари, маънавий-ахлоқий юксаклиги шоирона тасвирланади. Мамлакат тинчлиги, эл-юрт фаровонлиги, миллат келажаги учун қайғуриш Огаҳийнинг бошқа турдаги асарларида бўлганидек, шеърларининг ҳам асосий моҳиятини ташкил этади.

Огаҳий лирик меросида ранг-баранг мавзулар талқинига оид гўзал намуналар учрайди.

Огаҳий шеърлятида ишқий мавзу асосий ўринни эгаллайди. Шоир ишқ ва у билан боғлиқ турфа хил кечинмаларни бетакрор лавҳаларда акс эттиради. Шоир ишқий мавзудаги шеърларида ошиқ ва машуқани маҳора билан тасвирлайди. Бунда шоир маҳбубани гўзалликда тенгсиз, жафокор сифатида акс эттирса, ошиқни сабр-қаноатли, хокисор қиёфада тасвир этади.

Бундай ўринларда шоир муболоғали тасвирлар орқали маҳбубанинг гўзаллигини улуғлайди:

<sup>98</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008

*Бўлуб хуррам, табассум зоҳир айлар ҳар саҳар гунча,  
Магар топмиш ул ой кўйи насимидин асар гунча.*

*Назокатлиг лабин кулгу чоғи кўрмишдуррур гўё -  
Ки, ҳайратдин оғиз очмиш бўлуб осима сар гунча<sup>99</sup>.*

Биринчи байтда шоир гунчанинг саҳар чоғи очилшини жонлантириб, ташхис санъати воситасида гўёки, ёрнинг келиш хабаридан хурсанд бўлиб, табассум қилиши тарзида изоҳлайди. Кейинги байтда эса маъшуқа лаби гунчага ўхшатилиб, у кулган пайтда гунчанинг ҳайратдан оғиз очишига ишора қилинмоқда. Шоир гунча образидан ёрнинг беқийс гўзаллигини, ошиқнинг унга бўлган самимий муносабатини тасвирлашда фойдаланган.

Огаҳий шеъриятида ошиқ ишқнинг барча балою офатларини бошдан кечирган инсон. Ер юзида маъшуқа каби жозибали ва лагофатли маҳбуба топилмайди, айни чоғда лирик қаҳрамон сингари ҳасратли, мунгли ошиқ ҳам йўқ. Огаҳий Мажнун воситасида ишқнинг бутун қайғу-ҳасратларини кўрсатиб беради:

*Гарчи йўқтур ул паридек дилбаре офоқ аро,  
Лек бу Мажнун киби ҳам бедиле ушшоқ аро.*

Байтда маъшуқа номи хурмат билан тилга олиниб, ошиқнинг ташқи қиёфаси ғариб ва ночор тарзда тасвирланади. Огаҳийнинг лирик қаҳрамони ўзини ошиқлар ичра энг қайғули ошиқ эканлигидан сўзлар экан, асло тушқунликка тушган эмас. У ишқни ўзи учун қисмат деб билади. Бу дардни шодлик ўрнида қабул қилгани боисидан ҳам маҳбуба васфига ер юзидан қийс топа олмайди.

Огаҳий шеърятининг дидактик йўналишида, юксак ахлоқий мезонларни бадиий талқин қилган. Шоир бахиллик, кибр, ҳасад, тамаъ, мол-дунёга ҳирс қўйиш каби шахс феъл-атворидаги ярамас одатларни қоралаш, покдомонлик, ҳалоллик, одамийлик, тўғрилиқ, сахийлик каби инсоний сифатларни улуғлайди.

Шоир назарида кишининг бошига келадиган яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам унинг амаллари ва хатти-ҳаракатларига боғлиқ.

*Эй кўнгул, яхшилиғни қил пеша -  
Ки, ямонлиғ эрур ямонга жазо.  
Кимки тарк айласа ямонлиғни,  
Бўлур, албатта, яхшилиғга сазо.*

Ахлоқий-дидактик характерга эга бўлган ушбу қитъада яхшилик инсоннинг энг эзгу хислати сифатида юксак саналади, ёмонлик инсонга берилган жазо эканлиги уқтирилади. Шундай экан инсон ёмон иллатларни тарк этиб, яхши хислатлар сари юз буриши айтилади.

Инсондаги чиркин иллатлардан бири бу бахиллик ва ҳасадгўйликдир.

Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонининг бешинчи мақолати қарам таърифига бағишланади. Шоир мазкур мақолотда қарамнинг зидди бўлган бахилликка ҳам тўхталиб ўтади. Жумладан, шоир ёзади:

*Бухл эрур борча сифатдин хасис,  
Лек саҳо жавҳари асру нафис.*

<sup>99</sup> Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. Ж.1. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. – Б.241

*Бу дуру серобни хор айлама,  
Бухи ҳисобида шумор айлама* <sup>100</sup>

Шоир айтишича, бахиллик барча иллатларнинг бошланиши бўлиб, саховат ўрнини бахилликка алмаштирган киши қаттиқ янглишади.

Огаҳийда ҳам бахиллик ва ҳасад каттиқ қораланади:

*Бор икки шум бухлу ҳасад бирла даҳр аро,  
Ҳақ лаънатига бир-бирисидин қариб эрур.*

*Дилдор базми ичрау шаҳ остонида  
Бири эрур рақибу бириси нақиб эрур.*

*Ўлтурса ҳар киши гар оларни савоб учун,  
Тангри инояти бешак насиб эрур*

Огаҳийнинг айтишича, оламда иккита шумлик бор. Булардан бири бахиллик, иккинчиси эса ҳасаддир. Унга мубтало бўлган киши шубҳасиз Аллоҳ лаънатига учрайди. Шоир бу иллатларни образли қилиб, биттасини дилдор базмидаги рақибга, иккинчисини эса шох остонасидаги обрўли кишига қиёслайди. Агар савоб учун инсон бахиллик ва ҳасадни ўлдирса шубҳасиз у Тангри иноятига эришади.

Кўринадик, Огаҳий инсон маънавияти учун зарарли бўлган бахиллик, ҳасад сингари иллатларни кескин қоралайди. Замондошларини бундай камчиликлардан холи кўришни орзу қилади. Шунингдек, шоир инсонни комилликка ундовчи эзгу инсоний сифатларни улғўлайди.

Бугунги кунда Огаҳийнинг юксак инсоний фазилатлар тарғибига доир шеърлари ёш авлодни ҳар томонлама мукамал бўлиб камол топишлари учун муҳимдир.

## ALISHER NAVOIYNING “HAYRAT UL-ABROR” DOSTONIDA QIYOSIY USULNING NAMOYON BO’LISHI

D. Yalgasheva, TDPU, magistrant

Buyuk shoir Navoiy ijodi go‘yo bir chashma. Undan qancha ma‘naviy ozuqa olinsada, tamom bo‘lmaydi. Yangi-yangi ma‘no qirralari ochilib boraveradi. Buyuk mutafakkirning birgina asari yuzasidan turli xil xulosalar chiqishi, turlicha talqinlar olib borilishi mumkin.

Navoiy ummonidan ko‘plab ijodkorlar, olimlar, munaqqidlar bahra oldilar. Yillar o‘tgan sayin Navoiyni anglash yo‘llari ham kengayib, usullari ko‘payib, mavzu ko‘lami, ijod sohasi tarmoqlanib bormoqda.

Qiyosiy usulning alohida xususiyati shundan iboratki, biror narsani yaxshi narsaga yoki voqea hodisaga qiyoslagan holda yomon tomoni, yomonga qiyoslash orqali yaxshi tomoni ochib beriladi. Narsalarning mohiyatini teranroq anglashda qiyosiy usulning ahamiyati katta. Navoiy dostonning har bir maqolatida ana shu usulga alohida ahamiyat berib, bildirmoqchi bo‘lgan fikriga yana bir bor joziba baxsh etgan.

Shoir “Hayat ul-abror” ning barcha maqolatlarida asosiy g‘oyani bir mavzuga birlashtirgan, ya‘ni komil inson, uning asosiy xususiyatlari va komillikni belgilovchi omillar, komillik sari olib boruvchi yo‘llar.

<sup>100</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.7. – Т.: Фан, 1991. – Б.145

Bas kishi jazm aylasa inson oni,  
Yaxshi yomon ichra tafovut qani?

Hayvondin farq qilmagan odam ham, odam deb atalsa, yaxshi bilan yomonning o'rtasidagi farq qayerda qoladi.

Shoir ushbu baytda hayvon va insonni qiyoslash orqali o'xshatishdan foydalangan holda, yomon odamni hayvonga o'xshatmoqda. Hayvonot olamidani insonni ajratib turadigan yagana narsa ongi, tafakkuridir va bu narsalar faqat ezgu ishlar uchun insoniyatga, jamiyatga xizmat qilmog'i lozim. Shoir yuqoridagi fikrni davom ettirib:

Bas ani inson atag' il beriyo,  
Kim ishidir sabr ila shukru hayo.

Sen shunday odamni to'g'ri, riyosiz deb bilgin, qachonki u sabr bilan, shukru hayo bilan ish ko'rsa.

Baytda to'g'ri, ya'ni riyosiz inson uchun xos bo'lgan xususiyatlar shukronalilik, hayo, oriyatlilik, sabr insonni to'g'rilik sari boshlovchi bosh omil ekanligini ko'rsatgan. Bunday hislatga ega bo'lmaganlar esa, inson deb atalishga noloyiqdir, ya'ni hayvon tipidandir degan ma'no bor.

Alisher Navoiy "Hayat ul-abror" dostonida har bir maqoladni bir ibratli hikoyat bilan asoslaydi, go'yoki bu hikoyatlar maqolatda fikr yuritilgan mavzularning amaliy asosidek. Masalan, dostoniga kiritilgan Hotamtoy va o'tin teruvchi chol hikoyatidan bosh maqsad qachonlardir juda saxiy ochiq ko'ngil boy o'tganligini o'quvchilarga ma'lum qilish emas, balki saxovat va mehr-shavqatni ma'qullash qatorida shoir bu mo'jaz hikoyatda juda katta va o'z davri uchun ham muhim bo'lgan g'oyani halol mehnat kishini ma'naviy yuksaklikka ko'tarishini misolda yorqin ko'rsatadi.

Muhumi shundaki, shoir bir quchoq o'tinni orqasiga yuklagan, uning og'irligidan ikki bukchayib qolgan o'tinchi cholning cheksiz moddiy boyliklarga ega bo'lgan Hotamtoydan ruhan boyroq va oliyanobroq ekanini hikoyatda

Hotamtoyning o'ziga iqror qildiradi.

Bir diram olmoq chekibon dast ranj,

Yaxshiroq andinki, birov bersa ganj,

Ulki, bu yanglig' so'zi mavzun edi,

Mendin aning himmati afzun edi.

Bu bilan shoir Hotamtoyini yomonlamoqchi, o'tinchi cholga qarama-qarshi qo'yimoqchi emas. Hotamtoy hikoyatda cheksiz himmat egasi saxiy inson sifatida gavdalanadi, u hammaga qo'lidan kelgancha yaxshilik qiladi va o'zining barchaga yaxshilik qilib yurishini ham biladi, ammo bir o'tinchi cholning g'ururi, aql-u farosati uni lol qoldirgan edi.

O'quvchilar ongida xalq maqolidek mustahkam o'mashib qoluvchi chuqur hikmatli bu misralarga joylashgan ilg'or g'oya, shoirning afsonaviy hikoyatdan kuzatgan bosh maqsadi bo'lgan.

Navoiyning inson, uning jamiyatdagi o'rni, komil insonni tarbiyalash borasidagi qarashlari, xullas uning inson haqidagi qarashlari ko'p qirrali bo'lib, buyuk mutafakkirning axloqiy, falsafiy va ijtimoiy qarashlari orqali namoyon bo'ladi. Umuman, inson qalbini tadqiq etish Navoiyning tasavvufiy qarashlari bilan uzviy bog'liq bo'lib, uning asarlarining yana bir bor o'qishli

bo'lishiga xizmat qilgan. Insonni tadqiq etish, uning ruhiy olamiga kirib borish adabiyotning eng dolzarb muommolaridan biri hisoblanadi. Inson ruhiyati uning qarashlari, dunyoni anglash, uni bilish qobiliyati takrori yo'q o'ziga xoslikdir. Bunday xususiyat boshqa mavjudotlarga xos emas. Navoiy asarlaridagi inson esa, uning komil inson haqidagi qarashlarini o'zida mujassam etgan.

Navoiy dahosini anglash, uning asarlari ichiga kirib borish insondan katta kuch, intellektual salohiyat talab qiladi. Asarlarini qayta-qayta o'qiganimiz sari yangi-yangi qirralari ochilib boraveradi. Navoiy chashma undan bir qatra bahra olgan kishi ham o'zida mamnuniyat hosil qiladi.

## 5- SINFDA O'TKIR HOSHIMOV HAYOTI VA IJODINI AXBOROT TEXNOLOGIYALRI VOSITASIDA O'RGATISH

Y. Umirzoqov, TDPU, magistrant

Bugungi kunda, har bir sohada yuz berayotgan ulkan o'zgarishlar, ta'lim sohasini ham chetlab o'tayotgani yo'q. Chunonchi, kelajak poydvorlari hisoblangan yosh avlod ilmiy salohiyatini yanada rivojlantirish, bugungi kun o'quvchilarini zamon bilan hamnafas tarbiyalash borasida keng islohatlar olib borilmoqda. Prezidentimiz I.A.Karimovning yoshlarimiz kelajagi haqida fikr yuritib: „Biz xalqimizning dunyoda hech kimdan kam bo'lmasligi, farzandlarimizning bizdan ko'ra kuchli, bilimli, dono va albatta baxtli bo'lib yashashi uchun bor kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etayotgan ekanmiz, bu borada ma'naviy tarbiya masalasi, hech shubhasiz, beqiyos ahamiyat kasb etadi...“<sup>101</sup> - deya ta'kidlagan fikrlarida kata ma'no yashirin. Haqiqatda ham bugungi fan-texnika shiddatkorlik bilan rivojlanayotgan bir davrda, ma'naviy tarbiya masalasiga befarq bo'la olmaymiz. Bu ayniqsa, maktab ta'limida o'zgacha bir e'tibor ta'lab qiladi. Biz mana shu fikrdan kelib chiqib umumta'lim maktablarida adabiyot darslarini tashkil qilishda, tarixiy-ma'naviy, hamda zamonaviy tarbiyani olib borishga e'tiborimizni qaratdik. Xususan, o'quvchiga o'z yozgan asarlari hamda namunali hayot yo'li orqali milliy ma'naviyatimizning taraqqiy topishida o'z o'rniga ega bo'lgan, O'tkir Hoshimov hayoti va ijodini axborot texnologiyalari vositasida o'rgatishga harakat qildik. 5-sinf o'quvchilari uchun dars jarayonini tashkil qilishda yozuvchi hayoti haqida, fikr yuritish bilan bir vaqtda, slaydlar asosida ushbu ma'lumotlarni o'quvchilarga ko'rgazmali qurol sifatida yetqazib borish, vetkazilgan ma'lumotlarni o'quvchi ko'proq esda saqlab qolishni ta'minlaydi.

RAQAMLARGA

YASHIRINGAN

SINOAT!

1441-Yil 5-avgust...?

5-sinfda o'qib yurgan vaqtidayoq...?

1991-yil...?

1996-yil...?


2001-yil...?

<sup>101</sup>Karimov, I.A. Yuksak ma'naviyat- yengilmas kuch. T. : Ma'naviyat, 2011. 4-bet

Yuqoridagi jadval, raqamlarni mustahkamlash qismida, kompyuter va o'quvchilar orasidagi savol-javob tariqasida beriladi. Bu slaydni o'quvchilarga namoyish qilishdan oldin, shu ko'rsatilgan sanalarga bilan bog'liq voqealarga, adib hayoti haqidagi ma'lumotlarni yetkazish jarayonida alohida to'xtalib o'tiladi.

1441-yil 5-avgust....?	→	Adib tavallud topgan sana
5-sinfda o'qib yurgan voqtlaridayoq	→	She'r mashq qila boshlagan
1991-yil...	→	O'zbekiston xalq yozuvchisi unvoni
1996-yil....	→	Mehnat Shuhrati ordini olgan
2001-yil....	→	Buyuk xizmatlari uchun ordenini olgan

O'tkir Hoshimovning „Cho'l havosi“ qissasini o'qib, yozuvchiga asar uni suyuntirib yuborganini xat qilib yozgan, Abdulla Qahhorning bildirgan fikrlarini o'quvchilarga havola etish, o'quvchini adib ijodiga qiziqishini yanada oshiradi. A.Qahhor shunday yozgan edi: „O'tkir! „Cho'l havosi“ ni o'qib suyunib ketdim. Birdan lov etib boshlangan ijodning kelajagi porloq boladi, qissa juda sof, samimiy, iliq, tabiiy, rohat bilan o'qiladi.“ Abdulla Qahhorning ushbu gaplari O'. Hoshimovning ijod olamiga kirishida dalda bo'lganini ta'kidlab, shu tassurot ta'sirida bir qator qiziqarli asarlar yozganidan o'quvchilar xabardor qilinib, quyidagi jadvalni keltirish maqsadga muvofiq bo'ladi.



Bu va bunga o'xshagan jadvallarni kompyuter orqali berilishi o'quvchilarni adib ijodi yuzasidan olgan bilimlarini chuqurlashtirish barobarida, shu asarlarni o'qib o'rganishga bo'lgan qiziqishlarini oshiradi.

Umuman olganda, darslik va qo'shimcha adabiyotlar asosida o'quvchilarga mavzuning mohiyatini ochib berishda an'anaviy usul bilan hamohang tarzda axborot texnologiyalarini o'rnini oshirib borish samarali natijalarga olib keladi.

## MA'NAVIYAT TUSHUNCHASINING TILSHUNOSLIKKA TADBIQI

M. Qurbonova, TDPU, magistrant

Til sistemasining taraqqiyoti obyektiv olamning inson ongida aks etishi va tilda o'z ifodasini topishi, obyektiv borliqdagi elementlarning oddiydan murakkabga qarab sinflarga birlashuvi va bo'laklarga bo'linishi, bu jarayonlarning hammasi inson ongida yuzaga kelishi hamda tilda o'z ifodasini topishi bilan bog'liq. "Ma'naviyat" tushunchasida ham shunday jarayonlar kechadi. Ana shu jarayonni tilshunoslik nuqtai nazaridan hamda insonning tilga ta'siri natijasida tilimizda ro'y berayotgan o'zgarishlarni, millatimizning o'lmas qadriyatlarini, milliy mentalitetimizga xos bo'lgan "o'zbek xarakteri, o'zbekona an'analar"ning ta'siri natijasida yuz berayotgani tilimizdagi yangi jarayonlarni o'rganishni talab qiladi.

Prezidentimiz I. A. Karimov ta'kidlab o'tganlaridek, "Bugungi kunda davlat va jamiyat qurilishi sohasida mamlakatimiz oldida o'zining miqyosi va qamroviga ko'ra ulkan vazifalar turibdi"<sup>102</sup>. Mustaqillik yillarida o'zbek xalqining o'z tili, adabiyoti, san'ati va tarixini yanada chuqurroq, qaytadan tadbiq qilib, uning o'ziga xos nafosatini ulug'lagan holda o'rganish imkoniyati kengaydi. Ma'naviyatimizning ajralmas qismi bo'lgan tilimizni tadqiq qilish ham istiqlof bergan ne'matlardan hisoblanadi. Shu ma'noda millat ma'naviyatining uzviy qismi bo'lgan o'zbek tilini o'rganish ulkan ahamiyat kasb etadi.

Zamonaviy tilshunosligimiz kun sayin sayqallanib, o'ziga xos yangiliklar bilan boyib borayotgani tilimizning taraqqiy etayotganiga yaqqol misol bo'ladi. O'zbek tilida til sistemasining semantik tadqiqiga bag'ishlangan bir qancha ishlar qilingan. Ammo "Ma'naviyat" semali leksik birliklarning semantik tahlili mavzusi yangi o'rganiladigan ishlar safiga kiradi.

Ma'naviyat tushunchasi boshqa fanlar, jumladan, Tarix, Milliy istiqlof g'oyasi va ma'naviyat asoslari, Demokratik jamiyat qurish nazariyasi, Jamiyatshunoslik fani nuqtayi nazaridan o'rganilgan. "Ma'naviyat" semasi tilshunoslik nuqtayi nazaridan esa faqat leksikografiya tomonidan tahlil qilingan. Bu tahlillarga misol qilib "O'zbek tilining izohli lug'ati", N. Mahmudovning "Komillik kaliti" lug'at kitobi, "Mustaqillik" lug'ati hamda istiqlof davrida yaratilgan lug'at kitoblarni misol keltirishimiz mumkin.

Bundan ko'rinadiki "Ma'naviyat" tushunchasini til nuqtayi nazaridan tahlil qilish, bu tushunchaning shakllanishida milliy qadriyatlarimizning, o'zbek xalqigagina xos bo'lgan "o'zbekona xarakterning" o'zni beqiyosdir. Boisi boshqa xalq vakillarida ota-onaga hurmat, bolajonlik, farzandlik burchi, mehmondo'stlik, vatanga sadoqat, oila muqaddasligi, kattaga hurmat, kichikka izzatda bo'lish, daxldorlik hissi kabi o'zbekona milliy qadriyatlarni bizdagidek darajada shakllanmaganligiga tarixan ko'p bor guvoh bo'lganmiz. Shu sababdan ham milliy qadriyatlarimiz asosida shakllanib, tilimizda aks

<sup>102</sup>Karimov I. A. Mamlakatimizni modernizatsiya qilish va fuqarolik jamiyati barpo etish – ustuvor maqsadimizdir. – Toshkent: O'zbekiston, 2010. 17-b.

etgan va aks etayotgan “Ma’naviyat” semali leksik birliklarni aniqlash va semantik tahlilga tortish, bu leksik birliklarni semantik maydonlarga ajratishda insonning rolini aniqlash, leksik birliklar o‘rtasidagi semantik munosabatlarni o‘rganish masalalariga e’tibor qaratilsa, o‘z tilimiz taraqqiyotiga yana bir karra o‘z hissamizni qo‘shgan bo‘lamiz.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Karimov I. A. Mamlakatimizni modernizatsiya qilish va fuqarolik jamiyati barpo etish – ustuvor maqsadimizdir. -Toshkent: O‘zbekiton, 2010.
2. Iskandarova Sh. O‘zbek tili leksikasini mazmuniy maydon asosida o‘rganish. Toshkent: Fan, 1998.
3. Mirtojiyev M. O‘zbek tili semasiologiyasi. Toshkent: Mumtoz so‘z, 2010.
- Sobirov A. O‘zbek tilining leksik sathini sistemalar sistemasi tamoyili asosida tadqiq etish. Toshkent: Ma’naviyat, 2004.

### **НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАРНИНГ БАДИИЙ АСАР ТАҲЛИЛИДАГИ ЎРНИ**

**Н. Тўхтаева, ТДПУ, магистрант**

Умумий ўрта таълим мактаблари учун адабиёт фанидан ўқув дастурларига эътибор қаратилса, қатор назарий тушунчаларни бадий асарлар таҳлиliga боғлаб ўргатиш кўзда тутилганлигига амин бўламиз. Хусусан, 5-синфдан бошлаб ўқувчилар халқ оғзаки ижоди намуналарини ўқиб ўрганар эканлар уларнинг эътибори образ ва образлилик, бадий образларнинг турларига қаратилади. Мифлар, ривоятлар, эртақлар марказидаги афсонавий, мифологик, рамзий-мажозий образлар орқали ифода қилинган халқ қаҳрамонларига хос жасурлик, юртпарварлик, одиллик, иродалилик каби сифатлар тимсолида эзгу ғоялар тараннум этилганлигини англаб борадилар. Ана шундай куч-қудрат, жасорат, эзгулик тимсолига айланган образлардан таъсирланиб, улар ҳақида тўлиб-тошиб мулоҳаза билдирадилар. Бу ёшдаги ўқувчиларни саргузаштлар, ёвузлик билан кураш олиб борган мард паҳлавонлар- Алпомиш, Гўрўғли, Сиёвуш, Тўмарис, Широкнинг жасорати, куч-қудрати ҳайратга солади.

5-синфдан бошлаб ўқувчилар халқ оғзаки ижоди намуналарини, дostonларни ўқиб, асардаги образларни таҳлил қила бошлайдилар. Бадий асарлар жанрига оид илк тушунчалар ҳам айнан 5-синфдан бошлаб ўқувчиларга тушунтириб борилади. Фольклор жанрлари, ўзбек классик адабиётидаги туюқ, қитъа, рубойига хос шаклий ўзига хосликни дарсликда берилган намуналар асосида ўрганиб борадилар. Шуниси муҳимки, ҳеч қачон адабий-назарий тушунчалар бадий асарлар таҳлилидан ажралган ҳолда, муайян қонун-қоида шаклида ўқувчига тақдим этилмаслиги керак. Аксинча, адабий-назарий билимлар бевосита асарлар таҳлиliga боғлаб ўқувчига тушунтирилса, асарнинг шакл ва мазмун жиҳатдан узвий яхлитлиги тўла тасаввур қилинади. Зотан, бадий асар шакли билан мазмуни чамбарчас боғлиқ ҳолда унинг ғоясини тўлалигича ифодалаш имконини беради. Фақат



шаклга эътибор қаратилса, мазмунга путур етади. Академик Иззат Султоннинг “Адабиёт назарияси” дарслигида айни ҳолатга қуйидагича изоҳ берилган: “Характер бадиий асар мазмунининг шаклидир. Чунки ўқувчи мазмунни даставвал ва бутунича характерлар орқали билади ва “ҳазм этади”. Шу сабабли ҳам характерлар ўқувчи ёдида қолади.

Адабий асарнинг бошқа компонентлари-типик шароит тасвири, унинг ифодаси бўлган сюжет ва адабиётнинг “материал”и ҳисобланган тил характер яратишининг воситаси вазифасини бажаради. Характер мазмунга нисбатан шакл бўлса, тил характерга нисбатан шаклдир.

Характер тасвири асарнинг махмунини “бадиий ахборот”га айлантиради. Характернинг бир хусусияти бунга хизмат этади: характер ҳаётий ҳақиқатни аниқ ҳиссий шаклда акс эттиради, яъни асар мазмуни характер тасвири тўғрисида ҳаётий аниқлик касб этади ва шу билан бирга бизнинг ҳисларимизга таъсир этиш хусусиятига эга бўлади”.<sup>103</sup>

Олимнинг фикрларига таянган ҳолда 5-синфда Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеърини ифодали ёд ўқиб бериш орқали ўқувчиларни таҳлилга йўллаш мумкин. Аввало, ифодали ўқишда энг зарур унсур - шеър оҳанги ҳақида тушунча бериш зарур деб ўйлаймиз.

Оҳанг - шеър мисраларидаги бир-бирига тенг нутқ бўлақларининг бир текисда изчил такрорланиб келишидан пайдо бўладиган оҳангдошлиқдир. У шеър муסיкийлигини таъминлайди. Шеър баъзан зарбли, баъзан майин, сокин оҳангга ўқилади.

Шеър оҳанги мисралардаги бўғинлар сонининг муайян такроридан юзага келишини қуйидаги чизма ёки слайд орқали ўқувчиларга кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

“Ўх-ша-ши йўқ бу гў-зал бўс-тон

Дос-тон-лар-да бит-ган гу-лис-тон”.

9 бўғинли туроқ тартибининг муайян такрори шеър мисралари бўйлаб оҳангнинг юзага келишини таъминлар экан, шу оҳанг орқали лирик қаҳрамоннинг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати, ғурур ва ифтихори таъсирчан ифода этилади.

**Бўғин** – бир нафас зарби билан айтиладиган товуш ёхуд товушлар бирикмаси, сўзнинг мустақил талаффуз қилиниши мумкин бўлган бўлаги.

**Бўғин** мумғоз шеърятимизда ҳижо деб юритилади; арузда ёзилган шеърлар қисқа ва чўзиқ ҳижолар тартибидан ташкил топади.

**Туроқ** – бармоқ тизимида бўғинларнинг муайян гуруҳларга ажралиши оқибатида пайдо бўладиган ритмик бўлақдир. Ўз вазифасига кўра бармоқдаги туроқ аруздаги рукнга яқин туради. Туроқлар шеърда туркумни вужудга келтиради.

**Туркум** – бармоқ тизимида фаол рол ўйновчи унсур-бўғин (миқдори ва тартиби) эканлиги ўз-ўзидан англашиларилидир. Зеро, шусиз шеър вазнини ҳам, ритминини ҳам, муסיкийлигини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.

<sup>103</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т.: Ўқитувчи. 2006. 61-бет.

Мисраларда муайян конуният асосида такрорланиб, шеър вазини, (бинобарин ритмини) вужудга келтирувчи бўгинлар гурухи (микдори) туркумларни яратади.

Тоғ-лар-да-ги қип-ки-зил ло-ла= 9 бўгин

Бў-либ гў-ё ё-қут пи-ё-ла= 9 бўгин

Демак, шеърнинг шаклий унсурлари оҳанг, мисра, банд, қофия, зарб ва бошқалар шеър тузилишини ташкил этибгина қолмай, шоир кечинмаларини қўламли, зарбли, гоҳ сокин, гоҳ жозибали тасвирлашга йўналтирилган. Яхлит ҳолда шеър шакли Ватан гўзаллигини, унинг бепеёнлиги, ўхшаши йўқ қиёфаси мазмунини поэтик гоёга йўғириб ифодалашга хизмат қилдирилган. Тасвирий воситалар, поэтик кўчим, тил унсурлари ифоданинг таъсирчанлигини таъминлаш имконини берган. Шубҳасиз, хассос шоир Ҳамид Олимжон маҳорати туфайли кўз ўнгимизда қиёфаси йўқ Ватан манзаралари жонланади, кўнглимизда гурур туйғулари мавжланади. “Чиройлидир гўё ёш келин”, “чаппар уриб гуллаган боғ...”, “ёқут пиёла”, “ям-яшил гилам”, “қип-қизил лола” каби ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш сингари санъатлар шоир яратган мисраларда рангли полотно каби суратланади. Мусаввирона чизилган бу манзараларни ўқувчилар ҳам ёркин ҳис қилиб, тасаввур этишлари учун шеър тўла ҳолда таҳлил қилиниши керак.

### АДАБИЁТ АТОМДАН КУЧЛИ...

Н. Раззоқова, ТДПУ, магистрант

Адабиёт тақдири юрт ва миллат тақдири билан узвий боғлиқ. Миллат руҳи бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан, аввало, адабиётда акс этмоғи лозим. Миллатнинг қалб дардларига ҳам дастлаб адабиёт малҳам топади. Чунки халқнинг яшаш завқи сусайса – ғайрати сусаяди. Маънавий-руҳий ғайрат пасайса – фикр ва ташаббус тўхтайтиди. Халқ маънавиятининг юксалишида бадиий адабиёт масъул. Абдулла Қаҳҳор айтганидек, «Адабиёт атомдан кучли...». Агар унинг кучи «ўтин ёриш»га сарф қилинмаса, адабиёт покиза ва муқаддас иш бўлиб қолса, ҳеч шак-шубҳа йўқки, бадиий сўзнинг куч-қуввати ортиб боради.

Абдулла Қаҳҳор ҳаётда ҳам, бадиий ижодда ҳам ўз ҳақиқатларини топган, шу ҳақиқатлар учун сабот билан курашган санъаткордир. Бу ҳақиқатлар уни қаттиқ қийнаган, қалбида оғир-оғир тебраниш ва тортишувлар пайдо қилган. Аммо у онгли ҳаёти ва истеъдод қувватини айнан шу ҳақиқатларга бағишлаган. Кўнглини нурафшон айлаган шу ҳақиқатларга суяниб, Абдулла Қаҳҳор маънан улғайган, маънан улғайган сайин эса шу ҳақиқатларнинг боқийлигидан илҳомланган. Абдулла Қаҳҳорнинг чўнг меҳнат ва заргарлик билан яратилган ҳар бир асарида боқий ҳақиқат муҳри ва шукуҳи бор. Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий шахсияти беҳад бой ва фаёқулудда саховатли. Шунинг учун, рус олимаси И. Баролина тўғри қайд этганидек, «Абдулла Қаҳҳор ижодига қизиқиш унинг шахсиятига, инсоний моҳиятига қизиқиш билан бевосита боғланган. Унинг шахсий фазилатлари – фикрлаш тарзи,

характери, гайрат-шижоати, маънавий дунёси асарларида шу қадар ёрқин акс этганки, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ижоди билан унинг шахси ўртасида ажралмас алоқа бордек кўринади».

Оламнинг ўзгариши – одамнинг ўзгаришига боғлиқ. Одамнинг онги, фикр-қарашлари янгиланмас экан, ҳеч қачон олам янгиланмайди. Абдулла Қаҳҳор мустабид хонлар, султонлар ҳукмронлик қилган эски замон инсоннинг қўл-оёғи билан бирга онги, ақли ва қалбини ҳам кишанлаб ташлаганини болалигидаёқ кўрган, ўша чиркин қуллик муҳитида яшаб улғайган эди. Абдулла Қаҳҳорнинг ўнлаб асарлари, хусусан, «Ўтмишдан эртақлар» киссасида тасвирланган воқеа-ҳодиса ва ижтимоий манзаралар – асрлар мобайнида халқни янчиб, таъқиб этиб келган мусибат, ғам-андух ва фожиаларнинг ўзига хос ҳаққоний талқинидир. «Халқнинг кўзи боғланса, қулоғига кўрғошин куйилса, тақдир ҳукми ўлимдек ҳақ, деган ақидани унинг зехнига синдириш осонроқ бўлади». Бу фикр — халқнинг кўзи боғланиб, қулоғига кўрғошин куйилганда унинг оғир алам ва ситамларга йўлиқишига бевосита гувоҳ бўлган, бу ҳаётда инсон тасаввурига сиғмайдиган бало-қазолар кўпишини ўз кўзи билан кўрган, кўнглидан ўтказган ёзувчининг, яъни Абдулла Қаҳҳорнинг фикри.

Абдулла Қаҳҳор бир суҳбатида «Мен адабиётга унинг моҳиятини билмасдан, адабиёт пропаганда қуроли эканини юзаки, жуда ҳам юзаки тушуниб кирганман», дейди. Таваллудига олтмиш йил тўлганда эса «Мен қирқ йиллик ижодий фаолиятим давомида кўп иш қилганим йўқ, чунки бу қирқ йилнинг кўпини тажриба орттиришга сарф қилдим», деган эди.

Абдулла Қаҳҳор одамнинг Одам бўлиб кун кечиришини, инсон ўз аҳволини билишда адашмаслигини, тош чайнаса ҳам ҳақиқатга хиёнат қилмаслигини истаган. Агар ўтмишда қуллик, қарамлик, забунлик ҳукм сурган бўлса, келажакда эркинлик, тенглик, бахтиёрлик қарор топади, деб умид қилган Абдулла Қаҳҳор. Агар мозийда меҳнаткаш халқ кўзидан қонли ёшлар оқиб, аждодларимизнинг боши мусибат ва қулфатдан чиймаган бўлса, шўро замонида йиғи-шодликка, қулфат-қувонч ва хотиржамликка ўрин бўшатар деб ишонган эди Абдулла Қаҳҳор.

Абдулла Орипов Абдулла Қаҳҳорга бағишланган хотираларида «Абдулла аканинг лафзидан учган сўзлар нечоғлик шафқатсиз бўлмасин, унинг кўзларида доимо қандайдир бир мунг яшириниб ётарди», дейди. Эҳтимол, бу мунг – ҳасрат ва армон мунги бўлган. Эҳтимол, бу – англаш азоби ва чорасизлик ҳисси бўлгандир. Эҳтимол, бошқа нарсадир. Нима бўлганда ҳам, ўша хосиятли Мунгда қучли Шахс соғинчи яширинганига шубҳа қилмайди киши. Шунинг учун ҳам бизда Абдулла Қаҳҳорни соғиниш, ич-ичдан қўмасиш ҳисси бор. Юсак чўққиларни қўзлаган йўлчи муаззам тоққа суянгандек, биз ҳам бугун Абдулла Қаҳҳорга суянамиз, ҳаётга, адабиётга, истеъдодга устоз нигоҳи ила қарай олсак, ижод оламидаги сохта даҳочилик, майдакашлик ва дидсизлик иллатларида халос бўлиш муқаррарлигига ишонгимиз келади.

## ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ “РУҲЛАР ИСЁНИ” ДОСТОНИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ Ш. Бобоназарова, ТДПУ, магистрант

Мантикий фикрлаш инсоннинг асосий олий хусусиятларидан бири бўлиб, унинг рухан соғломлигининг асосий белгиларидан саналади. Мантикий фикрлаш, илмий, назарий билимлар, ижтимоий ҳаёт ходисаларини теран англаш, идрок этиш асосида юзага келади.

Адабиёт фанининг турли босқичларида таникли шоиримиз Эркин Воҳидов асарларини замонавий педагогик технологиялар асосида ўргатиш орқали ҳам ўқувчиларнинг мантикий фикр юритиш қобилиятларини камол топтириш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи педагогик технологиялардан маҳорат билан ўрин фойдаланмоғи талаб этилади.

Касб ҳунар коллежларида Эркин Воҳидовнинг "Руҳлар исёни" достонини ўрганиш жараёнида янги педтехнологияларни қўллаш дарс самардорлигини ошириб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга имкон яратади.

Бунинг учун олдиндан дарснинг технологик харитасини яратиб, шу харита асосида иш олиб боирмлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Харитада машғулот давомида амалга оширилиши лозим бўлган барча педагогик ҳаракатлар ўз ифодасини топади.

Машғулот учун тузилган маъруза матнида шоир ҳаёти ва ижодининг диққатга сазовор жиҳатлари; шоир шеърятининг ўзига хос қирралари, шеърый тўпламлари, драмалари, таржималари, меҳнат фаолияти ҳақидаги аниқ маълумотлар келтирилади. (Маъруза матни таянч ўқув ахбороти сифатида ўқувчиларга тақдим этилади).

Дарсда компьютер технологияларидан фойдаланилади.

Компьютер экраннда Э.Воҳидов ҳақидаги лавҳа намойиш этилади. Шундан сўнг гуруҳларга ажратилган ўқувчилар ўртасида "Сиз шоирни қай даражада биласиз?" мусобақаси ўтказилиб, уларни фаоллаштиришга эришилади.

Гуруҳ сардорлари эса "Кластер" орқали ўзларини синаб кўрадилар.

Ўқувчиларга 1-2 бетлик шоир ижоди билан боғлиқ материал тарқатилади ва улар бу материаллар орқали ҳамда дарсликда берилган маълумотларни ўқиб ўзаро фикр алмашадилар.

Ўқитувчи шундан кейин дарсда лирик чекиниш қилиб, ўқувчиларни табассум бекатига етаклаб Э.Воҳидов билан боғлиқ ижод аҳли томонидан айтилган латифага ўхшаш воқеалардан айтиб беради.

"Руҳлар исёни" достонини ўрганишдан олдин, шоирнинг асар яратилиши билан боғлиқ фикрлари баён этилади.

Ўқувчиларга олдинги дарсда уйда достонни мустақил ўқиб келиш топшириғи берилганлиги учун Назрул Исломо образи билан боғлиқ жадвал берилиб, ундаги алоқадорликни шарҳлаш вазифаси топширилади ўқувчиларнинг жавоблари тингланиб, зарур ўринлари

изоҳланиб, тўлдирилади. Жадвал жавобларини шарҳлаш билан бирга бевосита бадиий асарда қўлланилган тасвир воситалари, асар тили ва услуби, дostonнинг номланиши ҳақида тушунча берилди. Шундан сўнг "Рухлар исёни" дostonининг айрим ўринлари ўқувчиларга ўқитилади. Бунда асарни ўқувчиларнинг ифодали ўқишига эътибор берилди. Асарнинг маълум ўринлари ўқитилгач, ўқувчилар ўқитувчи томонидан тарқатилган матнларни оладилар, ҳамда дарсликда берилган маълумотлар билан бирга ўрганиб чиқадилар ҳамда ўзаро фикр алмашадилар. Бир-бирлари ва ўқитувчи томонидан билдирилган асосий фикр ва мулоҳазаларни баён этиш орқали фаол ҳамкорликда таълим олишни ўрганадилар бу эса уларда онглилик ва масъулиятлилик каби сифатларни шакллантиради.

Рефлексия босқичида ўқувчилар ўқитувчи томонидан берилган муаммоли саволлар хусусида фикрлайдилар, муаммолар юзасидан ўз нуктаи-назарларини билдирадилар. Ўқувчилар машғулот бошланишида "Б/Б/Б" жадвалини тўлдирадилар. Машғулот мавзуси бўйича нималарни билишларини, нималарни билишни исташларини аниқлаштириб олгач жадвалнинг 3-устунини дарснинг якуний босқичида тўлдирадилар.

Машғулотни бу тарзда олиб бориш орқали ўқувчиларда таълимий фаолиятга нисбатан мотивация ривожланади, ўқув-билиш фаолиятларини тўғри режалаштириш баробарида уларда таълимий мақсадлар асосида ҳамкорликда ишлаш, изланиш кўникмалари таркиб топади.

Ўқувчилар ўқитувчи томонидан берилган муаммоли саволларга шахсий фикр, нуктаи-назарларидан келиб чиққан ҳолда эркин фикр билдирадилар. Бунинг натижасида ўрганилаётган муаммо юзасидан шахсий фикр, муносабат таркиб топади, ўқувчилар фаоллашадилар.

Машғулотнинг якуний босқичида ўқувчилар томонидан маъруза ва дарсликда келтирилган ўқув ахборотининг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида мавзуга оид бошқотирмани бажарадилар, ҳамда турли хил топшириқлар асосида назорат ўтказилади. Бошқотирмани ечиш натижалари бўйича савол-жавоб ўтказилади, ноаниқликларни ойдинлаштиради. Ҳолиб гуруҳ аниқланиб рағбатлантирилади.

Уйга вазифа тарзида "Одам. Олам. Ҳаёт ва яшашдан мақсад, тушунчаларим" мавзусида эссе тайёрлаб келиш топширилади.

Машғулотни юқоридаги тартибда олиб бориш натижасида ўқувчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан шахсий фикр, танқидий муносабат таркиб топиб бадииятни англаш ва идрок қилиш кўникмалари шаклланади.

## ҲИКОЯДА СЎЗ ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Д.Тўхлиева, ТДПУ, магистрант

Алишер Навоийнинг тасвирлаш маҳорати, поэтик истеъдоди кўплаб тадқиқотларнинг объекти бўлган. Бу ҳақда буюк шоирнинг замондошларидан бошлаб, ҳозирги адабиётшуносларгача анча салмоқли ва жиддий гапларни кўплаб айтишган. Айниқса, Фитрат, Ойбек, Максуд Шайхзода, Н.Маллаев, А.Рустамов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафурон, С.Эркинов, Н.Комилов, Ё.Исҳоқов, И.Ҳаққулов сингари йирик олимларимизнинг бу борадаги кузатишлари таҳсинга лойиқдир.

Шунга қарамай, назаримизда, ҳали Навоий ижодининг гулшанида терилмаган гуллар ҳам анчагина. Шулардан бири, шубҳасиз, Навоийнинг ҳикоятларда сўз танлаши ва қўллаши билан боғлиқ ўзига хосликларнинг қонуниятларини кашф этишдан иборат. Биз ўз мулоҳазаларимизни “Ҳайрат ул-аброр”даги “Нўширавоннинг ҳаё боғида нарғис кўзидин кўзининг нарғиси уёлиб нарғис кўзлук гулруҳидин канор истамай, канора истагони” сарлавҳали ҳикояси асосида билдиришга ҳаракат қиламиз.

Дастлаб сарлавҳанинг ўзи ҳақида. Унда бир неча сўз ёки сўз шаклларининг такрори сезилади. Бунга “кўз”, “нарғис”, “канор” сингари сўзларни киритамиз. Одатда, насрда ҳам, назмда ҳам сўз такрори кўпинча ижобий ҳодиса саналмайди. Алишер Навоийнинг мазкур ҳикояси сарлавҳаларидаги сўзлар такрори эса том маънодаги санъат даражасига кўтарилгани билан эътиборлидир. Бу ҳақда алоҳида тадқиқотлар (Ҳ.Мамадов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов) юзага келганини ҳам қайд этиш жоиз.

Сарлавҳадаги биринчи ифода “нарғис кўзи” “нарғис” (ёки “бўтакўз”) деб номланган гулнинг кўзга ўхшаш ҳолатини англатади. Уни “нарғиснинг кўзи” тарзида тасаввур этиш ўринли бўлади. Кўзи нарғиси эса истиора тарзида инсоннинг кўзи ва унга боғлиқ ҳолда ҳаё ва андишани англатади. “Нарғис кўзлук” эса маъшуканинг сийрати сифатида қўлланган.

“Канор” ва “канора” сўзларининг шаклан яқинлиги ҳам муаллифга сўз ўйини қилиш имконини берган. Уларнинг биринчиси “оғуш”, “бағал” деган маънони, кейингиси эса “четлашиш”, “чет” “қирғоқ”, “бир тараф” деган маъноларни англатади.

Ҳикоя қуйидаги байт билан бошланади:

Шоҳ эмас эрканда Ануширвон

Бўлди биров ишқи билан нотавон.

Ҳикоят Ануширвоннинг одоби, ахлоқи, маънавияти ҳақидадир. Шунинг учун ҳам мисраларнинг қофиясида унинг номи бежиз келтирилмаган. Одатда, қофияга байт мазмунига бевосита дахлдор бўлган, ундаги таянч тушунчаларинг бирини англатадиган сўзлар тушади. Бу қонуният Навоий ҳикоятларининг кўпи учун хос. Жумладан, мазкур дostonнинг ўзидан ҳам бунга бир қатор мисоллар келтиришимиз мумкин.

Боязид Бистомий ҳақидаги ҳикоятда:

Қайғулук ўлтурмиш эрди Боязид,

Сўрли ғами кайфиятин бир мурид.

Шайхи Ирокий ҳақидаги ҳикоятда:

Улки фано куйида бокий эди,  
Фаҳри замон Шайхи Ирокий эди.

Имом Фаҳр Розий ҳақидаги ҳикоятда:

Зумраи роз аҳлига маснад нишин,  
Даҳр имом ул-имами фаҳри дин...

Энди ҳикоянинг ўзига қайтадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, унда макон билан боғлиқ бир қатор сўзларга алоҳида урғу берилган. Булар: “ғунча, чаман, хилват, бута-нарғис; иккинчи туркумни маъшуканинг кўриниши билан боғлиқ сўзлар ташкил этади: гулруҳ, гулузор, дилбари мунис, суманбар; учинчи туркум сўларни бевосита маънавий-маърифий, ахлоқий соҳага даҳлдор деб билиш мумкин: пинҳон, меҳнат, висол, мутағаййир, мутаҳаййир, футувват, дилкаш, хуш ва б.

Буларнинг барчаси Навоий ҳикоятларининг поэтик хусусиятларини, уларда сўз кўллаш билан боғлиқ бўлган ўзига хосликларнинг ниҳоятда такрорланмас жиҳатлари кўплигини кўрсатиб турибди. Уларни бир ҳикоя доирасида ҳам, бошқа ҳикоятлар билан қиёсий йўналишда ҳам, шунингдек, бошқа ҳамсанавислардаги мавжуд анъаналар билан солиштириб кўриш ҳам жиддий илмий нагижаларни бериши мумкинлигини тасдиқлайди. Булар эса навоийшуносликнинг келгусида ўрганилиши лозим бўлган жиддий муаммоларидан биридир.

## LINGVOKULTUROLOGIYANING TARIXIY VA NAZARIY ASOSLARI

S. Bobonazarova, TDPU, magistrant

Lingvokulturologiya tilshunoslikdagi nisbatan yangi soha bo'lib, til va madaniyatning o'zaro aloqasi va o'zaro ta'sirini o'rganadi. Hozirgi zamonaviy tilshunoslikda til va madaniyatning bir-biriga ta'sirini o'rganish muhim masala bo'lib qoldi. Buning sababi jahon miqyosidagi muammolarning globallashuvi, har xil masalalarni hal etishda turli xalqlarning universal va o'ziga xos bo'lgan fe'l-atvori va munosabatlarini hisobga olish zarurati, madaniyatlararo tushunmovchiliklar paydo bo'lish ehtimoli yuqori bo'lgan vaziyatlarni oldindan bilish ehtiyoji, kommunikativ faoliyatning asosida yotgan madaniy boyliklarni belgilash va aniqlashning muhimligidir.

Birinchi marta til va madaniyatning bog'liqligi XX asrning boshida amerikalik tilshunos R.Lado sxemasida belgilangan. Uning sxemasida a va b shaxslar o'rtasidagi muloqot qanday tarzda o'tishi kerakligi ko'rsatilgan edi. XX asrning 90-yillariga kelib esa lingvokulturologiya fani rus tilshunosligida ancha keng o'rganildi, bu sohada ayniqsa V.N.Teliya, V.V.Vorobev, N.I.Tolstoy, Y.D.Apresyan, Y.A.Yakovleva, V.A.Maslova va boshqalarning ishlari ahamiyatlidir [1–6]. Ular o'z tadqiqotlarida tilda o'z aksini topgan va mustahkam o'mashgan xalq madaniyatining namoyon bo'lishini yoritganlar. XX asrning oxirida Moskvaда quyidagi to'rt lingvokulturologik maktab vujudga keldi:

1) Y.S.Stepanovning lingvokulturologik maktabi. Bu maktab metodologiyasi bilan E. Benvenistaning nazariyasiga yaqin bo'lib, uning maqsadi madaniyatni o'zgarish holda diaxronik jihatdan ta'riflashdir;

2) N.D.Arutyunova maktabi. Har xil zamon va xalqlarga tegishli bo'lgan matnlarda olingan madaniyatning universal atamalarini tadqiq etadi;

3) V.N.Teliya maktabi. Bu maktab Rossiyada va xorij davlatlarida frazeologizmlarning lingvokulturologik tahlili bilan shug'ullanuvchi Moskva maktabi sifatida ma'lum bo'lgan maktabdir.

4) V.V.Vorobev, V.M.Shaklein va boshqalar tomonidan Rossiya xalqlar do'stligi universitetida yaratilgan, E.M.Vereshagin va V.G.Kostomarovlarning nazariyasini davom ettirayotgan lingvokulturologiya maktabi.

Lingvokulturologiyaning eng asosiy xususiyati u yoki bu hodisani ham madaniyat kontekstida va ham til kontekstida barobar ravishda kuzatishdan iboratdir. Lingvokulturologiyaning asosiy obyekti madaniyat va tilni faoliyat jarayonida o'zaro bog'lanishi, o'zaro ta'siri va bu o'zaro ta'siri sharhini til ma'lumotlari asosida bir butun tizimli yaxlitlik sifatida o'rganishdan iboratdir. Lingvokulturologiya predmeti sifatida til birliklari, nutq faoliyati elementlari va insonning nutqiy xulqi ishtirok etadi, bular madaniyatga tegishli omillar orqali aniqlanadi va bu masala o'z navbatida til belgilarining madaniy semantikasini o'z ichiga qamrab oladi.

V.V.Vorobev lingvokulturologiyani quyidagicha ta'riflaydi: "...lingvokulturologiya – bu sintez qiluvchi shakldagi majmuiy ilmiy fan, bu fan madaniyat va tilning faoliyatini o'zaro aloqa va hamkorlikda o'rganib, bu jarayonni til va tildan tashqari (madaniy) mazmun birliklarining mukammal va yagona tarkibda tizimli uslublar yordamida hamda zamonaviy yo'nalishlar madaniy me'yorlarga (normalar va umumbashariy qadriyatlarga) qaratilganligini aks ettiradi" [7. 126-bet].

V.A.Maslova shunday deydi: "Lingvokulturologiya – bu lingvistika va kulturologiya tutashgan joyda vujudga kelgan fan bo'lib, tilda o'z aksini topgan va unda qayd etilgan va xalq madaniyatining namoyon bo'lishini tadqiq etuvchi hamda til jarayonlarida ishtirok qiluvchi, jonli milliy tilda mujassam bo'lgan moddiy va ma'naviy madaniyatni o'rganuvchi gumanitar fandır. Tilning asosiy (fundamental) vazifalaridan biri – madaniyatni vujudga keltirish (yaratish), rivojlantirish, saqlash va namoyish etish vositasi bo'lishini qanday qilib amalga oshirishini aniqlab, ta'riflashga imkon yaratadi. Uning maqsadi til madaniyatni o'z birliklarida saqlab namoyish etuvchi usullarini (metodlarini) o'rganishdir" [8. 30-bet].

Lingvokulturologiyada bugungi kunga kelib bir necha yo'nalishlar shakllangan bo'lib, ulardan biri qiyosiy lingvokulturologiyadir. Qiyosiy lingvokulturologiyada ikki va undan ortiq til va madaniyatlarning umumiyligi va farqi aniqlanadi, har xil lingvokulturalarning (lingvomadaniyatlarning) o'zaro bog'liq etnoslarda namoyon bo'lishi o'rganiladi.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. – М.: Школа «Языки и культура», 1996.
2. Воробьев В.В. О статусе лингвокультурологии//Русский язык, литература и культура на рубеже веков. Тезисы докладов и сообщений IХ конгресса МАПРЯЛ. – Т. 2. – Братислава, 1999.
3. Толстой Н.И., Толстая С.М. Этнолингвистика в современной славистике //Лингвистика на исходе XX века: итоги и перспективы: Тезисы международной конференции. – Т. 2. – М., 1995.



4. Апресян Ю.Д. Избранные труды. Интегральное описание языка и системная лексикография. – М.: Прогресс, 1995.
5. Яковлева Е.С. Фрагменты русской языковой картины мира (модели пространства, времени и восприятия). – М.: Гнозис, 1994.
6. Маслова В. А. Лингвокультурология. – М.: Изд. Центр «Академия», 2004.
7. V.V.Vorobev: yuqoridagi manba, 126-bet.
8. V.A.Maslova: yuqoridagi manba, 30-bet.

## АДАБИЙ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СЎНГГИ ЮТУҚЛАРИ

Ш. Каримова, ТДПУ, талаба

Ўзбек мумтоз адабиёти аждодларимиз минг йилликлар давомида башарият адабий-эстетик тафаккурига кўшган бекиёс улушларини жамлаган ноёб хазина. Уларда ўз аксини топган соҳирқалам отабоболаримиз битган рангин сўз дурларига хос поэтик жозиба ва серқатлам маъно жилвалари китобхон маънавиятини юксалтириш, руҳини поклаш, дунёқарашини коинот чексизликларига олиб чиқишда ибрат мактаби вазифасини ўтаб келмоқда. Мумтоз адабиёт асрорини эл-юрт фарзандлари қалби ва шуурига етказиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш доимо долзарб бўлиб келган.

Айниқса, юртимиз истикдолга эришгач, маънавий қадриятларимизни асраш, нашр қилиш, кенг тарғиб этиш, таълим-тарбия жараёни турли босқичларига тадбиқ қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этди.

У.Долимов, Қ.Йўлдошев, С.Матчонов, М.Мирқосимова, Қ.Хусанбоева сингари адабиёт ўқитиш методикаси муаммолари билан фаол шуғулланувчи олимларнинг жиддий тадқиқотлари юзага келди. Улар сафига дадил қадам қўйган Андижон давлат университети доценти Валижон Қодиров қаламига мансуб *“Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар”* китоби ҳам ана шу эҳтиёж ва зарурат натижаси, мустақиллик берган улкан имконлар самараси ўлароқ дунёга келди.

Монографик тадқиқот муаллифи умумтаълим мактабларида мумтоз адабиёт ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, умумий принципларини белгилаб берган. Бу давр адабиёти намуналарини ўрганишнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш асносида, ўқитиш самарадорлигини ошириш илмий-педагогик асосларини ишлаб чиққан. Китобда даставвал, айни муаммонинг умумтаълим мактабларидаги ҳозирги кундаги аҳволи таҳлил қилинган. Соҳада учровчи мураккабликлар муфассал тавсифланган. Хусусан, у тубдан янгиланган адабий мезонлар асосида ўқув дастурлари, дарслик ва методик қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш зарурати мавжудлигини қайд қилади. Шунингдек, бадиий матн устида ишлашга эътиборни орттириш, луғавий бирликлар контекстуал маъносини ўқитириш, поэтикасини тушунтиришга бағишланган амалиётга мувофиқ келувчи методик йўриқномаларни кўпайтириш лозимлигини таъкидлайди. Қўринадики, муаллиф мумтоз адабиёт ўқитиш самарадорлигини оширишнинг

илмий-педагогик имкониятларини ўрганиш билангина чекланмай, унинг эстетик-педагогик асосларини ҳам ишлаб чиққан. Бу борада у методологик асос сифатида *“тажассули назарияси”*га таянишни тавсия этади. Унга кўра ошондан қийинга, оддийдан мураккабликка қараб борилади. Агар ўрганилаётган асар мазмуни англанса, ғояси идрок этилса, бадиияти ҳис қилинсагина олинган билимлар, эгалланган кўникмалар ҳаётда Ҳақ ва ҳақиқатни англашга хизмат қилади. Демак, ўқувчининг ўй-фикри ва кечинмаларини ингичкалаштириш, масъуллик туйғусини камол топтириш, мафкуравий иммунитетини шакллантириш лозим. Зотан, мумтоз адабиёт намуналарини ўргатишда ваъзхонликдан холи бўлган дидактика ўқувчиларда назарий билимлар, амалий кўникмаларни шакллантириш воситасидир.

В.Қодиров олий кадрлар негизида сўфиёна асарларни ўрганишда уларнинг руҳи, тасвирий-тимсолий образлар олами, фалсафий-педагогик меҳварига аҳамият қаратиш орқали ўқувчи туйғулари, дунёқарашига таъсир этиш муҳим эканлигини таъкидлайди. У лирик асарлар таҳлилида жанр хусусиятларига эътибор қаратади. Масалан, кичик ва ўрта жанрларни ўрганишда мисрама-мисра, байтма-байт шарҳлаш, катта ҳажмли асарларда бандларни яхлит таҳлиллаш-мазмундан шаклга қараб боришни мақсадга мувофиқ деб билади. Шунингдек, вазн, қофия, ритмика, образлар тизими, тил хусусиятлари, рамз ва мажозлар, бадиий маҳорат, бир сўз билан айтганда, поэтик тафаккур тарзини ўргатишни таълим жараёни асоси деб билади. Насрий асарларга хос маъно сиқиклиги, лиро-эпик асарларда эса, матнларни қисмларга ажратиш ўрганиш ва сўнгра умумлашма хулосалар чиқариш зарурлиги ҳам муаллиф назаридан четда қолмайди.

Кўринадики, В.Қодиров монографияси адабиётшунослик ва методика фанлари сўнги ютуқларига таяниб ёзилган назарий-монографик кўламдаги махсус тадқиқот бўлиб, адабий таълим самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Президентимиз И.А.Каримов таъбирлари билан айтганда: *“Ноёб инсоний фазилатларга, юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.”* Дарҳақиқат, бундай тадқиқотлар биз ёшларда ўзликни англаш туйғусини шакллантиришга яқиндан ёрдам беради. Зотан, қадимги тарихимиз ва бой маданиятимизни, улуғ аجدодларимизнинг меросини қанчалик чуқур ўзлаштирсак, бутунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаш қобилиятимизни юксалтирамиз. Диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаш зарурлигини яхшироқ англаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент., “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Тошкент., “Ўзбекистон”, 2009.
3. “Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар”. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Т.: 2009.

## “АСРГА ТАТИГУЛИК КУН” РОМАНИДА КИРИТМА ҲИКОЯЛАР

Г. Муїдинова, ТВДПИ, талаба

Бадий асар яхлит бадий бутунлик, унда турли даражадаги ахборот асардаги мазмун маромига боғлиқ равишда турли ўрин ва турли нисбатда уйқашган ҳолда жойлашади. Йирик жанрда яратилган бадий асарни хаёлан камраш қийин. Шунинг учун ўқувчи бу бутунликдаги ахборотни муҳим, номуҳимларни ажратиши, асардаги бош ғоя ва маънони тўғри англаши асар воқеаларини бадий структур қисмларга ажратган ҳолда ёдда сақлаб қолиши учун киритма ҳикоялардан фойдаланиш самарали натижа беради.

“Киритма ҳикоя, одатда, асар сюжети билан бевосита боғланмайди, ўзининг мустақил сюжетига эга бўлиб асар бутунлигига мазмуний жиҳатдан боғланади ва бадий концепцияни ифодалашга хизмат қиладик, шу жиҳатлари билан у моҳиятан гап таркибидаги киритма конструкцияларга ўхшашдир” – деб тариф беради адабиётшунос Д.Қуронов.

Айрим асарларда киритма ҳикоялар муҳим бадий унсур вазифасини бажаради. Ч.Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романи мисолида бунга гувоҳ бўламиз. Романга киритилган “Найман она”, “Сариўзакдаги қатл”, Раймали оға ҳақидаги киритма ҳикоялар асар тўқимасига сингдириб юборилган бўлиб, асосий сюжет воқеалари билан яхлит мазмуний бутунликни ташкил қилади. Мазкур киритма ҳикоялар ҳажми, жанр хусусиятларига кўра турлича. “Асрга татигулик кун” романига киритилган дастлабки киритма ҳикоя “Найман она” ривояти адибга асар ёзилган даврда ўта долзарб бўлган манкуртлик фожеасини бадий мушоҳада этиш имконини беради. Афсона отаси васиятини сариқ чакага олмайдиган, уни қаерга кўмишларига тамомила бефарқ, фақат ўз курсисини, лавозимини ўйлайдиган Собитжоннинг ҳати-ҳаракатлари ҳам ёвузликнинг янгича кўринишлари эканлигини англашга ёрдам беради. Собитжон ва Тансиқбоевлар жунжанглар томонидан мажбурлаб қулга айлангирилган манкуртларнинг замонавий туридир. Манкуртни жунжангларнинг жазо усули шу кўйга солган бўлса, Тансиқбоев ва Содиқжонларни шўролар мафкуравий сиёсати тарбиялаб етиштирган. Ўтмишни ва тилини, ажодларини унутган кишининг ўз онасини ўлдирган манкуртдан фарқи йўқ. Ёзувчи зарарли ғоялар инсон онгига сингдирилса, у қандай оқибатларга олиб келишини дард билан кўрсатиб беради.

Ёзувчи Эдигейнинг ўй-хаёллари замирида иккинчи бадий киритма ҳикояни бериб ўтади. “Сариўзакдаги қатл” ривояти романга кирувчи қисса тарзида “Чингизхоннинг оқ булут” номи билан алоҳида эълон қилинди ва адиб ҳаётлигида роман таркибига киритилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёкубов қисса ҳақидаги фикрларини қуйидагича изоҳлайди: “Чингизхоннинг оқ булут қиссасида икки йўналиш - бир томондан пок қалбли Абутолип билан бешафқат Тансиқбоев ўртасидаги мурасасиз тўқнашув, иккинчи тарафдан эса

дунёни ларзага келтирган Чингизхоннинг фожеаси бир-бири билан ботиний боғланиб кетган”<sup>104</sup>. Қисса орқали китобхон Абутолипнинг кейинги тақдирдан бохабар бўлади. У бутун борлиги фожеалардан иборат бўлиб қолган онларда ҳам ўзлигидан, ор-номусидан воз кечмайди. Абутолип ўлади лек унинг маънавий кучи ўқувчига кўтаринки рух бахш этади. Қиссанинг бадиий аҳамиятини кўтарган воқеалардан эътиборлиси – лашкарбошилардан бири юзбоши Эрдене билан қўшин туғларига гул тикадиган каштадўз Дуғулангнинг аянчли фожеасидир. Эрдене ва Дуғуланг муҳаббати уларни ўлими билан якувланди аммо муҳаббатнинг меваси тангрининг илохий мўжизаси сабаб тирик қолди.

Ч.Айтматов учинчи киритма ҳикоя Раймали оға ривояти орқали шахс эрки ва унинг дахлсизлиги ғоясини илгари сурди. Раймали оға ҳаётда ўзи хоҳлагандек яшади, қариганда Бегимой исмли қизни севиб қолади. Бегимой билан Раймали оға муҳаббати ишқи илоҳийдир. Раймали оғани телбаликда гумон қилиб банди этишганда у тутқунликдаги тирикликдан озод ўлимни афзал билиши куйидаги сатрларда ифодаланган:

Қора товдан кўч келар, кўч келганда,

Олатовдан кўч келар, кўч келганда.

Қўлимни ечиб юбор, инижоним Абдулхон,

Эрки-ла учиб кетсин танимдаги тирик жон<sup>105</sup>.

Роман таркибидаги ҳар учала ривоятда адибнинг олам, одам ва замон ҳақидаги бадиий концепциясини ифодалайди. Романдаги киритма ҳикоялар манتيқий кетма-кетликда жойлашган. Дастлабки афсона қаҳрамони манкурт- эрк нималигини билмайди, кейинги қисса қаҳрамони эрки учун кураша олмайди, учинчи ривоят қаҳрамони рух эркинлигига эришади. Улар орқали кўтарилган ижтимоий ва маънавият билан боғлиқ муаммолар долзарблигини йўқотган эмас.

Ч.Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романи ХХ асрнинг давр ҳақиқатлари, инсоният дардлари ва фожеалари, инсоннинг қудрати ва ожизлигини акс эттирувчи энг яхши асарлардан бири бўлиб қолади.

## FEATURES OF LITERARY POETIC TRENDS IN ENGLISH AND UZBEK LITERATURE

B. Uzoqov, K. Karimov, NamDU, magistrantlar

Poetry as an art form predates literacy. Some of the earliest poetry is believed to have been orally recited or sung. Following the development of writing, poetry has since developed into increasingly structured forms, though much poetry since the late 20th century has moved away from traditional forms towards the more vaguely defined free verse and prose poem formats.

<sup>104</sup> Ч. Айтматов. Охири замон нишонлари. -Тошкент, 2007. -Б.6.

<sup>105</sup> Ч. Айтматов. Асрга татиғулик кун. Қиёмат. -Тошкент, 1989. -Б.240.

Poetry was employed as a way of remembering oral history, story, genealogy, and law. Poetry is often closely related to musical traditions, and much of it can be attributed to religious movements. Many of the poems surviving from the ancient world are a form of recorded cultural information about the people of the past, and their poems are prayers or stories about religious subject matter, histories about their politics and wars, and the important organizing myths of their societies.

Poetry as an art form may predate literacy. Thus many ancient works, from the Vedas (1700 - 1200 BC) to the *Odyssey* (800 - 675 BC), appear to have been composed in poetic form to aid memorization and oral transmission, in prehistoric and ancient societies. Poetry appears among the earliest records of most literate cultures, with poetic fragments found on early monoliths, rune stones and stelae.

The most common metrical feet in English are:

- iamb – one unstressed syllable followed by a stressed syllable (e.g. **describe, include, retract**)
- trochee – one stressed syllable followed by an unstressed syllable (e.g. **picture, flower**)
- dactyl – one stressed syllable followed by two unstressed syllables (e.g. **annotate an-no-tate**)
- anapest – two unstressed syllables followed by one stressed syllable (e.g. **comprehend com-pre-hend**)
- spondee – two stressed syllables together (e.g. **e-nough**)
- pyrrhic – two unstressed syllables together (rare, usually used to end dactylic hexameter)

Uzbek literature developed on the base of rich folklore and oral traditions. Uzbek people transmitted orally legends based on heroes who struggled against oppressors and conquerors, depicted as bad fairies. These legends gave birth to such epic poems of Uzbek folklore as “Kyor-ogly” and “Alpamysh”. The poem Alpamysh about courage and bravery of Uzbek heroes went through centuries and became the real monument of Oriental literature.

Another really popular literary work was the cycle of tales and stories about Nasreddin Afandi – crafty, witty, cunning person, giving good lessons to greedy rich men and money-bags.

The 11th century was the period of literature, based on religious norms of Islamic morality. These are didactic poems “Kutadgu bilig” (1069) by Yusuf Khass Hadjib, “The gift of truths” by Akhmad Yugnaki and especially “Divan lugatit Turk” (1072-74), composed by Makhmud Kashgari.

The Tamerlane’s epoch was the golden age of fiction. They became popular thanks to the fact that works acquired more temporal character and became freer of excessive religiousness. It was the period of the great Oriental poet, thinker and political figure Alisher Navoi, who is considered the classic of Uzbek literature. His imperishable works “Chordevon”, “Khamsa”, “Farkhad and Shirin” and “Leyli and Medjnun” were translated into hundreds languages and are the world literature heritage.

The last emir of the Timurid Dynasty Zakhiriddin Babur is also famous as the great poet of his time. His epic poem "Boburname" is the masterpiece of Uzbek literature.

Generally, Uzbek literature of 18-19th centuries is lyric and dedicated to love. During this period such poets as Nadira, Uvaysi and many others became popular.

The early 20th century gave rise to Uzbek literature of Soviet period. The most prominent representatives of this period are Mukimi, Furkat, Khamza Khakimzade Niyazi and Sadridin Ayni, Abdulla Kadiri, Fitrat, Oybek, Gafur Gulyam, Abdulla Kakhar, Khamid Alimdjan, Uygun.

The chief literary types, all poetic forms developed according to followings:

- **the qasida** was developed by pre-Islamic Arabs and has endured in Arabic literary history up to the present. It consists of an elaborately structured ode of from 20 to 100 verses and maintains a single end rhyme through the entire piece. The poem opens with a short prelude, usually a love poem, to get the reader's attention.

- **the ghazel** is a love lyric of from five to 12 verses that probably originated as an elaboration of the qasida's opening section. The content was religious, secular, or a combination of both.

- **the qitah** is a literary form used for the less serious matters of everyday life. Its main function was for satire, jokes, word games, and codes.

- **the masnavi** originated in Persia, a country with its own ancient literary tradition. The term means "the doubled one," or rhyming couplet. The masnavi became very popular because it enabled the poet to tell a long story by stringing together thousands of verses.

- **the ruba'i** also has its roots in pre-Islamic Persian poetic tradition. Its form is a quatrain (four-line verse) in which the first, second, and fourth lines rhyme. The most famous example of the ruba'i is the 'Rubaiyat' of Omar Khayyam.

Can be concluded that there are so much differences in literary trends in English and Uzbek literature. But modern literature has many similarities as well. This is because of literary relations and literary imitations.

## АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Н. Эрнazarова, ТДПУ, магистрант

Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг яратилиши Ўзбекистоннинг халқаро талаблардаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган дадил, ақлли, теран фикрлай оладиган, мустақил, ижодий тафаккурли, малакали, билимли мутахассис, айни пайтда шахсий инсоний сифатлари шакланган баркамол кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Академик лицейда адабиёт фанини ўқитиш жараёнида инновацион педагогик технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи

сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса ўқувчидан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади. Ҳар қандай инновацион педагогик технологиянинг дарс жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиққан ҳолда, ўқувчини ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганига боғлиқ бўлади.

Академик лицейлар адабиёт фанларида педагогик технология асосида ўтказилган машгулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади. Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган, ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак. Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари – интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, тажриба ўқувчиларни билимли ва етуқ малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Маълумки, таълим тизимида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлиги ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда академик лицейларда ўқувчиларни ўқитиш сифати педагогик инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш шарт-шароитларига, таълимнинг анъанавий усуллари билан мақсадга мувофиқ равишда узвий қўллашга боғлиқ. Айрим ҳолларда самарали бўлган анъанавий усуллардан воз кечиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Бу инновацияларни тажрибада синалган ва ижобий натижа бериб келатган ўқитишга қарши қўйишдек сезилмоқда. Шунинг учун ҳам анъанавий таълим тизимидаги ижобий тажрибалар инновацияларга уйғунлаштирилса маъқул бўлар эди.

Ҳозирги кунда таълим тизимида инновацион технологияларни қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишнинг сабабларидан бири шу вақтгача таълим мақсадлари ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни ўзлаштириб олишга қаратилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Хулоса тариқасида айтиладиган бўлсак, академик лицейлар ва бошқа таълим муассасалар ўқувчиларни инновацион технологиялар асосида ўқитиш билан чекланиб қолмасдан, келажакда амалий фаолиятларида ўзлари инновацион технологияларни муваффақиятли қўллашга ўргатишни асосий вазифа деб ҳисоблайман.



## МУНДАРИЖА

М.Мирқосимова, Жонкуяр раҳбар ва олима.....	3
Қ.Йўлдош Оқибат.....	6
Р.Йўлдошев, Мен ўз ҳаётимни илмий ишгабагишламоқчиман.....	11
Т.Niyozmetova, Familiyadosh – adash qutlovi.....	13
Д. Исломова, Устозга эҳтиром.....	14
Б.Тўхлиев, Адабиётни ўрганишнинг метод ва усуллари ҳақида.....	16
Р.Х.Ниёзметова, Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишнинг айрим масалалари ҳақида.....	21
Қ.Хусанбоева, “Гулнор она” ва уни ўрганиш билан боғлиқ муаммолар.....	23
М. Абдиев, Бадий матн таҳлили ва таълим.....	28
Оразбаев Қурмонғали,Халқ меҳрини қозонган шоир.....	30
Т.Зиёдова, Нуткий маҳоратни шакллантиришда мябт-4 модулидан фойдаланиш.....	31
Б.Абдурахмонова “Қутадғу билиг” асари матни устида ишлаш.....	36
Д.Каримова, Адабиёт дарсларида фаридиддин аттор асарларидан фойдаланиш.....	39
Т. Матёкубова, Ёшлар тарбиясида ғафур ғулом насрининг ўрни.....	41
Г. Эшчанова, Бадий идрок – бадий завқнинг асоси.....	45
Е. Абдувалитов, Туркий халқлар адабиётини тизимли ўрганиш.....	48
Д. Исломова, Бадий асарни ўқиб тушуниш муаммолари.....	51
Я.Мадалиев, Афанди латифалари ҳақида.....	54
А. Болтаева, Асар қаҳрамонларига танқидий баҳо беришда ифодали ўқишнинг ўрни.....	55
У. Мисирова, «Саёҳатнома» жанри адабий ўлкашунослик манбаси сифатида.....	58
К.Досанов, Бадий асар таҳлилида фанлараро алоқадорликдан фойдаланиш.....	61
Г. Turdaliyeva, Ona tili darslarida fanlararo bogʻliqlik asosida kasbga yoʻnaltirib oʻqitish masalalari.....	65
К. Мавлонова, Ўқувчиларни бадий ижодга ундаш методикаси.....	67
Ш. Юсупова, Тил таълимида воқеликни образли тасвирлашга ўргатиш.....	71
Р.Расулов, Метод ҳақида.....	74
Q. Yadgarov, Oʻtilgan mavzularni takrorlashda badiiy matndan foydalanish.....	78
О. Охунжонова, Яна савод ва саводхонлик ҳақида.....	80
С.Мисиров, Қ.Аҳмаджонов, Коммуникатив методика асосида чет тилини ўргатиш хусусиятлари.....	83
А. Убайдуллаев, Фонетик жиҳатдан ўзгарган сўзлар таҳлили (“Луғати туркий” мисолида).....	85
Т. Юсупова, Синтаксисни морфология билан интегратив ўрганиш.....	87
L. Jalolova, Barkamol shaxs tarbiyasida til taʼlimining oʻrni.....	89
Q. Yadgarov, S. Asqarova, Maʼnaviy barkamol shaxs kamolotida kitobning ahamiyati.....	91
З. Мирзакаримова, Ш. Раҳмонова, “Ўткан кунлар” ҳам “Ўткан кунлар” танқиди устида баъзи изоҳлар.....	93
Д. Жумашев, Кўмакчиларнинг грамматик ва прагматик хусусиятлари.....	96
И.Тожибоев, “Девони луғот ит-туркда”ги мақол ва ҳикматларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	101



Ҳ.Бердиев, Ўтовозлик терминлари – композицион-поэтик восита сифатида.....	104
З. Райимбердиева, Тил таълимида ўқув жараёнини алгоритмлаштириш.....	107
И.Дарвишев, Жануби-ғарбий Наманган шеваларида чуқур тил орқа ундошлари.....	109
S.Daminjanov, Fitrat adabiy merosi xorij adabiyotshunoslari talqinida.....	111
Ў.Абдураимова, Дарс жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш.....	114
D. Xodjayeva, Ona tili darslarida muammoli o'yin usullaridan foydalanish.....	116
Д.Дуйсебасва, Суз маъноларини ўрганиш ўқувчилар тафаккури ва нутқини ўстирувчи омил сифатида.....	118
З.Турсунов, С.Дадабосов, Маданиятлараро таълим усулининг чет тили ўргатишдаги ўрни.....	121
А.Нажимова, Бошланғич синф она тили дарсларида нутқ ўстириш.....	123
А.Султанова, Ўқитувчиларнинг ўзбек тилини ўқитиш мақсадлари ҳақидаги фикрлари.....	125
С. Тажбенова, Дарснинг олинган билимини амалда қўллаш босқичи.....	127
А.Эргашева, Узлуксиз она тили таълимини янги сифат босқичига кўтаришнинг методик муаммолари.....	129
В.Ахмедова, Драмада руҳий коллизия.....	131
М.Мирқосимова Ҳозирги ўзбек шеърлятига хос шаклий ва услубий изланишлар.....	133
И. Якубов, Этнокодий эвристиклар генеологияси.....	136
Қ.Сидиқов, М.Абдурахмонова, “Kutadgu bilig” – a famous turkic treatise.....	139
О. Искандарова, Тирик жонни маҳв этма.....	141
Ш. Исаева, Бадий ифода ва руҳият тасвири синтези.....	142
Й.Раҳматов, Шайбонийхон шахсининг оғзаки ва ёзма адабиётдаги талқини.....	144
I. Boltayeva, G. Muydinova, Yoshlarda yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlarni shakllantirishda SHingiz Aytmatov asarlarining o'rni.....	149
Н.Бозорова, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonида комиллик масаласи.....	151
И. Болтасва, Ш. Раҳмонова, Зайнаб янгича талқинга муҳтож.....	154
З. Мирзақаримова, Ш. Раҳмонова, Руҳий ҳолат феълларининг “билаш” кўмакчиси воситасида бирикishi.....	157
С. Абдуллаева, Ҳомил Ёкубов - адабиётшунос ва мунаққид.....	159
Г. Аншурова, Навоий шахси ва фаолияти энг улуғ ибратдир.....	162
Г.Жўрасва, Ўзбек болалар шеърлятида ҳажвий образ яратиш маҳорати.....	163
Қ.Сидиқов, Б.Раззақов, Бадий таржиманинг лексик-стилистик муаммолари (“Кутадгу билиг”даги айрим бадий санъатлар таржимаси мисолида).....	166
О. Аметова, “Кутадгу билиг”даги айрим соматик иборалар ҳақида.....	168
Б.Жафаров, Энг қадимий топишмоқлар.....	172
Ҳ.Аликулова, Ёр-ёр кўшиқларида соч магияси.....	173
Ф. Азимова, Академик лицейларда рудакий лирикаси таҳлили.....	175
А. Шофқоров, Такрорнинг услубий хусусиятлари.....	179
Н. Мирсоатова, Адабий таълим ва ёшлар тарбияси.....	181
О.Ғозиева, С. Жанилова, Она тили дарсларида дидактик ўйин технологияларидан фойдаланиш.....	185
Ё.Алимқулов, Таълим муассасаларида психологик хизматни ташкил этиш.....	187

О. Ражабов, Иқтидорли болалар ва уларнинг таълими масалалари.....	191
Г.Хожаниязова, Талабаларнинг касбий-педагогик малакаларини шакллантириш.....	195
Ё.Алимқулов, И.Ибрагимов, Ўқувчи-талаба ёшларда ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш йўллари.....	196
G. Qodirova, Matn tahlili jarayonida o'quvchi shaxsini tarbiyalash.....	200
С. Қулматова, Навоий – халқимиз улугвор руҳи тимсоли.....	201
Б.Тоштемирова, Саломат Вафо ҳикояларида аёл руҳияти талқини.....	204
Н. Давлатова, Нодира лирикаси ва ёш авлод тарбияси.....	207
А. Самиев, Инсоний ва ижодий бурчни англаш – давр талаби .....	210
М.Юсупова, Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг касбий қарашларини шакллантириш.....	213
Х. Тўхтасинова, Огаҳий ижоди ёш авлодни тарбиялашнинг маънавий-руҳий омили сифатида.....	215
D. Yalgasheva, Alisher Navoiyning "Hayrat ul-abror" dostonida qiyosiy usulning namoyon bo'lishi.....	217
Y. Umirzoqov, 5-sinfda O'tkir Hoshimov hayoti va ijodini axborot texnologiyalri vositasida o'rgatish.....	219
M.Qurbonova, Ma'naviyat tushunchasining tilshunoslikka tadbiqi .....	221
Н.Тўхтаева, Назарий тушунчаларнинг бадиий асар таҳлилидаги ўрни.....	222
Н. Раззоқова, Адабиёт атомдан кучли.....	224
Ш. Бобоназарова, Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” дostonини ўрганиш жараёнида ўқувчиларни фаоллаштириш.....	226
Д.Тўхлиева, Ҳикояда сўз танлаш тамойиллари.....	228
S. Bobonazarova, Lingvokulturologiyaning tarixiy va nazariy asoslari.....	229
Ш.Каримова, Адабий таълим самарадорлигини оширишнинг сўнгги ютуқлари .....	231
Г. Муйдинова, “Асрга татиғулик кун” романида киритма ҳикоялар.....	233
V. Uzoqov, K. Karimov, Features of literary poetic trends in English and Uzbek literature .....	234
Н.Эрназарова, Академик лицей адабиёт дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланиш.....	236